



Н. Низомиддинов

ҚАДМАҒИ ХИТӨЙ ТАРИХИ.

ДУНИЙ ЭЪТҚОДУ ВА
МАДАНИЯТИ

朱熹集註



3(5Хит)7

1072

57

Н.Ғ.Низомиддинов

**ҚАДИМГИ ХИТОЙ ТАРИХИ, ДИНИЙ
ЭЪТИҚОДИ ВА МАДАНИЯТИ**

Тошкент – 2014

Асар буюк Абу Райҳон Берунийнинг порлоқ хотирасига бағишланади

УЎК: 94 (315)
ББК 63.3 (5Хит)-7
Н-57

Н-57 Н.Ф.Низомиддинов. Қадимги Хитой тарихи, диний
этиқоди ва маданияти. –Т.: «Fan va texnologiya»,
2014, 386 бет.

ISBN 978-9943-975-51-4

**Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи ушбу
монографияни нашр этишда ҳомийлик қилган «Максам –
Чирчиқ» очик акциядорлик жамияти раҳбарияти ва касаба
уюшмаси кумитасига ўзининг чуқур миннатдорчилигини
билдиради.**

Дийримизда илк бор минг йил муқаддам Абу Райҳон Беруний илмий
муомалага киритган II Парқ халқлари қадим тарихи, диний этиқоди, илм-фани ва
маданияти ҳозирда истисқол шарҳфати билан янада кенг камровда тадқиқ
этилмоқда. Бинобарин, этиборга ҳавола қилинаётган монография ҳам юқорида
зикр этилган жараённинг мағзиқий даломи. Ушбу асарни яратишда хитой
диний-фалсафий, тарихий ва адабий манбалари катори дунёнинг турли қўша-
ларида чоп этилган наслардан фойдаланилди.

Мазкур монография соҳа мутахассислари, докторантлар, олий ўқув юрти
талабалари ва шунингдек, кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

А.Ҳасанов – тарих фанлари доктори, профессор.

Такризчилар:

А.Хўжаев – тарих фанлари доктори, профессор;


З.Исломов – филология фанлари доктори, профессор;

Н.Бекмуратов – сиёсатшунослик фанлари номзоди, доцент.

«Ўзбек-хитой дўстлик жамияти» раисининг ўринбосари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари
буғичи кумитаси эксперт гуруҳининг 2589-сонли хулосаси ҳамда Тошкент
ислом университети «Диншунослик ва жаҳон динларини қиёсий ўрганиш
ЮНЕСКО кафедраси» ва Ўз.Р.ФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт
музейининг илмий Кенгаши тавсиясига биноан чоп этилди.

ISBN 978-9943-975-51-4



«Fan va texnologiya» нашриёти, 2014;

© Н. Ф. Низомиддинов, 2014.

Кириш

Агар ўтган XX асрнинг сўнги чорагидан Шарқий Осиёдаги йирик мамлакатларда юз берган ижтимоий-сиёсий воқеликларга назар солсак, уларнинг бевосита иқтисодий тараққиёт билан боғлиқликда кечганлигини кўрамиз. Ва бу жараён машхур расом ва файласуф С.Н.Рерихнинг таърифига кўра, қуйидаги омилларга асосланади:

«Бундан буён Ғарбда ривожланиш, нари борса, параллел йўналиш бўйича давом этади, чунки илм-фан, техника ва иқтисод тараққиётининг вертикал – юксакликка юзланиш навбати XXI асрдан Жануби-Шарқий Осиё минтақасига ўтади. Ер қуррасининг ушбу гўшаларидаги давлатларни, кўп ўтмай, табиий ресурслардан бўлак бирор нарса билан қизиқтириш қийин бўлиб қолади: на ишчи кучи-ю на янги технология, зеро, уларда ақлий ва жисмоний потенциал етарли. Шунинг учун келгусида улар билан маданий, ижтимоий ва иқтисодий алоқаларни кучайтиришда, бу ўлкаларда яшовчи халқларнинг қадимги тарихи, маданияти ва айниқса, диний қадриятлари, демак, маънавиятидан бохабар бўлишлик ғоят жиддий аҳамият касб этади» (7:4).

Айни шу нуқтаи назардан бўлса керак, Президенти-миз И.А.Каримов томонидан мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ «Жануби-Шарқий Осиёдаги янги индустриал мамлакатлар билан тенг ҳуқуқли муносабатларни йўлга қўйиш – Ўзбекистон ташқи сиёсатини кучайтиришнинг муҳим йўналиши» эканлиги таъкидланган эди (1:57-58).

Сирасини айтганда, одатда, ҳар бир хонадонга бўладиган ташрифдан олдин унинг оstonаси ортида қандай оила яшашини билиб қадам қўйилиши, ҳаётнинг барча жабҳасида ҳар икки тараф учун фойдадан холи бўлмаган. Бинобарин, эндиликда Шарқий Осиёнинг энг қудратли мамлақати Хитой Халқ Республикаси би-

лан ўрнатилган тенг ҳуқуқли муносабатларда ҳам хитой халқининг қадимги тарихи ҳамда унинг дунёқарашлари шаклланган диний эътиқоди ва маданиятидан имкон қадар бохабарлик, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни мустақкамлашда муҳим роль ўйнаши шубҳасиз. Қолаверса, бу борадаги келгуси тадқиқотлар ҳали тўла илмий муомалага киритилмаган тарихимизга алоқдор маълумотларга ҳам ойдинлик киритиш имконини беради.

Дарвоқе, бевосита монография муқаддимасида биз шунингдек, Хитой тарихига тааллуқли атамалар истифодаси масаласига ҳам тўхталиб ўтишни фарз деб билдик. Сабаби, етук хитойшунос олим А. Хўжаевнинг ўз асарларида қадим ва ҳозирги хитой тилига хос қуйидаги тўрт омилга алоҳида эътибор берганлиги бежиз эмас, яъни:

Биринчиси, «қадимий хитой тили ва ёзуви замонавий хитой тили ва транскрипциясидан тубдан фарқ қилади».

Иккинчиси, «асрлар давомида юз берган техник революциялар, интеграция ва глобализация жараёнлари шароитида халқ ва миллатлар тилларининг байналмилал сўз ва атамалар ҳисобидан бойиши уларнинг фонетик жиҳатларини ўзгартириб, морфологик таркибига ҳам таъсир кўрсатди».

Учинчиси, «ёзуви мураккаб иероглифлар тизимига асосланган ва фақат ўзига хос хусусиятлари жуда кўп бўлган хитой тили учун бу ўзгаришлар янада сезиларли кечди».

Тўртинчиси, «хитой манбаларининг рус тилидаги таржималари мавжуд бўлса-да, бироқ уларда топонимлар, этнонимлар ва тарихий шахсларнинг исмлари хитой иероглифларининг қадимги талаффузида эмас, балки замонавий ўқилишида транскрипция қилинган» (9:3). Шу боисдан юқорида қайд этилган шароитни инобатга олиб,

биз ҳам имкон қадар монографиядаги хос атамаларни иктибослар орқали уларнинг сўнгги нашрларда истифода этилган транскрипцияси билан таништириб бо-ришга қарор қилдик¹.

Қадимги Хитой тарихи

Маълумки, ҳозиргача фанда борлиқнинг пайдо бўлиши хусусида жуда кўп маълумотлар мавжуд. Аммо бу борада ўтмиш ва жорий илмий тадқиқотлар хулосаларидан ташқари, яна ҳар бир халқнинг ўз мифологияси негизида шаклланиб ривоятларда юзага чиққан шундай «кашфиёт»лари ҳам борки, уларни умри боқийлиги боис инкор этиб бўлмайди.

Хусусан, хитойлар тасавурида еру кўкнинг вужудга келиши икки ибтидо – «*Ян* ва *Ин*» нинг ўзаро ковушиши натижасида беш табиий унсурнинг яралишидан бошланган: сув, олов, дарахт, темир ва ер. Улар кейин ўзаро уйғунлашиб дарахтдан олов, оловдан ер, ердан темир, темирдан сув, сувдан эса яна дарахт ўсиб чиққан. Борди-ю, бу унсурларнинг бирортаси бошқаларидан узокроқ муддат устун келгудек бўлса, айтайлик, сув ёки олов, у ҳолда ер юзида ҳаёт тўхтаб, барча жониворлар ҳалок бўлиши башорат қилинган.

Агар мазкур ривоятлар йўғрилган хитой халқининг бевосита қадим тарихи ибтидосига келсак, ўтган асрнинг 80-йиллари Хитойда олиб борилган археологик тадқиқотлар Шарқий Осиёнинг бу ҳудудида мутлақо кутилмаган янги маълумотларнинг кашф этилишига сабаб бўлди. Яъни, айрим топилмалар фақат инсон зотининг пайдо бўлиши тарихига дахлдорлиги билан эмас, балки улар икки тоифадаги йўналишда мазмунан янги хулосалар чиқаришга имкон берди: биринчиси,

¹Монография мутахассислар қатори кенг китобхонлар омма-сига ҳам мўлжалланган бўлгани учун илмий аппарат асосий матн баёнида берилди.

бу ерда инсоният тарихи муқаддам тахмин қилинган даврлардан-да аввалроқ бошланганлиги тасдиғи бўлса; иккинчиси, «палеолит давридаги кишилар гуруҳининг бирор чекланган худудда эмас, балки Хитойнинг турли гўшаларида яшаганлигининг тафсилдир» (34:12).

Бундан чиқди, сўнгги хабарлар хулосаси хитойларнинг энг қадимий халқлар сирасидан эканлигидан далолат, дейиш мумкин. Лекин юқоридаги хулоса билан бир қаторда шуни ҳам унутмаслик керакки, тош даври кишиларининг дастлабки яшаган даври ва макони хусусидаги жорий илмий изланишларда ҳамон янгидан янги ашёвий далиллар юзага чиқаётганлиги ҳам истисно эмас.

Дунёда олдин оғзаки, кейин эса ёзма тарихий адабиётларда истифода этилган «хитой» ёки «хитойлик» атамаси мазкур ўлкада яшаган халқнинг ўз асл номи бўлмай, балки у қадимги туркийларнинг «*кидан-қытай*» сўзидан олинган бўлиб, кейинчалик шу асосда «хитой» бўлиб кетган. Ҳар қалай, ҳозирги хитой халқи илгари ўзини ҳеч қачон «хитой» ёки «хитойлик» деб атамаган. Европаликлар эса бу ерни антик даврдаги лотинча «*sinae*», сўнг хусусан французлар «*chine*» ва инглизлар «*china*» деган сўз-атама билан номлаганлар (57:140).

Ҳолбуки, тарихий хитой манбаидаги хабарга мувофиқ узок ўтмишда хитойликлар луғавий жиҳатдан «улуғ» маъносига «*ся*» (*шя*) деб аталган. Бу этноним *Фэншуй* дарёси қуйидаги жой номи «*ся*» топонимидан трансформация қилинган. Шунингдек, ушбу маълумот илк бор милoddан аввал яшаган *Цзуо Цю-мин* асрида ҳамда «*Цыхай*» номли хитой энциклопедик луғатида берилган (70:11).

Атама тарихи хусусидаги маълумотлар ичида мустақиллик йиллари нашр этилган яна бир манба – А.Хўжаевнинг «Буюк Ипак йўли» китоби баёнича, «Аслини

олганда «хитой» атамаси ҳозирги давлат ва халқ номидан келиб чиққан эмас. «Хитой» атамаси қадимда ҳозирги Хитой Халқ Республикасининг шимоли-шарқий қисми бўлмиш Манжурияда яшаган ва кейин Ғарбга қараб кўчган «*қитон*» (кидон) халқи номидан келиб чиққан. Мусулмон манбаларида ушбу атама *хитой*, *қтон*, *хатай*, Европа адабиётларида эса *catai*, *cata*, *cathai* деб ёзилган». Ҳозирда эса Хитой аҳолиси «*ханзу*»лар деб аталади.

Аслида «хитой» сўзининг келиб чиқишига туркийларнинг тили сабаб бўлганлиги уларнинг тарихидан беҳабар киши учун балки ажабланарли туюлар. Ваҳоланки, ҳозирги Хитой сарҳадида чегарадош туркийларнинг ҳам ўз давлати ва чуқур илдизига эга маданияти ҳамда миллий анъаналари бўлган. Фақат «уларнинг маданияти кигиз, ёғоч, чарм ва пўстин каби тош ва темирга нисбатан сақланиши қийин унсурлардан иборат бўлганлиги учун, ғарблик олимлар кўчманчи туркийларни гўё инсониятнинг «*трутеньями*-танбал» қисми деб таърифлаганлар».

Турк хоқонлигининг тарихида *Ашина*¹ шахсияти ва фаолиятининг ўзига хос ўрни бор. Гап шундаки, «Табасларнинг Шимолий Хитойни босиб олиши вақтида мағлуб бўлган қабилалар ичида Ашина қўл остидаги турли уруғлардан ташкил топган беш юз оила бўлган. У вақтда ҳали давлат бўлиб улгурмаган ҳарбий уюшмалар милоддан аввалги VI-V асрлардаги кўзғолонларда иштирок этар ва изсиз ғойиб бўларди. Хитойлар Ашинага қарашли фуқароларни «*Ту-кю*» деб атардилар. Луғавий жиҳатдан кучли ва мустаҳкам маъносини англатган «*тюрк+ют*»дан шаклланган «*тўрк*» сўзи кейинчалик қабилалар иттифоқининг этник номига айланиб кетган. Иттифоқнинг ўзаро муомала тили қандай бўлганлигидан қатъи назар, ўша даврдаги барча

¹ Ашина – мардонавор бўри маъносини англатган.

қабила вакилларига «*сянбин*», яъни қадим мўғул тили тушунарли бўлган (23:23).

Туркийларга хитойлар томонидан қўйилган ном ҳақида ўзбек хитойшунослигида унинг тарихи куйидагича аниқлаштирилган. Яъни, қадимги хитой манбаларида «хитойларнинг шимолий ва ғарб томонида бундан 3, 4-5 минг йиллар муқаддам *«тук, тук, гуз, ху, ривем»* деб номланган халқ яшаганлиги тилга олинган. Кейинги даврда амалга оширилган тадқиқотлар жараёнида *«тук»* ва *«тук»* этнонимлари *турк, хун* атамаларининг хитойча транскрипцияси бўлиб, *«ривем»* эса – хитойлар томонидан туркийларга қўйилган ном эканлиги ва у «от минувчи жангчилар» ёки «от минувчилар» маъносини билдирган (67:72). Зикр қилинган атамалар тавсифи келтирилган асар муаллифи фикрича, Н.Я.Бичурин ва Н.В. Кюнер таржималаридаги топонимлар, этнонимлар ва тарихий шахсларнинг номлари хитой иероглифларининг қадимги талаффузида эмас, балки замонавий ўқилишида транскрипция қилинган.

Қадимги туркийларнинг диний эътиқоди ҳақидаги хитой манбалари *«Вейшу»* ва *«Сейшу»*да қайд этилган маълумотлар жуда қисқалигидан ташқари, уларни тушуниш ҳам мушкул. Маълумотлардан фақат шуни англаш мумкинки, қадимда туркийлар руҳларга топинганлар, лекин улар бевосита аждодлар руҳими ёки бошқа бир жиҳатга тааллуқлими, униси номаълум. Бу борада яна шуниси ҳам муҳимки, туркийлар эътиқоди ибтидоий тарздаги топиниш эмас, балки ўз даври динлари сирасидан бўлган (23:78).

Милоднинг «552 йилига келиб мўғул чўлларида ташкил топган турк хоқонлиги худуди ғарбда *Жунгардан* юқори Сирдарёгача, шарқда эса *Хинган* тоғ тизмаларигача чўзилган эди. Шарқий турк хоқонлиги ҳукмронлигида бошқа қабилалар орасида уйғурлар ҳам

бўлган. 744 йили *Тан* империяси уйғурлар ва бошқа «*тэлэ*» қабилалари билан бирликда турк хоқонлигини мағлуб этган. Бу вақтда уйғурлар мўғул чўлларидаги қабилалар ичида энг кучлиси бўлса-да, аммо уларнинг мустақиллик мавқеига эришиши учун ҳали ташқарида уларга қаршилиқ кўрсатишга қодир бўлган кучлар етарли эди» (63:37-38).

Ушбу мухтасар маълумотга қўшимча сифатида яна шуни қайд этиш керакки, ўтган асрнинг 60-йилларида Хитойда олиб борилган археологик қазилмалар вақтида ер остидан топилган ашёлар юқорида туркийлар ва уларнинг маданияти ҳақида билдирилган барча номуносиб хулосаларни буткул инкор этди. Яъни, моддий маданият осори атиқаларидан-да ўз моҳияти билан кейинги тадқиқотчиларни хайратга солган омил бу – туркийлар жамиятидаги мансаб ва мавқега қараб бўйсунуш тартиби, ҳарбий интизом, дипломатия ва шунингдек, қўшни давлатлар мафқурасига жавобан аниқ ўз мустақил дунёқарашларига эгаллиги каби далиллар эди (23:4-5). Демак, бу ердаги археологик топилмалар, ўйлаймизки, туркшунос муаррихлар учун янги илмий изланишларга туртки бўлиши муқаррар.

Қатор илмий нашрларда кўрсатилишича, илк даврларда хитойликлар орасида миллий адоват, ирқий камситиш ёки муҳолифат кайфияти бўлмаган. Уларнинг аксарияти тушунчасида инсонлар ўртасидаги фарқ фақат кишининг озод ёки қуллиги билан ўлчанган ва қул зоти борки, у «варвар-жаҳолат бандаси» ҳисобланган (57:141). Ва қадимги Хитой аҳолисининг озод қисмигина фуқаролик ҳуқуқига муяссар бўлган. Шу боисдан ҳам «Хитойда қулларга қўлланган сиёсат қиёсан кўп жиҳатдан – ҳам шаклан, ҳам мазмунан қадимги римликларга ўхшаб кетарди...».

Бу ерларда ҳали расман «*Лего*» ва «*Чжанго*» даврларига мансуб давлатлар пайдо бўлишидан муқаддам

Хуанхэ ҳавзасининг ўрта ва пастки қисми ҳамда Буюк Хитой текислигида худди ҳинд рожаликлари сингари кичик шаҳар-давлатлар мавжуд бўлиб, улар ўзаро мустақил ва нисбатан тинч-тотувликда яшаганлар. Шу тариқа давлат тизими мукаммаллашиб бориши билан қишлоқ хўжалиги ва ҳунармандчилик ривожланган. Ер ости бойликлари сероб бўлган жойларда эса ўз вақти технологиясига яраша бронза ва темир куйиш ишларида силжишлар кузатилган. Агар ушбу ўзгаришлар давридаги жорий мафкурага асоси бўлган эътиқодлар таҳлилига келсак, хитойларда табиатдаги сирли кучларни улуғланишидан улардаги диний тушунчанинг анимизмга яқин бўлганлигини англаш қийин эмас.

«Анимизм-руҳ», маълумки, диний тасаввурларнинг бир тури бўлиб, бу – онгли ёки туйғуга асосланган руҳий субстанциянинг наинки инсонда, балки ҳар қандай жонзот ва ҳаттоки ўсимликларда ҳам борлигини эътироф этувчи эътиқоднинг инъикоси. Мазмунан, анимизмга турдош – фан таърифича, янада кенгроқ маънодаги «аниматизм» эса, бутун борлиқни бир вужуддаги яхлит жон эканлигидан иборат тушунча. Бинобарин, қадимги хитойлар ҳам то ўзларининг диний эътиқодларига эга бўлгунча, аниматизм асосидаги «тирик табиат» унсурлари – тоғу тош, денгизу дарё, қуёшу шамол ва шунингдек, подшолар аждодининг дастлабки олий вакили **Шандиг**га сиғинишган. Лекин **чжоу**лар даврига келиб, мавжуд илоҳий пантеонда янги ғоя илгари сурилди, яъни бутун самовий илоҳларнинг олийси «Осмон» ва унинг ердаги ўғли «**ванг**» – подшоҳ изн-ихтиёрининг улуғлиги» (56:361).

Хитойларда маънан гўё «Ота ва ўғил риштаси» мажозидagi эътиқоднинг жорий бўлишида асосан миллий хусусиятга тааллуқли омиллар бор эди. Чунки бу ерда азалдан ижтимоий-маънавий этика, маъмурий тажриба ва мистик абстракция илоҳдан паноҳ излаш ва

тилаш туйғусига қараганда устунроқ бўлган. Чунки «Хушёр ва рационал фикрловчи хитойлик, - деб ёзади таниқли рус диншуноси Л.В. Васильев, - ҳаёт ва ўлим ёхуд боқий дунё сир-асрорлари ҳақида кўп ўйга толмай, у доим етук инсоний фазилат соҳибларига ўхшаб яшашни ўзининг муқаддас бурчи деб билган».

Бундан чиқди, хитойлар ўз руҳий дунёсида гуноҳлар азобидан қутилиш ва охират ҳузур-ҳаловатни ўйлаб эмас, балки жамиятда қабул қилинган муносиб умргузаронлик рамзи бўлган улуғ зотларга таҳассуб туйғуси билан яшашни афзал кўрган. Ёки бу хос хусусиятни бошқача қилиб айтганда, Хитойда жуда қадимдан дунёни диний англашдаги ғайб муқаддаслиги ўрнида кўпроқ инсоний комил амалиёт руҳи устуворлик қилган. Ва хитойлар тасаввурида илоҳлар самодан ерга тушиб асрлар оша мақоми юксалиб келган аллома ва адолатли подшолар сиймосида намоён бўлган (19:273-274). Шу сабабдан маҳаллий диний-фалсафий таълимотлар мағиз-мазмунини тўғри англаш мақсадида, дастлаб қадимги хитой давлатчилиқ тарихига мурожаат қиламиз.

Бизнингча, ушбу бобни бошлашдан аввал муҳим бир масалага эътиборни жалб қилиш зарур туюлади, яъни археологик қазилмалардан топилган қуръа битиклари ва тарихга тааллуқли ёзма матнлар таҳлилига. Чунотчи, қадимги хитой битик ва манбалари тўғрисида муқаддам билдирилган фикр-мулоҳазалар даврлар ўтиши билан ўзгариб борди. Балки бу тенденция илм-фан ва техник тараққиётнинг тарихий ёзма унсурларини ўқиш-ўрганиш соҳаларида кенг қўлланганлиги самарасидир?!

Масалан, XX асрнинг 60-йилларида нашр этилган илмий рисоаларда хитой қуръа тошларидаги ёзувлардан аниқ маълумотлар олиш қийинлиги айtilган бўлса, 80-йилларда чоп этилган нашрлардан қуйидаги эъти-

рофларни ўқиш мумкин эди:

«Қадимги Хитой тарихи тадқиқотчилари ўзларининг бошқа Шарқ мамлакатлари тарихи билан шуғулланувчи ҳамкасбларига қараганда нисбатан яхши шароитда фаолият кўрсатмоқдалар. Чунки уларнинг қўл остидаги аксарият топилмалардан ташкил топган манбалар ўзининг аниқ саналари билан аҳамиятли, жумладан:

1. «*И цзин* – Ўзгаришлар китоби»да аввал фолбинлик матни бўлиб, кейинчалик улар фалсафий мазмун касб этган.

2. «*Си шу* – Тўрт китоб»ни том маънода Конфуций доктринасини ўрганиш бўйича асосий манбалардан бири, дейиш мумкин.

3. «*Ши-цзин* – Кўшиқлар китоби» қадимги хитойлар жамиятининг турли характерли томонларини ўзида акс эттирган қимматли фольклер намунаси.

4. «*Шу-цзин* – қадимги манбалар сирасидан бўлган «Тарих китоби» хукмрон шахслар ва уларга яқин кишилар маърузасининг ёзма намуналарини сақлаб қолган».


5. «*Ли цзи* – Ритуаллар битиги»нинг ҳозирги матни 49 бобдан иборат бўлиб, унда қадимий битиклар мавжуд. Маросимлар битигининг ёзилиши, тахминга кўра Конфуций даврида ҳам давом этган, чунки аллома ўз маърузаларида ундан фойдаланган.

6. «*Чун цю* – Баҳорлар ва кузлар» китоби Лу подшолигининг об-ҳаво хроникасига бағишланган. Миллоддан аввалги 722 йилдан то 481 йилларни ўз ичига олган бу қадимий қадриятлар сирасидан бўлган асарни, баъзи фикрларга қараганда Конфуций қайта таҳрир қилган (48:248-249).

Юқорида зикр этилган тарихий жараёнлар билан боғлиқ ёзма манбаларнинг мантиқий давоми бўлган *Сима Цян*¹нинг «Тарихий хотиралар» китоби эса, на-

¹Сима Цян – Сима Чян.

инки Хитой, балки бутун Узок Шарқ мамлакатлари та-
рихшунослик фани ривожига ҳам муҳим хисса қўшди.
Муаллифнинг ўзок ўтмишдан то милоднинг I асригача
бўлган даврларни тавсиф этган асарида турли сулола
хукмдорлари, тарихий шахслар, илм-фан ҳамда санъат
ва маданиятга оид маълумотлар мужассам (29:382). Асар-
нинг яна бир энг қимматли томони бу – бевосита Хи-
той давлатчилиқ тарихига йўғрилган воқеий лавҳалар
мажмуидир.



*Милоддан аввалги V–III асрлардаги Хитой
худуди харитаси.*

Хитой давлатчилиқ тарихи

Сирасини айтганда, бир монография қамровида қис-
ман бўлса-да мавзу мазмун-моҳиятини тўлалигича баён

этишнинг иложи йўқ. Шу боис аввал манбаларда зикр этилган Хитой давлатчилиқ тарихи хронологияси ва ундан сўнг имкон даражасида мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий-маърифий тараққиётида муҳим роль ўйнаган турли сулолалар ҳаёти ва фаолияти билан танишиб чиқамиз.

Милоддан аввалги асрлар:

Афсонавий **Яо** ҳукмронлик даври 2357–2255 й.

Афсонавий **Шун** ҳукмронлик даври 2225–2205 й.

Афсонавий **Ся** ҳукмронлик даври 2205–1766 й.

Шан-Ин сулоласи 1766–1122 й.

Чжоу сулоласи 1222–247 й.

Цин¹ сулоласи 246–207 й.

Хан сулоласи 206й. милудий 220 й.

Милудий асрлар:

Вей сулоласи 220–264 й. **Чэн** сулоласи 557–588 й.

Шу сулоласи 221–262 й. **Суй** сулоласи 589–618 й.

У сулоласи 222–289 й. **Тан** сулоласи 618–907 й.

Цзин сулоласи 265–420 й. “**Беш сулола**” 907–959 й.

Сун сулоласи 420–479 й. **Сун** сулоласи 960–1279 й.

Ци сулоласи 479–501 й. **Юань** сулоласи 1280–1368 й.

Лян сулоласи 502–556 й. **Мин** сулоласи 1368–1644 й.

Цин сулоласи 1644–1911й.

Азалдан шимол ва шимоли-ғарбдаги хитойлар ўзaro савдо-сотик муносабатлари туфайли тунгуслар, манжурлар ва мўғуллар, жануби-ғарбда эса тибетликларга тил жиҳатдан яқин бўлиб, Бирма ва Ҳинди-Хитойдаги қабилалар билан аралашиб турганлар (3:692). Шунга қарамай, таркибан бундай этник турфалик туб хитойларнинг неолит даври маданий унсурларидан то **Шан-**

¹Цин–Чин.

Ин давлатигача ўтган даврлар давомидаги цивилизацияси жараёнига мутлақо соя солмаган.

Тўғри, қадимдан хитойлар яшаб келган ерлар ҳозирги кунда Хитой эгаллаган сарҳаднинг кичик бир қисминигина ташкил қилган. Аммо орадан вақт ўтиши билан ҳудудий ҳукмронликка эришиш ҳаракатлари кучая бориши сабабли қўшни давлатлар ўртасида жангу жадаллар бошланган. Ва ўзаро қирғин-суронлар натижасида милоддан аввалги VIII аср охирида юздан зиёд собиқ мустақил қабила жамоалари ўрнида ўнга яқин кичик давлатлар юзага келган (56:350-351). Лекин Хитой давлатчилиги хронологиясининг ибтидоси, юқорида кўрган миздек, **Яо**, **Шун** ва **Ся** каби афсонавий подшолар тарихидан бошланган. Чунки уларнинг рамзий фаолияти, хитойлар учун қадим ўтмишнинг энг мукамал давлатчилиги сифатида татбиқ этса арзигулик самараси ва кейинчалик бадииятда ўз ифодасини топган ривоятлари билан ибратли. Масалан, машҳур хитой адиби **Лу Син** қаламига мансуб «**Жамончи И**» ҳикояти шулар сирасидан:

«Қадим замонда узоқ Шарқий денгиз томонда Тангу водийси бўлган. Водийнинг қоқ ўртасида икки шохли жуда баҳайбат «Фусан» номли бир муқаддас дарахт ўсган. Унинг танаси ўта йўгонлигидан уни юзлаб киши зўр-базўр қулочига сиздира олган. Худди шу дарахтда ўн нафар қуёшлар яшаган. Улар бари барча осмон, ер ва жсонотларнинг ҳукмрони бўлган тангри Ди-цзюня ўғиллари эди...

Ўн қуёш – аслида ўнта уч панжали олтин қаргалар бўлиб, улар қўкка парвоз қилганда шундай ёруғ нур таралардики, ундан ҳатто феруза рангли денгиз ҳам худди қимматбаҳо тош янглиқ ярқирарди. Қаргалар ўзларидан шундай чидаб бўлмас иссиқлик чиқарардиларки, ҳатто осмонда сузиб юрган булутлар

куюб кул бўлиб, чексиз фазо эса бамисоли эриб кет-
гандек туюларди...

Қаргалар ҳавога кўтарилиб қанот қоқиб учганла-
рида, улардан чиқаётган нурлар ердаги одамлар кў-
зини қўр қилгудек бўлган оташ каби кўринарди. Шу
йўсунда орадан юзлаб ва минглаб йиллар ўтаверди.
Оқибатда қаргалар баравар учишга тушганлари бо-
ис ахир ер куйиб, дарёлардаги сувлар қуриди, дала-
ларда эса дон сениб ҳосил олишининг ҳеч иложи қол-
мади...

Ўша даврларда Хитойда император Яо ҳукмрон-
лик қиларди. У жуда юпун кийинар, озиқ-овқат си-
фатида эса тозаланмаган гуруч ва савзавотларни
истеъмол қиларди. У тонг отиши билан барвақт
туриб барча фуқаролари қатори ишга тушарди.
Бора-бора қуёш-қаргалар туфайли аҳвол ниҳоятда
танг бўлиб қолганда, ҳукмдор охири Олий тангри-
дан мадад сўради. Тангри император илтижосини
эшитиб ерга ёш худолардан бири И Хоуни юборди...

Шунда Яо назора чалишга буюриб, теваарак ат-
рофдаги ҳамма фуқароларини ўз ҳузурига чорлаб,
уларни муҳим шлоҳий воқеликдан бохабар қилишга
йигганда, И Хоу худоси нима сабабдан ўзининг ерга
тушганини айтади. Айни шу вақт – қоқ пешинда ўн
нафар қарға парвоз қилаётганида камонбоз И ўз ўқ-
донидан бир пайконни олиб камонга тортиб, қар-
галардан бирини ўққа тутади, кейин иккинчисини,
кейин учинчисини. Бирин-кетин ўқ еб ерга тушаёт-
ган қуёш-қаргаларнинг осмонда сони камайиши би-
лан ер юзиде мўътадил ҳаво оқими сезила бошлайди.

Тўққизта ўқ отган И Хоу ўнинчи ўққага қўл чўзиб
қарасаки, ўқдон бўш! Маълум бўлишича, ўқдондаги
қолган барча ўқларни камонбоз ортида турган им-

ператор Яо олиб беркитган экан. Чунки у билган эдики, агар И Хоу ўнинчи ўқни ҳам олиб охирги қаргани яраласа, осмонда бошқа қуёш қолмай, одамлар абадулабад қоронгу ва совуқ дунёда яшардилар» (20:98)


Ҳикоятда мадҳ этилган афсонавий император Яонинг ўз халқи ҳаётини сақлаш йўлида кўрсатган билимдонлиги, унинг келгуси авлодлар учун ажодлардан мерос қолажак инсонпарварликнинг ёрқин бир рамзи эди. Хитой мифологиясида бундай ўтмиш ажодларнинг ибратли ҳаёт тарзига доир тимсоллар жуда сероб. Масалан, шундай ривоятлардан яна бирида айтилишича:

«Қачонлардир Хитойда мутафаккир ва фотиҳ Ян ҳукмдорлик қилган ва у қариб қолгач ўрнига ворис сифатида ўз ўғлини эмас, ўта иқтидорли ва шижоатли «Шун»ни тахт соҳиби қилиб тайинлаган. Шунда тўсатдан мамлакатни сув босганда янги подшо ўз тахтини сув тошқинидан халқини қутқарган кишига топширишини ваъда қилган.

Бундай бахт – дарёни чуқурлаштириш ҳисобига сувни денгизга ҳайдашдек мушкул ва мураккаб вазифани удалаш улуғ Ююга насиб қилган ва у тахтга чиққан. Подшо ёшини яшагач, энди унинг тахтини яна бир уддабурон ва ишбилармон шахс эмас, балки Ююнинг ўғли эгаллаган.

Бу анъана кейинчалик ҳам давом этиб, шу тарихи тахт мерос сифатида ворисга қолаверган. Ва бу анъана улуғ Ююнинг фарзанди Ци давридан расман қонуний тус олган».

Бироқ афеуски, мазкур даврдаги афсонавий ҳукмронлар сулоласи ҳақида аниқ маълумотлар тақчил, албатта, ўша кезларда битилган ёзма ёдгорликлардан ташқари (29:388). Шунинг учун бу юртнинг ўтмиш тари-



хи ва ҳудудидаги давлатчилик тўғрисида гапирганда, муайян аниқликка эга – *Хуанхэ* ҳавзасининг ўрта қисми билан чегараланган «*Ин*»лар ёки ҳавзанинг катта бир қисми ҳамда *Янцзи* дарёсининг шимолини эгаллаган «*Чжоу*лар давлати» даврини инобатга олмоқ керак. Аслида эса, фақат *Цин-Хан* – самовий салтанати ҳукмронлиги йилларида бутун Хитой ҳудуди забт этилган эди (57:140).

Маълумки, бир ерда яшаган турли халқлар ўрта-сидаги ўзаро қўни-қўшничилик алоқалари бора-бора доим умумий муомала воситасининг яратилишига асос солган. Шу хусусда Хитойдаги турли сулолалар давридаги ўзаро тушунарли бўлган тиллар – оғзаки ё ёзма бўлсин, мавжуд ҳудудлардаги ички барқарорлик, тинчлик-тотувлик ва савдо-тижорат ишлари ривожиди муҳим аҳамият касб этган. Қадимда бу ўлканинг нафақат катта бир қисми, балки Тибет, Тайланд ва Шимолий Вьетнам халқлари ҳам ўзаро хитой-тибет тиллари оиласига мансуб тилларда гаплашган.

Шунга кўра, фанда, милоддан аввалги бешинчи минг-йилликка келиб *Хуанхэ* ҳавзасида кенг истифода этилган сўзлашувнинг баъзи турлари ҳозирги хитой тилининг ибтидоси бўлганлиги тахмин қилинади (57:139). Шу нуқтаи назардан қисқача кузатилган хитой тилининг шаклланиш асосларига чуқурроқ назар солсак, унинг ривожиди маҳаллий давлатчилик тарихи ўйнаган ролини ҳам сезиш қийин эмас.

Хитой тили ва давлатчилиги тарихининг ўзаро муштарак нуқталарига махсус урғу берилиши бесабаб эмас. Чунки бу юртда илк қабилавий давлатлардан тортиб то салтанат мақомидаги империялар вужудга келгунча ўтган асрларни ўзида акс эттирган энг ишончли ва нуфузли манбалар, бу – иероглифларда ифодаланган тарих битиклари эди.

Шан-Ин сулоласи

(м. а. 1766-1122 йиллар)

Қадимги ёзма ёдгорликларда милоддан аввалги иккинчи мингйилликда *Хуанхэ* дарёси бўйидаги экин-тикинга қулай ҳосилдор ерларда этник жиҳатдан бир турдаги жамоалар яшаганлиги қайд этилган. Археологик қазилмаларнинг барча ашёлари ҳам айна шу даврнинг маиший, ижтимоий ва диний ҳаётидан хабар берувчи манбалар сирасига киради. Жумладан, ҳунармандчилик устахоналари, мулкдорларнинг серхашам уй-жойлари, подшо саройи, турли сағаналар, ибодатхоналарнинг бронза идиш-товоқлари ва бошқа диний маросимларга доир унсурлар, ўзининг тарихий қийматидан ташқари, яна ўша давр фуқароларининг ижтимоий табақаланиш даражасини ҳам ўзида акс эттирганлиги билан муҳим.

Аввал *Ин* ва кейинчалик *Шан-Ин* дея номланган қабилалар хусусидаги илмий тадқиқотларда баъзан бири-иккинчисини инкор этувчи гипотезалар учраб туради. Бир тоифа тарихчилар *Ин* давридаги аҳолини фарбдан келиб жойлашган истилочилар десалар, бошқалари ушбу қабилаларни туб ерлик эканлигини таъкидлаб, уларга неолит даври маданияти меросхўрлари сифатида қарайдилар (3:700-701). Ҳолбуки, учинчи тоифа мутахассислар *Шан-Ин* давлати асос топишини қуйидаги маълумотлар замирида кўрадилар. Яъни, *Сяотун* қишлоғи яқинидаги ўтказилган археологик қазилмаларда топилган милоддан аввалги иккинчи мингйиллик охирига тегишли битиклар бўйича, мавжуд қабилалар ичида бир этник гуруҳда мужассам, ўз даври шароити учун нисбатан кучли ва асосан шаҳарлик *Шан* қабиласи ҳукмрон бўлган. Бу воқеликнинг юзага чиқишида *шан*ликларнинг *ванг*¹ — подшонинг ҳарбий

¹Хитой тилида луғавий жиҳатдан «*ванг*» сўзи аслида «ҳукмдор» маъносини англатади. Лекин бу сўз бирор қabila эмас, бал-

соҳада эришган тажрибаси ҳамда унинг ваколати ҳал қирувчи роль ўйнаган (57:146).

Агар энди Хитойдаги нисбатан биринчи йирик давлатнинг қандай номланганлиги тарихига тўхталсак, ривоят қилинишича, қабила сардори *Пан Гэн* ўз қабиласини *Анъян*га олиб келиб, *Хуанхэ* дарёси бўйида «*Шан*» шаҳрини қурдирган ва кейин у янги давлат ва сулолани ҳам шу ном билан атаган. Лекин *Шан* подшолиги *Чжоу* қабилалари томнидан тор-мор келтирилгач, бу давлат тарихий манбаларда *Шан-Ин* номи билан зикр этилган.

Шан-Ин давридаги хитойлар подшоларнинг асосий фаолиятини урушлар олиб бориш ҳамда илоҳлар, табиат ва аждодлар руҳи хотираси учун қурбонликлар қилишда, деб билганлар. Қурбонлик маросимлари тинимсиз урушларда кўлга киритилган мол-ҳол, дон-дун сингари ўлжалар ва асирга олинган қуллар ҳисобига амалга оширилган.

Қуллар хусусида шуни ҳам айтиш керакки, улар асосан *Шан-Ин* подшоларининг ўзга давлатлар билан қилган жангидан кейин марказ – улуғ *Шан*га олиб келинган ва фол натижасига кўра, уларни ҳукмдорнинг қайси аждодига атаб қурбонлик қилиниши аниқланган. Шундан сўнг, баъзиларининг боши кесилган, баъзилари эса сувда чўктирилган, қолганлари эса оловда куйдирилган. Чунки бу даврларда ҳали қуллардан энг арзон куч сифатида экин майдонлари ёки бошқа ишларда фойдаланиш одати амалда жорий эмасди. *Шан*лик фуқаролар ўз эътимодига мувофиқ, қурбонлик шарофати билан ўз аждодларининг табиат кучларига таъсир кўрсата олишига жуда қаттиқ ишонганлар

ки аксарият ҳолларда кичик бўлса-да давлат бошлиғи маъносида истифода этилишини инобатга олиб, уни матнда «подшо» дея аталди.

ва ўзларини ҳамиша уларнинг ҳимоясида, деб билганлар (19:276).

Нисбатан қисқа давр ичида «шаҳар-давлатлар» таркибида ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан йирик кучга айланган *шанликлар*да урушлар вақтида қўлга тушган асирлардан илгаригидек қурбонлик қилиш одати қисман барҳам топа бошлаган. Чунки кулларнинг асосий қисми қишлоқ хўжалигидаги оғир ишларни бажаришга жалб қилинган. Деҳқончилик учун экин майдонларини кенгайтириш, ибодатхоналар қарамоғидаги ерларга ишлов беришда самара сифатини ошириш зарурияти мулкдорларни кулларга илгарига қараганда анча юмшоқроқ муносабатда бўлишга мажбур қилган. «Диний маросимларда битилган қуръа ёзувларида қатл қилиниши керак бўлган куллар ўрнига қўй, буқа ва чўчқалар сўйилиб қурбонлик қилинганлиги қайд этилган».

Яна шуниси ҳам борки, давлат миқёсида ерларга ишлов бериш ва яхши ҳосил ундириш ишларига муқаддас аждод вакили «*ванг*»нинг ўзи ёки унинг ноиби – «*чэн*» бош-қошлик қилгани учунми, бу ишларга «баракали ҳосилни таъминловчи диний руҳдаги ҳашар» асносида шаҳар аҳолиси ҳам жалб этилган.

Давлат ва диний идоралар хўжалигига фуқаролар томонидан кўрсатиладиган бундай беминнат хизматнинг ўз замонаси учун ниҳоятда бир ноёб томони ҳам бор эди. Яъни, бундай хизматнинг эвазига қуйидаги ҳолатларда аҳоли манфаати ижтимоий ва иқтисодий томондан кафолатланарди: табиий офатлар – қурғоқчилик ёки *Хуанхэ* дарёси тошиб ҳосилдорликка зарар етказган йиллари очарчиликнинг олдини олиш мақсадида давлат омборларида сақланган озиқ-овқат захираси аҳоли орасида тарқатиларди (59:154).

Хитойларда қадимги уруғчилик давридан давом этиб келган қабила оқсоқоли бошчилигида қилинади-

ган балиқчилик ва овчилик жамоа хўжалигининг муҳим озика манбаи бўлган. Бу йўсиндаги ҳаёт кечирिश шарт-шароитлари ва қурбонлик қилинган ҳайвонларнинг сон-санови ёки подшонинг овга чиқиши билан боғлиқ турли маълумотлар, тарихий манбалар ҳамда археологик ашёларда ўз тасдиғини топган. Подшоликда ов масаласига бу қадар аҳамият берилишининг асосий сабаби ўрмонларда кийик, айиқ, буқа, фил, йўлбарс, бўри, тулки, бўрсик каби ёввойи йиртқичнинг кўплиги бўлиб, улар ҳақидаги маълумот археологик топилмалар – турли ҳайвон суякларидан аниқланган. Яна бундай овчиликнинг хитойларга хос характерли томони шунда эдики, сарой аҳли овга чиққанида унда деярли барча жамоа аъзолари қатнашган.

Турган гапки, овчилик ривожланган ерда уй ҳайвонларининг боқилиши нафақат Хитойда, балки бошқа ўлкаларда ҳам амалий тус олган ва шу аснода чорвачилик ривожланган. Сон жиҳатдан кўпая борган чорва моллари кейинчалик махсус қурилган оғилхона ва кўраларда сақлана бошлаган. Айниқса, Хитойда бу масалага алоҳида аҳамият берилишининг асосий сабабларидан бири бу – юқорида қайд қилинганидек, маҳаллий диний маросимларда ҳар сафар ўнлаб ва юзлаб жониворлар қурбонликка сўйиларди.

Аммо қабилалар хўжалиғи фақат овчилик ва чорвачилик маҳсулотлари билан чекланмай, хўжалиқда деҳқончилик ишларига ҳам етарли эътибор берилган. Далалардаги деҳқончилик ишлари маҳаллий об-ҳаво шароити имкониятидан келиб чиқиб олиб борилган. Аввал ерга асосан сувни кам талаб қиладиган тарих экилган, лекин аста-секин суғориш ишлари йўлга қўйилгач арпа, буғдой ва жўхори қатори махсус ҳудудларда ҳатто чой ўстиришга ҳам ўтилган. *Лицзининг* қадимги даврга оид китобида деҳқончилик ишларини қай тарзда режалаштирилгани шундай баён этилган:

«Баҳор бошида амалдорлар тупроқнинг экинга яроқли эканлигини аниқлаш учун тоғларни, тоғ ёнбағирларини ва текисликларни кўриб чиқадилар. Баҳор ўрталарида деҳқонлар ер ҳайдаш билан банд бўлиб, улар камдан-кам уйда бўладилар.

Ёз бошида деҳқонлар бугдой ҳосилини йиғиб оладилар. Ёз ўрталарида деҳқонлар тарик ҳосилини йиғишга тушардилар. Ёз охирида, маълумки, сув сероб, ер зах, ҳаво нам ва иссиқ бўлиб тез-тез ёмғирлар ёғиб туради.

Шу сабабли ёввойи ўтларни йўқотишининг яхши усули – ерни куйдириш ва ёмғир учун уни очиб беришидир. Бу нарса ерни семиртириб, унинг унумдорлигини оширади.

Куз бошида деҳқонлар шолини йиғиб оладилар. Куз ўрталарида аҳolini бугдой экишга ва ишни муддатдан кечиктирмасликка мажбур этадилар.

Қиш охирида деҳқонларга омочлар ва бошқа деҳқончилик асбобларини кейинги фаслга тайёрлаб қўйишни буурадилар».

Гап деҳқончилик асбоб-ускуналарига етиб келган экан, бу жабҳада яна шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, подшоҳнинг асосий вазифалари сирасига кейинчалик бронзадан қурол-яроқ, махсус диний маросимларда истифода этиладиган идишлар ва албатта, деҳқончилик ускуналари ясалиши устидан назорат этиш ҳам кирган. Чунки «дастлаб ерга ишлов бериш милоддан аввалги III асрдан ишлатилган икки тишли ёғоч омочларда олиб борилган» аммо бора-бора темир ёки бронзадан ясалган иш қуролларига ўтилган. Бронзани эритиш ва ундан турли жиҳоз ёки ускуналар яшаш сирасори бобида **Шан** темирчи усталари ниҳоятда катта тажрибага эга бўлганлар.

Шан-Ин даври давлатчилигига хос энг характерли хусусият – бу сулолага «маънавий мерос» бўлган пат-

риархал руҳидаги анъаналарнинг барқарорлиги эди. Агар хитой оиласида ота чексиз ҳуқуққа эга бўлган ягона ҳукмдор бўлса, подшоҳни эса, гоҳ ердаги илоҳ ноиби, гоҳ унинг ўғли, гоҳ «Осмон билан Ер» ўртасидаги воситачи ва гоҳо ҳатто унинг ўзини ҳам худо деб билинган. Зеро, хитойлар наздида фақат угина Тангри иродаси нималигини билгувчи зот ҳисобланган.

Мазкур давр ижтимоий ҳаёти учун характерли яна уч жиҳат бўлиб, улардан «бири, қабила ёки жамоадаги оксоқоллар кенгашининг фаолияти; иккинчиси, патриархал оилада кўп хотинлиликдан ташқари уйда канизак ёки чўри аёлларнинг сақланиши ва учинчиси, мулкӣ табақаланиш» эди. Ва табақаланиш наинки дунёвий маънода, балки ҳоли ҳаётдан кейин ҳам ўз аҳамиятини йўқотмасди, яъни дафн маросимида: мозордаги биринчи энг нуфузли қабрларга *Ин* насли подшолари ва уларнинг қариндош-уруғлари; иккинчи нуфузли қабрларга *Ин* жамиятидаги катта мол-мулкка эга ҳукмрон зотлар, учинчи тоифадаги қабрларга деҳқон, ҳунарманд ва бошқа маҳсулот ишлаб чиқарувчилар, тўртинчига эса мардикор ишчилар, хизматкорлар ва баъзан қуллар ҳам дафн қилинган.

*Шан-Ин*да катта ерларга эгалик ҳуқуқи мавжуд қабилаларнинг подшоликка бўйсунуш шартӣ билан белгиланарди. Агар қабила қатъиян бу қонунга амал қилса, демак, у ҳам мавжуд ер-сув бойликлари маълум қисмининг эгаси, аммо борди-ю, унинг акси бўлса, бу – унинг учун бор-йўғидан маҳрумлик деган гап эди.

Қисқаси, оила ва давлатдаги ҳукмронлик ҳаққи чексизлиги шу даражага етган эдики, подшоҳнинг илоҳий мақоми фуқароларни ёппасига ўзининг қулига айлантиришига ҳуқуқ берарди. Шу боисми ё бошқа бир сабабданми, *Шан-Ин* фуқаролари учун ер куррасининг маркази ҳукмдор саройидан бошланган. Ва улар *Шан* шаҳри атрофидаги тўрт томонга чўзилган ҳудудларни

ўз давлатлари сарҳади, дея фараз қилганлар. Ва қайсики қабила *Шан-Ин* подшоси амрини тан олмас экан, у — давлат душмани!(29:390).

Қадимги Хитой давлатчилиги фаолиятида *оракул*¹ - башоратчи роҳибнинг муҳим ўрни бўлган. Агар тарихий битикларига назар солсак, улардаги подшо фармонига берилган баҳоларда талай сиёсий, ижтимоий ва аниқса, ҳарбий хусусларда башоратчи сўзларига қараб иш тutilганлигини кўрамиз. Шунинг учун гарчи битик матнларини ўқишда муайян қийинчиликлар бўлсада, аммо уларнинг тўғри талқини қадимги хитойликлар тарихининг ҳозиргача номаълум талай саҳифаларига ойдинлик киритиши мумкин. Лекин афсуски, бу каби мураккаб битиклар таҳлили муаммосини ҳали ҳам тугал ҳал қилинган деб бўлмайди. Сабаби, айтайлик, ўтган асрнинг 50-йилларига тааллуқли тарихрихшунос В.И. Авдиевнинг хулосаси бўйича, «Энг қадимги *Шан-Ин* давридаги ёзувлардан олиш мумкин бўлган маълумотларнинг парчалари ўша даврдаги давлат тузуми тўғрисида фақат умумий тарзда фикр юрийтишга имкон беради, холос».

Борди-ю, шу маънода ўтган асрнинг 90-йилларидаги нашрларда билдирилган битикларнинг ўқилиши ва мазмуни масаласига келсак, улардаги маълумотларда гарчи расмлар шаклидаги матнларни тушуниш ҳамон ўз муаммолик ҳолатида қолган бўлса-да, аммо «*Анъян* архивидаги фол ёзувлари мазмунини қисман аниқлашга эришилган»лиги билдирилган.

Муайян тарих битикларида ёзилишича, милoddан аввалги XIII асрнинг иккинчи ярмидаги *Шан-Ин* давлатининг энг гуллаган палласи *У-дин* ҳукмронлик қилган йилларига тўғри келган. Бу тараққиётнинг характерли жиҳати шундан иборатки, мазкур даврда бронза

¹Қадимги Юнон, Рим ва Шарқ мамлакатларида «оракул»га илоҳий ироданинг башоратчиси сифатида ишонилган.

қуйиш ва умуман металлларни бойитиш тажриба қилинган, шаҳарлар қурилиб, уларда қасрлар ва ибодат масканлари қад кўтарган, ҳужжатлар тайёрлаш соҳасида эса хат-ёзувга ўтилган. Аммо *У-дин* вафотидан сўнг тахтга чиққан – маънан тубан подшо кўл остида давлат тезда таназзулга учраган. Бироқ айрим «ёзма матнларда бу ҳол – ҳукмрон шаънига билдирилган танқидий фикрлар ичидаги бир ҳужжатда милоддан аввалги XI асрнинг учинчи чорагида *чжоу*ларнинг *ин*ларга қилган ҳужумини оқлашга уриниш» дея баҳоланган (29:391). Оқловнинг қай даражада ҳақиқат эканлигини *чжоу*лар давлатчилигининг илк даврида кўриш мумкин эди.

Гап шундаки, *Шан-Ин* давлатидан кейин ташкил топган *чжоу*лар давлати муқаддам кучли бўлган қабилалардан бири бўлиб, улар дастлаб *ин*лар билан яхши муносабатда яшаганлар. Ўртада ҳатто қудачилик ришталари ҳам мавжуд бўлган. Аммо тараққиёт ва маданият соҳасида *чжоу*ликлар *Шан-Ин* давлатидан анча паст эди. Бунинг исботи шуки, «*Чжоу* қабиласи тахтни эгаллагач ёзув, саналар тизими, меъморчилик, фол очиш ва диннинг баъзи шаклларини *ин*лардан ўзлаштирганлар» (3:714).

Биз юқорида кузатган фандаги қадим Хитой ва унинг давлатчилиги тарихига доир турли хабар ва маълумотларнинг қай даражада ҳақиқат эканлиги албатта, аввало уларнинг қанчалик асл манбалар – битиклар, археологик топилмалар ва ўтмиш тарихнавислари асарларига асосланганлиги билан белгиланади. Худди шу маънода *Сима Цянин*нинг «*Ши цзи*»¹ - «Тарихий хотиралар» асаридаги ҳаётий лавҳалар қадимги Хитой давлатчилигига хос хусусиятлар, тамойиллар ҳамда ҳукм-

1. «Ши цзи»нинг ўзбек тилига тўғри транскрипцияси – «Шижи».

дорлар фаолиятини ўзида мужассам этган энг ишончли тарихий ҳужжатлардан бири десак, хато бўлмас!

Асар муаллифи «бир неча йил сарой соқчиси лавозимида ишлаган, сўнгра *Башу* номли қўшни давлатга элчи қилиб юборилган. Милоддан аввалги 108 йилда эса муқаддам отаси эгаллаган сарой хаттотлари бошлиғи лавозимига тайинланган. Милоднинг 96 йили – хунларга ҳужум қилган лашкарбоши *Ли Линнинг Хан* хонадони учун кўрсатган хизматларини «*Ши цзи*»да баён этилганлигидан норози бўлган император *Сима Цяни* қамоқ жазосига тортган. Бундан қаттиқ хафа бўлган муаррих аламзадалик билан яна тарих ёзишга киришган... » (9:22.).

Агар энди *Шан-Ин* давлатчилигининг таназзули мисолига тарихий ҳужжатда кўрсатилган сабаблар оркали ёндашсак, масалан, «*Шоу Син* ҳукмронлик қилган милоддан аввалги 1154 -1122 йиллари хирож ва солиқ миқдори шу қадар ортиб кетган эдики, унинг натижасида нафақат оддий авом, балки *чжухоу*лар, яъни ҳарбий саркардалар орасида ҳам кўзғолон кўтариш руҳидаги зотлар йўқ эмасди».



Шан-Ин даврида диний маросимларда
тутиладиган бронза идиш.

Юзага келган норозилик кайфияти ибтидоси, айтиш керакки, милоддан аввалги 1401-1373 йиллардаёқ сезилган эди. Яъни, император *Пэн Гэн* пойтахтни кўчиришга қарор қилганида ўз фуқароларидан кучли норозиликка учрагани маълум. Ҳолбуки, ҳукмрон томонидан халққа нисбатан қилинган истибдод оқибатларининг нима билан тугалланиши тўғрисидаги подшоҳнинг

укаси берган куйидаги огохлантиришлар ҳам тахт соҳибига кор қилмаганди:

«*Кўзғолон кўтарган афгор омма ва жамоатчиларнинг ўзаро бир-бирлари билан тўқнашуви туфайли Ин давлати емирилмоқда*» (32:364).

Ин сулоласига путур етказган омиллар фақатгина кўзғолонлар эмас, балки ички аристократик доираларда етилган норозилик руҳияти ва уларнинг ташқи кучли душманлар билан хуфиёна ҳамкорлиги ҳам эди. Муқаддам *ин*лар кули ҳисобланган, лекин даврлар ўтиши билан иқтисодий ва ҳарбий жиҳатдан куч тўплаган шундай қабилалар ҳам бор эдики, уларнинг ичида энг қудратли бўлган *чжоу*лар алоҳида давлат бўлиб фаолият кўрсатишга тайёр турарди.

Хуллас, *Ин* сулоласида етилган ички ва ташқи таъназуллар туфайли *Шан-Ин* давлатини мағлуб этган *чжоу*лар, ниҳоят ўз муродига етдилар.

Чжоу сулоласи

(м. а. 1222-247 йиллар)

Аслида *Чжоу* қабилалари ҳақидаги биринчи маълумот фақат *У-дин* давридан қолган *Ин* эпиграфик ёдгорликларидан маълум. Уларга кўра, авваллари *ин*лар ва *чжоу*лар ҳатто бир худога сиғинишган ва унга атаб қурбонликлар қилишган. Бу вақтда *Чжоу* ерлари ҳали *Шан-Ин* давлатига тобе худудлар қаторига кирса-да, аммо унинг сардори тождор назарига тушиб улгуриб «*чжухоу*» унвонига муяссар бўлган эди. Лекин қуйидаги сабабларга кўра, муқаддам *Ин* ва *чжоу*лар ўртасидаги ижобий муносабатлар охири ўзаро тўқнашувларга бориб тақалган.

Қабиланинг *Чан* исмли сардори бўлғуси жанглар арафасидаёқ кўшни қabila жамоаларига ўз таъсирини ўтказиш ва уларни ягона куч остида бирлаштириш мақсадида талай ҳарбий-ижтимоий тадбирларни амал-

га ошириб, ўша вақт вазияти учун кучли иттифоқ тузишга муваффақ бўлганди. Кези келганда шуни ҳам урғулаш керакки, **чжоулар инларга қарши ўз хатти-ҳаракатларида «ёлғиз» эмасдилар.** Натижада қатор мукаддам **инлар** томонида бўлган қабилалар сардорлари **чжоуларга ён босганлари эвазига Ин** подшоҳи мағлубиятидан сўнг кўпгина ерлар уларга аҳолиси билан тортиқ қилинди.

Гарчи аввал **Чан**, кейин эса «**Вэн ванг** - зиёлий хукмдор» унвонига муяссар бўлган **чжоулар** подшоҳи бошлаган ишини ўғли **У-ван** тугаллаган бўлса ҳам, аммо муаррихлар таъкидлашича, янги сулола хукмронлигида подшоликка тобе ҳудудларни бошқариш соҳасида бирорта кўзга кўринарли ўзгаришлар сезилмаган. Гарчи **чжоулар инларнинг** ҳарбий, диний, маърифий соҳаларда эришган ютуқларидан фойдаланган – хусусан, аравакаш, найзачи ва камончидан иборат жанг арава-сини яшаш ва унда туриб жанг қилиш санъати ёки ёзув сифатида мукамал бўлмаган алифбо иероглифларини инлардан ўзлаштирган бўлсалар-да! (29:391).

Албатта, бундай баҳонинг тагида ўзига яраша муайян сабаблари бор эди. Чунки **чжоулар** ҳали ўзлари босиб олган давлатнинг маънавий, ижтимоий ва иқтисодий савиясига қараганда, айтилгандек, анча орқада эдилар. Шу боис улар **Ин** маданиятини тан олиш билан бирга, ўзларини унинг давомчиси, деб билганлар. Тарихий манбаларда қайд этилган қуйидаги ҳикматли ишқ-насихатларни ҳам айни ўша даврдан қолганлиги фарқ қилинади:

«Динни маҳкам тутиб, халққа таълим бера билишингиз учун Шаннинг улуғ зотлари яратган таълимотларни астойдил ўргангиз. Индаги энг доно подшоҳлар қолдириб кетган намуналар орасидан ўзингизга мос келганларини, яъни халқнинг ҳимояси ва унинг устидан хукмронлик қилиш учун хизматга яроқ-

ли омилларни ахтаринг. Ин расм-русумларини баъзо келтиринг ва янги шаҳарларда қурбонликлар қилинг! »

Бу каби **чжоу**ларда **Шан-Ин** тажрибаларига таҳас-суб қилинганлиги қадимги хитой мақоли мазмуни ва самарасини эслатади:

«Аввал ўтганлар ишларини ҳеч унутма, чунки улар – келгуси ишларинг устози!»

Чжоуларнинг дин хусусида ҳам ўз илоҳлари бўлмаганлиги туфайли, улар *шан*ликлардан ўтмиш аجدодлар руҳиятига сиғиниш, фол очиш сингари анъанавий диний унсурларни ўзлаштирганлар. Бироқ кейинчалик муқаддам илоҳий кучлар ибтидоси ҳисобланган **“Шанди”** ўрнини **чжоу**лар замонасида «Осмон» эгаллагач, шундан бошлаб унинг ҳукмдор билан ирсий тааллуқдорлиги қарор топиб, **Чжоу** подшоҳи «Осмон ўғли» унвонига сазовор этилган (19:278).

Бўлгуси империянинг давлат тузумидаги бошқариш тизими дастлаб уч соҳадаги мутасадди раҳбарлардан иборат бўлиб, улар расман «уч оқсоқол» деб номланган. «Оқсоқолларнинг биринчиси давлат хўжалигини бошқарган. Иккинчиси, ҳарбий кўшин таъминоти ва жанговор тайёрликка раҳбарлик қилиб, у айна вақтда «Бош кўмондон» вазифасини ҳам ўтаган. Учинчиси, ер-сув ва ҳосилдорлик учун масъул бўлган».

Бундан ташқари, подшо саройи, хазинаси ҳамда адлия, солиқ тизими каби ишларни бошқариш ва назорат этиш юзасидан яна махсус иккинчи «учлик» гуруҳи ҳам таъсис этилган. Шунингдек, учликлар қаторида диний масалалар билан шуғулланувчи мулозим подшоҳ ҳокимиятини илоҳийлаштириш ва фуқароларни «Осмон ўғли» қулига айлантириш борасида ташвиқот олиб борган».

Башарти диний арбоблар тахт соҳиби ва давлат сиёсатининг тарғиботи билан шуғулланган эканлар, бу масалада шундай бир хусусни ҳам эътиборга олиш

керакки, Хитой тарихида аксарият императорлар барча мавжуд диний жамоатларни ўз ҳолича фаолият юргизишига аралашмаган, шу шарт биланки, улар ҳокимиятга зид сиёсий фаолият кўрсатмасалар бас!

Агар императорлар бирор диний эътиқодни афзал кўрсалар, ўша эътиқоддан ўз шахсий маслаҳатчилари бўлган. Негаки, мозийда динларга қаршилиқ кўрсатиб уни йўқ қилиш кайфиятидаги императорлар узоқ ҳукмдорлик қилмаганлар. Лекин шундай бўлса-да, улар динни давлат билан бирлаштиришга ҳам ҳаракат қилмаганлар (27:72).

Гарчи *чжоу*лар давлатчилик хусусида *ин*лар тизимидан анча узоқ бўлсалар-да, аммо ички ижтимоий ва маънавий жиҳатларда айрим ислоҳотлар ўтказиб, ташқи муҳолиф кучлардан давлат хавфсизлигини таъминловчи тадбирларга аҳамият берганлар.

Ёки, «оила тузишда яқин қариндош-уруғлар билан ришта боғлаш ман этилиб, фуқаролар ўтасидаги муносабатларда қудачилиқ боис бегоналиқ ҳиссиётига имкон қадар барҳам берилган ва бу ҳолат жамиятни мустақамланишига ҳизмат қилган.

Ташқи кучлар билан бўлган дипломатик алоқаларда эса, «*Шан-шу*» трактатида ёзилганидек иш тутиш маъкул топилган»:

«Узоқдагиларга нисбатан юмшоқроқ бўлсанг яқиндагилар билан тинчликда яшайсан, шунинг учун катта ва кичик подшоликлар ўртасида осойишталик ўрнатишга ҳаракат қил!» (32:371).

Ўша кезлари диний маънодаги тушунчалар асосан шаманизм руҳидаги эътиқод шаклларида бўлган. Хусусан, *чжоу*лар ҳукмронлиги даврида шаманлар руҳларни чақириш, тушларни таъбирлаш, ёмғир ёғдириш, одамларни муолажа қилиш ва юлдузлар орқали башоратга масъул эдилар (27:25-26).

Чжоуларда ҳарбий саркардалар бевосита ўз масъулиятларидан ташқари, подшо хўжалигига қарашли ишчи кучларни ишга солиш ва уларни назорат қилишга ҳам мажбур эдилар. Шунинг учун уларга наинки жанг вақтида душман аскарларини асирга олиш, балки деҳқончилик ёки ишлаб чиқаришда қўшимча у ёки бу соҳадан хабардор бўлиш вазифаси ҳам юклатилган. Шу сабабдан ҳам урушлар олиб боришдан кўзланган асосий мақсад фақат ерларни кенгайтириш ва ишчи кучини кўпайтиришга қаратилган. Бевосита ҳукмдорнинг асосий вазифалари қаторига яна жангда қатнашган саркарда ва бошқа нуфузли зотларга ҳадялар қилиш ва қочқин кулларни ўз эгаларига қайтариш масъулияти ҳам кирган (57:165).

Жамиятда учраб турадиган жиноий ишлар одатда содир этилган гуноҳга қараб оғир ёки енгил тарзда жазоланган. Шу билан бирга, «давлат суд идораларида ўлим ва бошқа жазо турларини гуноҳни билиб-билмай қилинганлигига қараб моддий жарима ҳисобига ўталиши ҳам жорий этилган». Ва бу соҳада **чжоу**лар қонунчилигида қуйидаги тамойилга амал қилинган:

«Ҳеч бир оилада қамчи ва калтак-таёқдан воз кечиш керак эмас, давлатда эса жазо ва тафтишдан! »

Муқаддам Хитой қонун тизимида бундан-да оғир жазо турлари жорий эди: ўлим, эркакларни бичиш, хотинларни саройда қамаш, оёқ ёки бурунни кесиш ёки юзга лаънат тамғасини босиш. Лекин шунинг қаторида, юқорида зикр қилинган жазодан катта пул ёки мол кўринишидаги маблағ тўлаш билан қутилиш йўллари ҳам бўлган.

Суд тизимида эса, гуноҳкорлардан ташқари солиқ хусусида қонунга бўйсунмаган деҳқон ҳамда хунармандлар ишлари ҳам кўрилган. Ва мазкур маълумотлар мажмуи қуйидаги ёзма битикларда ўз аксини топган:

«Қадимда чжоулар сулоласи қонунчилиги уч тўп-ламдан иборат бўлган ва унинг ёрдамида гуноҳкор ер-мулк эгалари жазоланиб, бутун мамлакат ҳудуди итоатда сақланган. Янги ташкил қилинган катта мулк эгаларининг қонунга зид ишлари енгил тарзда жазоланган, тинч-тотув яшайдиган мол-мулк эгалари ўртача оғирликда жазоланган, кўзгOLON қилганлар эса оғир жазоларга тортилган.

Барча ўлимга ҳукм қилинганлар бозор майдонида қатл этилганлар; баданига татуировка қилишга жазоланганлар сарой ёки шаҳар дарвозаларини қўриқлаганлар, бурнини кесишга жазоланганлар тоғлик ҳудудлардаги дарвозаларни қўриқлаганлар; бичишга жазоланганлар ички хобгоҳ дарвозаларини қўриқлаганлар; оёғини кесишга жазоланганлар сайлгоҳлар дарвозасини қўриқлаганлар; кимки тана аъзоларига тааллуқли бўлмаган жазога тортилса омборларда қоровуллик қилган».

Жиноят учун қуллик жазосига тортилганлар эрлар ва аёллар гуруҳига ажратилган, улар орасидан фақат ёши етмишга кирган ёки ҳали сут тишлари тушмаган гўдакларгина қул қилинмаган.

Чжоу сулоласига путур етиб, ҳукмдор *Му-ван* қартайиб барча ишларни ўз ҳолига ташлаб қўйганда, *Фу-хоу* - сарой суди раҳбари мамлакат ҳудудини итоатда сақлаш мақсадида гуноҳкор фуқароларни қуйидаги миқдорда жазолаган:

«Баданига тамга босилиши керак бўлганлар сони 1000 та; бурнини кесишга жазоланганлар сони 1000 та; тизза кўзи қирқилишига жазоланганлар сони 500 та; бичилишига жазоланганлар сони 300та; ўлимга ҳукм қилинганлар сони 200 кишидан иборат бўлган. Шундай қилиб, беш турдаги жазога ҳукм қилинганлар сони жами 3000 кишига етган».

1008/1

Чжоулар саройидаги судлов жараёни

Биз юқорида мухтасар равишда танишган жиноятлар бўйича маҳаллий қонун асосида қўлланган жазолар, ёзма битик ва ҳужжатларда баён қилинишича, сарой, вилоят ва туман суд маҳкамалари ҳукми асосида ижро этилган. Расман қадимги Хитой суд жараёни ва унда чиқариладиган ҳукмлар силсиласи билан **чжоулар** сулоласига тааллуқли қуйидаги бир лавҳа орқали танишиш мумкин:

«Учинчи ой, *цзя-шэн* кунида *Ван Фани*даги *Шан-гун* саройида суд бўлди ва унда *Бо Ян-фу* қуйидаги айбномани эътиборга ҳавола қилди:

А. «Му-ню! Сен туҳматда айбланасан, чунки сен ўз қасаминга хиёнат қилиб, ўз бошлигинг билан судлашишга журъат қилдинг. Ҳозир сен яна қасам ичдинг ва шунга кўра, Сэга етиб боргач Чжэн билан учрашиб, унга мана бу беш кишини топиришинг керак. Сен ҳукмни эшитдинг. Дастлабки сенга берилган жазо тамга босиш ва қамчи билан минг марта калтаклаш эди. Кейин маълумки, мен сенга берилган жазони камайтирдим...

Ҳозир мен яна сенинг жазоингни енгиллаштирмақчиман. Энди сен беш юз марта қамчи билан урилгач, 30 хуан жарима тўлайсан.

Бо Ян-фу яна Му-нюни мазкур мазмундаги қасам ёдга келтирди, шу маънодаки:

«- Мен энди ҳар қандай шароитда ҳеч кимга зарар етказмайман».

Бо Ян-фу деди:

- Агар сенинг бошлигинг яна устингдан шикоят ёзиб берса, сен минг қамчи калтак ва тамга босиш билан жазоланасан.

Му-ню қасам ичди. Қасам ичилганидан сўнг ундан жарима олинди...

Б. Қайсидир ҳосил бўлмаган йили 20 кишидан иборат Куан Чжун одамлари Яо омборидан 10 ўлчовида дон ўзирлаганлар. Шикоят тушганида меросхўр Куанга деди:

- Одамларингни менинг қўлимга топшир. Агар биз уларни қўлга олмасак сен жуда оғир жазога тортиласан.

Шунда Куан Яо олдидан ўз айбини бўйнига олиб тегишли жарима тўлагач, меросхўр деди:

- Куан, 10 ўлчовдаги донга яна 10 ўлчов қўшиб 20 ўлчовдаги донни ол. Агар келаси йили қарзингни тўла-масанг, унда 40 ўлчов донга тушасан» (69:180).

Тўғри, милоддан аввалги биринчи мингйилликка доир ёзма ёдгорликлардан тўплаб баён этилган хитой давлатчилиқ тарихи саҳифаларини, ҳатто бир неча авлод тадқиқотчилари таҳлили натижалари билан ҳам яқун топган, деб бўлмайди. Боз устига, **Чжоу** давлати тўғрисидаги хабар ва маълумотлар ҳам доим ўзаро бир-бирини тасдиқлайвермайди. Масалан, баъзи нашрлар хулосасида, **Чан** даврида қабилаларни бирлаштириш йўлидаги ҳаракатлар қўшни халқларни талаш ва қулга айлантириш учун олиб борилган урушлар сифатида кўрсатилган бўлса, бошқаларида эса, «бу ҳаракатлар ўртадаги зиддиятларни янада кескинлашувига олиб келган»лиги зикр қилинган.

Қиёсланган ҳар икки талқиннинг қайси бири ҳақиқатга яқин эканлигидан қатъи назар шуниси аёнки, бу ҳаракатлардан асосан оддий авом зарар кўрган. Ва айрим манбаларда хабар қилинишича:

«Бир томондан, иттифоқдош қўшни қабилаларнинг ер-мулк эгалари катта бойлик ортириб иқтисодий жиҳатдан янада кучайган бўлса, иккинчи томондан, камбағилларнинг аҳволи, аксинча, ниҳоятда хароблашган» (3:728).

Шу ва бошқа сабаблар туфайли жамиятдаги аҳволнинг мушкуллашуви оқибатида турли ижтимоий қатламлар ўртасидаги табақаланиш тобора чуқурлаша борган.

Табақаланиш хусусида мободро жамият ҳаётининг асосий тўрт шоҳ томирини ташкил қилган Ҳиндистон тажрибасига мурожаат қилсак, «Табақа тизими орийларнинг ерлик аҳоли билан аралашиб кетмасликлари ва ўзларининг забт этилган ирқдан алоҳида нуфузга эга эканликларини сақлаб қолишга бўлган интилишлари оқибатида юзага келган эди» (22:44).

Хитойдаги табақа тизими кўшни Ҳиндистондан фарқли ўлароқ насл-насабдан эмас, балки ўзининг маъмурий-ижтимоий асоси, аниқроғи, жамиятдаги тутган ўрни билан фарқланган.

Яъни, давлатда куллардан ташқари аҳолининг асосий қисмини ташкил қилган озод фуқаролар беш қисмдан иборат табақага бўлиниб, улар шунга яраша яшаб фаолият кўрсатиш ва қуйида алоҳида урғуланажак мақом асосида озикланиш қонунига амал қилганлар:

Биринчи табақа вакили *ванг* – «инсонлар ичидаги ягона зот».

Иккинчи табақа вакили *чжухоу* – аристократиянинг олий намояндаси ва мерос мулки ҳукмдори.

Учинчи табақа вакили *дафу* – *чжухоу* мулкига қарашли аҳоли сардори.

Тўртинчи табақа вакили *ши* – жамиятдаги катта оилаларнинг бошлиқлари.

Бешинчи табақа вакили *шунжэн* – оддий халқ.

Яна, Хитойдаги бундай маъмурий-ижтимоий табақаланиш ва унинг маънавий масъулияти майший масалаларда ҳам ўз ифодасини топган:

1. *Ванг* – подшо фақат буқа, қўй ва чўчка гўштини истеъмол қилган.

2. *Чжухоу* – мулкдор аристократлар фақат мол гўштини истеъмол қилган.

3. *Дафу* – қабила сардорлари фақат чўчка гўштини истеъмол қилган.

4. *Ши* – катта оила бошлиқлари фақат балиқ гўштини истеъмол қилган.

5. *Шужэн* – оддий авом эса, умуман гўшт истеъмол қилмаган (29:393).

Биз кўрган табақалар ўртасидаги фарқланиш фақат жамиятдаги мавқе ёки озиқ-овқат истеъмолида эмас, балки бемуболаға айтиш мумкинки, хитой ҳаётининг жами жабҳаларида аниқ қонунлар замирида расмий тус олган эди. Хусусан, моддий бойликлардан фойдаланиш чегараси ҳам табақа даражасига монанд бўлмоғи шарт бўлган: «кийим-кечакнинг бичилиши, тикилиши, емак-ичмак миқдори, уйдаги асбоб-анжомнинг тур-тоифаси, уй саҳни ва экин майдонининг ўлчови, сўзлашувдаги сўзлар истифодаси ва ҳатто дафн этишда тобуту гўрнинг ўлчови ҳам» (28:393).

Аньян археологик қазилмаларида жуда кўп турли тарзда дафн қилинган кишиларнинг ўнлаб мозорлари топилган. *Шан*лар даврига оид бу мозорларда отлар ва хос аравалар, турли ҳарбий ва ҳукмдор шахслар рамзини билдирувчи бронзадан ясалган унсурлар ва шунингдек, қуллари билан бирга дафн қилинган ўрта табақага тегишли кишилар қабри ёнида 60 хил турдаги бронза асбоб-ускуналар солинган сандиқ топилган. Бунда қуллар бир йўла ялписига кўмилган бўлиб, улардан уруш вақтида қўлга тушган асирлар жанг майдонида ўлдирилган, баъзан эса улар диний маросимлардаги қурбонликлар учун маълум муддатгача сақланган.

Асир қулларга бундай ҳар икки хилдаги муносабатдан хулоса шуки, у даврларда хали қулдорлар ишчи

кучларини тўлиқ ишлаб чиқаришга жалб қилишга ўтган эмасдилар (57:147). Балки шунинг учун бўлса керак, куллар сонининг ортиши Юнон ва Римдаги каби Хитойда ҳам илк кул бозорларининг пайдо бўлишига олиб келган. Ва одам савдоси учун ажратилган махсус жойлар кулдор зодагонларга савдо растаси вазифасини ўтаган.

Аввалгидек анъанавий кулларга бўлган муносабат **Чжоу** давлатида яна қайта тикланиб, урушда асирга олинган куллар сони, фуқаролар орасидан оғир жиноят қилган – аждодларнинг муқаддас руҳига номуносиб гуноҳкорлар ҳисобига кўпая бошлаган. Озод фуқаролар кулга айланганидан сўнг, улар маънан хитойлик учун кулликдан ҳам кучлироқ жазога тортилганлар – ўз аждодлари пушти-паноҳига ҳақдорликдан маҳрум этилганлар. Давлат миқёсидаги кулларга бўлган бундай таҳқирли муносабат шу даражага етиб борганки, махсус ташкил топган кул бозорларидан ташқари, яна подшолар ўз яқинлари, кўли остидаги амалдор ва ҳарбий саркардаларга янги асир олинган кулларни совга-салом сифатида ҳам ҳадя қилганлар. Мисол учун, **чжоу**лар даврига оид бронза идишлардаги иероглифлардан кулларнинг хитой жамиятида тутган “ўрни”ни тасаввур қилиш қийин эмас:

1.Цзян ўн шода чизаноқ, ўнта кул тортиқ қилган;

2.Сенга жанг аравалари, ҳарбий қурол-яроғ, отулов ҳамда бир юз эллик оилали кулларни тақдим этдим;

3.«Цзо чжоуан»да кўрсатилишича, подшо Цзин Хуан Цзига куллардан минг оилани совга қилган (3:722).

Бу каби асир тушган ёки муқаддам содир этилган гуноҳ туфайли кулга айланган собиқ фуқароларга нисбатан бешафқат муносабат боис мамлакатда подшога ялписига бўйсунуш анъанасига путур етгач, авом ора-

сида илгаридан мавжуд бўлган норозилик кайфияти янада кучайган.

Ёки ушбу аҳволни *Сима Цян* таърифида ифодалаганда:

«Чжоу хонадонига нутур етди, катта мол-мулк эгалари бир-бирини ютуб юборгудек тарзда хукмронлик қилиш пайига тушдилар. Цин подшолиги эса Юнчжоу вилоятидан четда бўлиб, йигин ва иттифоқларда иштирок этмасди. Чжоулар Цинга худди И ва Ди қабилаларига бўлган каби муносабатда эди» (62:39).

Юзага келган кескин аҳвол милoddан аввалги 827 йили подшо *Ли-ванни* пойтахтни ташлаб қочиб кетишга мажбур қилган. Собиқ подшонинг ўлимидан сўнг, регентлар томонидан ҳокимиятни унинг валиаҳдига топширилиши вақти Хитой тарихида энг катта урушлар арафаси сифатида таърифланган.

Чжоу давлати ўзининг дастлабки ҳарбий юришлари ва айниқса, *Шан-Инни* мутлақ босиб олиши бўсағасида ўз босқинчилик режаларини дунё миқёсида амалга ошириши мақсадида ҳам бўлганлиги ривоятлар орқали етиб келган ҳақиқат. Бу борада, хусусан, *Чжоу* подшоларидан бири шундай деган экан:

«Биз давлатимиз то бутун дунё даражасидаги империя бўлмагунича, денгизнинг нариги бурчаги ва қун чиқар гўшадан тортиб то мана шу еригача одамзот ичида қонунларимизга бўйсунмайдиган битта киши қолмагунича подшо Вэн ваннинг ишини давом эттиришимиз ва ҳар қандай ялқовликдан воз кечишимиз керак».

Пировардида қўшни қабилалар ўртасидаги илгариги сиёсий ёки ҳудудий келишмовчиликлар борган сари насл-насаб устуворлиги руҳини эгаллай бошлаган эди. Оқибатда тинимсиз ҳарбий юриш ва урушлар туфайли Осмон ўғлининг кўли қисқариб, аввалгидек ўзи истаган ерига етмай қолганди. Шу орада *«чжухоу»*ларнинг

давлат ва қабилалараро алоқаларга аралашуви имкони бўлмагани учун, кечаги тобе қабилалар энди мустақил иш юритишга ўтган эдилар.

Хитой узра бундай беқарорлик ҳукм сурган давр воқеалари жараёнининг халқ ижодида ўз ёрқин ифодасини топганлиги «Қўшиқлар китоби» матнида сақланиб қолган. «*Ши цзин*» деб аталган бу китобда тарихий воқеалар баробарида шунингдек, *чжоу* халқининг ҳаёти ва улар яшайдиган табиат об-ҳавоси таърифи намуналари ҳам жамланган. Мисол учун, шу китобдаги қўшиқлардан бирида кўчманчи *Сюнну* қабиласининг милоддан аввалги 822 йилда *Чжоу* подшолигига бостириб кириб, пойтахтни қандай ишғол этмоқчи бўлганлиги шундай тасвирланган:

*Олти ой бўлганди алгов-далговга,
Жанг аравалари турар шайланиб,
Тўрттадан аргумоқ ҳар аравага,
Улар ҳам турарди жангга шайланиб.*

*Қахрли Сюнну элимиз босди,
Шул сабаб шошилинч рўбарў чиқдик.
“Пойтахтни қутқармоқ учун отланинг!”
Деди шоҳимиз, биз йўлга чиқдик.*

*Кўрсатдик мислсиз мардлик, жасорат,
Сюнну енгилди, биз золиб чиқдик.
Цяо ва Хуни қўлга киритиб,
Хао ва Фэнни ҳам истило қилдик.*

*Цзин дарёсининг шимолигача,
Ета олган Сюнну роса янглишиди.
Қушлар тасвирланган байрогимизда,
Режалари эса, хўп пучга чиқди.*

*Ҳилпирарди байроқ бақувват қўлда,
Ўнта жанг араваси олдинда учар.
Омонсиз енгдик Сюннуни биз,
Ўн минглаб элларга бу намунамиз!*

Қўшиқнинг жўшқин руҳиятидан унинг матни ёзилган паллаларда *Чжоу* давлати ҳали ҳам ўз куч-қудратини йўқотмаган кезларига ўхшайди. Аммо ҳақиқатда эса, *Хуанхэ*нинг унумдор водийларига кўз тиккан қабилаларнинг сурункали хужумлари давлатнинг иқтисодига, ички бирдамлигига путур етказиб бўлган эди. Шу зайлда ички ва ташқи беқарорлик шароитидаги ўтган йиллар ичида қулдорлар қўлида бўлган марказий ҳукумат тарқалиб, давлат яна бир неча катта-кичик подшоликларга бўлиниб кетди. Гарчи шундай бўлса-да, барибир Хитойда марказлашган давлатни тузиш кайфиятида бўлган ҳукмдорлар ҳали ҳам йўқ эмасди.

Милоддан аввалги V асрнинг иккинчи ярмидаги ўзаро урушлар вақтида, ниҳоят, «Еттилик» ва шундан сўнг «Беш йирик подшолик» тузилди. Бироқ бешлик ўртасидаги бир-бирдан устунликка интилиш тенденцияси иттифокнинг емирилиши билан тугалланди. Лекин шу аҳволда ҳам тарих саҳифаларида ёзилишича, Хитойда муайян иқтисодий ривожланиш давом этган — суғориш ва ерга ишлов бериш такомиллашган, тўқувчилик ва кemasозлик ишлари қўлами кенгайган, лок ва сопол ишлаб чиқариш ҳам ўсиб борган (60:492-493).

Яна шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, давлатда қишлоқ хўжалиги хусусида олиб борилган ишлар ичида деҳқончилик муҳим ўрин тутган. Унумдор ер майдонларида алмашлаб экиш услуби қўлланган. Яъни, экин майдони учга бўлиниб, унинг ҳар икки бўлагига экин экилган, учинчиси эса шудгор қилиб бўш қолдирилган. Шунда уч йилда ҳар бир майдонга бир марта экин

экиш гали келган.

«Биринчи марта уруғ қадалган ерга «янги», иккинчи марта уруғ қадалган ерга «янги ер», учинчи марта уруғ қадалган ерга эса «уч ёшлик дала», деб ном қўйилган. Ҳаттоки бевосита ҳукмдор ҳам рамзий равишда бу ишларда қатнашиб, етиштирилган буғдой нонини биринчи бўлиб татиб кўрган.

Ҳосилдор ерлардан асосан икки усулда фойдаланилган: «ерга эгалик қилиш ёки унга ишлов бериб ҳосил олиш». Ваҳоланки, барча ерлар подшога қарашли бўлган Хитойда ерга эгаликнинг асли мазмун моҳияти нимада эканлиги «Кўшиқлар китоби»да оддий халқчил ташбиҳларда шундай шеърга солиб қуйланган:

*Атроф кенглигига ёйилган осмон,
Лек осмон остида йўқ подшоҳ ери.
Аммо денгиз ювган қирғоқда ҳамон,
Қул борки подшоҳга тегишли бари*¹(29:393).

Шаҳардан узоқ қишлоқларда давлат кўрсатмаси бўйича экин майдони тўртбурчак шаклида бир-бирига тенг бўлақларга бўлинган. Бунда тўрт томондан туташган қишлоқ аҳолиси ўзаро химояда бўлиб, муҳтожлик ҳолатида бир-бирига ёрдам кўрсатишлари кўзда тутилган.

Дехқончилик билан ёнма-ён чорвадорликка ва унда айниқса зотдор отларни урчитиб кўпайтиришга муҳим аҳамият берилган. Бойси, ҳарбий юришлар учун жанг отларидан ташқари, мол-мулк ва ўлжаларни олиб юриш учун кўп сонли от-араваларга талаб кучли бўлган.

Чжоулар салтанатида деҳқончилик ва чорвачиликни олиб борувчи жамоалар ижтимоий ҳаётининг энг муҳим хусусияти, бу – фуқаролик қонун-қоидалари

¹Бу ва бундан кейинги рус ҳамда инглиз тилидаги шеърӣ мисралар муаллифнинг эркин таржимасида берилди.

хукм сурган шароитда хотин-қизлар хукуқининг чекланиши эди. Уларга нисбатан таҳқирли муносабат баъзи ҳолларда ҳатто улар дунёдан ўтганидан кейин ҳам ўз асоратини йўқотмаган. Ва ушбу таҳқирли муносабат ибтидоси қуйидаги шартлардан бошланган, яъни: уйини ташлаб чиқиб кетган аёллар энг катта гуноҳкор ҳисобланган; дин ва қонунда ўз шахсий фикрига эга хотин-қизлар қораланиб, уларга уйланиш ҳам ман этилган; хотин ўз уйидан бошқа ерда вафот этган бўлса, унинг руҳ тумори эрининг руҳ тумори билан бир жойда бўлмаслиги шарт бўлган ва шунингдек, хотиннинг маслаҳатига амал қилиш эр учун энг оғир гуноҳ, деб билинган (3:719).

Қайд этилган **ҷисоу**ларнинг иқтисодий тараққиёти даврида ҳам – майли у деҳқончилик, чорвачилик, хунармандчиликдаги раванқ ёки ҳарбий ғалабалар бўлсин, давлат фуқаро норозилиги ва кўшни давлатларнинг ҳужуми хавфидан холи эмасди. Бунинг яққол намунасини хитой файласуфи **Мэн-цзи** трактатида сақланиб қолган маълумотлардан билиш мумкин:

«Беҳисоб кўшин ўзининг хукмдори билан бирликда сафарга чиқиб бор озиқ-овқат захирасини еб тугаллади. Очлар овқат тополмай, ишга ярайдиганлар эса сира тинчимай овора. Энди ҳамманинг кўзида газаб ўти чақнарди, тилларда лаънату фарёд! Ана шундан кейин халқнинг қалбида чуқур нафрат уйғонди ва у ўзини эзишга ундаган подшо амр-фармонларидан бош тортди» (3:732).

Айни шароитда рақобатдаги иттифоқчилар ичида ҳарбий ва иқтисодий жиҳатдан энг кучлиси ҳисобланган **Цин** подшолиги ўзаро муҳолифатга барҳам бериб, кучли марказлашган давлат барпо этиш ва барчани ягона куч остида бирлаштиришдек Хитой учун долзарб масалани ҳал этишда яловбардорлик қиларди. Ва «ўша кезлари бундай сиёсий муҳим воқеани со-

дир бўлишининг асосий сабабларидан бири, мавжуд подшоликлар ўртасида пул-товар муносабатларининг жонланиши бўлди» (29:402). Аммо **Цин** подшоҳи сўзлари бўйича империянинг ташкил топиши аждодлар руҳининг қўллаб-қуватлаши шарофати билан рўй берган эди:

«Мен ўзимнинг заиф қўлларим билан қўшинни доим кўзголонга шай кучларни мағлуб қилиш мақсадида аждодлар руҳи мададига суяниб оёққа турғиздим ва оқибатда олти подшоҳликнинг ҳукмдорлари ўз гуноҳлари учун жазоландилар.

Ниҳоят, Осмон ости тўла-тўқис осойиш топди Энди, агар ҳукмдорнинг унвони ўзгартирилмаса, эришилган галабаларни ҳеч бир жиҳат билан баҳолаб келгуси авлодларга етказиб бўлмайди. Бир ўйлаб кўрингчи, императорнинг унвони қандай бўлиши керак?»

Подшоҳнинг биринчи маслаҳатчиси Гуан, матбуот Бош назоратчиси Цзе ва Бош ҳакам Си дедилар:

«Қадимда беш ҳукмдорнинг ерлари ҳудуди ҳаммаси бўлиб минг «ли»ни эгалларди ва унинг ташқарисида эса кўриқчи тобе ва ноаниқ тобеликдаги ерлар ҳокимлари гоҳ саройга келар ва гоҳида келмасдилар, бунинг оқибатида Осмон ўгли уларни бошқариш ҳолатида эмасди.

Эндиликда эса Сиз – ҳолис ҳукмронсиз! Адаолат учун қўшинни оёққа турғазиб, бешафқат кўзголонга шай кучларни мағлуб этиб, Осмон остида тинчлик ўрнатиб, тўрт денгиз ҳудудида барча ерларни вилоят ва туманларга бўлганингиз боис қонун ва фармойишлар якка ҳукмдор томонидан берилмоқда.

Ҳолбуки, энг қадим замонларда ҳам бундай бўлмаган ва ҳатто узоқ ўтмишнинг беш ҳукмрони ҳам бундай мақомга эриша олмаган эди...

Биз – Сизнинг хизматкорларингиз, ўлимдан кўрқмай Сизга шуни маслаҳат беришга ҳаддимиз сиздики, Сиздек улуғ Ванг энди «Тай-хуан» деган энг юксак унвон билан номлансангиз. Сизнинг буйруқларингиз - «чжи», фармойишларингиз эса – «чжао». Сиз – Осмон ўгли бундан буён сўзлаганда ўзингизни «Чжан» – бу Биз десангиз!

Ванг деди:

«Тай» – улуғ сўзини унвондан олиб ташланг, ва «хуанг» – ҳукмрон сўзини қолдириб, унга «ди» – энг қадимги ҳукмронлар унвони бўлган «император»ни қўшинг ва шунда Менинг унвоним «хуангди – ҳукмрон император» бўлади. Қолгани эса сиз айтганингизча бўлсин» (62:62).

Шундай қилиб, ўз даври сиёсий, ижтимоий-иқтисодий вазияти тақозоси билан тахтга чикқан **Цин** подшоҳи, ўзига «**Цин Ши-хуангди – Ҳукмрон-император**» унвони берилиши муносабати билан хужжатларда қайд этилишича, у келгуси авлодлари ҳукмронлигининг минглаб йиллар давом этажagini башпорат қилган. Агар **Цин** империяси мавзуига ўтишдан аввал **чжоулар** салтанатига хавф солган янги давлатнинг ўз рақиби билан муқаддам бўлган муносабати тарихига мухтасар тўхталсак, унинг қисқача тарихи **Сима Цян** таърифида шундай кечган:

«Аввал Цин бутунлигича чжоуларга қарашли ҳудуд ва мулкнинг ажралмас қисми бўлиб, улар кейин ўзаро ажралган. Бу ажралиш беш юз йил давом этиб, сўнг яна улар бирлашдилар. Бундай бирлашувнинг етмиш еттинчи йили ўтганда мамлакатда мустабид подшоҳ пайдо бўлди...».

Яна шунингдек, **чжоулар** ҳукмронлиги тугаши арафасида уларнинг хонадони ва салтанатдаги танг аҳволнинг юз беришига сабаб бўлган омиллар ҳам муаррих эътиборидан четда қолмаган:

«Чжоу хонадони жуда ҳам кучсизланиб қолган эди. Катта ер-мулкка эга подшолар ҳукмронлик қилиш мақсадида бири иккинчисини ютуб юборишга интиларди. Цин подшолиги эса алоҳида бўлиб иттифок, йизинларида қатнашмасди.

Цин подшоҳи ўз кўшинини Жанубий Чжоуга ҳужум қилишга отлантирди. Шунда Жанубий Чжоу ҳукмдори Цин ҳукмдори ҳузурига бош эгиб бориб, ўз айбини тан олиб, деворлар билан ўратган ўттиз олти қишлоқни ўттиз минг кишиси билан тортиқ қилди.

Чжао сян ванг ҳукмронлигининг эллик иккинчи йили Чжоу аҳолиси шарққа қочиб, уларга тегишли бўлган қимматбаҳо идиш-товоқлар ва ўнта “уч оёқ” идиш Цинга ўтди. Шундай қилиб Чжоу хонадони рихлатга кетди»¹.

Чжанго – жангари подшоликлар даври

«Чжанго атамаси биринчи бор милоддан аввалги V-III асрлар солномасида пайдо бўлган. У вақтда мазкур атаманинг маъноси етти кучли давлатни англатарди.

Еттиликнинг бири бўлган Цин подшолиги кучайгач, ўзининг олти муқобил душманларини мағлуб этиб, биринчи марказлашган давлат мақомига муяссар бўлди ва шундан кейин Хитой бир неча вилоятлар – Хэбэй, Хэ-нан, Шанси, Шандун, Шэнси, Хубэй каби худудлар ҳисобига кенгайди.

Бу жангари подшоликлар даври агар илк бор Сима Цянининг «хотиралар»ида баён этилган бўлса, унинг мантикий тафсилоти эса Чжанго даври ҳукмдорлари ва саркардалари фаолиятига бағишланган «Чжанго цэ

¹«Рихлатга кетиш» маъносида Чжоу хонадонининг кучсизланиб, охири Цин империяси ҳукмронлигига ўтиши назарда тутилган.

– жанговор подшоҳлар сиёсати» номли асарида давом эттирилди (18:213).

«Хитой ландшафтидаги табиий ўзгаришлар оқибати туфайли ерларнинг ўзлаштирилишида мавжуд подшоҳликлар ҳамда катта-кичик шаҳар-давлатларда асосан икки омилга аҳамият берилди. Бири, давлат тизимини ислоҳ қилиш билан ҳокимият таъсир доирасини ошириш ва кенгайтиришга, иккинчиси, ҳарбий жанговор хатти-ҳаракатлар оқибатида ўзига нисбатан кичик давлатларни забт этиш ҳисобига иқтисодий ва ҳарбий кучқудратни янада оширишга. Шу тариқа муттасил жангу жадаллар ичида қолган Хитойда милоддан аввалги V асрнинг иккинчи ярмига келиб етти давлат ажралиб чиқди: *Хан, Вей, Чжоу, Ци, Чу, Ян* ва *Цин*».

Бу ҳолатнинг ажабланарли бир жиҳати шунда эдики, жангари давлатлар даврида юз берган турли воқеалар оқими боис Хитойда юзага келган сиёсий беқарорлик шароитида ҳам деҳқончилик, ҳунармандчилик, суғориш иншоотлари ва металлургия соҳалари сезиларли равишда ривожланди.

Савдо-сотик борасида наинки ички бозор, балки ташқи дунё билан савдо муносабатлари жуғрофияси ҳам кенгайди. Ва тарихий манбаларда берилган хабарларга кўра:

«Марказлашган давлатларда шимолдан келтирилган жуда чопқир отлар ва зотли итлар, жанубдан қуш патлари, фил суяги, каркидонларнинг териси, турли бўёқлар, зарбдан жун ва теридан тикилган ашёлар сотиб олинарди.

Пастки ерлардаги аҳоли ўрмон маҳсулотлари, тоғлик аҳоли эса сув ости ганиматлари ва ерга шиллов берувчилар темир эритиб омов ясамай, хумдонда кўзалар пиширмай туриб ўзларига керакли барча тайёр нарса ва аслаҳаларга эга бўлишлари; ҳунарманд ва савдогарлар эса ерга экин экмай туриб тур-

ли озик-овқатларни исътемом қилишлари мумкин эди» (60:497).

Ички бозорларни бундай кишлок хўжалиги, хунар-мандчилик ва ташқаридан келтирилган моллар бадалига ишлашига, жангари подшоликларда зикр қилинган маъмурий маҳкамалар тизимининг мукамаллашуви, савдода натура қатори пул муносабатларининг жорий этилиши ҳамда қуллар сонининг ортиб бориши билан ишчи кучининг арзонлашуви сабаб бўлганди.

Йирик подшоликлар даврида намоён бўлган жадал тараққиётнинг муайян ички муаммолари ҳам кам эмасди. Яъни, қулларнинг қатл қилиниши, гуноҳкор фуқароларнинг нафақат ўзлари, балки уларнинг хеш-ақраболари билан турли жазоларга тортилиши ва бошқа – қадим анъаналарига номуносиб ҳукмларга мансуб истибдод натижалари норозилик оқибатидаги қўзғолонлар билан тугалланарди.

Шунга қарамай, «*Чжанго*» даври подшоликларининг умумий хусусиятларидан ташқари, уларнинг ҳар бирини ўзига хос тараққиёт ва таназзул йўллари ҳам бўлган. Чунки бу ижобий ва салбий жиҳатларнинг шаклланиши биринчи навбатда у ёки бу сулола вакиллари-нинг муқаддам ўз қабилаларида қай тарзда яшаб ривожланганликлари даражасида кечган.

Жангари подшоликлар давридаги ёзма ҳарфларнинг мукамаллашуви боис маданият ва унинг турли соҳалари билан боғлиқ алоқалар ҳам жонланди. Агар муқаддам *Цин* ёзма ҳарфлари бошқа ёзмалардан анча фарқ қилган бўлса, кейинчалик уларнинг нисбатан бир тизимга ўтиши билан умумий ёзма алоқалар вужудга келди. Яна, агар аввал тил хусусидаги шевалар ўртасида фарқ жуда сезиларли бўлса, кейинчалик уларда ҳам умумийлик устувор бўлди. Шунингдек, *Цин* ва *Вэй* подшоликлари ўртасида савдо йўллари учун каналлар қазилиши, тангаларнинг муомалага киритилиши хитой

жамиятидаги тараққиётдан далолат берарди (53:15).

Хуллас, Хитой тарихидаги жангари подшоликлар атамаси билан мухрланган милоддан аввалги VI-III асрлардаги иқтисодий тараққиёт илмий адабиётларда анча жадал ривожланиш даври, дея эътироф этилди.

Чжанго даврининг охири Хитойда ўз-ўзини бошқарувчи ва ўз ерига эга бўлган жамоаларнинг кўпайиши билан характерли эди. Бу вақтдаги катта ва кичик оилалар таркиби ҳам фанда хитойлар ижтимоий ҳаётининг асосий кўрсаткичи сифатида зикр қилинган. Кичик оила эр, хотин ва болалардан иборат бўлиб, улар иқтисодий жиҳатдан мустақил яшаган ва ўз уйи, экин-тикин учун ҳайдаладиган ўз ери, иш ҳайвонларига эга бўлган. Катта оилаларни эса, атрофи ўралган ўз хўжалиги ва уларга ёрдамчи турли қурилмалари, махсус озик-овқат тайёрланадиган ошхоналари ва улар қармоғидаги кичик оилалар ташкил қилган.

Бу шароитда катта оилаларнинг бўлинишига имкон қадар йўл кўйилмаган ва ҳаттоки ака-укалар ҳам фақат ота вафотидан кейин мустақил оила бўлишга ҳақли хисобланган. Юзаки қараганда, гўё оилалар бирлигини таъминловчи бундай тадбир, аслида ота ва ўғиллар ўртасида мол-мулкнинг бўлинишига қарши қаратилган эди (53:22).

Бу даврдаги хитой жамиятида *цзун* ёки *цзун-цзу* дея аталган сўзлар катта оила маъносини англатган. Баъзилар бу жамоани катта ва кичик оилалар мажмуи десалар, бошқалар уни қадимги қабилавий тизим ҳосиласи маъносида таърифлайдилар. «Тарихий манбалар бўйича бу *цзун*ларда юздан то мингларгача оилалар жамланган».

*Цзун-цзу*лар доим ўзаро ёрдамда бўлганлар. *Хан* даврининг таниқли давлат арбоби ва олими *Цуй Ши*-нинг «*Цмин яшошу*» асарининг 3-қисмида ёзилишича:

«Учинчи ойда дон захиралари тугаган бўлса керакки, камбагал оилаларга ёрдам сифатида дон-дун тарқатганлар... Тўққизинчи ой сўроқларда аниқланганидан кейин ким ўз оиласини мустақил боқа олишига қодир бўлмаса, уларга – якка-ёлғиз яшайдиганлар, қариялар, бевалар, касалларга қишдан чиқиб олишлари учун турли ёрдам кўрсатилган...»

Бутун дон-дун йигиб олиниб, барча оилалар ўз ҳосилини бир омборга тўкканида, дунёдан ўтганларнинг дафн маросимини ўтказишга киришганлар. Агар бирор оилада бу удумни амалга ошириш имкони бўлмаса, барча цзун аъзолари майитни кўмишига кўмаклашганлар. Ва бунда албатта сарф-харажатлар миқдори хонадон насл-насаби, мавқеи ва бойлигига қараб белгиланган».

Айни шу – жамиятдан то сиёсатгача бориб уланган «соғлом оилавий бирлик» рамзи икки атамада ифодаланган: **Хэ** ҳамда **Тун**. **Хэ** аталмиш бирликка одатда мажозан қарама-қарши кутбларнинг ўзаро манфаатлари тўкнашувидан кейинги ҳосиласи орқали эришилган. **Тун** – аталмиш бирликка мушоҳада қилувчи томонларнинг ўзаро келишувчанлик руҳияти орқали эришган (53:27,38).

Қадимги хитойликлар **Хэ** атамасида назарда тутган моҳият қамровини сезиш ва ҳис қилиш учун **Хуан-гун** номли амалдорнинг **Бо** исмли **Чжен** подшолиги сарой муаррихи ва мунажжими билан суҳбатини мисол келтирамиз, чунки шу суҳбатда **Хэ** атамасининг мазмуни энг кенг тарзда намоён бўлган:

«Хуан-гун сўради:

-Чжоу хонадонини ҳалокат қутмоқдами ёки йўқми?

Муаррих Бо жавоб берди:

-У деярли ҳалокат ёқасида... Ҳозирда чжоулар подшоҳи ўз атрофидаги аллома ва мутоз зотларни

узоқлаштириб тухматчи, маънан бузуқ ва гумроҳларни ёқламоқда, у ётоқ каркидоннинг бурнига ўхшаганлар ва гўштдор ёноклиларни ёқтирмайди, балки ўзига аҳмоқ, тентак ва ўжарларни яқинлаштириб қарама-қаршиликлар бирлиги рамзи Хэни инкор этиб, бирликнинг келишувчанлик рамзи бўлган Тунни маъкул кўрмоқда¹.

Аслида айни қарама-қаршиликлар бирлиги рамзи Хэ барча нарсаларни яратади, ҳолбуки, келишувчанлик бирлиги рамзи Тун бепушт бўлгани учун авлодларни дунёга келтирмайди.

Бирини иккинчиси ёрдами билан келиштириш билимини қарама-қаршиликларнинг уйғунлашуви дейилади, шу тамойил шарофати билан борлиқ иш-тоб билан ўсиб барча жонзот унга бўйсунди. Бирор бир нарсага унга ўхшаш иккинчи хил нарса аралаштирилса, ундан бирор мазмун чиқмагани учун фойдаланилмайди.

Худди шунинг учун ўтмиш подиолари ерни темир, дарахт, сув ва олов билан аралаштирганлар. Ва фақат шу мақсадда улар ҳақиқий мазани татиш учун беиш турфа татим туйғусини уйғунлаштирганлар, вужуднинг ҳимояси учун унинг тўрт остини мустаҳкамлаганлар, юракка яхши хизмат қилишлари учун улар етти тешикли сезги аъзоларини ўзлашувга йўналтирганлар ва одамни ташкил этган унинг вужудидаги саккиз қисмини ўзаро боғлаганлар.

Шу каби юзлаб мулозимларни ўз жойига қўйиш учун эзулик поклигига эришиш мақсадида нуфузнинг ўн тоифасини таъсис этганлар, минглаб лавозимлар, миллионлаб жонзотларга тегишли беҳисоб ишларни муҳокама қилганлар...

¹Ётоқ каркидоннинг бурнига ўхшаганлар ва гўштдор ёноклиларни кадимги хитойлар мутафакирлар деб билганлар.

Афсуски, чэжоулар подшоҳи бундай тамойилни инкор этиб, ўз фикрига ўз нуқтаи назарлари билан ҳамфикрларни бирлаштирамоқда. Осмон уни ақлдан бенасиб этди, шунинг учун у ўз ҳалокатини хоҳла-маса ҳам бу ҳалокатдан қутилиб кетолмайди»¹.

Шу каби иккинчи бир манбада Хэ ва Тун атамалари фарқи ҳақида шундай дейилган:

«Подшо сўради:

-Хэ ва Тун ифодалаган бирликларда нима фарқ бор?

Мулозим Ян Ин жавоб берди:

- Фарқ бор ва у шуки, Хэ бирлиги худди таом пиширишга ўхшайди. Масалан, сув, олов ва масаллик бор бўлгандагина балиқ пиширишга киришилади. Ошпаз ўтин ёқиб, сувни қайнатиб, масалликларни аралаштириб, сўнг уларнинг тамига қараб, шира тортишига нима этишмаётганлиги аниқлаб, қозондаги кераксиз унсурларни йўқ қилиш билан тотимли там –Хэга эришади. Овқатни еган подшоҳ мазасидан роҳатланади. Худди шу каби подшо ва мулозимлар ўртасида ҳам муносабатлар қарор топади. Қачонки подшоҳ ниманики маъқулласа ва унда мабодо бирор хатолик бўлса, уни мулозимлар юзага чиқариб қарорни хатосиз ҳолга келтиради...

Шундай қилиб, хато йўқолиб ҳақиқат юзага чиқади ва халқнинг юраги қаҳрга тўлмайди.

Бу савол-жавобдан кейин Ян Ин бирликнинг рамзи Тун атамаси тамойили маъносини шундай таърифлади:

- Подшо ниманики маъқулласа мулозим ҳам айнан шуни тўғри дейди. Агар подшо нотўғри деса, мулозим ҳам шуни тасдиқлайди. Бу худди сувни мазасини ўзгартириш учун унга сув қўшгандек гап.

¹*Го юй* (асли транскрипцияси *Гуо юй*) манбаи матнидан В.С.Таскин таржимаси.

Бундай сувни ким ҳам ичарди. Ёки бирор оҳанг товушига яна худди шу товушни қўшса, унда оҳангда нима ўзгарардию, уни ким ҳам тингларди?»

Бирликнинг Хэ тамойили мулозимларни фаолаштириб, уларнинг давлат ишларини ҳал қилинишида ўз овозларига эгалик ҳуқуқини таъминлайди. Бирликнинг Тун тамойили эса мулозимларни жавобгарлик масъулиятидан халос этади (53:41).

Айни бирлик, яъни Хэ ва Тун атамалари ижодкори **Ян Ин**нинг Конфуций интеллектуал понтенциалини жуда юқори баҳолаганлиги маълум. Айтишларича, улар ҳатто **Ци** подшолигида учрашган ҳам эканлар. Гарчи ўзаро учрашувда икки мутафаккир ўртасида бўлиб ўтган мулоқот ва суҳбат мазмуни бизга ҳозирча номаълум бўлса-да, лекин хитой давлатчилиги нуқтаи назаридан уларнинг тушунчасида мантиқан муштарак жиҳатлар мавжуддек кўринади. Яъни, назаримизда, Конфуций таълимотининг давлатчилик мавзуйига ёндашув услуби ҳам маънан **Ян Ин** жавоби матнидаги қарама-қаршиликлар бирлиги рамзи бўлган «Хэ» тамойилини эслагани.

Цин сулоласи

(м. а. 246-207 йиллар)

Юқорида **Цин** сулоласи асосчиси – биринчи императорига берилган юксак унвон, унинг наслан келиб чиқиши билан ҳам боғлиқ эди. Шунинг учун **цин**лар сулоласи тўғрисидаги дастлабки сўзни, мантиқан, хитойлар анъанасига мувофиқ уларнинг аجدодлари тарихдан бошлаган маъқул. Чунки Хитой сарзаминида қарор топган биринчи йирик империя асосчиси ва зурриётларининг ҳаёти ҳамда фаолияти хусусидаги маълумотлар муайян маънода ҳатто умуминсоний тарихий жараёнга ҳам бедахл эмас.

Цин Бэн Цзи

(Цин хонадони бағни)

«Цин хонадонининг асосчиси хукмдор Чжу-ансюнинг авлоди эди. Унинг набирасини Нюй-сю дердилар. Кунларнинг бирида Нюй-сю тўқиб ўтирганида ёнидан учиб ўтаётган қалдирғоч дафъатан ўзининг тухумини тушириб юборган. Нюй-сю уни ютиб, сўнг Да-е ўглини тукқан. Да-е Шао-дянь уругидан Нюй-хуа исмли қизга уйланган. Нюй-хуанинг унга тузиб берган ўгли Да-фей балозатга етгач, Ююга ер ва сув ишларини тартибга солишда ёрдам бера бошлаган.

Мазкур иш муваффақиятли тугаллангач, хукмдор Ююга яшим ҳассасини ҳадя қилди. Юю ҳадяни ола туриб деди:

- Мен бир ўзим ишни тугаллай олмасдим, Да-фей ҳам кўмаклашди. Хукмдор Шун шунда деди:

- О, Фей, сен ҳам Ююга қарашибсан. Сенинг байрогингга қора уқа совға қиламан, сезишимча, зурриётларингни улуг мартабалар кутмоқда.

Да-фей таъзим билан тортиқларни қабул қилиб, куш ҳамда йиртқич ҳайвонларни кўлга ўргатишга тушиди ва оқибатда жониворларнинг аксарияти яхши ўргатилиб, боқувчисига тобе бўлиб чиқди. Шунда хукмдор Да-фейни уругнинг исми шарифи «Ин» билан тақдирлади».

...627 йили баҳорда Цин кўшинлари шарққа томон кўзгалдилар. Улар Цзин подшолигини четлаб, Чжоу пойтахтининг шимолий дарвозасидан ўтдилар. Чжоулик мансабдор Ван-сун Ман шунда деди:

Цин аскарлари ўзларини муносиб тутишга амал қилмаётибдилар, уларни мағлубиятдан бошқа нима ҳам кутарди!...» Шу вақтда Цзинда Вэн-гуну учун аза тутардилар, у ҳали кўмилмаган эди.

*Унинг тўнғич ўгли Сян-гун даргазаб бўлиб деди:
-Цин ҳокими мен етимни масхара қилаяпти, мо-
тамдан фойдаланиб бизнинг Хуанни остин-устин
қилди.*

*Сўнг, Сян-гун қалин қора либосини кийиб, қўшин-
ни жангга бошлади ва Сяшан тоғининг бўғизиди
Цин аскарлари йўлини тўсди. У Цинга хужум қи-
либ, ганим қўшинини яксон қилди, бирорта цинлик
аскар тирик қолмади. Ва Ся-гун учта цинлик ҳар-
бий саркардани асирга олиб, яна ортига қайтди...*

Цин Ши-хуангди Бэн цзи

*Биринчи император Цин Ши-хуангди цинлик Чжу-
ан-сян-ваннинг ўгли эди. Чжуан-сян-ван гаровга
олинган канизак Люй Бу-вэяни кўриб қолиб, у йигит
кўзига ташилгани учун унга уйланади. Шунда хо-
тини унга Ши-хуанни туғиб беради. Ши-хуан Чжо-
сян-ван ҳукмронлигининг 48-йили биринчи ойида
туғилганлиги учун унга «Чжэн I» деб ном берилиб,
чжаолар уругига қабул қилинади. Чжуан-сян-ван
дунёдан кўз юмгач, валиаҳд ўн уч ёшида Циннинг
подшоси бўлди.*

*Бу вақтда Люй Бу-вэй биринчи котиб этиб та-
йинланиб, унга юз минг хонадон ҳамда «Вэн син-
хоу» унвони берилган эди. У бошқа подшоликлар фу-
қаролари ва олимларини Цинга олиб келиб, улар
ёрдамида «Осмон ости» ерларини бирлаштиришни
ўйлади...*

*Олтинчи йили Хан, Вей, Чжао, Вей ва Чу бир-
галликда Цинга хужум қилиб Шоулинни эгалладилар.
Цин уларга қарши ўз қўшинларини юборди, «беш
подшолик» эса ўз аскарларини ортига қайтарди...*

*Тўққизинчи йили қўйруқли юлдуз пайдо бўлиб,
унинг думи вақти-вақти билан бутун осмон бўйлаб
чўзиларди. Цин Вэй шунда Юан ва Пуня шаҳарла-*

рига хужум уюштирди. «Цзи-ю» куни ҳукмдор ўзининг балогат ёшига етганлиги муносабати билан бошига тоғж кийиш ва белига қиличли камар боғлаш маросимини ўтказди...

Ўнинчи йили биринчи маслаҳатчи Люй Бу-вэй эса Лао Аем билан алоқада бўлганлигида айбланиб, ўз мансабидан четлатилди. Хуан Ци ҳарбий кўмондон қилиб тайинланди. Цзи ва Чжаодан элчилар келди ва уларнинг шарафига зиёфат берилди. Асли цинлик Мао Цзяо Цин подшосига деди:

-Цин хонадони ҳозир «Осмон ости» бўлиш йўлида ҳаракат қилмоқда, лекин Сиз – улуг подшоҳ, «бева қолган маликани сургун қилган киши» деган ном олдингиз. Кўрқаманки, буни эшитган подшоликлар Цинга қарши юриш қилишади.

Шундан сўнг, Цин подшоси бева малика билан учрашиб, уни Са-нянга олиб келиб, яна уни Ян-Ганц-юан саройига жойлаштирди.

Цин подшоси Вэн Ляо билан учрашганида, ундан ажралиб турмаслик учун, у билан гўё ўзига тенгдек муносабатда бўлди, аммо Вэн Ляо кейинчалик шундай деди:

«-Цин подшосининг ташқи кўриниши қуйидагича: қиррабурун, гилай кўзли, кўкраги худди ёввойи қушниқига ўхшайди, овози эса бамисоли қашқирники. Унда яхшилик туйғуси жуда кам, юраги гўё йўлбарс ёки бўриники. У оғир шароитларда жуда осонлик билан ўзини бошқалардан паст қўя олади, аммо мақсадга эришгач, айнан шундай енгиллик билан одамларни хароб қилади.

Мен паст унвогли кишиман, лекин учрашувда у доим ўзини мендан ҳам пастроқ тутади. Агар ҳақиқатда ҳам Цин подшосига ўз ниятларига эришиш насиб этса, у ҳолда ҳамма пастдагилар қулларига айланади. Мен унинг ёнида бундан ортиқ қололмайман».

Цин императори бутун «Осмон ости»ни бирлаштириб «хуанг-ди»- хукмрон император унвонига муяссар бўлди. Шундан сўнг у шарқий вилоятларни тинчлантириб Лбанъега келди. Уни Ван Ли, Ван Бэн, Чжао Хай, Чэн Фэн У-цзэ ҳамда биринчи маслаҳатчилар Вэй Лиш ва Ван Гуан, олий мансабдорлар Ли Си ҳамда Ван У, Чжао Ин ва Ян Цзюлар кузатиб келишди.

Денгиз қиргоғида император улар билан маслаҳатлашгач деди:

- Қадимги подшолар фақат минг «лу» ерга эга эдилар ва улар ҳар бири ўзига тухфа қилинган ерини ҳимоя қилувчи хоқон саройига хоҳласа келарди, хоҳламаса йўқ.

Подшолар илгари ўзаро бир-бирларига ҳужумлар, бераҳмлик ва беҳурматлик қилардилар ва улар ўртасида жанглар тугамасди. Энди хоқон-император денгиз қиргоғигача бўлган ерларни бирлаштириб, уни ноҳия ва туманларга бўлгач, «Осмон ости»да тинчлик ва хотиржамлик қоим бўлди».

Биринчи марказлашган Хитой давлати тақдири императорнинг муқаддам қилган башоратини оқламади ва салтанат ҳаммаси бўлиб бор-йўғи ўн тўрт йил фаолият кўрсатди. Аммо шуниси ҳақиқатки, хитойшунос мутахассисларнинг яқдил хулосасига кўра, «ўтган йиллар мобайнида яратилган давлатчилик асослари келгуси давлатлар учун ёрқин тажриба тимсоли бўлиб қолди».

Таркибан *Цин Ши-хуангди* унвонига муяссар *Чженнинг* марказлашган давлати бир неча вилоятларга бўлинган бўлиб, «унинг ҳудуди Манжурия ва Мўғулистоннинг бир қисми, Корея ва Ҳинди-Хитой чегараларигача бўлган жуда катта майдонни эгаллади». Бу даврга келиб бутун Хитой бўйича икки йирик давлат ташкил топди ва ҳатто *Цин* ва *Ци* ўртасида иттифок

ҳам тузилди. Натижада *Цин* ҳукмдори «Жануб императори», *Ци* ҳукмдори эса «Шарқ императори» унвонига эга бўлди.

Икки императорнинг бундай сиёсати замирида Хитойдаги бошқа давлатларнинг мустақилликка бўлган даъволарига чек қўйиш мақсади ётарди. Лекин бу режани амалга ошириш йўлида бир жиддий ғов бор эди, яъни «*Ци* давлати чегаралари Хитойнинг шимолигарбигача чўзилгани билан атрофидаги давлатлар хужуми хавфи остида яшарди». Шунга қарамай, милoddан аввалги V асрда *Ци* тахти соҳиби *Чу* ўзига қараганда узоқ-яқиндаги баъзи кучсиз бир неча қўшни давлатларни қўлга киритди. *Цин*лик императорнинг вори си *Ин Чжен* эса салтанат худудини *Хан* сулоласи худуди ва атрофдаги яна олти давлат ҳисобига кенгайтириб, ўз даврининг 36 вилоятдан иборат энг йирик империяси мавқеини эгаллади. Сўнг, император наинки ўз вилоятларидаги ички тарқоқлик, балки сиёсат ва иқтисодда ҳам мавжуд сусткашликларни бир йўла бартараф этишга қарор қилди.

Дарвоқе, империянинг ҳарбий юришлари ва ислохотларидан кам аҳамиятга эга бўлмаган яна бир характерли томони шу эдики, йириклашув жараёнида умумхитой адабий тили ҳам шакллана борди. Аммо бу соҳадаги ўзгаришлар кўп сонли жорий шеваларни ўз амалий моҳиятида сақланиб қолишига ҳалал бермади (29:403). Бинобарин, ички ва ташқи ишларда императорнинг маслаҳатчилари муҳим овозга эгаллиги *Сима Цян* асарида зикр қилинган тарихий лавҳаларда жуда аниқ сезилиб туради. Осмон ости императори билан бўлган Бош маслаҳатчининг музокаралари аксарият ҳолларда давлат масалаларини ҳал қилишда етакчи роль ўйнаган. Чунки ўртага ташланган ҳар бир муаммо ечими аввал мулозимлар эътиборига ва маслаҳатига ҳавола қилинган ва фақат шундай кейин тахт соҳиби қарор

чиқарган.

Мисол учун, империянинг узоқ-яқиндаги подшоликларда содир бўлаётган нохуш воқеалар ҳақида маслаҳатчилари билдирган хулосалар қайдига диққат қилсак, назаримизда, давлатни бошқаришдаги ўз даврига хос коллегиял иш услуби ойдинлашади:

«Бош маслаҳатчи ва бошқалар дейдилар:

«Аввалги мулкдор подшоликлар хонавайрон бўлдилар, лекин Ян, Ци ва Цзин подшоликлари ери жуда узоқда. Агар улар устидан бирор ҳукмдор тайинланмаса, уларни узоқ қўл остида ушлаб бўлмайди. Ҳазрати олийдан бу ерларга ўз ўғилларини ҳоким қилиб юборишларини сўраймиз ва жавобларига мунтазирмиз. Ши-хуангди эса бу масалани мулозимлар машваратига топширди ва улар буни жуда фойдали, деб топшиди. Аммо суд тизимининг Бош мутасаддиси Ли Си таклифни муҳокама қилиб деди:

«Чжоулик Вэн ва У ўз ерларини кўп сонли ўғиллари, кичик укалари ва қолган ўз оила аъзоларига ҳадя қилган эди. Лекин бунинг оқибатида унинг зурриётлари бир-бирига бегоналашиб узоқлашиб кетиб ўзаро худди ашадий душманлардек жижқамушт бўлиб, бири иккинчисини жонига қасд қилишга тушди. Чжоулик Осмон ўғли эса ўртадаги ўзаро қурашларни тўхтатишга қурби етмади.

Минг шукрки, ҳозир бизда Сизнинг мислсиз иқтидорингиз туфайли денгизлар ўртасидаги мавжуд барча ҳудудлар бирлаштирилиб вилоят ва туманларга бўлинди. Агар ҳозир барча ўғилларингиз ва садоқат билан хизмат кўрсатган мулозимларингиз ўлпон ва солиқлар даромадидан етарлича баҳраманд қилинса, Осмон остини бошқариш энгил бўлади.

Осмон остининг турли фикр-мулоҳазалардан холи бўлиши – мана шу тинчлик ва барқарорликнинг асл омили!» (62:64).

Шундай қилиб, милоддан аввалги III асрда *Цин Ши-хуангди* подшоликлараро ўзаро бетиним урушларга ниҳоят чек қўйиб, бутун Хитойни ягона империя остида бирлаштирди. Император биринчи навбатда ўз салтанати маркази *Сиан* ҳимоясини кафолатлаш мақсадида чор атрофни девор билан ўраб, шунингдек, мамлакатни сув йўллари билан таъминлаш учун махсус каналлар қаздирди.

Бу улкан ва долзарб ишлар жарёнида *Ши-хуангди* империя қудрати ва салобатидан далолат бериши керак бўлган яна бир маҳобатли ишга қўл урди. У марказда икки муаззам – ўзининг дунёвий ва охиратдаги ҳаёти учун замонаси кўзи кўрмаган муҳташам қасрлар қурдиришга бел боғлади. Бирида, яъни гўрида ўз саройи нақлидаги ҳашаматли ер ости иморатини барпо этди.

«Дастлаб император ғайб оламида хавф-хатарсиз яшаши учун ўз қўшинини ҳам у дунёга жўнатиш фикрида бўлган. Лекин унинг сафдошлари мамлакат хавфсизлигини сақлаш учун тирик аскарларни уларнинг ҳайкалларига алмаштиришни маслаҳат берганлар ва шу маслаҳат бўйича, биринчи қабр-масканида лой аскарлардан тузилган қўшин пайдо бўлган».

Иккинчи қаср эса, ўз имкони салобатининг намоёниши учун мўъжизавий манзараларни акслантирувчи воситалар билан безатилган.

Императорнинг ўз дунёвий ва ухровий ҳимоясидан ташқари давлат миқёсида амалга оширган ишларининг мерожий нуқтаси «Буюк хитой девори»нинг қурилиши бўлди. Эни тахминан тўрт отлик аскар ўтишига мўлжалланган девордаги ҳар «1 *ли*» масофа узоқлигида қад кўтарган миноралардаги машъал ўрнида ёқиладиган олов теварак-атрофда ёв йўқлигидан дарак бериши керак эди Борди-ю, девор ташқарисида душман

кўрингудек бўлса олов ўчирилиб, мудофаага ҳозирлик кўрилди.

Тарихан Хитой сарзаминида қарор топган илк йирик империянинг сарҳади мустаҳкамлиги йўлида амалга оширилган тадбирлар қаторида уни бошқариш ишларидаги маъмурий тизим ҳам аниқ ва ягона тартибга солинди. Бошқарувда пастдан то шахсан императорга қадар бўйсунувчи барча мансабдорлар ва маҳкама ходимлари устидан назорат ўрнатилди. Фуқаролар ҳақ-ҳуқуқлари юзасидан насл-насаб ва мансаб-мартабадан қатъи назар, умумий ўзаро тенгликни таъминловчи қонун таъсис этилиб, мамлакат аҳолисини бир ном билан аташга қарор қилинди – «Қора бошлар».

Бу борада император ҳатто ўз ўғли ва ака-укаларини ҳам аямай, уларни ҳам фуқаролик хусусида оддий авомга тенглаштирди. Бу қонунга хитой файласуфи *Гуан Чжуну* ўз асарида шундай баҳо берган:

«Дарҳақиқат, Цинда ҳамма нарса ўзгарди. У ерда Шан Ян қонунлари қабул қилиниб аждодларнинг қадимги қонунлари ўзгартирилди. Қудуқдан сугориладиган майдонлар тугатилди ва халқ ерни сотиш ва сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлди. Чунки бойлар ерининг чегараси кўринмайди, камбағалнинг эса ҳатто игна санчишига ҳам етарли ери йўқ. Ҳар йилги чегара хизмати ва меҳнат мажбурияти қадимгига қараганда ўттиз баробар қийинлашди.

Ер ва жон солиғи, туз ва темир учун тўланиши жоиз ўлпон йигирма маротаба ошди. Агар давлат ҳосилнинг юздан бир қисмини олса, бойларнинг ерида деҳқончилик қиладиганлар хўжайинга ҳосилнинг ярмисини берадилар. Шунинг учун қашшоқ одамлар «хўкиз ва от либосини кийиб», ит ва чўчқалар озуқасини ейдилар. Хан сулоласи даврида ҳам булар ҳаммаси ўзгаришсиз қолди» (69:213).

Мамлакат миқёсида ўтказилган ислохотларда, тўғри, айрим ўтмиш анъаналари ёқлаб чиқилди, лекин шунинг баробарида ҳар қандай янги қарорни танқид қилган фуқаро ва ҳатто тақводорлар ҳам жазога тортилиб, тириклайин ерга кўмдирилди.

Вақти-вақти билан жамиятда содир бўлиб турадиган тартиббузарлик ва жиноятлар қаттиқ таъқиқланиб, ғайриқонуний ишлар билан боғлиқ гуноҳкорларни фақат ўзлари эмас, бутун оила аъзолари ва қариндош-уруғлари билан жазолаш жорий этилди. Бунда энг оғир жиноят содир этганларга ўлим жазоси бериларди, қолганлар эса келаси уч авлодга қадар кул саналар ва улар асосан йўллар, ибодатхоналар ва сарой қурилишлари ишларига жалб қилинарди. Империяда жорий этилган жазолардан зиёлилар ҳам мустасно эмасди.

Ислохот ва бошқа тадбирлар қаторида маънавий йўналишда ҳам император талай шундай қонунлар таъсис этдики, улар хитой менталитети нуқтаи назарида жамиятини соғломлаштиришга хизмат қилиши керак эди:

«Император (одамларга хос) хатоларни тўғри-лаб уларга адолат қилди. (Агар) оилали аёл болалари бўла туриб, яна эрга чиқса, марҳум эрга нисбатан хоинлик ва ахлоқсизлик ҳисобланди.

Император ички ва ташқи хоналар ўртасига махсус тўсиқлар қўйдириб, бузуқчилик ва тартибсизликларга чек қўйди ва (энди) эркаклар ва хотин-халаж ўзларини пок тутиб садоқатга амал қиладилар.

Агар эркак шахвоний бузуқлик қилса, у ҳолда, у қатл қилинади ва шунинг учун (ҳозир) эркаклар адолатли тартибга риоя қилмоқдалар. Мабодо аёл киши бошқа уйга кетса, уни болалари ўз онаси деб ҳисобламайдилар. (Шундай қилиб) ҳамма ўзгарди,

ростгўй ва пок бўлди.

Буюк ҳукмдорлик маънавиятни поклади, Осмон остига ҳам бу манзур ва маъқул бўлиб, (унинг) ажойиб натижасига эга бўлинди.

(Эндиликда) ҳамма қабул қилинган кўрсатма ва қонунларга риоя қилиб тинчлик ва хотиржамликда яшамоқда, ўз кучини сидқидилдан (ишга) бағишлаб, улар орасида ҳеч бир (подшоҳ чиқарган) буйруққа амал қилмайдигани йўқ.

Қора бошлилар барча ишларини такомиллаштириб, одамлар умумий қонунлардан мамнун тарзда барқарорликни қўллаб-қувватламоқдалар.

Авлодлар (у чиқарган) қонунларнинг ҳурмату иззат билан қабул қиладилар, ўзгармас ҳукмдорлик абадий бўлади ва ҳеч нарса уни – на гилдирак ва на одамлар издан чиқадилар.

Биз – (императорни) кузатаётган хизматкорлар унинг галабаларини куйлаб, бу воқеани тошга ўйиб ёзишга рухсат сўрадик, токи бу гўзал битикни энг аъло кўринишида (одамларга) етказайлик» (62:84).

Маънавий ислохотларда диний таълимотга тааллуқли турли талқинлар хусусида ҳам жуда қатъий чоралар кўрилди. Марказлашган давлат манфаатларига мувофиқ бўлмаган фикрлар сирасига кирган Конфуций китобларининг ёндирилиши ёки подшоҳни қоралаган 460 олимни тириклайин ерга кўмдирилиши каби жазолар **Цин** империясига хавф солган кучларни даф этиш йўлидаги қўлланган тадбирлар эди (3:735).

Кейинчалик шунингдек, императорнинг фармонида кўра тиббиёт, дори-дармон, тошбақа косасидаги фол битиклари, ерга ишлов бериш мавзуидаги барча манбалар тегишли маҳкамаларга олиб келиб куйдирилиши ҳамда адлия тизимидаги жазолаш масалалари аввалдан қабул қилинган қонунларга асосланган ҳолда олиб борилиши шарт қилиб тайинланди, яъни:

«Жиноий ишларни очишда дафъатан жисмоний жазо қўллаб иш юритишдан кўра, аввал тегишли маълумотларни аниқлаб тўплангани маъкул. Сўроқ вақтида жиноятчини диққат билан тинглаб, унга барча воқеани тўла-тўқис баён қилишга имкон бериш керак. Гарчи гуноҳкор нотўғри сўзлаётган бўлса ҳам дарҳол унинг сўзини бўлиш жоиз эмас.

Агар сўроқ қилинаётган бир неча бор ёлгон кўрсатмалар берганлиги аниқланса-ю, лекин у ўз гуноҳини бўйнига олмаса, фақат шундан кейин қонунга биноан унга жисмонан таъсир кўрсатилади. Бу ҳолатда иш дафтарига қуйидаги хулоса ёзма равишда қайд этилиши керак:

“Гумон остидаги шахс ўз берган маълумотларини бир неча бор ўзгартириб ўз-ўзига қарши чиққанидан кейин уни калтак остида сўроқ қилинди”^(69:191).

Цин сулоласи ҳукмронлиги даврида махсус қуллар бозори ташкил этилган бўлиб, у ерда қуллар молхона ёки отхоналарда сақланар ва эркак қуллар қатори аёллар ҳамда болалар ҳам ўғирланиб сотиларди.

Ички бозорларда савдо-сотикда пул, ўлчов, оғирлик бирликлари белгиланиб, давлат солиқ тизими изга туширилди. Чунки «Император тахтга ўтириши билан ўлчов ва оғирлик бирликлари ҳақида махсус фармон чиқарган эди. Ва нимаки ҳар икки ўлчов бирлигига жавоб бермаса ёки шубҳа туғдирса, улар унификация қилинарди. Агар тарозу тоши талабга жавоб бермаса, омборхона мутасаддисига бир совут қиймати баробарида жарима солинарди».

Қишлоқ хўжалиги ишлари ҳам ўзга йўналишлардаги ривожланишдан ортда эмасди. Экин майдонларини кенгайтириш, суғориш тизимини яхшилаш мақсадида каналлар қазилди. Қурилиш соҳасида ҳам талай иншоатлар барпо этилди.

Баъзи маълумотлар бўйича «аҳоли жон бошига олин-
надиган солиқ 20-30 мартаба ошиб кетганлиги на-
тижасида ер эгалари ақл бовар қилмас даражада қаш-
шоқлашиб кетган бўлсалар, янги мулкдор мансабдор-
лар сонининг муттасил ортиб бориши қонун тусини
олган эди» (60:501-502).

Император ўз ташқи сиёсати борасида қуйидагича
йўл тутди. У ички муаммоларни ислохотлар асосида
ҳал қилгач, Мўғилистон чўлларидаги чорвадор *сюнну*
қабилаларига қарши юриш қилди. Ва ҳатто қалин ўр-
монлардаги тўсиқларга қарамай, *Нанюэ* ва *Оула* дав-
латларини қўлга киритди. Сулоланинг кейинги ҳарбий
юришлари эса, тарихий солномаларда сақланиб қолган
маълумотлар бўйича, Вьетнам сарҳадларигача етиб
борган эди:

*«Қизил чўчқа – милоддан аввалги 214 йил. Цин-
лар Ту Сую ва Ши Луга Линнама ерларини босиб
олиб Сян вилоятини тузишга фармон бердилар. Бу
вақт цинлар турли марваридларга бой ҳудудларга
эга бўлиш учун вьетлар давлатини эгаллаш пайига
тушган палла эди. Улар барча савдогар, ялангоёқ ва
безориларни йиғиб ҳарбий хизматга киришга маж-
бур қилдилар. Ши Лу эса, буйруққа биноан хандақ-
лар қазитиб, озик-овқатлар келтириладиган йўл-
ларни эгаллаб, Люяни босиб олиш ҳаракатида
эди. Шунда барча вьетлар ўрмонларга яшириниб, ўз
ичларидан ҳарбий қўмондон сайлаб Ту-уяни ўлди-
ришга муваффақ бўлдилар»* (69:22).

Мазкур давр манбаларида шунингдек, бир неча ма-
ротаба император жонига суиқасд уюштирилгани қайд
этилган. Лекин тақдир ёки тасодиф билан ҳар сафар
унинг жони омон қолган.

Цин империяси тарихида энг катта қўзғолон кичик
мансабдор *Лю Бан* ва насли *Чу* подшолигига тааллуқ-
дор ҳарбий саркарда *Сян Юя* бошчилигидаги деҳқон

ва ҳунармандларнинг ҳарбий чиқиши бўлган. Дастлаб ҳар икки тараф ҳамкорликда ҳаракат қилганлар ва **Лю Бан** ҳатто пойтахтга бостириб кирган. Аммо кўп ўтмай, собиқ ҳамфикр томонлар ўртасида келишмовчилик чиқиб, кечаги иттифоқчилар бир мақсад йўлидаги ўзаро қарама-қарши кучларга айланганлар. Халқ норозилигини ифода этган кўзғолонлар айтиқса милоддан аввалги 210 йили император вафотидан сўнг шиддат билан давом этган.

Пировардида иккала томоннинг ҳам ўзига яраша тўқнашувда устун келишини таъминловчи имкониятлари бўлиб, хусусан **Сян Юя** ўз рақибига нисбатан кўпроқ ҳарбий тажрибага эга эди. **Лю Бан** эса оддий авом аксариятини ўз тарафига оғдиришига ишонарди.

Ниҳоят, милоддан аввалги 202 йилнинг январида **Сян Юя** билан бўлган ҳал қилувчи жангда ғолиб келган ва **Гао-цзу** унвонини олган **Лю Бан** Хитойда янги **Хан** сулоласи даври бошланганлигини эълон қилган (29:407).

Хитой тарихида оддий бир қишлоқ кишисининг тахтга чиқиши ҳақида **Хан** сулоласи даврида ўтган юз йилдан сўнг маҳаллий тарихчилар шундай деб ёзганлар:

«Бизнинг халқ қанчадан бери яшаётган бўлса, Осмон ҳали ҳеч қачон, ҳеч кимга бунчалик шиддатли ҳукмронлик ваколатини бермаган эди» (60:505).

Цин сулоласи империяси даврини яхши билган ва унинг ҳукмронлиги даврида хизмат қилган муаррих **Сима Цян** ўзи гувоҳи бўлган воқеликлар хусусидаги баёнини шундай хотима билан тугаллаган:

«Мен – сарой муаррихи Тайшигун шундай дейман: Императорнинг ерлик ва самовий руҳларга, яъни машҳур тоғлар ва дарёларга қилган қурбонликлари билан боғлиқ сафарларида бирга бўлганман. Шогун ибодатхонасига кириб қурбонлик ва ибодатларда қат-

нашганман, шунинг учун фолбин ва коҳинларнинг сўзларини ўрганиш ва текширишга имкониятим бўлган.

Ишлардан четлашгач, қадимда ўтганлар ва уларнинг самовий руҳига сизинишга дахлдор ҳамма нарсаларни тартибга келтириб, уларнинг барини ички ва ташқи томондан тавсифлаб бердим.

Шундай қилиб, келгусида яшайдиган муносиб эрлар менинг ёзганларим ҳақида ўқишлари мумкин. Қурбонлик идишлари, яшим ҳасса ва матоларнинг ҳадяси ҳамда қурбонлик вақтидаги маросимлар тафсилоти бўйича маълумотлар масаласига келсак, улар тегишли манбаларда сақланади” (62:109).



Милоддан аввалги 221 йили Цин Ши-хуангди таъсис этган ўлчов бирликлари фармони.

Буюк Хитой девори

Буюк Хитой девори қурилиши Цин империясининг бепоён сарҳадлари хавфсизлигини таъминлашга мўлжалланган эди. Дунёга машхур деворнинг қурилиши Хитой тарихида наинки ўзининг узоқ ўнйилликларга чўзилиб кетганлиги билан, балки шунингдек, унга қилинган сарф-харажатлар миқёси ва иншоот пойдевори

остида ҳаётдан кўз юмган минглаб қуллар меҳнат-машаққатининг «обидаси» сифатида ҳам ном қолдирган.

Деворнинг қурилиши бошланиши билан оғир ишга яроқли кишилар қурилишга жўнатилган. Узоқ йиллар давом этган бу қурилиш оилаларда ўғил фарзанд туғилишидаги шодиёнани ҳатто ғам-ғуссага айлантирган. Чунки балоғатга етган йигит албатта ё император кўшини сафига ёки девор қурилишига жалб қилинган.

Орадан кўп йиллар ўтгач «Буюк Хитой девори» худудидан ўта туриб *Сима Цян* унинг маҳобатидан ҳайратланиб шундай сўзларни ёзиб қолдирган:

«Тоғлар бўлиб қулатилган, даралар тўлдириб кўмилиб тўғри йўллар очилган. Улар қанчалик оддий халқ меҳнатини арзон баҳолаганлар-а!»

Аввал тахминан тўрт минг километр масофани эгаллаган Хитой девори қурилишининг энг биринчи мушкул тарафи пойдевор ўрни чуқурликларини узоқ-узоқлардан ташиб келтириладиган тупроқ ва тошлар билан тўлдириш ҳамда уларни шиббалаш бўлган. Бу ишлар ниҳоятда мураккаб ва машаққатли меҳнат бадалига бажарилган. Ва табиийки, бундай ўнлаб йиллар тинимсиз ва оғир меҳнат шароитида катта сарф-харажатлардан ташқари минглаб қуллар қатори маҳаллий аҳоли ҳам ҳалок бўлган.

Ибтидода девор бўлақларининг қурилиши ташқи душманлар ҳужумидан ҳимоя воситаси сифатидаги тўсиклардан иборат бўлган, лекин кейинчалик улар *Цин Ши-хуангди* амри билан асосий мудофаа шаклида бирлаштирилган. Бу жараёнда «император буйруғи билан муқаддам қурилган деворлар таъмирланган ёки янада мустаҳкамланган ва шу билан бирга ўтган хонликлараро мавжуд бўлган аввалги деворлар бузиб ташланган» (10:24). Аммо «девордаги кўп сонли бурилиш ва паст-баландликлардан қатъи назар унинг умумий кў-

риниши ерлик манзара билан уйғунлашиб яхлит бир кўринишга эга бўлган».

«Деворнинг дастлабки ўн йиллик қурилиши ҳақиқатдан ҳам мудофаа воситаси сифатида амалга оширилганми ёки аслида бошқа мақсадлар назарда тутилганми» деган саволарга ҳамон бир хил жавоб йўқ.

Маълумки, бугунги кунда деворнинг наинки тупроқдан шиббалаб кўтарилган, балки унинг кейинги асрларда ғишт ва тошлардан ташкил топган қисмлари ҳам қор-ёмғир ва шамол таъсирида уваланиб тушган. Лекин қизиғи шундаки, девор қурилишида ишлатилган лойни пишитиш ва унинг ёпишқоқлигини ошириш борасида қоришмага қандай нарсалар аралаштирилганлиги ҳали ҳам аниқланмаган. Ваҳоланки, баъзи хабарларда лой қоришмасига махсус гуруч уни қўшилганлиги айtilган. Балки шунинг учун ҳам ушбу қоришма ишлатилган деворнинг бир неча ери ҳали ҳам ўз аввалги сифатини сақлаб қолган ва унинг бирор еридан хас-чўп ҳам ўсиб чиқмаган!

Хитой девори қурилиши учун жалб этилган эркаклар, тадқиқий маълумотларга қараганда деярли уйларига қайтмаганлар. Улар то охири нафасгача қурилишда ишлаб, ўз яшаган жойларида дунёдан кўз юмганлар. Шунинг учун қўриқчиларни пана тутадиган «тишлар» билан баландлиги 9 м., энининг асоси 6,5 м. ва узунлиги 10.000 *ли*, яъни 5000 километрга чўзилган девор айни вақтда қуллар ва қурувчилар учун мазор вазифасини ҳам ўтаган.

Деворнинг бошидан то охири қисмигача муайян масофадаги оралиғида миноралар қурилган. Баъзи манбаларда ёзилишича, бу назорат қурилмаларининг айримлари аввалдан мавжуд бўлган ва кейинчалик улар деворга уланган бўлиши керак.

Манбалардаги маълумотларда яна шундай хулосалар ҳам борки, уларга кўра Буюк Хитой девори тўрт

сулола ҳукмронлиги даврида қуриб битирилган, яъни:

М.а. II асрда Цин сулоласи даврида;

Милоднинг I асрида Хан сулоласи даврида;

1138 - 1198 йиллари “Беш подшолик” даврида;

1368 - 1620 йиллари эса Мин сулоласи даврида.

Агар Хитой девори қурилишининг асосий сабаби чиндан ҳам, айтилганидек, ташқи душманлардан ҳимояланиш бўлган бўлса, баъзи олим ва солномачиларнинг бу ҳимоя воситаси хусусида фикри ўзгача бўлган. Яъни, уларнинг талқинича, душман босқинидан сақланиш учун Хитой деворидек мажмуа қурилишининг ҳеч ҳожати йўқ эди, чунки:

Биринчидан, девор қанчалик узун бўлмасин, керак бўлса уни айланиб ўтиш мумкин бўлган.

Иккинчидан, бунчалик узун – минглаб километрга чўзилган девор-қалъани назорат қилишга ҳеч бир қўшиннинг кучи етмасди.

Учинчидан, деворнинг баъзи юқори қисмлари жуда мушкул бўлган баландликка бўй чўзган бўлса-да, аммо XIII асрда Хитойга мўғулларнинг бостириб киришида душман йўлини тўсишда асосий ҳимоя воситаси бўлган «*девор-зов*», ёвнинг ҳужумидан ҳимояланишда бақор келмаган.

Дунё миқёсидаги тарихий ва меъморий аҳамиятга эга Хитой девори ҳам унинг ижодкорларию қурувчилари каби ўз тақдирида тараққиёт ва таназзул жараёнини бошидан кечирган. *Цин* сулоласидан кейин деворнинг путури кета бошлаган, кейинги сулола вакиллари эса бу ноёб меъморчилик обидасига мутлақо беписанд бўлганлар. Фақат *Хан* ва кейинги сулола даврида девор таъмир ва қисман янги миноралар ҳисобига қайта тикланган.

Аниқроғи, *Мин* сулоласи ҳукмронлиги йилларида деворга эътибор берилиб, унинг узунлиги янада узоқликка чўзилган бўлса, Хитойни манжурлар босиб оли-

ши билан ёдгорлик яна завол топган. Ва Хитойда манжурлар сулоласи хукмронлик қилганда улар Мўғилистон, Тибет ва Шарқий Туркистонни истило қилиб ўз давлати худудига киритиб олгач, Буюк Хитой девори ички деворга айланиб, у ўзининг аввалги мудофаа аҳамиятини йўқотган (10:26).

Аммо бизнинг фикримизча, «Буюк Хитой девори» тарихи ҳақида сўзлаганда, мавжуд маълумотлар баробарида, албатта, қуйидаги шундай бир омилни ҳам назарда тутиш керак. Яъни, ўз номи билан буюк меъморий мажмуанинг қурилиши бошланишидан олдин, унинг диний ва дунёвий жиҳатдан маънавий ва меъморий асослари яратилган эканлигини.


Йўқса, хитойликлар эътиқоидида маънан «Осмон ўғли»га садоқат туйғуларига йўғрилган фуқаролик масъулияти ва етук меъморий амалиёт тажрибаси бўлмаганда, Хитой девори қурилиши амалга ошармидию, унинг моҳияти башарий меъморчилик санъати тарихига ёзилармиди? Ва кези келганда яна шуни эслатиш жоизки, Хитой тарихида деворлар қурилиши анъанаси жуда қадим замонлардан ибтидо олган эди.

«Қарийб йигирмага яқин сулола давлатлари ҳар бири ўз девори билан ҳимояланган ва уларнинг умумий узунлиги эса 100.000 *ли* масофани эгаллаган». Бинобарин, меъморчилик санъати нуқтаи назарида муқаддам Хитойда қурилган деворлар тартиби ва таркибида жамланган тажриба самараси, шубҳасиз айтиш мумкинки, «Буюк Хитой девори» рамзида миллийлик чегарасидан ошиб ўтиб умуминсоний меъморий мерос мақомига эришди. Ва бу мақомнинг ўзига хос яна бир хусусияти шундаки, у қадим Хитой тарихининг жонли рамзи ҳамдир.

Ҳа, гарчи «Буюк Хитой девори» юнон классик меъморчилик мўъжизаси даражасидаги обида саналмасад, лекин 1987 йили у халқаро ЮНЭСКО қадриятлари

сирасидаги «Дунёнинг етти ўрта аср мўъжизаси» рўйхатида киритилди»¹.

Тўғри, асрларга чўзилган бу оммавий қурилишдаги қулдорлик тизими ва фуқаролик масъулияти қонунқоидаларига зид содир этилган айрим гуноҳлар жазосининг инсонпарварлик туйғуларига терс эканлиги истисно эмас. Аммо ўтмишнинг тарихий талаб-тақозолари ва дунёқарашлари оқибатидаги воқеликларга даврлар руҳияти билан ўзгариб борувчи нуқтаи назарлар соя солмаслиги керак.



Буюк Хитой девори.

Хан сулоласи

(м а. 206 ва милодий 220 йиллар)

Муттасил урушлар, узлуксиз ва оғир солиқлар, ишловсиз қолиб кетган ерлар, жангари ҳукмдорлар сиёсатидан қурбон бўлган минглаб одамлар, издан чиққан хўжалик, вайрон бўлган уй-жойлар – булар ҳаммаси

¹ «Seven Medieval Wonders of the World» маълумотларидан фойдаланилди.

янги империя учун ҳал қилиниши пайсалга солиб бўлмайдиган муаммолар эди. Чунки мамлакатда аҳвол шу қадар оғир эдики:

«Хан сулоласи ҳокимиятни қўлга олганида, Цин салтанатидан фақат вайронгарчилик қолган бўлиб, аҳолининг барча эркалари ҳарбий қўшинларда, қариялар эса уларга озиқ-овқат етказишига масъул эдилар. Бошиқа ишлар билан эса, шуғулланиш мутлақо мумкин эмасди. Ҳаттоки, Осмон ўзига ҳам бирор ерга бориш учун аравага бир жуфт от топиш амри маҳол туюларди. Шу боис ҳарбий саркарда ва мулозимлар ҳўкиз қўшилган араваларда юришар, оддий халқда эса ҳеч вақо йўқ эди».

Табийки, мазкур ҳолатда фуқаролар учун озиқ-овқат таъминоти кун тартибидаги энг долзарб масала ҳисобланган. Очликдан ўлганлар ҳақидаги маълумотларда зикр қилинишича, ҳатто қишлоқ аҳолисини инobatга олмаганда ҳам «катта-кичик шаҳарликлар ичида ҳам, нари борса, ўн кишидан икки-учтасигина тирик қолган эди, холос».

Мухтасар баён этилган аҳволнинг ҳақиқатда қай даражада оғир эканлигини тўла тасаввур қилиш учун, янги «Гоу-цзу» унвонига муяссар бўлган императорнинг қуйидаги сўзларига эътибор беришнинг ўзи етарли:

«Мен бутун «Осмон ости»ни кезиб чиқдим ва фақат Лояндагина шунча одамлар қолганлигини билдим!»

Император ўз сўзларида, ҳар қалай, узлуксиз урушлар оқибатида кам сонли бўлса-да, тирик қолган кишилар борлигини назарда тутган бўлса керак. Чунки қачонлардир 30 мингдан зиёд оилалар яшаган Цюйнинг ўзида беш мингдан ортиқ ховли-жой йўқ бўлиб кетган эди. Сафардан сўнг аҳволни билган — қишлоқ ҳўжалиги ва маъмуриятда ислохот ўтказиш зарурли-

гини англаб етган император, биринчи навбатда деҳқон ва собиқ ҳарбийларни мажбурий меҳнатдан озод қилган ҳолда уларни ер билан таъминлади. Муқаддам қашшоқлик туфайли ўзини қулликка сотган оилаларга фуқаролик қайтарилиб, солиқлар икки барабар камайтирилди.

Цин давридаги маъмурий маҳкамалар аввал инкор этилган бўлса ҳам, лекин кейинчалик тикланди. Гарчи янги сулола ҳукмронлигининг биринчи даврида деҳқонларга муайян имтиёзлар берилган бўлса ҳам, аммо вақт ўтиши билан мулкдорларнинг катта ерларга эга бўла бошлаганлиги боис ночор аҳволда қолган деҳқонлар ҳисобига яна қуллар сони орта борди. Ёки бу шароитни расман «Биринчи Хан сулоласи тарихи» матни тилида баён қилганда:

«Вазир Чэсан Юнинг 40000 акр ери бор эди. Ерига ер қўшган бошқалар ҳам катта ер-мулк эгаларига айландилар ва бу ишлар оқибатида халқ жуда оғир аҳволга тушиб қолди. Империя бир неча авлод умрини кечирганидан кейин боёнлар ва амалдорлар янада бойиб кетдилар, камбағаллар ва камқувват деҳқонлар эса борган сари қийналиб азобда қолдилар».

Шу аҳволда деҳқонлар агар ўз фарзандларини бирор ер эгаси қўлига ижарага берган бўлсалар ва уч йил муддатида уларни қайтариб ололмасалар болалар қулга айланиб қолиб кетардилар. Бундай қуллар сонининг ортиши билан қул бозорининг кучайиши қул савдоси билан шуғулланувчи савдогарларга «янги имкониятлар эшиги»ни очиб берди. Натижада қулай имконлардан фойдаланган қулдорлар, тарихий ҳужжатларда ёзилганидек «қулларни яхшилаб ясантириб бозорлардаги оғилларга тизиб қўя бошладилар».

Бироқ хўжаликларда қуллар сонининг ортиши кейинчалик кўзланган даражада фойда бермай қўйди. Шунда қуллар меҳнатини унумдорроқ қилиш учун

охири уларга кичик ер бўлаклари берилиб, шахсий хўжалик юритишга рухсат этилди (3:737).

Хан даврининг дастлабки йиллари сарой ва ундан ташқаридаги ҳудудларда ҳокимиятга қарши руҳдаги амалдор ва саркардалар билан «тил топиш» давлат хавфсизлиги учун жуда муҳим вазифа эди. Шу мақсадда империянинг вилоятлари ҳукмдорларига «*ванг*» унвони берилгач, улар ўз ички ишлари – солиқ солиш, вазирларни тайинлаш каби хусусларда мустақил иш юритиш ҳуқуқига эга бўлдилар. Умуман, ракибларга нисбатан қўлланган бундай дипломатик муносабат туйғайли ҳатто собиқ *Цин* ҳарбий саркардалари билан ўртадаги муҳолифат ҳам келишув билан тугалланди.

Қайд этилган муҳолифатнинг юзага келишига сабаб, *Цин* даврида бойиб кетган мулк эгаларининг бойлиги деярли подшоҳ хазинаси билан тенглашиш даражасига бориб етганди. Демак, *Лю Бан*нинг тўлақонли ҳукмдорлиги учун аристократлар гуруҳининг иқтисодий имкониятлари катта хавф соларди. Хавфнинг олдини олиш учун император нуфузли мансаб-мартабали мулкдор зотлар имкониятларини турли қўшимча солиқлар солиш билан чеклашга ўтди. Шу тариқа император иқтисодий чеклашлар орқали, ўз ҳолича ҳатто пул зарб этишга ҳадди сиғган ўзбошимча «*ванг*»ларга қарши кескин чоралар кўрди (61:508).

Башарти баёнимиз император томонидан кўрилган ички сиёсатдаги чора-тадбирлар мавзуида экан, *Хан* сулоласи ибтидосидан бошлаб қисман ундаги қонунчилик тарихи билан танишишга уриниб кўрамыз. Мақсад, империянинг қандай қонунчилик тамойиллари асосида тараққий топганлиги сабабларини англаб етиш.

*Цин*лар даврида ҳамма ерда маънан тубанлик ва жинойатчилик авж олиб кетганлиги учун бўлса керак, қамоқхоналар маҳбуслар кўплигидан бозор майдони-

ни эслатарди. Шунинг учун император жангари подшоликларни мағлуб этиб мамлакатни бирлаштиргач, аввалги собиқ ҳукмдорлар томонидан қабул қилинган барча қонунларни бекор қилди. *Цин*лардан фарқли ўлароқ, мавжуд қонунлар қисқартирилиб, улар бари уч модда билан чекланди: агар одам жонига қасд қилган киши фақат ўлимга маҳкум этилса, бошқа бирортани яралаган ёки ўғрилиқ қилган фуқаро эса, фақат жиноятининг оғирлигига қараб жазога тортилди; *цин*лар давридаги кичик жиноят ва гуноҳларга бериладиган жазолар буткул ман этилди.

Лекин кейинчалик *Хан* сулоласига ташқи қабила-ларнинг бўйсунмаганлиги оқибатида ички урушлар жадаллашиб, муқаддам қабул қилинган тадбир-чоралар иш бермай кўйди. Шунда биринчи маслаҳатчи *Сяо Хэ цин*ларнинг барча қонунлардан ўз шароити учун керакли моддаларни олиб, «Ўн қисмли қонунлар мажмуини» тузди. Янги қабул қилинган *хан*лар даври қонунчилиги амалиёти хусусидаги адабиётларда шундай бир воқеа келтирилади:

*Ци*даги давлат омборлари мутасаддиси *Чун юй И* жинотга йўл қўйганлиги учун жазога тортилиши керак эди. Шу мақсадда назоратчилар маҳбусни *Чананга* олиб кетаётганларида *Чун юй И* ўз қизларини йўлда учратиб, сўкиниб деди:

«Менинг болаларим ичида бирортаси ўзил тузилмади. Бошга иш тушганда қизлардан умуман фойда йўқ экан».

Шунда унинг кенжа қизи *Ти-ин* отасига жуда ачи-ниб уввос солиб йиғлади. У отаси ортидан *Чанангача* бориб, сўнг императорга ариза билан мурожаат қилиш-га муваффақ бўлди:

«Сизнинг қулингиз отаси гуноҳини кечирилиши ва унинг яна янгидан ҳаёт бошлаши учун ўзини давлат қулига айлантирилишини ўтиниб сўрайди».

Ариза Осмон ўғлига етказилганда қизнинг сўзлари унга жуда таъсир қилиб, у шу маънода фармон чиқарди:

«Ююй-ши даврида жинойтчининг кийими ё қалпогини бўйаб, унинг уст-бошини ўзгартирганлар, токи халқ унинг бўялган кийимдан жинойтчи эканлигини билсин. Бу мамлакатни бошқаришдаги қандай мукамаллик услуби эди!

Ҳозир эса қонунда уч турдаги вужудий жазо мавжуд, лекин шунда ҳам жинойтчилик барҳам топгани йўқ. Бундай жинойтлар силсиласининг сабаби нимада ўзи? Бу мендаги эзгулик оқибатими ёки кўрсатмаларимнинг тушунарсизлигимми?

Баъзан жазо шу даражагача етиб борадики, жинойтчининг оёқ-қўллари чопилади ёки териси тешилади, ахир яралар жинойтчи умрининг охиригача қайтадан битиб кетмайди-ку! Бу жазолар қанчалик кишига оғир азоб беради, ахир бу ахлоқсизлик-ку!

Бундай жазолардан кейин император халқнинг отаси ва онаси бўлиши мумкин деган фикр тўғрими? Мазкур жисмоний жазолар бекор қилинсин. Шунингдек, буйруқ бераман, барча оғир жинойт қилганлар агар қочиб кетган ёки шунга ҳаракат қилган бўлмасалар ўз қамоқ муддатларини ўтаганларидан сўнг озод қилинсин!»

Биринчи маслаҳатчи **Чжан Цан** ва бош назоратчи **Фэн Цзин** ўз маърузаларида фармонни мушоҳада қилиб, шундай қонун қабул қилинишини сўрайди:

«Кимгаки баданига тамга босилиши жазоси берилган бўлса, унинг бўйнига темир кишан солиб, агар жинойтчи эркак бўлса уни шаҳар девори қурилиши ва қоровуллигига жўнатилсин, аёл бўлса давлат зарурияти учун керакли гуручни янчишига юборилсин.

Кимки бурнини кесиш жазосига тортилган бўлса, у бомбуқ таёғи билан эллик мартаба савалансин.»

Ушбу император ҳукмдорлигининг биринчи йили яна шундай фармон чикди:

«Бомбуқ таёғи билан сонсиз саваланиш ўлим жазосидан фарқ қилмайди. Агар жазоланган омади келиб саваланишдан ўлмай қолса, у барибир рисоладаги одам бўлолмайди. Шунинг учун биз қўйидаги қонунни чиқариш ниятидамиз: бомбуқ билан беш юз мартаба саваланиш камайтириб уч юзта, бомбуқ билан уч юзта саваланиш жазосини икки юз мартаба камайтирилишига қарор қилдик» (69:192-194).

Қадимги хитой ҳужжатларида ўз аксини топган қонунчилик лавҳалари *хан*лар империясининг ижтимоий, иқтисодий, маърифий ва маданий ҳаётининг қандай юриспруденция – ҳуқуқий асосларда кечганлигининг энг асл ва ноёб далили.

Албатта бу хусусда шуни ҳам унутмаслик керакки, даврлар оша жорий ўтмиш анъаналарини шароитга қараб ўзгартириш ҳоллари ҳам бўлган.

Хан сулоласининг сўнгги йирик императори вафотидан кейин, «У» подшолигидан чикқан ҳукмдор *Лю Би* аҳолини ўз сиёсатига жалб этиш мақсадида фуқаро борки, уни маълум муддатгача давлат солиқларидан озод қилишга ваъда берди. У ўз тасарруфидаги ерларда ички шароитни нисбатан эпақага келтиргач, ниҳоят, 200 минглик катта қўшин тўплаб империя пойтахтига йўл олган. Ваҳоланки, қўшни сарҳадларда ҳам *Лю Би* каби император тахтига даъвогарлар етарли бўлиб, улар ҳам фаол ҳаракатда эдилар.

Амалда улар ичида энг уддабурони *У-ди* ўз мақсадига етгач, маъмурий, ижтимоий ва албатта иқтисодий соҳаларда янги бурилишлар ясашга муяссар бўлиб, Хитой тарихида «Олтин аср ҳукмдори» номи билан шуҳрат қозонди. Бу таърифнинг энг ишонарли исботини ўтган асрга нисбатан аҳоли сонининг қарийб 60 мингга етганлигида қўриш мумкин эди.

У-ди ўз ҳукмронлиги йиллари давлатнинг масъул ходимлари малакасини ошириш мақсадида маъмурий ишлар бўйича академияга асос солди. Муқаддам мустақил *ван*ларнинг ҳукмдор сифатидаги жорий ҳақ-хуқуклари бекор қилинди. Мафкура соҳасида эса, диний эътиқод обрў-эътиборини мустаҳкамлаб, даҳрийликка чек қўйилди, конфуцийлик давлат дини сифатида қабул қилинди. Ва диний эътиқод салтанатда шу даражада нуфузга эга бўлдики, унинг юқори лавозимли мутасадди ходимлари Конфуций асарлари бўйича имтиҳон топширагина ўз вазифаларида қолишлари мумкин бўлиб қолди.

Эътиқодга доир имтиҳонларнинг яна бир муҳим хусусияти, бу – давлат идоралари ва маҳкамаларидаги мартабали зотларнинг мавжуд ҳукуматга бўлган садоқатининг бир белгиси саналган. Ҳолбуки, Конфуцийнинг баъзи талқинларига эътирози бўлган мутахассислар ҳам йўқ эмасди. Бу жабҳада Конфуций таълимотининг энг йирик намояндаси *Дун Чжун-шу* шундай деган эди:

«Ҳозир олимлар таълимотни турлича тарғиб қилдилар. Агар юзта мутафаккир бўлса, уларнинг таълимотини ташвиқ этиш услуби ҳам шунча, демак талқинлар мазмуни ҳам ҳар хил. Императорнинг эса, таълимот бирлигини қўлаб-қувватлаш учун маънан ҳеч вақоси йўқ.

Шунинг учун конфуцийликда баён этилган "олти санъат"дан ташқари ҳамма қолганлари таг-туғи билан йўқотилиши ва даҳрийлик тугатилиши керак. Фақат шундан сўнг мамлакатда бошқариш услуби ягона бўлиб, қонунлар аниқлашиб, халқ кимга тақлид қилиши кераклигини тўғри англаб етади» (29:409).

Ҳозирча *Дун Чжун-шу* томонидан зикр қилинган даҳрийлик ҳақидаги мулоҳаза конфуцийликнинг тўғри талқини ва тушунилиши ҳақидами ёки бошқа сабаб

назарда тутилганми, бу борада бирор аниқ фикр билдириш қийин. Чунки *Хан* сулоласи ҳукмронлиги даврида халқ ва ҳатто саройдаги жорий диний эътиқодларда ҳам айрим шаманизм унсурлари ўрин эгаллаган бўлиб, бу хусусни даопараст *Дун-фан Шо* қаламига мансуб «Хитойнинг беш муқаддас тоғлари остига саёҳат» китоби мисолида кўриш мумкин эди. Саёҳатномада шаманизм ақидасига кўра киши дунёдан кўз юмгач, ер остида иблислар аср этган мархумлар руҳига ёрдам бериши баён этилган эди (27:27).

Диний арбоблар *У-дини* кўшни сарҳадларда босқинчилик урушларини олиб боришдан воз кечишга ундаганлар. Чунки улар асирга тушган «варварлар»нинг урушдан кейин ҳақиқий фуқарога айланишига ҳамда босиб олинган ерларнинг деҳқончилик қилишга ярашига шубҳа билан қарардилар. Император эса, давлатда барқарорлик муқаррар бўлиши билан яна нигоҳини ўз чегарасидан ташқаридаги ҳудудларга қаратишга тушарди. Жумладан, *У-дин*нинг Ҳиндистонга ва ундан сўнг Кореяга ҳужум қилиш режаси шу мақсаддаги босқинчилик хатти-ҳаракатларининг навбатдаги кўриниши эди. У вақтларда ҳарбий юришлар сарф-харажатини кўтаришга хазинада сармоя етарли бўлиб, туз конларининг ўзлаштирилиши жуда катта фойда келтирарди.

Ерга ишлов беришда темир асбоб-ускуналарга бўлган талабнинг ортиб бориши ҳам яхши даромад берарди.

Кул савдоси яна қайтадан тикланган, хонавайрон бўлган хўжаликлар мулкдорлардан етиштириладиган ҳосилнинг ярми ҳисобига ер ва ишчи кучини ижарага олишга ўтган эдилар.

Деҳқонлардан солиқ олинishi шартларини милоддан аввалги VII аср хитой файласуфи *Гуан Чжуну* ўз трактатида шундай таърифлаган:

«Қадимда ҳосилнинг ўндан бир қисми ҳисобида солиқ солинарди ва бу ҳолат бутун Осмон остида адолатли деб билинарди. Аммо ҳозир бойлар жуда катта ерларга эга бўлсалар-да, улар ижара ҳақини ҳосилнинг ярмидан кўпи ҳисобидан оладилар. Агар бундай ноинсофгарчиликка чек қўйилмай фақат қисман солиқ камайтирилган тақдирда ҳам, бундан яна катта мол-мулк эгалари ютадилар» (69:213).

Лекин узоқ давом этган ҳарбий юришлар оқибати ахир империянинг силласини курутди. Иқтисодий аҳвол мушкуллашгач, охири император ҳам муқаддам тинмай олиб борган жангари сиёсатидан воз кечиб, ўз ҳарбий юришларига «тавба қилган» эди.

Хуллас, қачонлардир тараққиёт мезонига кўтарилган *У-дин*нинг «олтин асри» милоддан аввалги I асрнинг иккинчи ярмида чуқур инкирозга юз тутди.

Хитой халқининг милоддан аввалги асрлар оша босиб ўтган узоқ тарихий йўлида шундай даврлар ҳам учрайдики, улардан қолган ёдгорлик ҳужжатларида Ўрта Осиё билан бўлган муносабатлар ҳам зикр қилинган. Масалан, *У-ди* давлатининг ташқи алоқалар борасидаги ҳужжатида ёзилишича, император *Сюнну* қабиласига қарши курашда Ўрта Осиёдаги мавжуд кучлар билан иттифок тузиш ҳаракатига тушган.

Шу мақсадда «императорнинг махсус топшириғи билан қўшни минтақага сафарга чиққан *Чжан Цзян* милоддан аввалги 126 -125 йиллари *Чанъанга* қайтиб келган. У ўз узоқ сафари вақтида жуда катта ҳудудларни босиб ўтиб, биринчи марта Ҳиндистон ва Ўрта Осиёда йирик давлатлар борлиги, уларнинг бойлиги ва янги савдо йўллари ҳақида хабар келтирган».

Хитой дипломатининг ўз сафари вақтида аниқлаган ва императорга етказган Ўрта Осиё мамлакатлари ҳақидаги хабар ва маълумотлар келгусида «Ипак йўли»-

нинг Шарқдан ибтидо олган йўналишига асос солган. Хитой ва Ўрта Осиё ўртасидаги дипломатик ва савдо муносабатларида **Чжан Цзяннинг** хизматлари муайян аҳамиятга эгаллиги унинг кўшни минтақадаги давлатлар билан олиб борган дипломатияси ва Хитой учун тўплаган маълумотларидан маълум. Зотан «Буюк Фарғона тазкираси»даги хабар бўйича:

«(Чжанг) Чян йўлга отланганида, ёнида юздан ортиқ одам бор эди. 13 йилдан кейин фақат икки киши билан (ватанига) қайтиб келди. (Чжанг)Чян шахсан ўзи Буюк Фарғона (Дай-юан), Улуз Гузер (Дай-рузие / Да-юэчжи), Бактрия (Дай-зия), Кангкия (Кангжюй) каби давлатларни зиёрат қилган. Қолган атрофдаги 5 - 6 давлатнинг аҳволини сўраб-суриштирган.

Кўлга киритган барча маълумотларни Тангри ўгли (Тянзи)га сўзлаб берган. Унинг сўзига қараганда, Буюк Фарғона (Дай-юан) хунларнинг жануби-ғарбида ёки Хан (мамлакатининг) роппа-роса ғарбида ва ундан 10 минг «ли» йироқликда жойлашган.

Улар (фарғоналиклар) деҳқончилик билан шугулланишади, шоли ва бугдой экишади, узумдан шароб тайёрлашади. (Уларда) баданидан қонсимон тер чиқадиган зотли отлар кўп. Аслида ушбу отлар Тангри отларидан тарқалган экан...

(Фарғона мамлакатада) деворлар билан ўралган шаҳарлар ва хужралардан ташкил топган иморатлар мавжуд. Унинг (буюк Фарғонанинг) худудида 70 дан ортиқ катта-кичик шаҳар ва қишлоқлар жойлашган. Шаҳар аҳолиси бир неча юз мингдан ошади, лашкарлари ўқ-ёй, найза, қалқонлар билан қуролланган» (9:33-34).

Шунга қарамай, «сайёҳ-дипломат» Ўрта Осиёдаги ўзининг ўн уч йиллик ҳаёти ва фаолиятидаги муваффақиятлари билан бирга ўз юртида мағлубиятларга ҳам

дуч келган. У хунлар билан бўлган урушда юқори ҳарбий унвонга эга бўлган бўлса, кейинги жанглардаги йўл қўйган хатолари туфайли сарой эътиборидан четда қолган. Аммо хунларга қарши урушлар оқиба-тида Хитой учун Ўрта Осиёга йўл очилгач, узоқ йиллар беписанд қолган *Чжан Цзян* яна *Хан* императори хузурига чакирилган (55:124).

Гарчи *Хан* империяси хавфсизлигига *Сюннунинг* катта хавф солиши мумкинлиги ҳақиқатдан узоқ бўлса ҳам, лекин бу қабила Бактрия, Парфия, Ҳиндистон ва жанубга томон савдо йўли бўлиши мумкин бўлган ўз қўли остидаги Шарқий Туркистонга хитойларнинг қадами етишига қарши эди. Демак, *У-ди* олдида келгуси ўз савдо йўлидаги рақибини мағлуб қилиш учун қажатқич жанглар олиб бориш вазифаси турарди.

Император жангларга тайёрлана туриб, ўз отлик аскарлари таркибини ислоҳ қилишга қарор қилади. Бу мақсадни амалга ошириш учун бўйдор «самовий отлар» керак бўлишини билиб, у Фарғонага юриш режасини тузади. Тарихий манбаларда ёзилишича, илгари «*Даван*» (Дай-юан) номланган Фарғона ва Хитой ўртасидаги иқтисодий ва дипломатик муносабатлар охири ҳарбий тўқнашувлар билан тугалланган даврлар ҳам бўлган.

Шицзи қайдига биноан, *У-ди* Даван подшоҳига катта совға-саломлар бадалига Фарғона ғиротларидан юборишни илтимос қилиб ўз вакилларини юборади. Фарғона подшоҳи Хитойнинг узоқда эканлиги ва шу боис императорнинг бу ерларга катта кўшин юбора олмаслиги сабабли хитойлик вакил илтимосини рад этади. Бундай раддия Хитой вакили ғазабини кўзгаб у ҳам подшоҳга кўполлик билан жавоб қайтаради. Шунда ўша даврда дипломатик бедахллик тушунчаси бўлмаганлиги учун вакил қатл этилиб, унинг мулки подшоҳ фойдасига мусодара қилинади (55:163).

«Бу кўнгилсиз воқеадан кейин *У-ди* томонидан 104 йили юз минглик кўшин билан *Ли Гуан-ли* Даванга юборилади, лекин у манзилгача етиб келолмайди. Яна икки йил ўтгач, ниҳоят, саркарда манзилига етиб келиб, маҳаллий ҳокимдан «самовий отлар» ҳисобида хирож олади». Баъзи нашрлардаги хулосага қараганда, Хитой ва *Даван* ўртасида тўрт йил уруш бўлиб, бу тўқнашувда Даван мағлубиятга учраган. Бироқ Хитой ва Даван, яъни Фарғона ўртасидаги муносабатлар тарихи айрим илмий нашрларда биз танишган маълумотларга қараганда муайян фарқлар билан баён этилган.

Яъни, «хунлар билан узок давом этган жангларда отларидан айрилган *Хан* сулоласи императори *У-ди* жангларни тўхтатишга мажбур бўлади. Ва у ўзининг энг иқтидорли саркардаси *Ли Гуан-ли* бошчилигида Фарғонага катта кўшин юборади. Мақсад, яна ўша таърифи дунёга таралган Фарғона отларини Хитойга келтириш эди. Аммо йўлда *Тарим* ҳавзаси шаҳри аҳолиси хорижий кўшинни озиқ-овқатлар билан таъминлашдан бош тортади. Саркарданинг императорга юборган ҳисоботида аскарларнинг аксарияти жангда эмас, очликдан ўлганлиги хабар қилинади. Шунда *Ли Гуан-ли* ўз кўшини билан ортга қайтиб, керакли тайёргарчилик кўриб, сўнг яна сафарга чиқади».

Фарғонанинг пойтахтига етиб келган хитой саркардаси шаҳарни олмоқчи бўлганида, ерлик ҳоким вафотидан кейин маҳаллий оқсоқоллар хитойларнинг шаҳарга кирмасликлари шarti билан уларга бир неча минг ғиротларни берадилар. Фарғонага ёрдамга келиши мумкин бўлган иттифоқчи кўшин хужумини ҳисобга олган *Ли Гуан-ли* шартга рози бўлиб Хитойга қайтади.

Шундан бошлаб Фарғона Хитойнинг вассалига айлангач, Ипак йўли Хитой карвонлари учун Фарб мам-

лакатлари билан савдо қилишнинг энг қулай воситаси бўлиб қолади. Йўл узра айрим жойларда *Хан* империяси қалъалари ва тижорат маҳкамалари қурилади. «Самовий отлар» императорнинг ҳарбий юришларига керакли бўлгани учун Хитойдан Фарғонага келадиган қарвонларнинг узоқ вақтгача кети узилмаган (32:642-643).

Қисқаси, милoddан аввалги II асрнинг охирида империя ғарбий ўлкалардаги бир неча шаҳар-давлатларни забт этиб, Ўрта Осиё давлатлари билан алоқа боғлайди. Шу вақтдан *Хан* пойтахти *Чанандан Гансу* орқали Ўрта ва Олд Осиё ҳамда Римнинг Шарққача бўлган сарҳадларда «Буюк ипак йўли» фаолияти бошланади. То бу вақтгача хитойлар «Ғарбий чекка - *Си-юй*» деб атаган ерлардаги мамлакатларгача кириб боришга улгурган эдилар.

«Хитой қарвонлари Шарқий Туркистон орқали Тарим ҳавзасининг жанубий водийсидаги вилоятлар ҳамда Аму ва Сирдарё худудларидаги ўлкалар билан савдо қилган». Оқибатда Ўрта Осиё билан ўрнатилган алоқалар боис Хитойда узум, заъфарон, анор, ёнғоқ, ловия ва бошқа дуккакли ўсимлик ҳамда мевали дарахтлар ўстириш ўзлаштирилган (60:513).

Савдо асносида «Хитой четдан ранг-баранг гиламлар, ойна, яшм тоши, маржонлар, дориворлар, хусусан, Бактриядан эса от ва туялар олган. Ўзидан анъанавий ипак маҳсулотлари ва шунингдек, бошқа молларни Эрон ҳамда Сурия орқали Рим империяси худудигача олиб борган».

Академик Э.Ртвеладзе асарида хитой манбаи маълумотидан келтирилган иқтибосга кўра:

«Даванда узумдан мусаллас солинади. Бойлар уни ўн «дан»гача сақлайдилар. Чунки эски мусаллас ўнлаб йиллар бузилмайди. Аҳоли мусалласни шунчалик хуш кўрадики, худди отлар «му-су» ўтини яхши кўргандек.

Хитой элчилиги уруг олиб келганда Осмон ўгли му-су ва узум уругини туманли ерларга қадашга буйруқ берди. Узум ва му-су кенг далаларда кўпайтирилди».

Шу мавзуга тегишли воқеалар сирасидан бўлган **Чэ-ши** давлати ҳақидаги кўшимча куйидаги маълумотлар ҳам, ўйлаймизки, **Хан** сулоласи ҳукмронлик қилган давр шароитини янада тўлароқ тасаввур этиш имконини беради:

«Миладидин авалқи 206-милади 220-жиллар арилиғида ҳекумранлик қилган Хан сулалиси дэврида Турпан вадисида Алдинки (шэриктики) Чэ-ши девлети ҳекум сургэн. Бу девлет тўғрисида 1180 жили Е.Лунли ёзинин «Цидан го чжи»– «Кидан делити Циннин тэсвири» намлик китабида язған. Бу девлетнин пайтехти Яр-гул(Ярхото) шеҳри бўлған. Хитайларға бу девлет миладидин авалқи 126 жилдин бери мелум еди.

Бу девлет тоғрисида хитай менбалирини текшурген Д. Позднеев шу чағдила Генритағ етрапи «уйғурларинин ветани болған» деп язған. Чэ-шилар бир чағларда шеҳретлик жайлардин еди. У Гаочан депму атилагти. Бу уйғурларнин йери, миладидин ав-вала ўз ҳекумранлериға ега болған. Демек, миладидин икки есир авал ве икки есир кейин уйғурларнин алдидики ҳем кейнидики Чэ-ши намлик девлетлери бўлған екен (11:143).

Тарихдан маълумки, Шарқ ва Ғарб ўртасида «ипак учун бўлған кураш» жараёнида ҳар икки қитъа мамлакатларини боғлаган Ўрта Осиё минтақасининг роли наинки савдо-тижорат, балки башарий руҳдаги маданий тараққиёт жараёнида ҳам алоҳида аҳамият касб этган. Чунки «Ипак йўли»нинг Хитойдан то Римгача бўлған фаолиятида иштирок этган барча мамлакатлар ўзаро башарий қадриятлар алмашинувида ҳам қатнаш-

ган. Шу боисдан қадимги хитой давлатчилиги тарихи мавзуи сўнгида имкон қадар «Ипак йўли» тарихи хусусида мавжуд маълумотлар талқини ва таҳлилига ўрин бериш ниятидамиз.

Қиёсан олганда, «*Цин-Хан* даври, гўё Европа учун юнон-римликларнинг антик дунёси каби наинки Хитойнинг, балки ундан-да кенгроқ маънода, яъни бутун Шарқий ва Жануби-Шарқий Осиёнинг маданий таракқиётида ниҳоятда муҳим роль ўйнаган». Шу жумладан бўлган «Ипак йўли» орқали бошланган Хитой-Ўрта Осиё халқлари муносабатларида ҳам.

Фикримизча, танланган мавзу ҳақида сўз юритишдан олдин қадим Хитойнинг илк ва кейинги йирик давлатлари тарихи баёнида ижтимоий-иқтисодий ва маънавий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этган яна бир жиҳатни таъкидлаб ўтиш ҳам фарз, ҳам қарз. У шуки, *Хан* империясидан кейинги хитой давлатчилиги тарихида шундай даврлар ҳам бўлганки, унда милоднинг 8-йили тахтни эгаллаган узурпатор *Ван Ман* ислоҳотлари ҳар қалай ўрта ва паст табақа вакиллари аҳволини қисман яхшилашга хизмат қилган. Бу ички сиёсат муқаддам салтанатда эксплуатациянинг турли шакллариغا нисбатан эътироз руҳида тарқала бошлаган назарияларнинг муносиб жавоби эди.

Масалан, *Дун Чжун-шу* ва *Ван Чун* таълимоти расман қуйидаги жазо ва солиқларнинг рад этилишини талаб қилган, хусусан:

«Қулдорларнинг ўз қулларини жазолаши ва ҳатто ўлдириши каби чексиз ҳуқуқларини ман этилиши; мол ҳамда пул солиқларининг камайтирилиши; ҳарбий ва меҳнат мажбуриятларининг енгиллаштирилиши; нарх-наволарнинг қатъий қилиб белги-ланиши; «подшоҳ ери» деб эълон қилинган ерларнинг қайта тақсимланиши; ер эгалигининг чекланиши; ер ва қул савдосининг ман этилиши».

Аmmo орадан уч йил ўтар-ўтмас, айтайлик, фуқаролар учун **У-ди** давридаги «анъаналар» қайта тикланган бўлмаса-да, лекин барибир ер, кул савдоси ва солиқ юзасидан амалга оширилган ислохотлар бекор қилинган (3:739). Ва бунинг оқибати авом ҳаётига ўз таъсирини ўтказмай қолмади.

Сўнги узурпатор ислохотларини **У-ди** маъмурий тизимига қиёсланиши бежиз эмаслигини биргина аввалги солиқ борасидаги фуқаро аҳволи ва аъмоли акс этган Хитой манбаи маълумотидан билиш мумкин:

«У-ди подшолик қилган замонда ҳукумат ҳарбий юришлар билан жуда банд бўлган, шунинг учун ички ишларни бажаришга шу қадар кўп одам керак бўлганки, натижада кўпчилик асосий касбини, яъни деҳқончиликни ташлашга мажбур бўлиб қолган.

У-ди душманга қарши тўрт томондан кўшин юбориб, халқ бошига оғир солиқлар солган. Уч яшар ўғил боласи бор ҳар бир фуқаро ўз боласи учун жон солиғи тўлаган. Шу тўфайли баъзи одамлар ҳатто ўғилларини тугилган замоноқ ўлдирганлар ҳам».

Империяда аҳволнинг ҳаддан ташқари танг келиши икки тоифадаги халқ кўзғолонлари кўтарилишига сабаб бўлган. Улардан бири «қизил қошлар» бўлиб, асосий таркиби афғор оммадан иборат кўзғолончиларга ҳатто **Ван Ман** ислохотларидан норози аристократлар гуруҳи ҳам келиб қўшилган.

Иккинчи катта кўзғолон ўз даврининг машҳур сиёсий арбоби **Чжан Цзяо** томонидан ташкил қилиниб, унинг бу борада олиб борган ишлари оддий халқ орасида обрў-эътибор қозонган (3:740).

Адади ва қудрати бўйича етарли кучга эга бўлган бу кўзғолонни **Хан** сулоласи бостиришга муваффақ бўлган бўлса-да, лекин ундан кейинги катта-кичик кўзғолонлар империя куч-қудратига путур етказиб, сўнги

йирик сулола таназзулга юз тутган. Аммо бу воқеаларга қадар империянинг ўз ибтидосидан босиб ўтган йўли натижалари *Сима Цяннинг* асарида шундай маълум қилинган:


«Хан хонадони ҳукмронлигининг иккинчи йили подшо шарқдаги жуда кўп ерларни босиб олди. Ўн мингдан иборат аҳоли ёки бутун бир вилоят капитуляциясига эришган ҳарбий саркардаларга минглаб хонадонга эгалик қилиши имкони берилди.

Хэнаш вилоятининг сарҳадлари ҳимоясини таъминловчи қурилмалар адогига етказилди. Фуқароларга аввалги Циндаги ҳовуз ва қўллар яқинидаги боз-роғлар ва экин ерларига ишлов бериш ҳуқуқи берилганлиги ҳақида фармон чиқарилди.

Биринчи ойда Юн-вангнинг кичик укаси Чжан Пинни асирга олгач, гуноҳкорларга умумий офият эълон қилинди... Хан-ванг Шанга келгач, сарҳадлар ортидаги оқсоқол қарияларга меҳибонлик кўрсатиб, сўнг ортига қайтди...

Иккинчи ойда Хан-ванг Циндаги ер руҳи ва донли ўсимликлар меҳробларини буздириб, уларнинг ўрнига Хан меҳробларини қуришга буйруқ берди...

Учинчи ойда Хан-ванг бир йўла Хуанхэ ва Лин-цзин дарёларидан кечиб ўтди, унинг ортидан ўз аскарлари билан Вэй подшоҳи Баога йўл олди. У Хэ-ней туманини қўлга киритиб Ин-вангни асир олгач, Хэней вилоятини таъсис этди» (62:176).



Ҳоким ва унинг атрофидаги мутасадди ходимлар йўлда.

Қайд этилганидек, *Хан* сулоласининг ўз салоҳияти ва мақомини йўқотиши, аввало унинг иқтисодий жиҳатдан кучсизлана бориши боис эди. Бунинг оқибатида мулкдор оилаларда экин майдонлари эгалигининг борган сари ортиб бориши, барча шартларга амал қилишга мажбур деҳқонлар оммасининг қашшоқлашувига олиб келди. Шунингдек, катта ер-мулк эгаларининг марказий ҳукуматга бўйсунмай қўйганлигининг дастлабки белгиси ҳам сулола юз тутган оғир аҳволининг амалий натижаси эди. Қолаверса, сулоланинг мазкур инқирозга учрашига бир томондан, ўнлаб йиллар мобайнида ташқи душманлар – *хунну*, *сиянби* ва *тибет-бирман* қабилаларига қарши урушлар қўшинни кучайтиришга янги аскарлар талаб қилган бўлса, иккинчи томондан, ерга ишлов берувчи деҳқонлар сонининг ҳарбий хизмат бадалига камайиши сабаб бўлди. Ва бу жараённинг инъикоси ўлароқ 105 йилдан бошлаб мукаддам мавжуд экин майдонлари сўнги қирқ йил мобайнида қарийб 400 минг «*цин*»га қисқариб кетган эди (31:44).

Хан сулоласининг 400 йиллик ҳукмронлиги тугал таназулга учраганидан кейин милоднинг 219 йили Хитой уч ўзаро мухолиф давлатларга бўлиниб кетди: *Вэй*, *Шу* ва *У*.

Уч подшолик даври

Янги тузилган «Уч подшолик» номини олган давлатлар ўзаро 40 йил кураш олиб бордилар. *Шу* давлатини босиб олган *Вей* подшолиги қолган душманлари устидан ҳам ғолиб чиқиб, ўз ҳудудларини кенгайтиришга муваффақ бўлди (27:55).

Агар уч подшоликнинг ибтидосидан бошланган гегемонлик хатти-ҳаракатлари авж олган йилларига тарихан ёндашсак, уларнинг ҳатто ўзаро тўқнашувлари шароитида ҳам маълум даражада Хитойда қишлоқ хў-

жалиги, хунармандчилик ва умуман ишлаб чиқариш соҳаларида нисбатан жонланиш вужудга келганлигини кўрамиз. Масалан, **У** подшолиги ҳукмдорининг ўз мухолифларига нисбатан юритган устомонлик сиёсати ва табиий жиҳатдан ёв учун бостириб киришга ноқулай бўлган худуди, маълум даражада унинг сарҳадини ташқи босқинлардан ҳимоялар эди. Шу боис Хитойнинг чекка ўлкаларидан **У** подшолигига қочоқ деҳқон ва хунармандлар оқиб келди. Экин ерларини омов билан ҳайдаш, хунармандчилик устахоналарининг ишга туширилиши, ички қатори ташқи савдонинг ривожланиши подшоликнинг **Шу** подшолигига нисбатан анча узоқ йиллар барқарорликка муяссар бўлишига имкон яратди.

Гарчи **Шу** подшолиги ички ҳаётида ҳарбий тизим масаласида ортиқча сарф-харажатлар, қўшимча ҳарбий гуруҳлар тузилиши ва аристократия ўртасидаги ўзаро мухолифат каби муаммолар мавжуд бўлса ҳам, **Чжуге Лян** каби уста сиёсатчи ва тадбиркор ҳукмдорнинг қўл остида **Шу** тараққий топиб, узоқ муддатгача **Вей** подшолиги ҳужумларига бардош берди. Аммо ҳукмдорнинг вафотидан сўнг мухолиф кучлар орасида яна бебошлик кучайиб, охир оқибатда подшолик **Вей** билан урушда мағлубиятга учради (31:46).

Вей подшолиги даврида ҳарбий гуруҳлар қўшинидан фойдаланиш қўшни подшоликларга нисбатан ўзгача йўлга қўйилган эди. Яъни, марказ ва музофотдаги барча ҳарбий кучлар бевосита ўз вазифасини бажариш билан бирга, ўз худудида шунингдек, деҳқончилик ишларига ҳам масъул бўлганлар.

Бундан ташқари, саройнинг нуфузли мулозимларидан бири **Сима Лан** ер ислоҳоти бўйича подшолик худудидаги барча ерларни давлат тасарруфига ўтказишни тавсия қилди. Ислоҳот тизимиغا кўра, давлат ерларини ижарага бериш орқали юқори ҳосил кўтариш

мўлжалланди. Бундай ислохот амалиёти учун ўша даврга келиб иқтисоди ривожланган ва етарли кўл кучи ресурсларига эга бўлган **Вей** подшолиги барча ички муаммоларни ҳал қилиши керак эди. Шу шароит тақозосига кўра подшоҳ навбатдаги тўқнашувдан сўнг **У** подшолигини мағлуб этди ва «уч подшолик» даврини яқунлаб, бўлғуси империя пойтахти **Лоянда Цзин** сулоласи ҳукмронлигига асос солди (31:47).

Вейлар ҳукмдори гарчи муттасил жанг олиб борган ҳар икки муқобил подшолар устидан ғалаба қозонган бўлса-да, аммо унинг чегараларига хавф сола бошлаган туркий ҳоконликлар ҳужуми хавфи тазйиқидан холи эмасди.

Хитой ва туркий ҳоконлик муносабатларидаги муҳолифат руҳига асосий сабаб, карвонлар учун энг серқатнов «Ипак йўли» устидан ҳукмдорликни кўлга киритиш эди. Хитойлар ва туркий ҳоконлик учун бу каби долзарб режа кейинги даврларда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмади.

Суй сулоласи

(589-618 йиллар)

Хитойнинг шимоли ва жанубида V-VI асрларда қузатилган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий силжишларнинг ривожини учун ҳукмрон доиралар ўртасидаги ўзаро урушларга чек қўйиш зарурияти яна давлатни яқка ҳокимият остида бирлаштиришни талаб қиларди. Чунки ушбу шароитда авом халқини фуқаролик масъулияти асносида бошқариш ҳамда сарҳадларга хавф солаётган туркий ҳоконликдан ҳимояланишни фақат яқка ҳокимият ҳукмронлиги остида амалга ошириш мумкин эди.

Бу даврга хос бирлашиш масаласининг долзарб руҳият касб этишида Хитойдаги катта ер-мулк эгалари, юқори мансаб-мартабали зотлар ҳамда лашкарбошиларни ўз атрофида бирлаштирган «**Гуанлун** ҳарбий гу-

руҳи» етакчи роль ўйнай бошлади. Айни гуруҳнинг энг пешқадам вакили бўлган **Ян Цян** тахтни эгаллагач, ўзини тан олмаган шимолий сулолаларни бўйсундириб, **Суй** сулоласи ҳукмронлиги силсиласини бошлаб беришга муваффақ бўлди.

Янги император ўзининг ҳарбий йўл билан бирлаштирган Хитой ҳудудида ҳукмронликнинг **Хан** давридан мерос қолган тамойиллари замирида бир қанча иқтисодий ва маъмурий ислохотлар ўтказди. Давлат маҳкамалари фаолияти марказий ҳукумат томонидан назоратга олинди. Ҳарбий кўшинлар буткул «Осмон ўғли» кўмондонлиги измига ўтди. Марказ ва вилоятлардаги ерлар яна давлат тасарруфига олиниб экин-тикин ишларида ҳиссадорлик тизими кенг миқёсда тикланди. Муқаддам мустақил иш юритган феодаллар фаолиятига ҳам муайян чекловлар белгиланиб, улар ҳам император хонадони ихтиёрига бўйсундирилди (31:61).

Марказлашган ҳокимиятнинг таъсир доирасини янада ошириш ва мукаммаллаштириш учун вилоятларнинг сарой маъмурияти билан узвий алоқада бўлиши масъулиятига муҳим аҳамият берилди: йўллар қурилиши, сув йўлларини бирлаштириш учун каналлар қазилиши, қишлоқ хўжалиги иншоотларини барпо этилиши, давлат ерларида фуқароларнинг ишлаб бериш муддатининг камайтирилиши ва бошқалар.

Биз қисман қайд этган **Ян Цян** давридаги империя куч-қудратини таъминловчи омилларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги амалий инъикоси, мавжуд айрим қулайликлардан қатъи назар, барибир, афғор омма эксплуатацияси ҳисобига эришилган тараққиёт ҳосиласи эди. Лекин тахт соҳиби вафотидан кейинги тараққиёт жараёни унинг валиаҳди **Ян Гуан**нинг ҳукмронлик йилларида истибдод устуворлиги тазйиқи даврига айланди. Империя ҳудудидаги бошқарув тизимида шу қадар маъмурий идоралар ва мулозимлар сони кўпайиб кет-

дики, ҳатто халқ орасида ушбу ҳолатни ўзида ифодалаган иборалар пайдо бўлди. Шулардан бирида айтилишича:

«Бу ерда ўнта кўйга тўққизта киши подачилик қилади».

Пойтахт ва Буюк Хитой деворининг қурилиши каби объектларда эса, миллионлаб одамлар ишлаб, уларнинг давлат хизматидаги муқаддам белгиланган муддатга амал қилиш масъулияти, деярли ўз моҳиятини йўқотмади. Етук сиёсатдон ва ислоҳотчи *Ян Цзян* томонидан тўпланган бойликларни совуришда ҳам унинг ўғли худди ўзининг золимлиги туфайли Хитой тарихида ном қолдирган «энг машҳур императори» сифатида қайд этилди.

Суй тахти соҳиби ташқи сиёсатда фақат туркий хоқонликлар ўртасидаги муҳолифатга зўр бериш бадалига улар ҳужумидан қутилиш мумкин эмаслигини англаганидан кейин, рақибларига катта-катта совғасаломлар қилиш ва зиёфатлар уюштиришга зўр берди. “Масалан, 607- йили *Ян-ди* унвонини олган ёш ҳукмдор *Жангархон* ва унинг аймағидан 3500 оқсоқолларларга зиёфат берган. Бунда хонга 2 минг парча шойи мато, жангари аравалар, чопқир отлар, мусиқий чолғулар ва байроқлар ҳадя этилган. 610-йилдан бошлаб эса хоқон вассалларга *Лоян*да муддати бир ойгача чўилган байрамлар ташкил қилинган.

Байрам кунлари шаҳарда махсус театр томошалари ва мусиқий дастурлар учун улкан сахналар қурилган бўлиб, у ерда 18 минг созанда тўхтамай турли мусиқалар ижро этишган. Чор-атрофда тундан эрта тонггача кўзни қамаштирувчи чироқлар ёқилган. Савдо дўконлари безалиб, улар остига матолар тўшалган. Вассалларни Хитойда турли тотли таомлар ва майлар кўплигига ва улар учун пул тўлаш шарт эмаслигига ишонтирилиб, тўкин дастурхон билан сийланган.

«Мехмон»лар айниқса дарахтлар танасига шойи матолар ўралганидан хайрон бўлиб сўрардилар: «Ахир Хитойда камбағаллар бор-ку, уларга кийим-кечак етмаган ҳолатда дарахтлар танасига шойи ўрашдан не ҳожат?». Бу саволларга тегишли тўғри жавоб берилмасди, албатта!» (23:147).

Сўнги йиллардаги *Суй* императори туркий хоқонликларга кўрсатган меҳмондўстлик бесабаб бўлмай, унинг моҳияти ўтган йиллар хоқонликларда юз берган воқеалар замирида шаклланган эди. Шу сабабдан «604-йилнинг оёғида *Суй* империяси ҳали *Ян Цзин* ҳаётлигида бошланган дипломатиянинг ғалабасига эришган эди. Ғалабанинг ҳосиласи ўлароқ *Жангархон* Шарқий хоқонликни буткул Ғарбий хоқонликдан ажратиб юборади. Ва кейинги хоқонликлар ҳудудида рўй берган воқеаларда *Жангархон* фақат Хитой императори манфаатлари учун хизмат қилади. «Унга замондош қабила ва хоқонликлар нафрат кўзи билан қарардилар. Чунки чўлдаги қабилалар унинг туркий хоқон бўлганлиги учун бўлса, туркий хоқонликлар унинг Хитой императори кишиси бўлгани учун».

Жангархон ҳар икки тараф вакиллари нафратига лойиқ ўз фаолиятида яна бир, яъни ҳатто хитойликларнинг ўзи ҳам кутмаган хусусда императорга ён босишга қарор қилади. Яъни, у ўз кўл остидаги аҳолининг кийим-кечагини хитой либосига ўзгартириш ва хитой қонун-қоидалари асосида яшашга мажбур этишгача борди. Аммо *Ян Гуан* бу қарорга эътироз билан жавоб беради. Негаки, унда «бу қилмиш чўлда хоқоннинг мавқеига путур етказиши ва янги ғалаёнлар келиб чиқишига туртки бўлиши мумкин» деган фикр туғилган бўлурди. Чунки *Жангархон* ҳали хитойликлар учун жуда керакли «иттифоқчи» эди (23:144).

Императорнинг режаси бўйича, қўшни давлатлар ҳудудини ўзлаштириш долзарб масалалар сирасидан

ҳисобланарди. Аммо тадқиқий адабиётлар хулосасига кўра, *Ян Гуаннинг* корейслар, хусусан *Когурё* давлати билан олиб борган урушлари империянинг таназзулига туртки берган. Урушнинг бошланишига эса, *Когурё* ҳукмдорининг Хитой императори саройига келиб ўз итоатини билдиришдан бош тортганлиги сабаб бўлган эди.

Биринчи ҳужум вақтида «Хитой ҳарбий бошлиқлари душманга қарши мустақил равишда ҳаракат қилишга ҳуқуқсиз бўлганлари учун – то марказдан фармон етиб келгунча ғалаба имконни қўлдан бой берадилар». Иккинчи маротаба *Когурё*га ҳужум қилинганда, хитойларни корейс давлати *Силла* уларни қўллаб-қувватлаганида ҳам омад юришмади, ҳаттоки, хитой аскарлари сони бутун империя аҳолисининг 9 фоизини ташкил қилганида ҳам.

Хитойлар учун бундай нохуш ҳолатнинг юзага келишида асосан икки сабаб бўлиб, улардан бири – *Шу* подшолигининг ноиби *Ян-Сюан-гай* императорга қарши бош кўтарган бўлса, иккинчиси, корейслар урушни тугатиш мақсадида Хитой императорига элчи билан ўлпон йўллаб аввалги шартлар асосида тинчлик ўрнатилишини сўраган эдилар. Императорнинг ташқи душмандан кўра хавфлироқ бўлган ички рақобат тазйиқидан тезроқ кутилишни афзал кўрганлиги боис корейслар илтимосини қабул қилишдан ўзга иложи қолмайди (23:168).

Агар шундай кудратли империяга қарши курашда *Когурё* эришган ҳарбий матонат ва устунлик сир-асрорига келсак, унинг туб сабаблари *Хан* даврига бориб тақалишини кўрамиз. Гап шундаки, тахминан I асрда ҳозирги Шимолий Корея худудидаги қабилаларнинг қайта йириклашуви натижасида бирн-сирин мустақил подшоликлар пайдо бўла бошлади. Улар ичида шимоли-ғарбда нисбатан йирик ҳисобланган *Когурё*

хукмдори орадан кўп вақт ўтмай *Хан* империяси билан муваффақиятли жанглар қилиб, ўз мустақиллигига эришган эди.

Милоднинг I - III асрларида қудратли давлатга айланган *Когурё*да ўзаро жангу жадаллар авж олиб, ярим оролнинг жануби-ғарбида *Пэчке* ва V асрда унинг жануби-шарқий қисмида *Силла* давлатлари пайдо бўлди (29:432). *Когурё*нинг Хитой билан бўлган жангларда мағлубиятга дучор бўлмаганлигига тааллуқли яна шундай бир муҳим омил бор эдики, унинг шартларига давлат миқёсида амал қилинарди. Яъни, *Когурё* худудидаги оддий оилаларда аёллар масъулияти эркакларга қараганда анча оғирроқ эди. Бинобарин, эркаклар урушга кетганида оила ва рўзғор машаққатлари расман аёллар елкасига юклатиларди. Ва бу ерда оилавий масалаларда қўлланган миллий қонун-қоидалар албатта сарҳадларда олиб борилган жангларда кўпроқ эркакларни жалб этишга имкон берарди. Шу ҳолатдан келиб чиқиб хулоса қилинганда, хитойлар билан бўлган жанглар вақтида корейслар давлати ичкарасидаги аҳволнинг мўътадил сақланишида корейс аёлларнинг муносиб ҳиссаси борлиги шубҳасиз эди.

Агар энди хитой ва корейсларнинг сув йўллари ва қуруқликдаги тўқнашувлари натижасига келсак, бу ҳарбий юриш хитойликларга жуда қимматга тушган. Зеро, урушлар келтирган ҳарбий ва иқтисодий зарарларнинг салбий оқибатлари, ниҳоят, империя ичкарасида кўпдан етилган «*Ваган*» кўзғолонлари силсиласига имкон берган эди (31:64). Таназзул ибтидоси бўлган кўзғолонлар эса, охир-оқибатда таркибан деҳқонлар, ҳарбийлар ва қуллардан иборат «фуқаролар уруши» руҳини касб этди.

Бу ўртада шунингдек, турк ҳоконлиги томонидан ҳам қутилмаган босқин уюштирилиши хавфи бор эди. Империяга икки томонлама хавф туғилиши мумкин

бўлган бир вақтда тахт соҳиби қутилмаган бир йўлни ихтиёр этди. У корейслар билан жангдан қўли бўшагач ўз фикрида гўё химоя деворлари ортидаги ғалаёнлардан қутилиш тадбир-чораларини кўрган бўлиб, ёзнинг иссиғи ва бошқа ташвишлардан ҳоли бўлиш мақсадида ўз ҳарами ва хизматчилари билан шахсий ҳаловатини кўзлаб шимолий *Шансий*га жўнайди.

Аксига олиб шу кезлари Хитойда авж олган турли гуруҳларга тегишли дехқонлар, ҳарбийлар ва қуллар қатнашган кўзғолонлар таркибида шимоли-ғарбий вилоятлар феодаллари ҳам бош кўтарган эдилар. Император *Ян Гуан*га она томонидан қариндош бўлган *Ли Юан* жангларда қўли баланд келиб, 618-йили ўзини янги *Тан* сулоласининг императори, деб эълон қилди. Ҳолбуки, янги император каби Хитойнинг турли гўшаларида ҳам мамлакат тахтига кўз тиккан кучли феодал гуруҳларнинг раҳнамолари етарли эди. *Ли Юан* ва унинг ҳарбий жиҳатдан иқтидорли иккинчи ўғли *Ли Ши-мин* ўзларига муқобил кучли рақиблари ва бошқа ерларда ҳукм сурган ғалаёнларга қарши кураш олиб бориб, мамлакат миқёсида *Тан* сулоласи сарҳадларини кенгайтиришга эришдилар.

Собиқ император *Ян Гуан* давридаги фуқароларга нисбатан жабр-зулм, оғир солиқлар ва бешафқат жазо қонунлари сиёсати оқибатларидан бохабар император ички сиёсатда ўзгача услубни ихтиёр этди. У чор-атрофда вайронгарчилик ва очлик ҳукм сурган ҳолатда шаҳар ва қишлоқлардаги ҳаётни ўз домига тушириш учун наинки фуқаро, ҳатто қулларга ҳам муайян шароитлар яратди: баъзи солиқ турлари йўқ қилинди, давлат манфаати учун ишлаб бериш муддати қисқартирилди, давлат ва шахсий хўжаликлардаги қулларга айлантирилган фуқаролар озод қилинди, қолган қулларнинг эса сони камайтирилди, феодалларга ўз қўли остидаги дехқонларни ўлдириш ман этилди (31:66).

Тан империясининг энг гуллаган даври *Ли Ши-мин* ҳукмронлик йилларига тўғри келди. Унинг ички ва ташқи сиёсати ўз даври учун бағрикенглик руҳига якин бўлган. Шунинг учунми, муаррихлар қадимги хитойларнинг барча даврларга берган анъанавий рангларидан фарқли ўларок, *Тан* сулоласи рамзи учун олабула ранг мансуб эканлигини таъкидлайдилар. Сабаби, тарихан агар рамзий равишда илк *цин*лар ок, *хан*лар кизил, *тибет*ликлар қора, *вэй*лар сариқ ва чўллик кўчманчилар ҳаво рангларга «бўялган» бўлсалар, *тан*ларни олабула рангга «бўялиши» бежиз эмасди (15:177). Чунки *Ли Ши-мин* аввалги хитойлик императорлардан фарқли ўларок, босиб олинган ерлардаги фуқароларнинг насл-насаби ёки миллати ҳамда диний эътиқодидан қатъи назар уларни маданий жиҳатдан ўзаро уйғунлашувига ҳаракат қилди. Бунинг натижасида шу вақтгача ерлик ва «кўчманчи варварлар» билан стихияли равишда кечган маданий «ўзлашув ёки ўзлаштириш жараёни» 618- йилдан расмий тус олган эди.

Хитойдаги бу байналмилал руҳият устиворлигидан хабар топган қочқинлар ёки турклар орасида яшаб қолиб кетган хитойлар яна ватанига қайтишга тушдилар. Шунингдек, турклар ҳам миллати суриштирилмайдиган *Ли Ши-мин* қўшинида аскарлик вазифасини бажарарди. Уларнинг аксарияти хитой қизларига уйланиб, ўз тақдирларидан мамнун ҳолда, ҳатто ҳарбий хизматда юқори лавозимларни эгаллаш умидида яшардилар. Хитой аристократияси ўртасида ҳам турк либослари урф бўлиб, маҳаллий уйлардан анча қулай ва мустаҳкам бўлган туркий ўтовлар омма орасида жуда кенг тарқалган эди (23:175-176).

Империянинг иқтисодий тараққиёти ерга ишлов бериш, суғориш ишлари, экин экиладиган ерларни кенгайтириш, хунармандчилик ва савдонинг ривожини, сув тегирмонлари қурилиши, шойи тўқишда янги дастгоҳ-

лардан фойдаланиш каби жиҳатлари билан характерли эди.

Хуллас, VII -VIII асрлардаги *Тан* сулоласи ҳукмронлигида Хитой ўз даврининг Шарқий Осиёдаги энг йирик сиёсий ва маданий марказларидан бирига айланди. Империянинг иқтисодий тараққиёти кўшни ва узоқ давлатлар билан савдо ҳамда маданий алоқаларни боғлаш имконини берди. Ҳиндистон, Бирма ва Тибет билан дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Шунингдек, «VIII асрда яшаган хитойлик географ асарида сакланиб қолган маълумотда «етти сув ва континентал йўналишлар» қайд этилган бўлиб, уларда Хитой билан алоқада бўлган қуйидаги мамлакат ва минтақалар рўйхати берилган эди: Корея, Манчжурия, Мўғилистон, Япония, Марказий Осиё ҳамда Форс қўлтиғи».

Сув йўллари орқали қилинган савдо алоқаларида эса эронийлар, араблар, малайлар, цейлонликлар, кхмерлар ва вьетлар кемалари хизмат кўрсатган» (31:70-71).

Тан сулоласи иқтисодий ва ҳарбий куч-қудрати тўфайли ўз ҳукмронлигини ўрнатиш мақсадида қатор узоқ ва яқиндаги давлатларни босиб олиш ёки вассалга айлантириш ҳаракатида кўп юришлари қилди. Император муқаддам иттифоқдош турк ҳоқонликлари ҳудудига 630 ва 657-йиллар давомида бостириб кириб, ундаги шарқий ва кейинчалик ғарбий ҳоқонликларни мағлуб этди.

Суй империяси бошлаган Кореяга юриш *Тан* сулоласи томонидан яна қайтарилди. *Тан* кўшинлари аввал *Печке*, кейинчалик *Когурё* давлатларини босиб олди.

Хорижий мамлакатлар билан савдо-сотикнинг кучайиши боис Хитойда чет эллик савдогарлар қароргоҳлари вужудга келди. У ерларда ўтроқ бўлиб қолган муҳожирлардан *Чанан* ва бошқа катта шаҳарларда бора-бора этник гуруҳлар шаклланди.

Хитойга келган араблар, эронийлар, суғдлар, яхуддийлар ва ҳиндлар билан бирга турли диний эътиқодлар ҳам кириб келди, яъни оташпарастлик, маздавийлик, ҳиндуизм, ислом ва бошқалар.

Танлар империясига энг яқин қўшни бўлган Тибетдан VII асрнинг ўрталарида элчилик келгач, муайян муддат ичида икки давлатнинг савдо ва маданий алоқалари жонланди. Ваҳоланки, хитойлар тибетлик «*тубо*» қабиласи билан бир неча бор жанг майдонида тўқнашган эди.

Тарихий нуқтаи назардан Хитой ва Тибетнинг кейинги муносабатлари асосига махсус тўхталишдан олдин, ўйлаймизки, ушбу ўлканинг халқи ва диний эътиқоди билан қисман танишиб чиқиш лозим.

Тибетнинг мухтасар тарихи

Тибет худуди жуғрофий нуқтаи назардан икки улуғ ва кўҳна маданият масканлари бўлган Ҳиндистон ва Хитойнинг ўртасида жойлашган. Тибетликларнинг келиб чиқиши ҳақидаги мухтасар маълумот шуки, уларнинг аجدодлари милоддан аввалги IV асрда Ҳиндистондан Тибетга кўчиб келган (31:72). Балки кейинги ассиляция туфайли бўлса керак, тибетликларнинг тили бирма ва хитой тилларига анча яқин.

Тибетнинг мифологияга асосланган тарихи унинг биринчи подшоҳи *Няти-цзаннон*нинг осмондан тушиши билан илоҳ сифатида эъзозга ноил бўлишидан иборат. Ривоят қилинишича, «У доим осмон ва ер билан алоқада бўлиб, ҳар сафар ерга тушганида яна пастга тушган арқони орқали ўз маконига қайтиб кетар экан».

Дастлабки Тибет тўғрисидаги тарихий маълумотлардан ташқари Птолемей асари ва хитойликлар ёзиб қолдирган матнларда ҳам баъзи хабарлар учрайди. Шу каби хабарлар ичида Тибетнинг машҳур подшоҳи *Срон-*

цан Гамбо фаолияти тўғрисидаги турли афсонаю ҳақиқатлар силсиласининг энг машҳури – бу унинг Хитой шаҳзодага уйланиши воқеаси бўлган.

Айтишларича, эмишки, «тибетлик подшоҳ ўзининг никоҳ риштаси ҳақидаги орзуини билдирганида Хитой томони уни рад этган. Шунда **Сронцан Гамбо** ниҳоятда усталик билан хитойликларга қарши **Кукунор** кўли ёқасида ҳарбий ҳужум уюштириб ғолиб келгач, император ўз қизини Тибет подшоҳига узатишга розилик берган. Ва 640-йили ўтказилган тўй-томошодан сўнг, Тибет ва Хитой ўртасида узоқ муддатли тинчлик ўрнатилган». Тибет подшоси вафотидан кейин мамлакатни унинг набираси **Трисонг Децен** бошқарган. У ўз даврида Хитой ҳудудига ҳужумлар уюштирган ва бу экспансия руҳидаги юришлар Кашмир, Непал, Бутан ва Бенгалиягача давом этган (31:73). Шу жумладан, ёш подшоҳ ғарбга йўл олганида **Оксус** дарёсида араблар билан тўкнашган. Бунга сабаб, Халифа ал-Рашид тибетликларга қарши кураш учун Хитой императори билан шартнома тузган эди. Бинобарин, шу мавзуга доир баъзи фикрларга кўра, Тибет тахти соҳиби узоқ йиллар мобайнида – то 797-йилгача, ғарбда араблар, шимол ва шарқда эса хитойлар билан жанг олиб борган.

«VIII асрнинг иккинчи ярми ва IX асрда Тибет қудратли давлатга айланиб, унинг ҳукмронлик доираси Ўрта Осиё ва Шарқий Туркистоннинг вилоятлари, шимолда **тангут**лар қабиласи ҳудуди, шарқда Хитойнинг **Сичуан** вилояти ва Ғарбда **Тан** империясига тегишли тўрт вилоятини ҳам ўз ичига олган. Бу даврда Тибет иқтисодий жиҳатдан жуда жадал ривожланиб, атрофдаги давлатлар билан алоқалари мустаҳкамланган. Ва мазкур алоқалар ўз ўрнида маҳаллий маданиятнинг юксалишига ҳам таъсир кўрсатган».

Қисқаси, Хитой ва Тибет каби Шарқий Осиёнинг ўрта асрлардаги энг йирик империяларининг ўзаро жан-

гу жадаллари 821-йили тасдиқланган «Тинчлик шартномаси» билан яқунланган. Гарчи шартномадан сўнг Қашғар масаласи бўйича ҳар икки томон ўртасида қарама-қаршилик руҳидаги ҳаракатлар тинмаган бўлса ҳам, аммо урушларнинг оғир оқибати олдида тибетликлар учун шартнома ҳатто айрим йўқотишларга қарамай ўз кучида қолган.

«Тибет-Хитой тинчлик шартномаси»

«Маърифатли, жангари ва оталик хурматига муносиб улуғ Тхан императори ҳамда ақлли ва художўй улуғ Тибет ҳукмдори бўлмиш икки подшоҳ – тоға ва жиянлар икки салтанатни бирлаштириши ҳақида фикр юришиб, ўзаро қасамёд мавқеидаги абадулабад тинчлик хусусида қарор қилдилар.

Рухлар ва одамлар бу хайрли амалнинг гувоҳи бўлдилар; бунини келгуси авлодлар ҳам тақдирлагайлар. Ушбунини айни авлодларга мерос қолдириши мақсадидан тошга дастхат қилиб ўйдирдик. Маърифатли, жангари ва оталик хурматига муносиб император ҳамда ақилли ва художўй ҳукмдор – бу чуқур билимли ва ақл-заковатли икки подшоҳ халқпарварлик руҳиятида барча мамлакатларга раҳм-шафқат туйғусида уларга бахт ва тинчликда яшашни насиҳат қилиб бардавом эзгуликка аҳд қилдилар. Бундан буён икки давлатга тегишли ҳудудлардаги Тхаочэсеу ва Минчэсеу шаҳарлари улуғ Тхан салтанатида қолиши керак, чегарадан зарбга томон эса, улуғ Тибет салтанатига.

Икки салтанат ҳам қонли урушларга барҳам беришга, ўзаро қариши қурол қўтармасликка ва ҳужум қилмасликка масъулдилар. Агар кимдир бирор тасодиф билан ўзгалар ҳудудида ушланиб қолгудек бўлса, уни тириклик қўлга олиб, кийим-кечак ва озиқ-овқат билан таъминлаб ўз ватанига қўйиб юбори-

лиши керак. Токи салтанатлар тинчлигига путур етмасин ва руҳлар ҳамда одамларга иззат-ҳурмат кўрсатилсин. Бинобарин, тога ва жиянларнинг ўзаро дўстлиги асосида мураккаб ва мушкул ҳолатларга дуч келинганда, улар бир-бирига яхши муносабатда бўлиб ёрдам кўрсатишлари лозим.

Икки салтанат ўртасида доим хабар воситалари жорий бўлиб, ҳар икки томондан Цзянцзюнчу водийсига жўнатиладиган элчиларда от алмаштириши имкони бўлиши керак. Тхаочжеу ва Минчжеудан шарқ томонда улуз Тхан саройидан то гарб томондаги улуз Тибет саройигача хат-хабар йўли ташкил қилиниши шарт. Тога ва жиянлар ўртасидаги тўлақонли яқин муносабатларга эришилиши жоиз, токи чекка ҳудудларда олов ва кул кўтарилмасин, ҳар икки тараф тахт соҳиблари ҳотамликни шарафласинлар ва доим мамлакатлардаги мавжуд муаммолар ҳақида ўйласинлар, сайёҳлар эса эҳтиёткорлик учун безовта бўлмасинлар, аҳолилар эса хотиржамликда яшайдан ҳузурланиб, ўзаро ҳужум қилмасинлар.

Мана шундай келгуси учун билдирилган эзгу ниятлардан, қаердаки қуёш порлаб, қоронгуни ой нури ёритса, ўша ерларда шараф оҳанглари янграсин. Тибетда тибетлик хотиржамлик сурурини сурсин, Хитойда эса хитойлик. Ҳар бир томон қасамёд мавқеидаги шартномага амал қилсин ва бу шартнома риштаси ҳеч бир ерда узилмасин. Худо ва алломалар юзи олдида, ой ва юлдузлар қаришисида қурбонлик қилинган жонвор устида қасамёдни тасдиқлаймиз.

Борди-ю, кимки бу шартнома шартини сақлама-са, у қасамхўр балоларга гирифторм бўлсин. Тибет ҳукмдори ва хитойлик элчилар то ергача таъзим қилиб, шартномани қандай тузилган бўлса, худди

шундай аниқликда тасдиқ этадилар.

Шартнома мазмунига жуда муҳим қўшимча сифатида шундай қисқа бир буйруқ киритилди – 821- йили Қашғарда Хитой ҳокимияти тикланиб, у ерга генерал-губернатор тайинлансин (23:421-422).

«Буюк ипак йўли» тарихи

Тарихан ўзининг илк давридан то ҳозирга қадар дунёга машҳур Ипак йўлининг вужудга келиши ва унинг икки қитъа халқларининг ўзаро савдо ва дипломатия борасидаги ҳамкорлигига асосан уч омил хизмат қилган: бири, Александр Македонскийнинг то Яксарт – Сирдарёгача етиб келган юриши; иккинчиси, юқорида зикр қилинган *Хан* империяси дипломати *Чжан Цян*нинг «ғарбий чекка ўлкалар»га сафари; учинчиси, Ғарб ва Шарқни ўзаро икки йўл ўртасида боғлаган Ўрта Осиё минтақаси. Агар шу ўринда Ўрта Осиё минтақаси харитаси таркибига янада аниқлик киритсак, «Ўзбекистонни Марказий Евроосиёнинг энг муҳим йўллари чорраҳасида бўлишини тарихнинг ўзи белгилаб қўйган» эди (1:61).

Юқорида зикр этилган минтақаларни бирлаштирган Ипак йўли харитасининг ибтидоий нуқтаси *Чанан* бўлиб, бу йўл *Гансу* ва *Дунхуан*дан ғарбга қараб давом этган. Шу ерда йўл Қашғарга томон чўзилган икки асосий қисмга бўлинган – жануб ва шимолга. Биринчи йўл Хўтан ва Ёркент орқали Тарим ҳавзасининг жанубий ўлкасига, иккинчиси эса Турфон, Куч, ва Оқсув орқали ўтган. Қашғардан бошлаб савдо йўллари Фарғона ва Бактрияга бўлинган ва бу ерлардан эса Парфия ҳамда Ҳиндистонга йўналган (32:641).

Ушбу қитъалараро йўлнинг муаррихлар тахмини бўйича милоддан аввалги III асрда Хитойда кашф этилган ипак номи билан аталиши бежиз бўлмай, унинг асл сабаби, бу ноёб мато Шарқдан то Ғарбгача энг

қимматли ашё ҳисобланган. Ипак толасининг пайдо бўлишига доир ривоятда айтилишича, бу тасодифий мўъжиза шундай содир бўлган:

«Император Хоанг-тининг хотини Си Линг-чи чой ичаётган вақтида унинг пиёласига тут дарах-тидан ипак қурти пилласи тушган. У шунда пил-ланинг учидан чиқиб турган ипакни қанча торт-масин, у чўзилиб чиқаверган. Шу тариқа биринчи ипак толаси кашф этилган. Малика эса Осмон ост-ти илоҳияти сирасидан саналиб, унинг шарафига ҳар йили шодиёналар ўтказиш анъанага айланган».

Ҳолбуки, агар баъзи олимлар ипак толаси ватанини Ҳиндистондаги тоғлик туманлар десалар, бошқа тадқиқотчилар жанубий Ҳимолой ёки Эрон, деб биладилар. Баъзи нашрлар маълумотига кўра эса «қадимги карвон йўли нисбатан яқин даврдан “Ипак йўли”, деб атала бошлаган. Шунинг учун ҳам узок ўтмишда битилган хитой манбаларида «Ипак йўли-Сичоу чўзилу» атамаси учрамайди».

Ипакнинг Ҳиндистон ва Эронга кириб келиши тўғ-рисидаги илмий хулосаларда милоддан аввалги IV- II асрлар, Ўрта Осиё хусусида эса милоднинг V - VI аср-лари қайд этилган. Кейинчалик ипак толаси ёки ундан тўқилган шойи матоси Рим ва бошқа Ғарб мамлакат-ларига юборилган. Лекин йўлга тушган карвонлар одатда то манзилга етгунча, нафақат ипак, балки турли хом ашё ва тайёр маҳсулотлар билан ҳам савдо қилган. Шунингдек, ипак йўли орқали давлатлар ўртасидаги тижорат муносабатлари бора-бора дипломатик алоқа-ларни вужудга келишига олиб келган.

Масалан, «император У-ди ҳукмронлиги даврида римлик император Марк Аврели томонидан Хитойга келган элчилик шулар жумласидан» дейиш мумкин (55:11-14). Ипак йўлига туташган давлатларда цивилиза-ция, маълумки, ё шаклланиш бўсағасида ёки ўзига хос

тараққиёт босқичини босиб ўтишга улгурган эди. Мисол учун, Ҳиндистон ярим оролининг турли ерларида яшаган одамларнинг қадимдан ўзига хос маданиятга эга бўлганлиги илмий манбалар таҳлилидан маълум. Хусусан, жанубий вилоятдаги Майсўр шаҳрида ўтказилган қазилма ишларида топилган олти маданий қатламнинг остида милoddан аввалги тўртинчи мингйилликка оид тош қуроллар, геометрик шаклдаги орнаментлар ва сопол ашёлар борлиги аниқланган (3:645).

Ўки ўтган асрнинг 20-йилларидан Ҳиндистонда олиб борилган археологик қазилмалар вақтида Ҳинд водийсида *Хараппа* ва *Маҳенжо-Даро* сингари ўз даврининг ривожланган марказлари очилган. Бу илк тараққиёт ўчоқлари милoddан аввалги учинчи мингйиллик ўрталарида тўла шаклланиб, уларнинг ибтидоси эса, ундан-да аввалги мингйилликлардан бошланганлиги тахмин қилинади. Ҳақиқатдан ҳам ўтган асрнинг 60-йиллари «*Ком-Дижий*»да олиб борилган археологик қазилмаларда, муқаддам фараз қилинганидек, хатто Хараппага қадар мавжуд цивилизация ашёлари топилган. Покистонлик олим Ж.М. Ханнинг асарида келтирилган археологик намуналар бу ерларда қачонлардир яшаган аҳолининг меъморчилик ва кулолчилик соҳаларида анча маҳоратга эга бўлганлигини кўрсатди (76).

Қадимда қишлоқ хўжалиги ва хунармандчилик маҳсулотлари фақат ички бозорларда сотилибгина қолмай, улар шунингдек, Ҳиндистоннинг ташқи дунё билан олиб борган савдо-иқтисодий алоқаларининг ҳам муҳим воситаси эди. Яъни, милoddан аввалги иккинчи мингйиллик бошларида арпа, бугдой, шоли, шакарқамиш қатори пахта ҳам етиштирилиб, ундан тўқилган газламалар чет элларга ҳам чиқарилган. Ҳинд водийсининг ташқи савдо соҳасида Афғонистон, Эрон ва Ўрта Осиё минтақаси билан муносабатлари ибтидосини тахминан шундай хулосалаш мумкин: «Гарчи ўша

давр тараққиёти бошланғич бўсағаларида ҳали бу ерда тугал шаклланган давлат бўлмаган тақдирда ҳам, аммо муайян маъмурий ва дипломатик фаолият кўрсатишга қодир сиёсий бирлик бўлганлиги ўша кези кенг ва катта ҳудудга тарқалган бир турдаги моддий-маданий ашёлар мавжудлигидан маълум» (29:345,348).

Биргина Ҳиндистон мисолидан шунини тасаввур қилиш қийин эмаски, цивилизациянинг турфа босқичларида бўлган Ипак йўлидаги барча давлатлар халқлари ўртасидаги савдо-иқтисод муносабатлари айни вақтда турли қадриятлардаги мавжуд муштарак хусусиятларнинг қарор топишига шароит яратган. Шу нуқтаи назарни Хитой ва Ўрта Осиё ҳамда Ҳиндистон ва Европа халқларининг биргина, айтишлик, мусиқа соҳасидаги «ўзлашуви ва ўзлаштиришлари» жараёнини кўйидаги мисолларда кўришимиз мумкин.

Хитойда қадимдан мусиқа ва қўшиқ жанрига катта аҳамият берилган. Мазкур санъат турига Конфуций назари билан қараганда, унинг инсон ҳаётида жуда муҳим маънавий-ижтимоий аҳамияти бўлган.

Мусиқага нисбатан бундай муносабат бевосита маънавийга ҳам тааллуқли бўлганлиги учунми, *У-ди* салтанатида «*Юэфу* - Мусиқа палатаси»нинг тузилиши халқ қўшиқлари асосида диний тароналар яратиш йўлидаги интилишнинг бир кўриниши бўлган. Бу жараёнда муҳими, милоддан аввалги XII - VII асрлар мобайнида Хитойнинг турли вилоятлари бўйлаб йиғилган қўшиқлар матнида ҳозиргача тарих учун жуда кўп бебаҳо воқеалар баёни ҳам сақланиб қолган.

Дарвоқе, фанда Хитой ва Ўрта Осиё халқлари ўртасида санъат соҳасида ҳам алоқалар бўлганлиги тахмин қилинади, чунки «Мусиқа палатаси» томонидан яратилган асарларнинг аксарияти Ўрта Осиёдан келтирилган қўшиқларнинг оҳанги ва матнлари таржимасидан тузилган (58:532).

Ёки айни воқеликни Ҳиндистон мисолида кузатадиган бўлсак, унинг асосини ҳам Ипак йўли туфайли юз берганлигини гувоҳи бўламиз. Чунки Ҳиндистон доим – Шарқ ёхуд Ғарбдан бўлсин, хорижий савдогарлар учун дунёнинг энг катта бозорларидан бири бўлган. Яна шуниси ҳам муҳимки, савдо ишларида гоҳ ўзаро, гоҳ бир тарафлама маданий руҳдаги ҳамкорлик ва ўзлаштиришлар амалга оширилиб, бундан мусиқа ҳам четда қолмаган.

Масалан, Свамий Абхедананданинг ёзишича: «Ҳиндлар ўз миллий мусикасини *Веданинг* тароналаридан ривожлантирган. Шунинг учун *самаведа* туфайли етти товуш силсиласи ва уч октава Ҳиндистонда юнонлардан илгари маълум бўлган. Ноталар илмини ҳам юнонлар ҳиндлардан ўрганганлар. Демак, зикр этилган маълумотларга биноан, ҳинд мусикаси Хитой, Корея, ва Япониядек Шарқий Осиё мамлакатлари ва Эрон ҳамда Араб дунёси орқали Европа мамлакатларигача етиб борган» (79:6-8). Мусиқа хусусидаги илмий иқтибослар мавзуини шунингдек, Ипак йўли тарихига оид адабиёт, меъморчилик, қилқалам санъатига тегишли юзлаб мисоллар баёнида давом эттириш мумкин.

Ипак йўлининг башарият тарихидаги иқтисодий, ижтимоий ва маданий роли ҳақида гапирганда, ўша даврлар маънавий ҳаётидаги муҳим мақомга эга диний таълимотлар масаласида ҳам тўхталиш жоиз. Айниқса, Ипак йўли мутахассислари фикрича, қадим ва илк ўрта асрларда буддизмнинг фаолияти ва байналмилал руҳияти шарофати билан эгаллаган ўз таъсир доираси қамрови хусусида.

Ҳиндистондан ибтидо олган – руҳан инсонпарвар ва эрксевар ғояларга мойил буддизм ўз диний масканлари дарвозасини барча миллат ва эътиқод вакилларига кенг очиб берганлиги билан эътибор қозонган эди. Зеро, унинг инсонларга ўзаро тенглик вожиблигини

тарғиб қилувчи тамойиллари табақаланиш туфайли таҳқирланган ўзга эътиқод вакилларига буддапарастлар жамиятида доимий ижтимоий ва маънавий тенглик ва хайрихоҳлик руҳиятини кафолатларди.

Кафолатнинг энг амалий ва ҳаққоний кўринишларидан бири, бу – муқаддам ўзга диний эътиқод такводорлари сиғинган илоҳларни буддизм ўз илоҳий пантеони сирасига киритиш каби диний бағрикенглик тамойилига амал қиларди. Ёки бу тамойилни Будда сўзларида таърифлаганда:

«Бу билимсизлик чоҳига чўкиб товланган дунёга бир қара, унда изтироблардан холи бўлмаган ва фақат ўз ҳузур-ҳаловатини деганлар яшайди...»

Ўзларини ўзгалардан алоҳида деб билувчи кишилар, ўзлик тўрига ўралиб кетиб, фақат умргузаронлик тушунчасига боғланиб қолганлар...

Агар одам ҳар сонияда ўзини тергаб турмас ва бошқалар дея эмас, фақат ўзи учун яшар экан, у том маънода муқаддас ҳақиқатдан йироқдадир...

Эй толиб, худди улкан баҳри уммондаги ягона шўр таъм каби, менинг сизга тарғиб қилаётган таълимотимнинг ҳам мантиғи бир, бу – изтироблардан холи бўлган озодлик таъми!»

Будда таълимотига мансуб илоҳий пантеонни ўзга эътиқодлар илоҳиётига беғараз қайишувчан муносабати гоҳо фанда уларнинг мифологик ишлов берилиши натижаси, яъни ривоятларни буддизмга йўғрилиши билан таърифланган. *Маурий*ларнинг энг йирик ва машхур императори Ашока II ҳукмронлиги йиллари буддизм давлат дини даражасига кўтарилиб, Бактрия, Шарқий Туркистон ва Хитойгача тарқалган (55:93).

Аввалда илк Будда каломи санскрит тилида ёзилган, лекин вақт ўтиб асл матнлар йўқолиб кетганлиги учун уларнинг пали, тибет, хитой ҳамда япон тилларига таржима қилинган намуналари сақланиб қол-

ган. Буддапарастларнинг Кашмирда Канишка томонидан ташкил қилинган IV йиғилишидан икки фирқага бўлинган таълимотнинг «маҳаяна» мазҳаби эътиқоднинг Жануб ва Жануби-Шарққа томон ёйилишини жадаллаштирган. Милоднинг биринчи асридан бошлаб бу ҳаракат Хитой, Корея, Япония, Шри Ланка, Бирма, Таиланд, Вьетнам, Камбоджа, Лаос сарҳадларида ўзига хос бир байналмилал руҳдаги диний эътиқод мавқеини эгаллаган.

Илмий тадқиқотларда буддизмнинг Хитойга кириб боришида суғдларнинг ўрни алоҳида урғуланади. Бу хулосани ҳақиқатга яқинлигининг яна бир жиҳати, суғдларнинг Ипак йўлидаги Шарқ ва Ғарб савдо алоқаларида восита омили вазифасини ўтаганлиги. Чунки Суғд савдо факториялари ипак йўлининг Ўрта Осиёдан Хитойгача бўлган қисмини ўзлаштириб, маданият ва бошқа соҳадаги янгиликлар қатори диний эътиқоднинг тарқалишида ҳам фаолият кўрсатган.

Айтгандек, талай хитой ёзма манбаларида ўрта осийликларнинг савдо-тижорат ишида жуда моҳир эканликлари қайд қилинган. Бу ҳақида *Тан* сулоласи тарихида ҳатто шундай ривоят ҳам келтирилган:

«Кан, яъни Суғд ҳудудида тузилган ўғил боланинг тилига тош асал, кафтларига эса елим суртилади, токи у тили ширин ва кўлига тушган ақчани қаттиқ ушласин... Эр йигит йигирма ёшга тўлганидан кейин, кўшни ҳудудларни кезиб, қаердаки бирор фойда кўришини сезса ўша ерга албатта бормай қолмайди».

Аввал Ипак йўлининг шарқий қисми узра ўз факториялари билан кенг ҳудудларда ёйилган суғдлар, кейинчалик Хитойгача кириб бориб бир неча шаҳарларда – *Чанан, Ланчжоу Дунхуан*да яшаб савдо билан шуғулланганлар. Ҳаттоки суғдлар Хитойда ўзлари мустақил бошқарадиган туманларига ҳам эга бўлган (55:106).

Қадимги Хитой ижтимоий-сиёсий

ТИЗИМИ

(м. а. I мингйиллик)

Биз танишмоқни мақсад қилган милоддан аввалги биринчи мингйилликдаги Хитой ижтимоий-сиёсий тизими тарихини асосан қадимги диний маросимларда истифода этилган идиш ва бошқа унсурлардаги эпиграфик ёзма битиклардан билишимиз мумкин. «Диний маросимлар идиши ва бошқа унсурлар одатда бирор аристократ томонидан ўз аждодлари руҳониятига қилган қурбонликлари арафасида ясаттирилиб, унда шу оилага тааллуқли зотнинг қилган қахрамонликлари ёки подшо марҳаматига ноил бўлганлиги каби хабар ва маълумотлар ёзилган» (69:159).

Бу жабҳада шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, тарихий манбалар матни, турган гапки, хитой менталитети тафаккури тарзида битилган. Агар матнда гоҳ у ёки бу бажарилиши жоиз ишлар умумий маънода маълум қилинган бўлса, гоҳо эса жумла шарт майлига мувофиқ баён этилган. Қолаверса, йиллар, ойлар ва кунлар ҳам хитой календари асосида зикр қилинган. Мисол учун, «Биринчи ой» дейилганда, хитой тилидан рус тилига қилинган таржима нашрларида сондан кейинги «ой» сўзи вақт тушунчасида эмас, балки «Ер йўлдоши» номида берилган, шунинг учун бу сўз календар мазмунини англатмайди.

Балки таржималар нашри бевосита хитойшунос мутахассисларга мўлжалланганлиги учун тегишли аниқликлар киритишга ҳожат бўлмагандир. Лекин илм-фан бамисоли жонли организм. Шунинг учун ҳар қандай тарихга тааллуқли маълумотлар имкон даражасида доим сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, жуғрофий ёки маданий-маърифий кўмакчи омиллар билан бевосита аниқликда баён этилгани маъқул.

1. Наслий инъомлар

А. (*Чэн*) «*ван* биринчи маротаба *Чэенчжоу*да мақом топди ва *У-ван* томонидан асос солинган диний маросимга мувофиқ Осмондан бахт нозил қилинишни сўраб қурбонлик қилди...

Б. *Ван* жануб томонга юзини буриб *Ини Чжоу* худудига қўшилиши ҳақида фол очди. У юйлик *хоу Чжа*га буйруқ қилди:

- *Ининг* ҳукмдори бўл... Мен сенга 1 кўза ширин май, 1 қизил пиёз, 100 қизил камон ўқи ва ер инъом қиламан; 300...дарё, 100... кишлок, 140...

В. Учинчи ойда *ванг Жуну* ва *Нэйши*га буйруқ берди:

- *Цин* ҳукмдорига хизмат қилинглр. Сизга уч тоифадаги фуқароларни бераётибман: *Чжоудан*, *Чжундан*, *Юндан*.

(*Жун*) юқоридагилар ихтиёрини бажариш ва қуйидагиларни бошқариш хусусида Олий хоқон берган топшириқ асносида ўзига Осмон ўғли томонидан инъом этилган бахт учун иззат билан қўлларини қовуштириб ергача эгилиб таъзим қилди.

Вангнинг буйруғини хужжатлаштириш мақсадида *Чжоу-гун*га қурбонлик учун ушбу идишни ясашни буюрди...

2. Наслий унвонлар

А. Наслий унвонлар ҳаммаси бўлиб бешта – *гун*, *хоу*, *бо*, *цзи*, *нан*. Осмон ўғлининг майдони 1000 лига ёйилган, *гун ва хоулан*ники 100 *ли*, *бон*ики 70 *ли*, *цзи* ва *нан*ники 50 *ли*. 50 *ли* ерликлар Осмон ўғли хузурига келишмайди.

Б. Наслий ерларни инъом қилишда майдонни ўлчайдилар ва бериладиган ер майдонини аниқлайдилар. *Гун*лар қўл остидаги ер майдони 500 *ли* бўлиб, улар ушбу майдоннинг ярмисидан озикланадилар. *Хоу*лар қўл остидаги ер майдони эса 400 *ли*. бўлиб, улар ер-

нинг бирдан уч қисмидан озикланадилар. *Болар* қўл остидаги ер майдони 300 *ли* ва улар ернинг уч қисмидан озикланадилар. *Цзилар* қўл остидаги ер майдони 200 *ли* бўлиб, улар ернинг тўрт қисмидан озикланадилар. *Нанлар* қўл остидаги ер майдони 100 *ли*, улар ернинг тўрт қисмидан озикланадилар.

В. Бэйгун И сўради:

- *Чжоулар* хонадони қандай қилиб «наслий ер эгалари мукофоти» ва унвонини муқаррар қилган?

Мэн-ци деди:

- Бунинг мазмуни номаълум. *Чжоухоулар* ўзларига зарар келтиришидан қўрқиб ўз архивларини буткул йўқ қилиб юбордилар. Лекин шунга қарамай, мен, *Кэ* ва *Мэн* – бизлар бу ишнинг умумий жиҳатларидан хабардормиз...»

3. Наслий лавозимлар

А. Ўн бир ойликнинг биринчи декадасида *дин-хай* куни *Жун-ци Маони* кузатиб кириб келди. У ўрта ховлида тўхтади.

Жун-бо Маони шу хусусдаги буйруқ беришга масъул этдики:

- Қадимда барча сенинг аجدодларинг *Жун-гун* хонадонини бошқарган. Қачонлардир сенинг буванг отангга *Фэн* кишиларини бошқаришга буйруқ берган эди. Осмон бизнинг хонадон суянчини ўзига олди ва шу воқеа боис биз азадормиз. Ҳозир мен мархум *гунларни* нимададир хато қилганлар дейишга ҳам ҳаддим сизмайди. Мархум *гунлар* учун таъсис этилган унвонларни мен ҳозир кўкларга кўтариб мақтайман. Энди мен сенга умр бўйи *Фэн* саройи ва *Фэн*даги одамларни бошқаришингни буюраман. Бирор ножўя иш қилиб юрмагин. Сенга битта қурбонлик идиши, 10 та от, 10 буқа ва *Цзо* майдонини инъом қиламан...

Мао қўлларини ҳурматда қовуштириб *Жун-бога* инъоми учун шукрона билдириш ниятида ергача бу-

килиб таъзим бажо қилди. Шу муносабат билан у қимматбаҳо қурбонлик идишини яшашга буйруқ берди.

Б. Ваннинг ўнинчи ойи биринчи декадасида *цзя-ин* куни *Ван чжоу*лар ибодатхонасида эди. У катта хо-нага кириб, ўз жойини эгаллади. *Жун-бо* мусиқачи-лари раҳбарини *Фан* кузатиб кириб келди. *Ванг* катта котибга *Фанга* тегишли буйруқни ёзишга буюрди:

- Сенинг аждодларинг қилган иш – мусиқачилар раҳбарлиги вазифасини давом эттир. Сенга кўнғироқлар осилган чарм кўкрак либосини инъом этаман.

Фан хурмат-ла кўлларини қовуштириб, *ванг*нинг буйруғига миннатдорчилик маъносида ергача букилиб таъзим бажо этди».

4. Ижтимоий мавқе масаласи ҳақида

А. «Мэн цзи деди:

- Ер масалалари билан шуғулланиб Осмон остини бошқариш мумкинми? Катта одамларнинг ўз хизмати бор ва кичик одамларнинг ўз хизмати. Шунинг учун айтишса керак: «Кимдир ўз ақлини ишга солса, кимдир ўз кучини». Кимки ақлини ишга солса, у одамларни бошқаради, кимки ўз кучини ишлатса уни одамлар бошқаради. Кимки одамларни бошқарса у одамлар ҳисобига яшайди, одамлар томонидан бошқариладиганлар эса одамларни боқади. Осмон остининг умумий қонуни шундай.

Б. Ҳеч қачон қуйидагилар юқоридагиларни бошқармайди, юқоридагилар қуйидагиларни бошқаради. Шунинг учун *шужэн* - ер ҳайдовчилар ўз вазифасини бажариш учун кучини сарфлайди, лекин ўз кучига ишониб бошқарув иши билан шуғулланмайди. Уларни бошқаришга *цзян-цзюн* - ҳарбий саркардалар ва *дафу*лар бор. *Цзян-цзюн* ва *дафу* ўз кучини ўз масъулиятини бажаришга сарфлайди, бошқаришга эмас, чунки

уларни бошқарувчи *гун* ва *чжухоулар* бор. *Гун* ва *чжухоулар* ҳам ўз вазифасини бажаришга куч сарфлайди, бошқарувга эмас. Чунки уларни бошқарувчи Осмон ўғли бор...

В. Чуслик Цзи тахтга чиққанида, у *Чжанхуа* саройини қурди ва қувғиндаги мулозимларни саройда тегишли лавозимларни эгаллаш учун ортига қайтарди...
У-юй деди:

-Осмон ўғлининг ҳукмронлиги чексиз кенгликларга тарқалади, *чжухоулар* эгаллиги чегаралари эса аниқ белгиланган. Қадимдан ҳақиқат мана шундай. Қандай ер борки, у ҳукмронга тегишли бўлмасин? Ер ҳосилидан озикаланадиган кимки бор, у ҳукмдор фуқароси. Шунинг учун қасидада бежиз айтилмаганки:

*Узоқ-узоқларга ёйилгандир осмон қамрови,
Ва унинг остида йўқ бир қарич ҳам подшоҳ ери.
Лек денгиз суви ювган қирғоқдан қайга қараманг,
Шу ерда кимки бўлса, подшоҳга хизматкор бари».*

5. Ижтимоий мавқега дахлдор кишиларнинг ташқи аломатлари

А. «Гуан Чжун деди:

-Кийим-кечак кийиш мавқега қараб, бойликдан фойдаланиш эса – инъом этилган мукофотга қараб. Шундан келиб чиқиб еб-ичиш ҳам турлича, қандай кийим-кечак тикилишининг ҳам қонуни бор, саройлар ва хонадонлар ҳам турлича, уй ҳайвонлари ва кулларнинг белгиланган сони ҳам бир хил эмас, қайиқлар, аробалар ва бошқалардан фойдаланиш хусусида ҳам ман этилган жиҳатлар бор.

Инсон ҳаётида бош кийим тури, кийим-кечак, мукофотлар, ер ҳажми ва уй-жойлар масаласида ҳам турфаликка амал қилинади. Ёки киши вафот этганидан сўнг гўрнинг ички ва ташқи ўлчовида, кафанлик мато-

ларида, қабрнинг устки дўнгида ҳам фарқланиш бўлиши керак.

Киши қанчалик донишманд ва нуфузга эга бўлмасин, у ўз мавқеига муносиб бўлмаган кийимлар кийишига ҳадди сиғиши керак эмас; у қанчалик бой бўлмасин, ўзига инъом этилган мулкдан ташқари бўлган неъматлардан фойдаланишга журъат қилиши керак эмас.

Б. Лулик Хуан-гун ҳукмронлигининг иккинчи йили – баҳорда, тўртинчи ойда *Сунда* аслида *Гаога* тегишли катта “уч оёқлик”ни қўлга киритди. *У-шэн* куни уни аждодлар ибодатхонасига олиб киришди. Бу маросимнинг бузилиши эди. Шунинг учун *Цан Ай-бо* бу қилмишга нисбатан қарши чиқиб деди:

- Кимки ҳукмрон бўлса, у ўз масъулиятини эзгуликни намоён қилиш ва нуқсон ҳамда қусурларни йўқ қилишда, деб билиши керак. Шу одат билан у ўз мулозимларини маърифатли қилади!»

6. Шан Ян: ҳукмдор ҳокимиятининг пайдо бўлиши ҳақида

«Осмон ва ер пайдо бўлган вақтда одамлар фақат ўз оналарини билганлар, оталарини эса билмаганлар. Уларнинг йўли қариндош-уруғларга нисбатан муҳаббат ва (ўзгаларга) ғаразгўйлик бўлган. Улар фақат ўз қариндошларини яхши кўрганлари учун ўзлариникини бегоналардан ажрата бошлаганлар ва ғаразгўйлик эса, ҳийла-найрангга сабаб бўлган. Одамлар кўпайиб, уларнинг ўзлариники ва бегоналарни ажратишга интилиши боис ўртада нотинчлик вужудга келган.

Бу даврга келиб одамлар ўзаро бир-бирларидан устун келишга уриниб бошқаларни бўйсундириш ҳаракатига тушганлар. Устунликка бўлган интилиш ўртада келишмовчиликка сабаб бўлган. Баҳслашувлар бўлган, лекин уларни ҳал қилиш йўл-йўриқлари бўлмаганлиги учун ҳеч ким хотиржам яшай олмаган...

Шунда мутафаккирлар ўртадаги баҳсларни адолатли ҳал қилиш йўл-йўриқларини муқаррар қилгач, халқ ҳаётига ғаразғўйлик ўрнига инсонпарварлик туйғуларини кириб келган...

Қачонки мутафаккир бошқарувни ўз қўлига олганида, у биринчи навбатда ер, мол-мулк ва эркак ҳамда хотин киши ўртасида чегараланишни жорий этади.

Қачонки чегараланиш жорий этилганда уларни қонунлаштириш учун ман этиладиган жиҳатлар қабул қилинади. Ман қилинган жиҳатларнинг амалда қўлланиши назорати учун янги мулозимлар фаолияти аниқланди.

Қачонки мулозимлар фаолият юритганда, энди ҳаммани бир бошқарув остига олиш учун мутафаккир давлатга асос солади. Давлат қоим бўлганда эса мутафаккирларни эъзозлаш инкор этилиб, юқори мансаб-мартабалиларга иззат-эҳтиром кўрсатишга тушилади...

7. Шан Ян: давлатни бошқаришда

қонуннинг моҳияти

Давлатда тартиб ўрнатиш уч йўл билан амалга оширилади: қонун билан, ишонч билан, ҳокимият билан.

Қонун – бу ҳукмдор ва мулозимлар бирлигида жорий бўлади.

Ишонч – бу ҳукмдор ва мулозимлар бирлигида эришилади. Лекин ҳокимият – бу фақатгина ҳукмдор қўлида бўлади.

Агар ҳукмдор ҳокимиятни қўлдан бой берса, унга халокат хавф солади. Борди-ю, ҳукмдор ва мулозимлар қонун билан ҳисоблашмай ўз манфаатлари учун ҳаракат қилсалар ғалаён бўлиши муқаррар.

Шунинг учун қонун жорий қилинишида ҳуқуқ ва масъулият чегаралари аниқ белгиланса ва бунда ғаразғўйлик мақсадида қонуннинг бузилиши қатъий ман этилган бўлса, демак, давлат бошқаруви йўлга қўйилган.

8. Қонун олдида фуқаролар тенглиги тамойили

Оқил ҳукмдор давлатни бошқаришда мукофот, жазо ва қўлланмалар бўйича умумий қонун таъсис этади: агарда мукофот бўйича қонун ягона бўлса, унда қўшин ҳарбий кучининг тенги бўлмайди; агар жазо хусусида ягона қонун жорий бўлса, жами буйруқлар ўз вақтида бажарилади; агар қарорлар ягона қонунга асосланган бўлса, куйидагилар юқоридагиларга бўйсунди; агар мукофот масаласи ҳал бўлса, ҳукмдор ортиқча сарф-харажат қилмайди; агар жазо ҳаммага тушунарли бўлса, уни ўзгартиришга ҳожат қолмайди; агар қарорлар аниқ бўлса, ҳаракат ҳам бир йўналишга жамланади.

«Ягона мукофот қонуни» деганда шуни тушуниш керакки, ойлик маошлар эгалланган лавозимдаги ҳарбий хизмат вазифасига қараб берилиши керак, бошқа йўлларда эмас. Фақат шундагина, ақлли ва ақлсиз, нуфузли ва пасткаш, мард ва кўрқоқдаги бутун бор куч ва тажрибани ҳукмдор хизматига бағишлаш мақсадида ишга солиш мумкин.

«Ягона жазо қонуни» деганда шуни тушуниш керакки, нуфуз мавқеи ҳеч кимни жазодан озод қилиши керак эмас. Кимки ҳукмдорнинг буйруғига кулоқ солмаса, давлат қонунларини бузса ёки ҳукмдор қарорларига бўйсунмаса, албатта жазога тортилиши ва унга ҳатто ҳукмдор маслаҳатчиси бўлган тақдирда ҳам хизматлари эвазига ҳеч қандай авф берилиши керак эмас.

9. Ислоҳот олдидан бўладиган фикрлар кураши

Сяо-гун давлатни бошқариш тўғрисидаги режаларни муҳокама қиларди. Ҳукмдорнинг ҳузурида уч *дафу* – *Гунсун Ян, Ган Лун* ва *Ду Чжилар* бор эди. Улар ўз давридаги ўзгаришлар ҳақида ўйларди ва қонунларни

тўғрилаш йўллари ҳамда қандай қилиб усталик билан халқни бошқариш хусусида мунозара қилардилар.

Шунда ҳукмдор деди:

-Тахтга чикқач, ер руҳлари меҳробини унутмаслик лозим – ҳукмдорнинг Йўли шу! Қонунларни амалий жорий этиш ва ҳукмдорнинг нуфузини халққа маълум қилиш, бу – мулозимлар бурчи. Энди мен намунавий тарзда бошқаришни олиб бориш учун қонунни ўзгартириш ниятидаман. Лекин «ўзгартириш керакмикан, буни халқ бошқача тушуниб Осмон ости эса мени қораламасмикан», деб қўрқаман.

Гунсун Ян жавоб берди:

-Эшитишимча, кимки бирор иш қилишда иккиланса, ҳеч нарсага эришмайди ва кимки ўз қарорида муқим бўлмаса, муваффақиятга ҳам муяссар бўлмайди.

Жаноби олийлари, қонунни ўзгартириш мақсадингизга тезроқ амин бўлинг ва Сиз Осмон ости ҳукмига эътибор бериб ўтирманг. Ахир бир кун улуғ зот аъмолига хос хусуслар албатта ўз замонасининг оддий одамлари томонидан қаршиликка учрайди.

Шундай бир мақол бор: «Аҳмоқ хато ишни қилиб битирганда ҳам унинг мазмун-моҳиятини тушунмайди, ақлли эса ўша ишнинг биринчи белгилари кўриниши билан унинг моҳиятини англайди».

Бас шундай экан, ўз қилмоқчи бўлган ишингизни бошлашни халқ билан маслаҳатлашиб ўтирмай, балки унинг битиши натижаларидан халқ билан бирга ҳузурланинг...»

10. Шан Яннинг қонунчилик фаолияти ҳақида

(Аввал) «Халқ ўзлик ва бешликларга бўлинган эди, токи улар бир-бирларини кузатсинлар ҳамда жиноятларга бирга жавоб берсинлар. Чунки жиноятчи ҳақида хабар бермаган ўлим жазосига тортиларди. Аммо хабар етказган эса, душман аскарини бошидан жудо

қилган ҳарбийга бериладиган инъом билан мукофотланарди. Беркитилган жиноятга эса жангда рақибга асирга тушган аскар жазоси бериларди.

Агар оилада меросни бўлиша олмаган икки ўғил бўлса, улар мероснинг икки қисми ҳисобидан жарима тўлардилар.

Кимники ҳарбий хизматда тегишли ҳиссаси бўлса, нисбатан катта нуфузли мартабаларга муяссар бўларди. Кимки бошқа бирор кишига зарар етказса, унга етказган зарари ҳисобидан жазо бериларди.

Кимки бор кучини бериб асосий ўз иши билан, яъни экин-тикин ёки тикувчилик билан шуғулланса ва давлат хазинасига катта миқдорда дон-дун ёки кийим-кечак топширса, у мажбуриятлардан озод бўларди. Ўз иши қолиб, бошқа иш билан шуғулланиб фойда кўришга уринганлар ва дангасалик боис камбағал бўлганлар давлат қулларига айлантириларди.

Хукмдор оиласидаги ҳарбий хизматда бўлмаганлар “нуфузликлар мақоми рўйхати”га киришга ҳақлари бўлмаган...»

Қонун фармоиши тайёр бўлганда, *Сяо-гун*, унинг эълон қилиниши билан халқ ишончидан маҳрум бўлишидан хавотирга тушган. Шунинг учун пойтахт бозорининг жанубий дарвозасига узунлиги 3 *чжан* келадиган хода ўрнатилиб, эълон қилинганки, кимки уни кўтариб бориб шимолий дарвозага ўрнатса, 10 тилла танга олади. Халқ хайрон бўлган ва ҳеч кимнинг ходани олиб бориб ўрнатишга ҳадди сиғмаган.

Шунда яна бир бор эълон қилинганки: «Ким уни кўтариб ўша ерга олиб борса, 50 тилла тангага эга бўлади.» Охири ходани кўтариб тегишли жойга олиб борадиган одам топилган. У вазифани бажариши билан ҳукмдор ўз сўзида туришини кўрсатиш учун дарров унга 50 тилла танга берган. Фақат шундан кейин ислохот ҳақидаги фармон эълон қилинган...».

Қадимги Хитой кулдорлик

ТИЗИМИ

(м. а. III асрдан то милодий III асргача)

А. «...Ва ўша кези *Чэн Пин* ўз тарафидан *Лю Цзя*га 100та кул ва чўри, от-улови билан 50 та арава, кундалик харажатлар учун 5 миллион танга ҳадя қилди. Шундан кейин *Лу Цзя* юқори лавозимдаги мулозимлар хонадонига борадиган ва унинг номи иззат билан тилга олинадиган бўлди.

Б. Аввал бева қиролича марҳаматга нойил бўлганида у *Цзин Ван-суню*га қиз туғиб бериб оддий авом орасида яшарди. Бу ҳақида оғиз очмасликка ҳаракат қилардилар. Лекин император *У-ди* тахтга чиққанида *Хан Гуй* унга бу воқеа ҳақида сўзлаб берган. «Нега менга бу ҳақда илгари айтмадинг?» деди ғазабнок император. У ўзи аравага ўтириб қироличани кўришга равона бўлди. Қиролича қизи билан *Чанлин*нинг кичик бир бозорида яшарди...

Император ва атрофдагилар бирга бева қиролича ҳузурига киришди. У кўз-ёши тўкди, унинг қизи ҳам шундай қилди. Император уларнинг саломатлиги учун қадах кўтариб 10 миллион танга, 300 та кул ва чўри, 100 *цин* ер ва бир қўрғон ҳадя қилди.

В. Кейинги йили *Сюан-ди* фармон чиқарди:

«Қадимги ва ҳозирги умумий қонунга биноан эзгу ишлар ва фидойилик билан хизмат қилганлар мақталсин ва тақдирлансин!»

Энди аввалги ҳадяларга *Хоу Гуан*да 20 минг ҳовлижой кўшилди. У муқаддам 7000 *ци* олтин, 303000 бўлак шойи, 60 миллион танга, 2000 от ва 170 куллар билан сийланган эди.

*Цзиан*лик *Ан-ван Кан* катта бойлик тўплаб жуда кўп қурилишлар қилди, унда кулларнинг умумий сони 1400 га етди...».

* * *

А. «*Цин* сулоласи даврида куллар ва чўрилар савдоси учун бозорлар яратилган бўлиб, улар молхона ва отхоналарга жойлаштирилди. Одамлар хотинлар ва болаларни ўғирлаб сотишарди.

Б. Ариза:

-Менинг қулим жуда калондимоғ ва кўпол, далада ишламайди ва менинг буйруқларимни ҳам бажармайди. Уни хазинага сотилиши учун рухсат берилса, токи у маҳбус сифатида ишласа ва менга унинг нархида пул берилса.

Кул сўроқ қилинганда деди:

-Мен ўз хўжайиним «А»нинг қули бўламан ва мен ҳақиқатдан ҳам кўполман ва буйруқни бажармайман. «А» мени озод қилмади. Мен касал эмасман ва бирор жиноят билан судланмаганман.

(Шунда қарор қилиндики) «Кулни текширишга буйруқ берилсин». Маълум бўлдики, у касал эмас экан. Уни бозор нархи бўйича баҳолансин ва эгасига унинг нархи тангада тўлансин.

В. Бир неча йил ҳосил бўлмади ва одамлар бирор ерда ишлаб пул топиш имкониятидан воз кечиб, егулик ва кийим-кечак олиш учун болаларини гаровга қўярдилар. *Хуай-хай* туманида эса одатга кўра болалар қулликка сотардилар. Агар уч йилдан кейин ота-оналар ўз болаларини сотиб олишга кучлари етмаса, болалар қулга айланардилар.

Г. *Гао-цзу* ҳукмронлигининг бешинчи йили, ёзда, бешинчи ойда, аскарларга уйларига қайтишга рухсат берилди. Фармон чиқдики: «Кимки очлик туфайли ўзини қулликка сотган бўл-са, қулликдан озод қилиниб, оддий одамлар каби яшасин» (69:200).

Кулларни сотиб олиш хусусида

Шу вилоятида яшовчи *Ван Цзи-юан* иш билан *Цзинга* келди. Бу ердан у *Ян Хой*нинг беваси уйига

равона бўлди. Беванинг эридан қолган *Бян-ляо* номли қули бор эди. *Ван Цзи* қулга бозордан бориб май келтиришни буюрди. Қул узун таёкни олиб мархум хўжайини кўмилган тепаликка чиқиб олгач, деди:

- Хўжайин мени ташлаб кетганда, унинг тузган шартномаси бўйича қули фақат унинг мозорини кўриқлаши кераклиги айтилган эди, бегона эркакка май олиб келиш эмас.

Ван Цзи-юаннинг жаҳли чиқиб сўради:

- Наҳотки сиз бундай қулни сотишни истамасангиз?

- Эрим, - деди бева, - уни одамларга берувди, аммо ҳеч ким олмади.

Шунда *Ван Цзи-юан* тезда қул *Бян-лао*ни сотиб олиш ҳақида шартнома тузди.

Қул деди:

- Сиз менга нима иш қилдиришни хоҳласангиз улар ҳақида ҳаммасини шартномада ёзинг.

Ван Цзи-юан:

- Розиман! – деди-да, шартномага қуйидагиларни ёзди:

«*Шэн цзюэ* ҳукмдорлигининг учинчи йилида, биринчи ойнинг ўн бешинчи кунини *Цзичжун* вилоятидаги киши *Анчжи* жамоасидаги *Ян Хой* исмли хотиндан унинг эридан қолган *Бян-ляо* номли қулни сотиб олди. Келишувга асосан у 15000 тангага сотилди. Қул айтганга қулоқ солиши, барча буюриладиган ишларни бажариши керак ва қилинган буйруққа эътироз билдириши керак эмас. У эрта тонгда туриши, уй-жойни тозалаши ва сув сепиши, таомдан сўнг идиш-товоқларни ювиши, муттасил дон янчиши, қудуқлар қазиши, боғдаги ерни чопиши, йўлларни тўғрилаши, чуқур ерларга тупроқ солиб текислаши, бомбукни эгиб ундан хаскаш ясаши ва қудуқ дарвозаларини тузатиши ва тоза тутиши шарт. Унга отда ёки аравада юриш, хўжайин қўрғонидан ташқарига чиқиш ва унга қай-

тиш, оёкни чамбарчас қилиб ўтириш, овоз чиқариб бакириш ман этилади. Ётоқдан туриб у уйкусини қочириш учун бошини силкитиши ва уни пастга эгиши, балиқ тутиши, бедани ўриши, каноппи тозалаши ва ўриши керак. Унга сармаст этувчи ичимлик ичиш ман этилади...

У мато тўқиши ва ундан пойафзал тикиши, тўр ёрдамида қушларни тутиши, ғоз ва ёввойи ўрдақларни камон отиб ов қилиши, тоғга кийик тутиш учун чиқиши, сувдан қисқичбақа тутиши, боғга сув боғлаб келиши, балиқлар боқиб кўпайтириши, кўлда таёқ билан чўчқаларни боқиши, кўйларни кўпайтириши, ифлос жойларни тозалаши ва у жойни доим тоза тутиши, отлар ва сигирларга ем бериши шарт...

Агар кул шартнома вазифаларини бажармаса 100 таёқ урилиши қайд этилди».

Шартнома кулга ўқиб берилганда у ҳушини йўқотаёзди, тилини тишлаб, лабларини зўрлаб жуфтлади. Шундан кейин у бор кучи билан бошини ерга уриб кўллари билан ўзини ўзи савалай бошлади. Кўзларидан дув-дув ёш оқиб бурнидан 1 «**чи**» узунлигида сув оқиб тушди.

Кул деди:

- Агар ҳамма нарса жаноб **Ван** айтаётгандек бўлса, ундан кўра ер қаърига борганим ва чувалчанглар миямни емирганлари яхши... Агар мен бу шартлар тўғрисида олдинроқ билганимда эди, албатта жаноб **Ванга** бозордан май сотиб олиб келардим ва бундай бебошликни қилмаган бўлардим!» (69:201-204).

Кулларнинг ҳуқуқий аҳволи

А. Ариза: «**Гуниш** қандайдир жамоадан бир кишига тегишли – кўл-оёғи боғланган бир чўрини олиб келди. Чўрини сўроқ қилганларида у деди:

- Мен фалончи хўжайинга тегишлиман. Муқаддам

бирор жиноят билан судланган ва жазога ҳукм этилган эмасман.

Туман раҳбарининг ёрдамчиси деди:

- Бу чўрини олиб келган мутасадди хўжайини унга тамға босиши ва бурнини кесиши мумкинми ёки йўқлигини сўради».

Б. Цзянлар ҳукмронлигининг ўн биринчи йили, иккинчи ойда «**цзи-мао**» куни фармон чикди: «Осмон ва Ер моҳиятининг маъноси шундаки, одамзот ҳамма нарсадан ҳам юксак. Шу сабабдан қул ва чўриларни ўлдирганлар жазосини камайтириш жоиз эмас».

Айни шу йилнинг саккизинчи ойда «**гуй-хай**» куни фармон чикди:

«Куллар ва чўриларга тамға босишга қўл чўзганлар қонун бўйича жазоланишга маҳкум, тамға босилишига маҳкум қилинганлар эса жазодан озод этилиши ва оддий одамлар каби яшашлари мумкин».

Шу йилнинг қиш фасли ўнинчи ойда, «**жэн-у**» кунида фармон чикди:

«Озод кишига ўқ узган ёки ярадор қилган куллар ва чўриларнинг қатл этилиши бекор қилинсин».

Цзян-у ҳукмронлигининг ўн учинчи йили қиш фаслида «**цзя-ин**» куни фармон чикди:

«**Ичжоу**га куч ишлатиб куликка сотиб юборилганлар озод қилинади. Маъшуқа қилинганлар эса, агар ўз хўжаларидан кетишни хоҳламаса, улар ўз истагида қолаверсин».

Агар бу ишда кимки куч ишлатишга ҳаракат қилса ва у **чжоу**лар вилоятидаги каби одамларни мажбуран қул қилиб сотиш хусусида иш юритса, айбланади ва жазо олади».

Цзян-у ҳукмронлигининг ўн тўртинчи йили, «**гуй-мао**» куни фармаон чикди:

«**И** вилоятидаги куллар ва чўрилар саккизинчи йилдан бошлаб судга ариза берган бўлсалар, уларнинг ҳам-

маси озод қилинади. Уларни сотиб олган хўжаларига кулга қилган харажат пуллари қайтарилмайди» (69:206).

Ерга эгаликнинг шаклланиши

А. «*Нин Чэн* уйига қайтиб келгач, деди:

- Катта маош олган мулозим ва ҳали 10 миллион танга йиғиб улгурмаган савдогар нима билан мағрурланса бўлади?

Ва у ўз пулларини фоиз ҳисобидан қарзга бера бошлади, минг «*ин*»дан зиёд ерини эса камбағалларга ижарага бериб тарқатди. Бир неча йилдан сўнг унинг сармояси бир неча миллион тангага кўпайди.

Б. *Чжан Юй* жуда эҳтиёткор ва жиддий киши эди. Унинг оиласи деҳқончилик билан шуғулланиб катта бойлик ва иззат-хурмат орттиргач, 400 «*ци*»га яқин ер майдонини сотиб олди. Бу ерлар *Цзин* ва *Вэй* дарёлари сувларидан суғориладиган бўлиб, сотувда уларга жуда катта нарх қўйиларди.

В. *Лу Цзя* касаллиги туфайли ўз лавозимидан истеъфога чиқиб туғилган ерига қайтиб келди. Унга ўша ердаги серҳосил далалар жуда маъкул кўриниб, шу ерда қолиб яшашни ихтиёр қилди. Унинг беш ўғли бор эди. У мукофотга олган 1 миллион тангани улар ўртасида бўлиб бериб, сармояни ишга солишни буюрди» (69:209).

Деҳқон оиласи бюджети

А. Фараз қилайликки, деҳқон оиласи беш нонхўрдан иборат ва у 100 «*му*» ҳажмидаги ерга ишлов беради. Бир «*му*»дан олинган 1,5 «*дан*» ҳосил 150 «*дан*»ни ташкил қилади. Агар бундан ҳосилнинг ўндан бир қисмини ташкил қилган ер ижараси ҳақи 15 «*дан*»ни чиқариб ташланса, деҳқонда 135 «*дан*» қолади.

Бир ойда бир нонхўрнинг емак-ичмаги учун 1,5 «*дан*» дон кетади, 5 нонхўрга эса йил давомида 90

«дан» дон сарф қилинади.

Доннинг бир «дан»и учун 30 танга харж қилинса, бир йилга 1350 танга кетади.

Агар яна бундан турли сарф-харажатлар – қурбонликлар, баҳор ва кузда аждодлар руҳи хотирасига бағишлаб ўтказиладиган ибодатхона маросимларини чиқариб ташланса, 1050 танга қолади.

Бир киши кийим-кечаги учун ўртача 300 танга сарфланади, 5 кишига эса 1500 танга.

Бунда умумий чиқимлар учун 450 танга етишмайди. Яна шу ҳолатда беморлик, дафн маросимлари ва киши бошига олинadиган солиқ ҳамда қутилмаган сарф-харажатлар ҳисобга олинмайди. Дехқоннинг доимий қашшоқлиги сабаблари шундан».

Б. Мана шунга ўхшаш ҳолатлар туфайли дон-дуни бор дехқон уни арзон-гаров сотишга мажбур, ғалласи йўқ дехқон эса уни қарзга олиб, қарзини фоиз билан тўлаши керак. Мана шундай тарзда дехқонлар ўз еридан ажралиб, ўз қарзларидан қутилиш учун ўз бола ва набираларини сотадилар» (69:212).

Солиқ тизими

А. Император *Гао-цзу* аввалги жуда қатъий қонунларни инкор этиб, ер солиғини камайтирди, уни тўланадиган маош ва бошқа харажатларни инобатга олиб ўн бешдан бир ҳисса ҳисобида белгилади.

Б. Император *Вэн-ди* ҳукмронлигининг иккинчи йилида шундай фармон чикди:

«Дехқончилик Осмон остининг энг улуғ асоси, чунки усиз халқ кун кўролмайди. Шунинг учун Осмон ости халқига шу йили ер солиғининг ярмисини инъом қиламан».

В. Император *Вэн-ди* ҳукмронлигининг ўн иккинчи йилида шундай фармон чикди:

«Биз халқнинг деҳқончилик билан шуғулланишини рағбатлантириб фармон чиқарган эдик, ammo унинг натижаси бўлмади. Бунинг сабаби шуки, мулозимлар бизнинг кўрсатмалар амалга ошишига ғайрат қилмайдилар ва халқни рағбатлантиришни билмайдилар. Бу ҳам камлик қилгандек, деҳқонлар жуда катта қийинчиликларни бошларидан кечирмоқдалар, лекин мутасадди мулозимлар бунга эътибор бермаяпдилар. Улар қандай қилиб деҳқонларни ишга рағбатлантира олардилар? Мен деҳқонларга шу йилги солиқнинг ярмини ҳаё қиламан».

Дун Чжун-шу император *У-дига* деди:

- Қадимда ҳосилнинг ўндан бир қисмидан ортмайдиган солиқ солинарди, шунинг учун халқ талаблари нисбатан осон қондирилди. Халқ йил бўйи ўз қилган айбини уч кунда юварди, шунинг учун ўзига керакли озиқ-овқатини таъминлашга кучи етарди. Одамларнинг қарияларни боқиш, фарзандлик бурчини бажариш ва солиқлар тўлашга имкони бўларди. Шунинг учун халқ ўз устида турган ҳукмдорларга хурсандлик билан бўйсунарди...»

Кичик хўжалик эгаларининг барбод бўлишини давлат томонидан олди олиниши

Дун Чжун-шу император *У-дига* деди:

-Қудук сувидан суғориладиган ерларда қадимги тартибга қайтиш қийин бўлса ҳам, лекин шунга қарамай секин-аста қадим тажрибасига амал қилиш керак. Халқдаги ерлар сонини камбағаллардаги етишмовчилик ўрнини тўлдириш учун камайтириш лозим ва шу билан ер эгалигини чеклаш керак.

Император *Ай-ди* тахтга чиққанида *Ши дин* унга шундай таклиф қилди:

-Қадимги ақлли ҳукмронлар ичида қудук суви билан суғориладиган ерларга беписандлар бўлмаган, шунинг

учун улар бемалол дунёни бошқарган.

Император *Вэн-ди* эса *Чжоу* ва *Цин* сулоласи билан жанг қилиш одатини мерос қилиб олиши оқиба-тида Осмон остидан файз қочди. Шундан кейин у деҳқончилик ва ипакчиликни рағбатлантириб, ўзи эса тежамкорлик ва камтарлик намуналарини кўрсатгани боис унинг ҳукмронлигида халқ аҳволи яхшиланди”.

Император *Пин-ди* вафотидан кейин рентген *Ван Ман* фармон чиқарди:

«*Хан* сулоласи ер солиғини ўттиздан бир қисми ҳажмида камайтирди. Лекин юқори лавозимдагилар билганларини қилдилар – ўз ерларини парчалаб ижарага топширдилар, гарчи солиқ ҳосилнинг ўттиздан бир қисмига тенг бўлса ҳам, лекин ижарага олган деҳқон ҳосилининг ўндан беш қисмини тўлайди...

Энди ҳамма Осмон ости ерлари «подшо ери» номига ўзгартирилиб, уларни сотиш ва харид этиш ман қилинди» (69:214).

Деҳқончилик

Цуй Шининг «Халқнинг тўрт синфи учун ойлик қонуни» трактатидан

«Биринчи ой»нинг илк кунидан то сўнгги кунигача исталган дарахт ниҳолини экиш мумкин – бомбук, қарағай, сарв дарахти ва бошқалар. Лекин ҳосил берувчи дарахтларни ойнинг 15-кунигача қайта экиш керак, йўқса улар кам ҳосил беради.

Ёмғир ёғиб ердан пар кўтарилганда ер шундай елимдек ёпишқоқ бўладики – ерни тезроқ кераксиз ўсимликлардан тозалаб экинга тайёрлаш учун ундан бемалол ўтган йили қолиб кетган дарахт танаси ва ўсимликларни осон суғириб олиш мумкин.

Ерга баҳорги арпа ва нўхат экиш мумкин. Унда шунингдек қовун, дориворлар, аччиқ пиёз ва саримсоқ турларини ундириш ҳам мумкин. Қачонки муз экин ерларида буткул эриб кетганида, далаларда қуриб қолиб

кетган ўсимликларни суғуриб ташлаб, бу ерларга донли ўсимликлар уруғини сепиш ва яхши ҳосил олиш мумкин...»

Уй-хўжалик ишлари

«Биринчи ой»да турли шарбатларни тайёрлаш мумкин. Биринчи декадада дуккакли ўсимликларни қури-тиб, иккинчи декадада улар қайнатилади. Балиқ шарбати ва гўшт шарбатиларини ҳам тайёрлаш мумкин.

«Иккинчи ой»да ҳали ипак қуртларини боқиш ишлари бошланмасидан, тикувчиларга қишки киймларни ювдириш ва улардаги шойи астарни олиб ташлаб, кийимларни астарсиз кузда кийишга тайёрлаш керак.

Қишнинг совуқ кунлари келишидан олдин арпа қандидан ширинликлар тайёрлаш ва уларни сингдириб ёғда қовуриш керак.

Саккизинчи ойдаги совуқ шамол қиш келганида эсади. Шунда тезроқ хом шойи ва ундан тикилган кийимларни қайнатиб, астарли кийимлар тикиб қиш келишига тайёрланиш керак.

Савдо

Иккинчи ойда дон-дунлар: арпа, соя, ловия, буғдойни сотиб пистакўмир харид қилиш керак.

Учинчи ойда тариқ сотиб, енгил кийимлар сотиб олиш керак.

Тўртинчи ойда тозаланган ва оддий арпа сотиб олиш керак.

Бешинчи ойда дуккакли донларни сотиб, буғдой ва арпа харид қилиш керак.

Эски ипак ва шойи матоларни харид қилиш керак. Ёзги иссиқ кунлардан кейин кепак ва тўпон сотиб олиб уларни лой идишга солиб, чувалчанглар кирмаслиги учун оғзини маҳкам беркитиб сақлаш керак. Қиш келганда улар отга ем қилиб берилади.

Олтинчи ойда дуккакли донларни сотиб оддий буғдой харид қилиш керак, яна шунингдек, хом ва ишлов берилган шойиларни ҳам.

Саккизинчи ойда чарм пойафзал арзон бўлгани учун уни қиш келишидан олдинроқ харид қилиш керак.

Ўнинчи ойда шойи матоларни сотиб арпа, дуккакли донлар харид қилиш керак.

Ўн биринчи ойда кеч етиштирилган гуруч, ловия, арпани харид қилиш керак...

Оилавий байрамлар

Биринчи ойнинг «Биринчи куни» деб аталадиган тонгда шахсан хотин ва бола-чақаларингни ўз аждодларинг йўлига қилинадиган қурбонликка олиб кел. Бу маросимда уч кун олдин оила бошлиғи ва иштирокчилар покланиш рўзасини тутадилар. Қурбонлик куни май келтириб аждодлар руҳига таъзим қил.

Рўза тугагач, бутун оиланинг катта ва кичиклари аждодлар меҳроби олдига ўтказилади: ўғиллар, уларнинг хотинлари, набиралар ва абираларнинг ҳар бири оила бошлиғига гармдори солиб сақланган май олиб келишади. Ҳар қадахдан кейин унга саломатлук тилашади ва барча шодон кайфиятда бўлади.

Шунингдек, бу куни ҳукмдор, мулозимлар, собиқ мутасадди бошлиқлар, хеш-ақраболар, ота томонидан тоғалар ва унинг ёру биродарлари, яқин қариндошлар ва қария қўшнилар ҳузурига ташриф буюрадилар ва бир-бирларини табриклайдилар. Айни шу ойда, яхши бир кунни танлаб ўғил болаларга балоғат қалпоғини кийдириш мумкин¹. Бу вақтга келиб барча ўт-ўланлар

¹Конфуцийлик одатига кўра, ўғил бола 19 ёшида балоғатга етади ва бунинг тасдиғи сифатида унинг бошига «балоғат қалпоғи» кийдирилади.

кўкара бошлаб, уйкуга кирган курт-кумусқалар ҳам инидан ташқари чиқади.

Биринчи кун «дин» белгиси учун эшик остида йўл руҳиятига қурбонлик келтир, токи у «ян» кудратини озод этсин, сен эса бахт ва омад тилаб ибодат қил. Ва шунингдек, биринчи кун «хай» белгиси остида хонадоннинг меҳрибон руҳлари ва аждодлар руҳига таъзим қил, токи йил серҳосил бўлсин.

Иккинчи «ой»да қурбонлик кун аждодларга ҳидли пиёз ва тухум келтир. Лекин бундан илгари покланиб ол, сўнг маросим таомини тайёрлаб, йил бошидан ҳаммаёқни супуриб-сидириб тоза қил. Шу ишлар арафасида кечаси аждодлар қабри рўйхатини ёзиб чиқ ва уларга қурбонлик сифатида тегишли таом пишир ҳамда бошқа керакли нарсаларни ҳозирлаб қўй. Эртаси кун уларни қабр устига олиб кел.

Агар бу кун бирор сабабдан оила учун номаъкул бўлса ёки ҳукмдор бирор зарур ишни бажаришга буюрган бўлса, унда фол очириб бирор кунни қурбонлик қилиш учун танлаб ол.

Шундай ёқимли кунда никоҳ маросимини ҳам ўтказиш мумкин. Ёзда қуёш узоқ тик келган кун аждодлар меҳробига буғдой ва балиқни қурбонлик қил. Аммо бундан бир кун илгари, худди ҳидли пиёз ва тухум қурбонлиги кунидек, тегишли таом ва анжомларни тайёрлаб, покланиб, ҳаммаёқни супуриб чиқ.

Олтинчи ойдаги «чу-фу» кунда аждодлар меҳробига буғдой ва қовунни қурбонлик қил. Худди буғдой ва балиқ қурбонлиги кун каби поклан, маросим таомини тайёрла, ҳаммаёқни супуриб тозала.

Олтинчичи ойда шунингдек, албатта шахсан ва қариндошлар билан ҳар йили бажариладиган покланиш садақаси ва аждодларга қилинадиган умумий қурбонликни амалга ошир; қурбонлик оиланинг бой ёки ўртача аҳволдан келиб чиқиб қилиниши керак, чунки

гап қурбонлик маъносидаги ашёларининг сониди эмас.

Саккизинчи ойда фол очиш орқали шу ойда келадиган байрам – 8 ва 9 сентябрда нишонланадиган “Оқ шабнам” байрамидан кейин энг яхши кунни танла ва ҳар йилнинг тегишли вақтларида ўтказиладиган қурбонликни қил. Аммо бу қурбонликдан етти кун аввал мотам тутган оила ёки кўкрак эмувчи болалар бор уйга бормаслик лозим. Оиланинг кичик аъзолари ва қурбонлик иштирокчилари албатта покланиш рўзасини тутадилар.

Ибодатхона рўйхатини кўздан ўтказ ва тўла-тўқис тозаликка риоя қил. Худди шу «ой»да император аждодларининг ибодатхонасида қурбонлик қилинади; айна шу кунда аждодлар меҳробиди арпа ва тўнғизни қурбонлик қил. Эртаси куни худди буғдой ва балиқ садақаси каби қабрларга қурбонлик қил. Шу «ой»да уйга келин ҳам тушириш мумкин.

Ўнинчи ойда йил охири ва янги йилнинг бошланиши муносабати билан аждодлар меҳробиди хидли пиёз ва тухум қурбонлигини бажариш учун қариндошлар билан покланиш садақаларин қил. Мана шу «ой»да йил охири муносабати билан қилинадиган қурбонликларга қуритилган ва дудланган гўшт тайёрла.

Ҳосил йиғиб-терилгач, ҳамма оилаларда етарли озиқ-овқат захираси бўлади, шунинг учун фасл талаб-тақозоларига мувофиқ аза маросимлари рўйхатини тартибга солиш керак. Агар қариндошлар ичида анча олдин дунёдан кўз юмган камбағаллар бўлиб, уларнинг мотам маросимлари ўтказилмаган бўлса, унда хеш-ақраболарни йиғиб маросимларни ўтказиш жоиз.

Бу хайрли ишга ҳар бир киши ҳеч бир «ким ошди»-сиз хулуси дилдан ўз имконияти даражасида ҳисса қўшади. Агар кимдир бу ишга бош қўшишни истамаса, сен ўз саховатинг билан мисол кўрсатиб уни шу ишга жалб эт (69:218-220).

Қадимги хитойларнинг кундалик турмуш тарзи

То ҳали дехқончилик ишлари бошланмасдан олдин, қатта ўғилларнинг олий даражадаги мактабга бориб, беш қонуний китоб¹ни ўқиб ўргансинлар; устоз уларнинг етуклик даражасида китобларни эгаллаганлигини аниқласа, ундан кейин солнома китобларини ўқисинлар.

Қачонки муз эриб битганида, кичик ўғилларнинг қуйи даражадаги мактабга бориб луғатлар ва дарсликларни ўқиб ўзлаштирасинлар.

Иккинчи ойда «ян» кучлари билан келишган ҳолда ҳамма нарсага олдиндан тайёр бўлиш учун камондан ўқ отишни машқ қил.

Учинчи ойда қишга ғамланган дон охирлаб қолади, тут мевалари ва буғдой эса ҳали пишиб етилмаган. Шунинг учун «ян» стихиясига мувофиқ яхшиликлар қилиш, яъни кам таъминланганларга ёрдам бериш, энг яқин қариндошларга эътибор кўрсатиш керак. Одамларнинг камбағаллигини кўриб туриб яхшилик қилмай, бойлик тўплаш керак эмас; лекин шоншухрат орттириш учун бойларга оилада қолган охириги бурдани ҳам бериб юбориш ҳам керак эмас. Барча ҳолда бериш билан олиш меъёрини билиб, миёналикка амал қилиш керак.

Дехқончилик ишларини бошлашга ҳали вақт бор экан, суғориш ариқларини тозалаш керак, ёмғирнинг келишини ҳисобга олиб уй ва деворлар қурилиши билан шуғулланиш мумкин. Шунингдек, худди баҳордаги ўт-ўлан каби очликда пайдо бўлувчи қароқчилар хавфидан сақланиш учун эшикларни ва ҳимоя воситаларини тартибга келтириш керак.

¹Конфуцийлик китоблари: «Ицзин -ўзгаришлар китоби», «Шуцзин-тарих китоби», «Шицзин-қўшиқлар китоби», «Лицзи-маросимлар ёзма қайди» ва «Чуньцю - баҳор ва куз» китоби.

Бешинчи ойда «буғдойнинг бошоқ тортиши» байрамидан сўнг, «ян» кучи стихияси кучсизланиб «ин» стихиясидан бахтсизлик яқинлашади, об-ҳаво исиб турли зарарли курт-кумурсқа ва чуволчанглар пайдо бўлади... Гидамлар, чарм кийим-кечаклар, жундан тўқилган ва патли маҳсулотларнинг яхши сақланиши учун уларга кул сепилиши керак. Ёғ шимган кийимларни сақлаш эмас, арқонга осиб қуритиш даркор. Бу «ой»да ёмғирлар бошланиб, гуруч, ғалла, пистакўмир ғамлаш мақсадга мувофиқ, чунки кейин йўлларни сув босиб, улардан ўтиш кийинлашиб кетади.

Тўққизинчи ойда совуқ қиш мавсумида ҳужум қиладиган турли қароқчилардан ҳимояланиш учун барча курул турларини таъмирлаб, ҳарбий машғулот, яъни камондан ўқ отиш билан шуғулланиш керак. Сен совуқ мавсумдан ўтиб олишлари учун ўз қариндошларинг ичида ким ёлғиз, касал, қариб қолган, ўзини ўзи боқолмайдиганларни аниқла. Улар билан ўзингдаги ортиқча маблағингни бўлиш, токи улар ҳам совуқ кунлардан эсон-омон чиқишсин! (69:222).

* * *

Биз юқорида қисман танишган қадимги хитойларнинг диний-дунёвий – маънавий, ижтимоий, иқтисодий, маиший ва маданий ҳаётининг ўзига хос миллий хусусиятлари ибтидоси, албатта, уларнинг диний дунёқарашлари асносида шаклланган. Ва «Шарқда Миср ҳамда Ҳиндистондан кейин башарият цивилизациясига улкан ҳисса қўшган Хитой халқи»нинг узоқ – таназул ҳамда тараққиёт поғоналаридан иборат тарихи ўзининг илк диний тасаввурлари ва анъаналари билан боғлиқ ҳолда кечган. Шу боисдан Конфуций ва Лао таълимотларининг яратилиш сабабларини мозийга қайтиб – мантиқан, улардан муқаддам мавжуд бўлган илк эътиқод мақомидаги хитой мифологиясидан бошланиши маъкул кўрдик.

Хитой диний мифологияси

Гарчи фанда динлар силсиласи қонуниятига муайян тамойил асосида ёндашув услуби мавжуд бўлса-да, бироқ бу услуб дунё диншунослигида ҳали-ҳамон ўз яқдил илмий амалиётини топганича йўқ.

Албатта, турли давр, тузум, миллат ва эътиқодларга мансуб теолог ва файласуфларнинг динлар тарихи ҳамда тараққиёти тўғрисидаги мушоҳадаларида ўзига хос турфа жиҳатларнинг бўлиши табиий бир ҳол.

Бас шундай экан, биз ушбу монографияда аниқ даврий тартиб бўйича режалаштирилган диний мифология ва таълимотларни, улар юзасидан муқаддам амалга оширилган тадқиқотларга нисбатан холисона ёндашган ҳолда, мантиқ ва мунозара замирида таҳлил ва талқин этишга ҳаракат қиламиз.

«Маълумки, дин азалдан инсон маънавиятининг таркибий қисми сифатида одамзотнинг юксак идеаллари, Ҳақ ва ҳақиқат, инсоф ва адолат тўғрисидаги орзу-армонларини ўзида мужассам этган, уларни барқарор қоидалар шаклида мустаҳкамлаб келаётган ғоя ва қарашларнинг яхлит бир тизимидир» (2:36). Шу сабабдан «диншуносликнинг асосий мавзуи диннинг пайдо бўлиши қонунияти, тараққиёти, фаолияти, феномени ҳамда динларнинг ўзаро алоқадорлиги ва таъсиридан иборат бўлиб, унинг тадқиқот йўналишлари доираси ҳам жуда кенг қамровли: фалсафа, социология, психология, дин тарихи» ва бошқалар.

Фаннинг ушбу жабҳасига тегишли илмий изланишлар тўғрисида фикр юритганда шуни ёдда сақлаш жозизки, унда барча йўналишдаги тадқиқотлар муваффақияти, фақат «бой манба ва маълумотлар истифодаси ҳамда тадқиқи натижалари» билангина чегараланмайди. Балки мавзунинг реал таҳлилида шунингдек, у ёки бу дин пайдо бўлган ёхуд ўзлашган мамлакатнинг ўзига хос иқлими, жуғрофияси ва албатта, хал-

қининг миллий маънавий хусусиятлари жуда аҳамиятли.

Одатда, диний мифология билан боғлиқ ривоятларда табиат ва тирик жонзотларнинг пайдо бўлиши ва шу асосда ҳаёт жараёнининг бошланиши турли асосларда талқин қилинган. Мисол учун, Хитой мифологиясида «Бутун борлиқ»нинг вужудга келиши қуйидаги таркибда рўй берган. Яъни, борлиқ худди қадимги юнон афсоналаридаги тушунчага ўхшаш «*хаос* - туман» ва қоронғуликдан иборат «тубсизлик»нинг икки унсурга бўлинишидан сўнг зуҳр этган ёруғлик «*ян*» ҳамда қоронғулик «*ин*»дан яралган. Бунда эрлик ибтидоси *ян* куёш ёруғлиги, куч-қудрат ва умуман ижобийлик маъносида тушунилса, аёллик ибтидоси *ин* эса ой ва қоронғулик, маъюслик ҳамда заифлик тимсолида қабул қилинган.

Хитой мифологиясидаги борлиқнинг пайдо бўлиши ҳақидаги яна иккинчи бир милоддан аввалги IV-III асрларда шаклланган «*Си ци чжуан*» материалистик концепцияси бўйича, «Моддий дунё ягона «*тайцизи*» ибтидосидан яралган эрлик - *ян* ва аёллик - *ин* субстанцияларидан иборат. Бу объектларнинг ўзаро мутаносиб ҳаракатланиши ва кураши дастлабки беш табиий ҳодисот – сув, олов, дарахт, темир ва ерни яратиб, сўнг улардан қолган барча турли-туман нарсалар ҳамда ҳилқатлар вужудга келган. Бу силсилада ҳаракат мавжуд борлиқнинг асоси бўлиб, дунёни эса «учлик» ташкил қилади: осмон, одамлар ва ер» (58:517).

Мана шу учликда содир бўлувчи барча жараёнлар руҳий ва моддий жиҳатдан икки илоҳ – табиатдаги жами руҳларни бошқарувчи *Шанди* ва бутун борлиқ эгаси ҳамда жангу жадаллар худоси *Хоу-ту* изн-ихтиёрида кечади. Шу боисдан қадимги Хитойда бирор урушда ғолиб келган томон, албатта анъанага кўра *Хоу-ту* шарафига қурбонликлар – асирларни қатл қилган».

Инсоннинг дунёга келиши ҳам икки хил ривоят қилинади. Бирида, илк аждодларнинг келиб чиқишини аёллик ибтидосининг бегуноҳ ҳомиласидан кўрилади. Яъни эмишки, «*Ин*»ларнинг она аждоди бехосдан «Қирмизи куш» тухумини ютиб юбориб ҳомиладор бўлган. Ёки *Чжан Шоу-Цзе* ёзишича:

«Хуангди «Айиқ давлати» подшоси бўлган. Кунларнинг бирида унинг онаси далада юрганида Қутб юлдузини ўраб олган катта яшинни кўриб ҳомиладор бўлган. Шундан сўнг у 24 ойдан сўнг ўгли Хуангдини туққан».

Яна бошқа бир талқинга кўра, дастлабки одам муаннас «*Нюй Ва*» худосининг лойидан яратилган (3:424). Шу тарих яралган «инсоннинг қадим хитойлар тушунчасида икки қалби бўлган: тана қалби ва ақл қалби. Бинобарин, инсон вафот этганида биринчи – тана қалби ўлади, иккинчиси – ақл қалби Осмонга учиб кетади».

Бир сўз билан айтганда, «Бутун борлиқ»нинг пайдо бўлишидан муқаддам мавжуд «қоронгулик» ёки Одамнинг лойдан яратилганлиги сингари «Китобий динлар»да қайд этилган маълумотлар дунёнинг турли мифологияларида учраб туриши ҳозирчалик аниқ илмий асосга эга бўлмаса-да, лекин бу мавзунинг диншунослиқда қачондир маълум қизиқиш уйғотиши шубҳасиз.

Хитой диний мифологияси бўйича инсоннинг ҳаёти жараёнида асосан икки унсур фаолият кўрсатади. «Бири – табиий офатлар туфайли инсон бошига ёғилувчи кулфатлар, иккинчиси, айна ҳолатда одамларларни қутқаришга бел боғлаган қаҳрамонлар мадади. Ўз ўрнида табиатда содир бўладиган сирли ҳодисалар мажмуи ҳам асосан икки турга бўлинади: сув тошқини ва қурғоқчилик. Одамлар учун қутилмаган бундай воқеалар мифологик тасаввурга кўра, яна икки тоифага бўлинади. Масалан, сув тошқинининг азалийлиги ёки

унинг Осмон томонидан жазо сифатида юборилиши. Қурғоқчилик – бу бир вақтнинг ўзида ўнлаб қуёшларнинг балқиб чиқиб қизитиши оқибати ёхуд гуноҳкорларнинг Осмон қаҳрига дучор бўлиши туфайли. Ва шунда, агар тошқин вақтида ғарқ бўлаётганларни «улуғ *Юй*» қутқарса, қурғоқчиликда эса, ночор қолганларнинг жонига «мерган *И*» оро киради».

Мазкурда мифология унсурларига алоҳида урғу бераётганлигимизнинг асосий сабаби шундаки, кўпинча улар Хитой диний-фалсафий таълимотларида гоҳ марказий ва гоҳ иккинчи планда у ёки бу ғояни ифодалашга жалб этилади. Балки бу ривоят ва эътикод ўртасидаги уйғунлик ибтидосидир!?

Қисқача мавжуд нашрлардаги хитой мифологияси асослари борасида берилган маълумотларга яна шуни кўшимча қилиб айтиб ўтиш жоизки, мутахассислар фикрича, маҳаллий мифология жуда тарқоқ ҳолатда қолган. Яъни, қадимги юнон ёки ҳиндларда сақланиб қолган халқ ижодиётига доир бу манбанинг Хитойда бирор муқим тизими йўқ. Бунинг сабаби, табиий шароитнинг мушкулликлари боис хитойликлар тириклик омили бўлган ерга ишлов бериш ва ундан ҳосил олиш мақсадида кўпроқ амалий фаолиятда банд бўлганлар ва уларда ғайриоддий кучлар олами билан шуғулланиш имкониятлари нисбатан чекланган эди. Қолаверса, конфуцийлик ғоясининг аждодлар руҳияти ва амалиётини урғулаши ҳам бу жараёнга дахлдор бўлган.

Бундан фақат бизнинг кунларгача бус-бутун етиб келган «Тоғлар ва денгизлар китоби» истисно (32:452).

Хитой мифологиясининг мазкур намунаси ҳақида тушунча ҳосил қилиш учун қуйида ундан айрим лавҳаларни эътиборга ҳавола қилдик. Чунки мифология у ёки бу халқнинг яшаган табиати ва ундаги кечган воқеа ва ҳодисотлар таъсирида шаклланган илк диний тасаввурларнинг бўрттирилган ёки муболағали шакли

бўлса-да, ҳар қалай бу халқ оғзаки ижоди манбаи унинг илк эътиқоди ҳақида дастлабки хабар берувчи омил:

«Шарқий денгиз орти буюк жарлик. Бу – Шаохар мамлакати, бу ерда Чжуансюй тугилган. Ганшан жуда улкан тоғ. Ундан ширин Ганшуй дарёси ибтидо олади. Улкан чўлликнинг жануби-шарқида эса Даян тоғи бўлиб, унинг ортидан қуёш ва ой балқиб чиқади...».

Хитойлик йирик теолог *Дун Чжун-шу* концепцияси тавсифича «Осмон» илоҳ бўлгани учун унинг ҳар бир хатти-ҳаракати аниқ мақсадга йўналган, шу сабабдан У инсоннинг ҳаёт йўли оқибатларига ҳукм чиқаради: жазолайди ёки мукофотлайди“ (58:533).

Шунга кўра, хитойларда «Осмон» қаҳрига эмас, меҳрига – унинг мукофотига ноиллик кафолати, аввало, юксак ахлоқ-одоб аҳкомларига риоя қилиш ва жамиятдаги соғлом барқарорликни мустаҳкамлашга ўз шахсий фаолияти билан ҳисса қўшиш масъулиятида. Худди ана шу ҳаёт тарзи конфуцийлик таълимотининг асосий тамойили сифатида миллий мафкура даражасига кўтарилган.

Лекин ҳали хитойликлар бу даражага етиб келгунича, табиат ҳодисалари билан уйғун илк диний тасаввур ва эътиқод шаклларида то *Чжанго-Хан* даврига оид битиклар пайдо бўлгунча ўтган мингйилликларни босиб ўтиши керак эди. Ҳолбуки, Конфуций, Лао ва Будда таълимотлари давлат дини мақомида қабул қилинган шароитларда ҳам хитой миллий мифологияси асослари ўз моҳиятини йўқотмади, балки ҳар уч диний қадрият улар фалсафасида ўзлашди.

Мисол учун, қадимги Хитойда, *Сима Цян* асарида биринчи ҳомиланинг муаннас асосда пайдо бўлганлиги ёзилганидек, «хитойлар ўз яратгувчиси сифатида олдин фақат она зотини билганлар, отани эмас». Шу аснодаги тушунча даосизм дунёқараши учун ҳам «бе-

гона» бўлмаган, балки инсон ибтидосининг муаннас асоси қария Лао талқинида мазмунан янада бойитилган ва тарғиб этилган.

Дарвоқе, «Хитой мифологияси образлари антик давр мифологиясига қиёсан деярли аниқ эмас. Биз хитой мифологиясига тегишли илк маълумотларни фақат қадимги китобларда учрайдиган айрим жумлалар орқали билишимиз мумкин. Айтайлик, *Цюй Юаня*нинг баъзи шеърлари ёки халқ кўшиқларида биз худолар ва мифологик қаҳрамонларни қадим хитойликларнинг тасаввурий чизмаларидан англаймиз: тангри *Хоу И* пайкони, *Нюй-ва* илоҳияси ёки *Юя, Яо* каби императорлар баёни ва хоказо» (20:95).

Башарти гап мифология унсурларининг диний эътиқодга уйғунлашуви хусусида борар экан, шу ўринда дастлаб диннинг пайдо бўлиши тўғрисидаги илмий талқинларга тўхталсак.

Замонавий тадқиқий хулосалар ҳисобида диннинг ибтидоси юқори палеолит, қадимги тош асри – қирқ-эллик минг йиллар аввал пайдо бўлган. Яъни, «биринчи диний деб таърифлаш мумкин бўлган тасаввурлар *homo sapiens* – тафаккурга эга одамларда шаклланган. Ва шундан бошлаб одамларда моддий дунё ортида кўринмайдиган ва ақлга сиғмайдиган реаллик мавжудлиги ва у ўзини мана шу борлиқдаги турли феноменлар орқали намоён этиши ҳақида тушунча туғилган».

Сир эмаски, ер юзида диннинг пайдо бўлиш сабаблари ҳамон илмий-назарий жиҳатдан ўз мантиқий поёнига етганича йўқ. Қадим ўтмиш юнон файласуфларидан тортиб то ўрта аср ва ундан кейинги даврлардаги олиб борилган изланишларнинг аксариятида мазкур феномен, айрим истиснолардан ташқари, асосан табиатдаги сирли ва кудратли кучлар таъсири туфайли инсон тасаввурида юз берган турли эволюцион ўзгаришлар натижаси сифатида хулосаланган. Ҳолбуки,

одамзотда диний туйғулар ибтидоси касрат олами воқеа ва ҳодисалари таъсиридан эмас, балки унинг яратилишидан ўзида мавжудлиги қатор диний эътиқод манбалари мағзига йўғрилган ҳақиқат.

Ҳа, мазкур тушунчада шуни ҳам унутмаслик керакки, табиат сир-асрорлари қудрати инсон қалбидаги мавжуд диний туйғунинг кимда эрта ва кимдадир кеч уйғонишига таъсир кўрсатган бўлишини инкор этиб бўлмайди. Агар диний туйғунинг инсонга ибтидодан мансублиги масаласига исломий талқин асосида юзлансак, Куръони каримда марҳамат қилинганки:

الَّذِي أَحْسَنَ كُلَّ شَيْءٍ خَلَقَهُ وَبَدَأَ خَلْقَ الْإِنْسَانِ مِنْ طِينٍ

«У барча нарсаларни чиройли қилиб яратган зотдир» (80.32:7).

Изоҳ. Ушбу оятда Аллоҳ таоло бандалар эътиборини ўзи яратган махлуқотларнинг ҳар бирини нақадар етук ҳиммат билан яратганлигига қаратмоқда. Дарҳақиқат, дунёдаги мавжудотнинг қай бирига диққат-эътибор билан назар солинса, ундаги мутаносиблик, пухталиқ ақл эгалари ёдига Яратганнинг нақадар доно ва билувчи эканлигини келтиради...» (80.28).

Демак, етук ҳикмат ила яратилган инсон Яратганни ўз қалбидан ҳис қилишининг табиийлиги, динни дастлаб «кўркув, мутелик ёки бошқа таъсирлар остида вужудга келган»лиги каби назарияларга эътироз билан қарашга мажбур қилади. Сабаби, муқаддам мазкур соҳада баён қилинган фикр-мулоҳазаларнинг аксариятида, диний туйғунинг «ўз асл макони» – инсон қалбидаги илоҳий ирсий зарра омили, табиатнинг таъсир кучига нисбатан иккинчи планда қолиб кетган. Аслида эса бу омил, гўё «**Ҳар қандай мева ҳосили аввало унинг уруғида мужассам**» бўлганидек, нафақат Одам атодан зурриётларига ўтган эътиқод сарчашмаси, балки шунингдек, динлардаги мантиқ бирлигининг ҳам

ёркин тимсолидир. Зотан, Куръони каримнинг «Бақара», «Анбиё», «Юнус» ва «Худ» сураларида эслатилганидек, “Аввалда одамларнинг бир миллат (бир динда) бўлганликлари», жумлаи жаҳоннинг миллий-маънавий бирлигига энг ҳаққоний илоҳий ҳужжат.

Ана шу нуқтаи назардан қараганда хитойликлар дунёқарашларида ҳам секин-аста ажодлар култи илоҳлар дунёсидан аста ажрала бошлаган, айниқса даосизм фалсафаси оммалашган даврда. Бу шароитда руҳий ва моддий дунё ўртасидаги воситачилик роҳиблар зиммасига ўтган.

Аммо шунда ҳам бевосита ажодлар руҳига сиғишиш анъанаси беиз йўқолмади. Қолаверса, Конфуций таълимотининг оммалашуви, агар бир томондан яна ота-боболар ибрати ҳамда руҳига эътиборни кучайтирган бўлса, иккинчи томондан, хитойликлар илоҳий тасавури Осмон омили билан трансформацияга эришди (29:425). Шунинг учун хитой менталитетига хос — оила, жамият ва давлатни бошқариш тамойилига конфуцийликнинг руҳан яқинлигини инобатга олиб, даврий жиҳатдан муқаддам пайдо бўлган даосизм таълимоти баёнидан олдин сўзни ҳар икки диний-фалсафий таълимот учун умумий бўлган ажодларга таҳассуб руҳияти тарихидан бошлашга жазм қилдик.

Инсоният қанчалик илмий, ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ривожланмасин, унинг доим ўз ажодларига мансуб ақлий, руҳий ва ахлоқий такомилликни қумсаб, уларга ўхшаб яшашга интилиши ҳеч кимга сир эмас. Бу борада ота-боболарнинг руҳи поки, ибратли турмуш тарзи ҳамда ҳаёт тажрибасига бўлган чуқур ишонч ва эҳтиромнинг ҳатто эътиқод даражасига кўтаририлганлигига тарихдан мисоллар етарли: хусусан, қадимги Хитойда пайдо бўлган конфуцийлик, японлар синтоизми ёки корейсларнинг диний мифологияси.

Лекин даврлар ўтиши билан диний туйғунинг «рухий олам»га муносабати шаклан ва мазмунан ўзгара борди. Жумладан, Хитойда аждодлар руҳи ва табиатнинг ғайриоддий кучларига топиниш қатори «*шаклсиз Шакл, ўзи йўқ Қиёфа*» тимсолида даосизм таълимотининг диний эътиқод сифатида қабул қилиниши ягона Муқаддасликка интилишнинг илк кўриниши эди. Бироқ бу интилиш ўз меърожига етгунча конфуцийлик, даоизм ва синтоизмга оид аксарият тадқиқотларда уларнинг диний эътиқод сифатидаги моҳияти, бевосита ухровий талқиндан фарқли ўларок, ахлокий, маънавий, ижтимоий ҳамда сиёсий-маъмурий тушунчалар билан узвийликда таҳлил қилинган.

Бундан чиқди, хитой, япон ва корейс диний-фалсафий дунёқарашларини ўрганишни ҳам қадимдан ушбу минтақаларда истиқомат қилган халқларни ҳар бирининг ўзига хос тарихи ҳамда миллий-маданий ҳаёти негизидан бошлаш лозим. Фақат шу йўл билан уларнинг ўз қадриятларига хос этик ва эстетик тамал тошининг қай асосда эътиқод даражасига кўтарилганлигини тўғри идрок этиш мумкин.

Конфуций таълимоти

Милоддан аввалги биринчи мингйилликнинг ўрталари турли диний-фалсафий тафаккур асосчиларининг ер юзига ташрифи билан тарихга ёзилди, хусусан, Жайн, Будда, Зардушт, Моний ва шулар жумласидан Лао ҳамда Конфуцийнинг ҳам.

Мазкур таълимотлар соҳиблари тарихнинг гувоҳлик беришича гоҳ ўз даврида ва гоҳо қисқа ё узок муддат ўтганидан кейин бири донишманд, бири пайғамбар ва яна бири эса «илоҳ» мақомида сиғиниш объектига айланган. Ва бу зоти шарифларнинг ичидан, масалан, Конфуций муаррих *Сима Цян*нинг асарида шундай таърифланган:

«...Унинг боши тепасида дўнги бўлгани учун исми-ни Цю деб аташган. У икки ёшида отасидан ва ўн тўртга кирганида онасидан етим қолган. Шундан сўнг уни нуфузли мансабдор Цзи ўз хонадонига омборнинг кичик мансабдори лавозимига ишга таклиф қилган. Кейин Кун Цю – Конфуцийнинг ўз сўзлари бўйича, «бошқа бир оила хўжалигида чорва молларини кўпайтириш билан шугулланган». Ва йигирма етти ёшга етганида диний маросимлар ва мусиқани яхши билганлиги учун қурбонликлар ўтказишида мутасадди ходим ёрдамчиси бўлиб ишлаган. Ўттиз уч ёшида оёққа турган. Қирқ уч ёшида иккиланишларга барҳам бериб, эллик ёшида Осмон иродасини идрок этган ва фақат олтмиш ёшида «Асл ҳақиқат»ни англаб етган».



Сима Цяндан қолган маълумотдан ташқари, яна баъзи адабиётларда Конфуцийнинг нисбатан батафсил таржимаи ҳоли ҳам қайд қилинган. Лекин то алломанинг дунёга келиб, комил инсон ва мутафаккир сифатида етуклик даражасига муяссар бўлгунича, унинг босиб ўтган машаққатли, аммо шонли йўли баёнига ўтишдан илгари хитой менталитетига хос айрим жиҳатларга ойдинлик киритиш зарур.

Чунки башарият миқёсида танилган бундай улуг зотлар ҳаётининг баъзи томонлари ўзининг гоҳ ухровий ва гоҳ дунёвий хусусиятлари билан ажралиб туриши тарихда кузатилган ҳолат. Шунинг учун Конфуций таваллуди тарихига ўтишдан аввал даст-

лабки сўзни хитойликлар анъанасига кўра, унинг аждоди билан танишувдан бошлаймиз.

Одатда, қадимги хитойларда бирор нотаниш киши учраганда ундан «Сиз кимсиз?» эмас, балки «Наслингиз қаердан ва кимникисиз» саволи билан мурожаат қилинар экан. Уларда кишининг насл бўйича келиб чиқиши ички ва ташқи тизимга бўлиниб, биринчи доим ота уруғи ҳисобланган, иккинчиси эса она уруғи. Шунинг учун ўша давр нуфузли зотлари ичида у ёки бу мулозимнинг наслан келиб чиқиши унинг келгуси мансаб, мартабага эга бўлишида муҳим роль ўйнаган. Яъни, лавозим бўйича юксалиш зотга қараб мерос сифатида амалга ошган – инсон қанчалик зотан улуғ бўлса, шунчалик жамиятда ҳам унинг мавқеи юқори бўлган (53:2).

Ота томонидан Конфуцийнинг аждодлари юқори насл ва мансаб эгалари эди. Аммо унинг туғилиши тарихида айрим хитой миллий менталитети тушунчаларига терс жиҳатлар ҳам борлиги қайд этилган. Хусусан, унинг ота-онасининг турмуш қуриши тўғрисида. Хитойларнинг оилавий масалалардаги эркак ва аёлнинг ўзаро қовушишида икки унсур бирлиги муҳим аҳамиятга эга бўлган. Шу маънода Конфуцийнинг келиб чиқиши беникоҳ туғилган бола каби тавсифланган. Негаки «Е» ва «ХЭ» асосидаги қовушув мазмуни бу – «қонунга номувофиқ бирлик»ни билдиради. Ва бу бирлик тамойили бўйича, қадимги хитой анъанасига кўра 64 ёшдан кейинги никоҳ этикага зид саналган.

Конфуцийнинг отаси *Шулян Хэ* уйланганида 66 ёшда бўлган. Лекин онаси *Ян Чжи* ўшанда неча ёшда бўлганлиги ҳалигача номаълум. Манбаларда гарчи қиз тахминан 20 ёшда эканлиги зикр қилинган бўлса ҳам, лекин иккинчи бир манбада ёзилишича, унинг ёши 17дан катта бўлмаган. Ҳолбуки, бундай ёш жиҳатдан номувофиқ никоҳнинг анъанага тўғри келмаслигини

қиз яхши билган, аммо шунда ҳам у ўз опа-сингилларидан фарқли ўлароқ, никоҳга розилик берганлиги унинг мардона табиатидан далолат эди.

Шулян Хэ жуда ҳам соғлом ўғил туғилишини истаган. Шунинг учун у баъзи надоматларнинг олдини олиш мақсадида хотини оғир оёқли бўлгач, уни ўзи билан бирга “Лойтепа ғори”га олиб боради. Чунки у бу ғорда дуою афсун кучи муқаррарлигига ишонган ва ғордаги ибодатдан кейин милоддан аввалги 551 йилнинг 27 августида *Ян Чжунинг* кўзи ёриган.

Болага *Цю* деган исм билан бирга, шунингдек, қадимги хитойликлар удуми бўйича *Чжунни* деган лақаб ҳам берилган. Унинг туғилишидан *Цю* исмига аждодлар номидан Кун фамилияси берилган. Шу боисдан *Цю* - «муқаддас дўнглик», иккинчи лойтепа сифатида хитой маърифатпарварларининг Конфуций рамзидаги тахаллуси бўлиб қолган (53:49).

Агар хитойларда одамнинг ёши ҳомила пайдо бўлишидан ҳисобланишини инобатга олганда, *Цю* икки ярим ёшга кирганида отаси вафот қилган. Биринчи хотин, яъни *Цюнинг* ўғай онаси, эри ўлганидан кейин иккинчи ёш хотинга – *Цюнинг* онасига кун бермаган. Оқибатда кундоши унинг шаънига уйдурмаю тухматлар ёғдиравергач, *Ян Чжи* уйни ташлаб чиқиб кетиб *Цюйфу* деган жойга кўчиб ўтиши билан, шундан қийинчиликлар даври бошланган.

Бевага отаси томонидан тегишли ёрдам бўлмаганлиги қизнинг ёшлигида миллий анъаналарга қарши иш тутгани сабабли эди.

Ёш *Кун Цю* эса ўз меҳнатсеварлиги шарофати билан онаси ёнида туриб барча бошига тушган қийинчиликларни енгади. Орадан йиллар ўтиб Конфуций ўз бошидан кечирганларини шундай мухтасар – бир жумлада эслаган:

«Мен ёшлигимда жуда камбагал эдим, шунинг учун ҳам аксарият бош тортадиган ишларни ўргандим».

Яъни, супириш-сидириш, сабзавот ўстириш, оғир юкларни обкашда ташиш ва шунингдек, кичик маҳаллий оркестрда сурнайчи бўлиб ишлаб, тўй ва дафн маросимларида қатнашиш каби ишлар.

Она боласига аждодлар ҳамда отасининг мардонавор фаолияти, ҳарбий санъати ҳақида кўп сўзлаб берган эди. У шунинг учун отасига муносиб бўлиш истагида саккиз ёшида мактабга ўқишга кириб, ўн йил таҳсил олган даврида ўзининг хулқ-атвори, ақл-идроки ва болаларга хос бўлмаган ўйинларию одатлари билан ўқитувчиларини қувонтирган.

Конфуцийнинг 17 ёшида яна бошига оғир иш тушади, онаси муттасил тухматлар таъсирида 30 ёшдан ошар-ошмас оламдан ўтади. Биринчи хотин ёш кундошини эри ўлганида уни дафн маросимига яқинлаштирамаган эди. Шунинг учун **Ян Чжи** эри мазорини қаердалигини билмасди. Аммо хитой анъанасига кўра, хотин майити эр вафотидан кейин албатта унинг ёнига кўмилиши керак бўлган.

Ёшлигидан удум ва маросимларни яхши билган **Цю** излай-излай отасининг қабрини қидириб топиб, охири онасини унинг ёнига дафн этишга муваффақ бўлиб ўғиллик бурчини адо этади (53:52). Балки ёшликда кўрган қийинчиликлари бадалига бўлса керак, Худо унга, **Сима Цян** таърифича, шундай ўз марҳаматларини насиб қилганди:

«Кун-цунинг бўйи узунлиги тўққиз «чи» ва олти «цуней»эди – тахминан 1м. 91 см. Ҳамма уни паҳлавон дерди, чунки у бошқалардан ўз қадди қомати билан ажралиб турарди. У муттасил илм-билимга интилиб, шунингдек ўз замони талаби бўйича қуйидаги шарт ҳисобланган олти турдаги назарий ва

амалий масъулиятларни ўзлаштирди: маросимлардан бохабар бўлиш, мусиқани тушуниш, камондан ўқ отиш, жанг аробасини бошқариш – отларнинг юриш-югуриш имкониятларини билиш ва қамчидан тўғри фойдаланиш ҳамда ҳисоб-китобни мукамал эгаллаш».

Ўқиш-ўрганиш жараёнида Конфуций муайян хизматларни бажариш ҳисобига кун кўрган: дон-дун омборчиси, подачилик ва бошқалар. Шу вақтларда у мусиқага жуда ишқибоз бўлиб, унга ўз даврининг машҳур мусиқашуноси *Ши Янда* таълим берган.

Кунларнинг бирида Конфуций “*Шао*” оҳангини эшитганда шундай деган экан:

«Мен – ҳеч мусиқа кишига шунчалик илҳом бахш этиши мумкин, деб ўйламаган эдим».

Балоғат ёшидан кейинги йиллар то ўттиз ёшга киргунча Конфуций таҳсил ва сиёсат соҳаси кишилари билан суҳбатлар қилиб, ушбу соҳаларда маълум маълумот ва тажриба орттирди.

Унинг фикрича, 30 ёшида қадим хитой ёзуви санъатини эгаллаши келгусида уни «*Шу цзин*» - Тарих китоби», «*Ши цзин*» - Шеърят китоби, «*И цзин* - Ўзгаришлар китоби», «*Юэ цзи* - Мусиқа ҳақида китоб», «*Ли-цзи* - Қонунлар китоби» ёки «Маросимлар китоби» каби асарлар таҳририни амалга оширишига имкон берди.

Хан давридан бошлаб бу асарлар қонуният адабиёти мавқеини эгаллаб, кейин эса бутун хитой маданиятининг таркибий асоси даражасида баҳоланди.

Хуллас, айти 30 ёшда Конфуцийнинг ахлоқий ва фалафий дунёқарашлар концепцияси пишиб етилди. Унинг концепцияси таркибий унсурлари: *жэн*- инсон-парварлик, *ли* - этикет ва шунингдек, амалдорликка садқат ва подшони эъзозлаш, мўътадиллик йўли, адолатли ҳукмдорлик, эътиқодда мукамаллик, Осмон

ихтиёри тасаввурининг такомиллашуви каби долзарб – хитой жамияти учун амалиётда қўлланиши жоиз масъулият туйғусида мужассамланди (53:64). Шу тариқа Конфуций ўз билми ва ёшига нисбатан бой ҳаётий тажрибаси билан жамият назарига тушди.

Милоддан аввалги 533 йили оилали бўлган Конфуций хизмат борасида *Лу* подшолигида кичик бир лавозимни эгаллайди. Шундай кейин ёш файласуфнинг омади чошиб, бир маҳаллий катта лавозимдаги сарой мулозимини империя маркази *Лои* шахригача кузатиш шарафига муяссар бўлади. Сафар вақтида Конфуцийнинг ҳаётида муҳим роль ўйнаган бир воқеа юз берди. У қария *Лао* билан учрашиб суҳбатлашганда ундан қуйидаги фикрларни эшитади:

«Сиз менга гапириб берган кишилар ўлиб кетдилар ва уларнинг суяклари аллақачонлар кул бўлиб кетган. Сиз ўз мағрур кўринишингиз ва истакларингиз ҳамда ўз одаму ёввойи феъл-атворингиздан воз кечинг...»

Тиниқ ақл ўзининг чуқур таҳлилий тафаккури билан ўзини ўзи ўлимга яқинлаштиради. Бу ўзга кишиларни муҳокама қилишни яхши кўришдан бошланади.

Кимники мушоҳадаси кенг бўлса, унинг тафаккур қамрови жуда кўп нарсаларни ўз ичига олиши туйғайли ўзини хавф-хатарга маҳкум қилади. Бу – асосан бошқалардаги ёмонликнинг таъсиридан юз беради. Ҳар бир киши худди ўз ота-онаси ўғли бўлганлиги учун унинг ихтиёри ўзи қўлида бўлмаганидек, мулозимнинг ҳам ўз ихтиёри ўзида бўлмаслиги керак...».

Қария Лао ёш Конфуцийнинг ўз ҳаётида ҳали нималарга эътибор қилиши кераклигини сезгач, унга айтган ҳикматли сўзлари, бўлғуси файласуф ҳаётига жуда катта таъсир ўтказди. Чунки у доим жамият киши-

ларининг радикал ўзгаришларга юз тутиши кераклиги орзусида яшарди (48:11).

Ниҳоят, орзуларнинг амалга ошиши йўлидаги дастлабки интилишлар Конфуцийнинг **Цин** подшоҳи билан икки марта суҳбатлашиш имконига эга бўлишидан бошланди. Суҳбат ҳукмронлик хусусида бўлиб, уни **Сима Цян** ўз асарида сўзма-сўз шундай келтирган:

1-суҳбат: *«Цзин гун Кун-цзидан ҳақиқий давлатни бошқариш – ҳукмронлик қилиш ҳақида сўради. Кун-цзи деди:*

- Подшоҳ том маънода ҳукмрон бўлмоғи керак бўлганидек, фуқаро ҳам садоқатли фуқаро бўлиши керак; ота худди ота бўлгани каби, ўғил ҳам чинакам ўғил бўлиши керак.

Шунда Цин-гун ҳайратга тушиб хитоб қилди:

- Ажойиб! Ишонаман, агар подшоҳ ҳукмрон бўлмаса, фуқаро эса садоқатли бўлмаса, ота отаю, ўғил эса ўғил бўлмас экан, ҳатто насиб этган тарих топилган тақдирда ҳам, демак менга уни ўз емагим учун озиқа қилиш насиб этмайди!»

2-суҳбат: *«Иккинчи куни подшоҳ яна Кун-цзидан ҳақиқий давлатни бошқариш, яъни ҳукмронлик қилиш ҳақида сўради. Кун-цзи жавоб берди:*

- Ҳукмронлик мамлакат қадриятларига нисбатан жуда эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишдан иборат».

Сима Цян бу ерда «*цзе цай*» сўзлари маъносини эҳтиёткорлик орқали «иқтисод қилиш» маъносида истифода этган. Бу суҳбатдан сўнг подшо Конфуцийни аристократ мақомига муносиб кўрган, демак, унга ниҳоят давлат хизматига кириш имкони туғилган! (53:70).

Гарчи Конфуций қалбида подшолик хизматида бўлиш орзуси аввалдан бор бўлса ҳам, аммо кейин унинг олдига қўйилган баъзи ўз таълимотига зиддий вазифа ва таклифлар уни ўз орзудан воз кечишгача олиб кел-

ганди. Масалан, у *Гуншан буно* хизматидан воз кечганида, ўз ижодий ишларини давом эттиришга бор имконияти билан киришади. Бу ҳолатни *Сима Цзян* куйидагича баён қилган:

«...Лу подшолигида «дафу»дан бошлаб то ундан куйидагилар тартиббузарликларга йўл кўйиб, ҳақиқий Йўлдан оздилар. Шунинг учун Конфуций хизматдан воз кечиб, узлатга чекиниб, «Ши цзин» ва «Шу цзин»нинг тахрири ва маросимлар асоси ҳамда мусиқа машғулотлари билан шуғулланди...».

Шахсий изланишлар ҳамда мактабдорлик фаолиятида орадан маълум бир муддат ўтгач, *Дин-гун* ҳукмронлик қилган *Лу* подшолигида Конфуций яна нуфузли лавозимга тайинланди. Шунда унинг ёши 52 эди. Бу лавозим подшоликда энг юқори даражадаги лавозимларнинг бири бўлиб, Конфуций ўз қўл остидаги жиний ва сиёсий хиёнаткорлик каби ишларни Бош прокурор даражасида ўрганар ва улар юзасидан тегишли қарорлар чиқарарди. Лекин бора-бора Конфуцийнинг масъулияти судловдан ҳам юксак бўлиб, у амалда ҳукмдорнинг энг яқин маслаҳатчисига айланади.

Бу ишда Конфуций уч йил ишлади (53:84). Ўтган йилларда бажарилган ишлар ичида маънан гўё бошқалар назарида «Конфуций таълимоти тамойилларига тўғри келмаган ҳукмлар»га ҳам қўл уришга тўғри келганди. Жумладан, у вақтинчалик «сян» – подшо маслаҳатчиси бўлиб ишлаганида *Шао-чжэн Мао* номли кишини ўлим жазосига тортган. Бу иш «*Сюн-цзи*» манбаида куйидагича баён этилган:

«Кун-цзи вақтинчалик Лу подшолигида «сян» вазифасини бажарарди. У етти кун Лу подшолиги саройидан чикмай охири Шаочжэн Маонини ўлим жазосига ҳукм қилди. Шунда унинг талабаларидан бири сўради:

- Луда Шао-чжэн Мао маишхур зотлардан эди.

*Сиз яқиндагина юксак лавозимни эгаллаб ўз вази-
фангизни қатл этишдан бошладингиз. Шунда хато
қилмадингизми, Устоз?*

Кун-цзи деди:

*- Ўтир! Мен сенга нега бундай қарор қилганимни
айтиб бераман. Одамлар ичидаги ўзгиларни ҳисобга
олмаганда, беш хил ёвуз жинойатчилар бўлади.*

*Биринчиси, бу – дилидан адолатни ҳис қилади,
лекин ёлгон сўзлайди;*

*Иккинчиси, бу – феъл-атвори бўйича гўё бўйсун-
увчандек, лекин аслида ўжар;*

*Учинчиси, бу – ёлгончи, лекин ўзини чиройли му-
нозаралари билан ҳимоялайди;*

*Тўртинчиси, бу – барча ножоз ишларни ёзиб
олиб, ёдида сақлайди;*

*Бешинчиси, бу – ноҳақлар йўлини тутиб, уларни
ширин сўзлар билан ардоқлайди.*

*Агар, борди-ю, бу беш хусусиятдан ақалли бирор-
таси одамгарчиликка муносиб бўлсайди, унда инсоф-
ли киши ҳеч қачон қатл этилмасди, Шао-чжэн эса,
беш хусусиятнинг барини ўзлаштирганлиги учун
уни ўлимга маҳкум этмаслик мумкин эмасди».*

Ушбу танишилган тарихий маълумот ўзга манба-
ларда турлича тасдиқланган. Яъни, Конфуцийни под-
шонинг биринчи маслаҳатчиси лавозимида бор-йўғи 7
кун бўлганлиги шубҳа остига олинган. Қолаверса, Кон-
фуцийнинг қатл билан боғлиқ буйруқларида шунинг-
дек, мусиқачи ва раққосларга нисбатан қўллаган жазо
ҳам бўлган. Ва бу жазога ўз санъатини намойиш этган
саъаткорларнинг саройида подшони масхара қилган-
ликлари сабаб бўлган. Бу ерда маросим қонуни бузил-
ганлиги аниқ бўлиб, унинг оқибатида қонунан санъат-
корларга ўлим жазоси берилиши табиий эди.

Маълумки, бундай ҳолларда мусиқачи ва раққоса-
ларни енгил жазо кутмаган – оёқ-қўллари чопилган.

Ваҳоланки, бу жазо, баъзи манбаларда Конфуцийнинг гўё ўз лавозимидан фойдаланиб рақибларининг биридан қасд олганлиги маъносида ҳам баҳоланган (53:96,99).

Мазкурда баён этилган турли талқинларнинг сабаби шундаки, давлатлар ўртасидаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий масалалар Конфуций дунёқарашларига зид услубда ҳал қилишга ўтилган эди. Бинобарин, *Сима Цян* таҳлили бўйича *цин*ликлар ўзаро шундай мулоҳаза юритганлар:

«Баширти Кун-цизи ҳукмдор ишлари билан шуғуллана бошлаган экан Лу подшолиги албатта голиб бўлиши аниқ. Йўллар эса ўзаро туташ, шунинг учун улар биринчи бўлиб бизни ўз ҳудудига қўшиб олади.

Шунда Ли Чу деди:

- Келинг, аввал бир бу ишга қаршилик кўрсатиб кўрайлик, агар урдасидан чиқа олмасак, шундоқ ҳам ерларимизни Лу подшолигига беришга мажбур бўламиз».

Шундай қилиб, охири *цин*ликлар 80 нафар гўзал қизларни яхшилаб шоҳона либосларга ўраб, уларга тегишли рақс турларини ўргатиб, 34 та аравага ўтказиб *Лу* ҳукмдорига ҳадя сифатида жўнатдилар. Қизлар қабул қилинган, саройда уч кунгача давлат ишлари қолиб кетди, Осмон ва Ерга қилинадиган қурбонликлар ҳам унутилади. Ана шу воқеадан кейин Конфуций ўз норозилигининг рамзи сифатида *Лу* подшолигини ташлаб кетиб *Тун* подшолиги ҳудудидан макон топади (53:104).

Аслида бу воқеалардан муқаддам ҳам Конфуций давлатчилик фаолиятида қатнашган – ҳокимиятда жамоат ишлари вазирининг муовуни, кейинчалик адлия вазири этиб тайинланган кезлари ҳам етарлича мушкулликларга дуч келган эди. У ўзининг ақли, шижоати билан катта эътиборга эга бўлишига қарамай, унинг

таълимоти вилоят ҳокимига ёқмасди. Ва умуман, унинг давлат хизматида бўлган йиллари муҳолифлари томонидан юритилган сиёсат охири Конфуцийнинг дарбадарлик йўлини ихтиёр этишгача мажбур қилганлиги тарихий манбалардан аён.

Аммо ҳали бундай тугал хулоса якунига келгунча, назаримизда Конфуций ижоди ва фаолиятининг талай томонларини таҳлил қилиш керак бўлади. Чунки у дарбадарлик йилларигача нафақат ўз таълимоти асосини яратишга, балки унинг амалиётини тарғиб этишга ҳам улгурган эди.

Дарбадарлик йиллари

Лу подшолигидан кейин Конфуций дастлаб *Вэй* давлатига боришга қарор қилади. Йўлда шогирдлари билан кетаётган устоз одамларнинг кўплигини кўриб ҳайратланади:

«-Одамларнинг кўплигини қара!

Шогирди Жан Ю устозидан сўради:

- Бу каби оммани қандай бошқариш мумкин?»

Устоз деди:

- Аввало, буларни тўқ қилиш керак!

Шогирд яна устозини саволга тутди:

- Авом тўқ бўлганидан кейинчи, уни қандай бошқариш керак?

Устоз деди:

-Энди уни тарбиялаш керак!»

Бу савол-жавоб ўз даврида хитой жамиятида шу маънода кенг тарқалдики, «Кимки давлатни гуллаб-яшнашини истаса, халқни тарбиялашдан олдин уни тўқдириши керак, яхши яшаш шароити яратилгандан кейингина юқоридан бериладиган таълим-тарбия ҳам қуйида қабул қилинади» (53:107).

Сафар кезлари Конфуций ўз эътиборини тортган жуда кўп кишилар билан суҳбатлашган ва шунингдек, у имкони бўлганда ўз фикр-мулоҳазаларини ҳам тар-

ғиб қилган. Устоз даопараст билан учрашганида унга суҳбатдоши шундай деган:

“- Тақводор дунё ишларига кўл силтаб, айниқса, сиёсатдан узоқлашиб, табиат билан уйғунликда ер ҳайдаб кун кўриши керак.

Конфуций даопараст сўзларига эътироз билдириб, унга мулозимнинг ҳукмдорга садоқати ва унга нисбатан подшолик адалоти ҳақида куйидаги ўз фикрини билдирган:

-Сен масъулиятдан узоқлашдинг, бошқарув ишларида ўзинга гард юқтирмаслик ҳаракатидасан, айниқса подшо ва мулозимлар муносабатида. Ҳолбуки, сиёсат фақат шу вақтдагина нотўғри бўлиши мумкин, қачонки ҳукмрон ва унга тобе мулозимлар ўртасидаги муносабатлар рисоладаги руҳиятда бўлмаса...

Менинг асосий вазифам, ҳаётга ўз бошқарув тамойилларимни татъбиқ этиш, яъни мулозимга содиқлигу, ҳукмдорга эса адолатли равишда бошқариш тўғриси сингдириш» (82).

Конфуций ҳаммаси бўлиб, 14 йил Хитой бўйлаб сафарда бўлди. Ўтган давр ичида у шуни тушундики, унинг барча сиёсат хусусида бошлаган ишларига қаршилиқ кўрсатган подшоҳ эмас экан, балки унинг атрофидаги мулозимлари. Аввал улар Конфуцийни ўзларига тенг билганлар, лекин иқтидорини сезгач, унга қаршилиқ қила бошлаганлар. Шунингдек, «ўтган 14 йил ичида бирор марта бошқа подшоликлардаги мулозимлар ҳам уни кўллаб-қувватламдилар. Ҳолбуки, у аслида фақат подшоликларда бошқарув тизимини йўлга қўйишга ҳаракат қилган бўлиб, умуман бошқа подшоликларга қарши эмасди!».

Мактабдорлик

Дарбадарлик сафаридан қайтгач Конфуций мактаб очади. У давлат мактабларида ўқитиладиган аристократ-

лар тизимидан фаркли ўларок, «талабалар ўртасида насл-насабдан қатъи назар ўзаро тенглик» шиори остида ўқиш ишларини йўлга қўяди. Ўқиш ҳаққи жуда арзон эди, яъни бор-йўғи уч бўлак қуритилган гўшт, бас – ахир Устоз ҳам нимадир ейиши керак-ку!

Мақтабга бутун Хитойнинг турли гўшаларидан ёши ҳар хил ўқувчилар келар ва улар мактабда Устоз маърузасини жон кулоқлари билан тинглардилар ва унга амал қилардилар. Конфуций ўз ўқувчиларига асосан 4 мавзу бўйича дарс берган: «*вэн* – ёзма битиклар», «*син* – ҳаётдаги хатти-ҳаракатлар», «*чжун* - ўқиш-ўрганишга садоқат», «*синь* – ҳақиқатгўйлик». У бу мавзуга зид бўлган «*и* – янглишиш», «*би* - эътиборсизлик», «*гу* – ўжарлик», «*во* – манманлик»ка чек қўйиб, «*чжсай* – доим парҳезга риоя қилиш», «*чжан* – ҳарбий ишларга аҳамият бериш» ва «*жэн* – инсонпарварлик»ка амал қилишни уқтирган (53:137-138).

Бундай таҳсил услуби қуйидаги уч тамойил асосида олиб борилган:

1.Илм-маърифат мутлақо насл-насаб тафовутини тан олмайди.

2.Тўртбурчакнинг бир бурчагини билгандан сўнг, унинг қолган яна уч бурчаги борлигига ақли етадиганларнигина ўқитиш керак.

3.Мен қадимий китоблар тўғрисида гапираман ва тушунтираман, лекин янгиларини яратмайман. Қадимда ўтганларга ишонаман ва уларни эъзолайман.

Конфуций ўз таълимоти юзасидан таҳсил берганда доим талабаларнинг фикри билан ҳам қизиққан ва уларга у ёки бу масала бўйича эмин-эркин ўз мулоҳазаларини билдиришга имкон берган. Мисол учун, унинг энг иқтидорли шогирди *Ян Хуэй* устоз таълимоти ҳақида шундай деган:

«Мен қанчалик устоз таълимотига синчиклаб қарасам, у шунчалик юксалиб кўринади, унга қанчалик чуқурроқ кириб боришга интилсам, у шунчалик мураккаблашади, мен уни олдимда кўрсам, у ортимга ўтади. Устоз қадамба-қадам одам эътиборини ўзига тортади, у менинг тафаккур доирамни янги билимлар билан кенгайтирди.

Мен унинг таълимотини эгаллашдан бош тортмоқчи ҳам бўлдим, лекин буни эплай олмадим. Шунда бор кучимни сарфлаб таълимотга ёндашиб унга амал қилишни хоҳладим, лекин бу ҳам кўлимдан келмади» (37:157).

Устоз ўз дарслари мавзуига кўп янгиликни олиб кирди ва кўпдан ҳаммага маълум нарсаларни эса янги-ча талқинида таништирди. Масалан, у меъёр ҳақидаги ўз шогирди саволига шундай мухтасар жавоб қилган эди: *«Ўтиб кетиш ҳам етмай қолинганидек ёмон».*

«Конфуцийнинг устоз сифатидаги яна бир намунавий жиҳати бу – агар бирор масалада ўзи хато кетсаю уни шогирди тўғриласа, у устоз ҳам адашиши мумкинлиги исботи учун доим хатосини тан олиб уни тўғри-лашга тайёр турарди».

Ўқув мавзулари бойиб бориши билан мактабда ҳам дарслар борган сари интенсив руҳда ўтган. Шогирд ва мухлислар орқали кенг омма ичига тарқалган Конфуций обрў эътибори туфайли *Луда* уни энг юксак унвон ҳисобланган *го-дао* – давлатнинг иззатли қарияси номи билан атай бошладилар, ваҳоланки, бу ном Хитой тарихида муқаддам ҳеч кимга насиб қилмаган эди.

Конфуцийнинг шогирдларига ўз таълимоти асосларини тушунтириб бериш услуби, мантиқан, Будданинг фалсафий мавзулар юзасидан ўз ўқувчилари билан қилган суҳбат ва савол-жавобларига жуда ўхшаш бўлган. Айтайлик, Будданинг руҳ ва унинг мавжудлиги борасидаги шогирдлари саволига берган жавоблари,

мантиқан, Конфуцийнинг таълим тамойилига ҳам бегона эмасдек. Яъни, Будда шогирди Ананданинг «Рух борми ёки йўқми» саволига шундай жавоб қилган:

“Бундай саволнинг жавобида яширинган хавф одамларни бир гумроҳликдан иккинчисига олиб боради”.

Конфуцийдан ҳам юқоридаги буддавий савол-жавобни эслатувчи мазмунда ўз фикрини билдириш сўралганда Устоз «Лун юй» китобида таъкидланганидек:

«Устоздан маданият ва фуқаролик ишлари тўғрисида маълумот олиш мумкин, ammo нарсалар моҳияти ва «Осмон йўли» ҳақида эмас, чунки Осмон сўзламайди – У сукут сақлайди».

«Устоз ўз талабаларининг келгусидаги орзу-истаклари масаласида, уларга ботиний ҳавасларини очик баён этишга ва улар учун курашишга даъват этарди, башарти улардан охир оқибатда фақат шахсий манфаат эмас, балки жамиятга ҳам фойда тегса!» Шунинг учун талабаларга эркин тарзда у ёки бу хусусда ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришга изн бериларди, албатта хитой менталитети талаб-тақозолари конуни доирасида.

Ўқиб ўрганиш услуби ҳақида Конфуцийнинг ўз шогирдларига берган панд-насихатлари хитой таълим тизими учун ўз даври ва ундан кейин ҳам «билим эгаллашнинг тамал тоши» сифатида истифода этилди.

Айни панд-насихатлар одатда Устоз ва шогирд савол-жавоблари кўринишида ўтиб, у ёки бу масала хусусида айрим кўрсатмалар ҳам бериларди:

Устоз деди:

«Рухий такомилликни «Кўшиқлар китоби»ни ўрганишдан бошла, билимда етукликни «Маросимлар битиги» билан мустаҳкамла ва уни «Муסיқа китоби» билан тугалла».

Айтгандек, билимда етуклик даражасига муяссар шогирдларини Устоз доим муносиб тарзда тақдирларди ва бундай хулуси дилдан бериладиган рағбатлантиришларга «*Лун юй*»да мисоллар етарли:

«Ци-гун деди:

-Кўшиқлар китобидаги мисолларда, яъни «Кесиб силлиқлайдилар, силлиқлаб сайқал берадилар» деган фикрда нимага шама қилинган?

Устоз деди:

-Си, демак сен билан «Кўшиқлар китоби» тўғрисида гаплашиш мумкин экан. Чунки мен сенга нима кетганлигини айтсам, сен албатта ундан кейин нима келишини сезасан».

«*Лун юй*»нинг мазкур иқтибосида шогирднинг «нимага шама қилинганлиги» ва Устознинг «ниманинг кетиши ва келиши» ҳақидаги сўзиларида нимани назарда тутилганини ҳозир билиш қийин. Лекин шуниси аниқки, Конфуций ўз шогирдларининг билим захираси бойлиги ва уларнинг ўтилган мавзу масалаларига нисбатан ўз шахсий фикрларига эга эканликларини тан олишдан ҳеч чекинмаган.

Конфуций таълимотида

оила ва билим масаласи моҳияти

Конфуций таржимаи ҳолида акс этган фаолиятга доир маълумотларда, унинг мактабдорликдан ташқари тинмай ўз илми-билимини оширгани, кўшиқ ва рақс намуналарини жамлагани ва диний матнлар устида ишлаганлиги ёзилган. Ҳолбуки, у шунингдек, ўз ҳикматларида жамиятнинг асосини ташкил қилган оила масалалари ва улардаги муаммолар ечими учун зарур бўлган билим омилига ҳам ниҳоятда жиддий аҳамият берган:

1. «Эр-хотин муносабатлари ўзаро меҳр-муҳаббат ва обрў-эътибор асосида бўлиши керак.

2. Болаларнинг ўз ота-оналарига нисбатан муносабатлари эътиқод руҳидаги садоқат, иззат-иқром ва севги туйғусига йўғрилган бўлиши керак.

3. Кимки подшога хизмат қилмасин, майли у мансабдор ёки оддий фуқаро, бой ёки камбағал бўлсин, ҳар қандай ҳолатда ҳам нафрат ва заабга берилмаслиги керак.

4. Қачонки оддий авом ўз ота-онасига фарзандлик садоқати билан хизмат қилса ва ҳукмронларнинг буйруқларини ўз вақтида бажарса, унда давлатнинг бошқарилиши гўё ёзиқ қафт сингари очиқ бўлади».

Таълимот асосларининг оила бирлиги ва ундаги ўзаро муомала-муносабатлар мавзусидан бошланиши бежиз бўлмай, масалага бундай ёндашув хитой менталитети бўйича соғлом жамият ва ундан ташкил топган давлатчилик тамойилларига қаратилган эди. Агар, масалан, Жанубий Осиёдаги мамлакатлардан энг йириги Ҳиндистонда соғлом жамият табақаланиш қонунларига амал қилиш замирида кафолатланса, Конфуций талқинида кишининг жамиятдаги ўрни ва моҳияти унинг насл-насаби ёки мол-мулкига қараб эмас, ўтмиш аждодлар ақидаларига биноан яшаш тарзи ва фаолияти билан белгиланган.

Ушбу жабҳада намунавий оила мисолида «ота ва ўғил муносабатлари» марказий ўрин тутган. *Лун юй* маълумотларига қараганда, оиладаги ота ва ўғил муносабати масъулияти Конфуция таълимоти учун барча хос жиҳатлар мажмуининг асосий негизи. Чунки ҳар қандай жамиятдаги давлат тушунчасида шаклланган ўзаро муносабатлар – каттага иззат-ҳурмат, олижаноблик, бурчга садоқат, фуқаролик фарзи туйғулари оиладан ибтидо олади ва у тегишли илм-билимга эгаликда ривожланади. Бу узун, ҳаттоки бир умрлик даврий жараён оилавий умргузаронликнинг мантиқий меърожи.

Шу нуктаи назардан Конфуций ўз таълимотида қамраган хитой ҳаётидаги фарз ва қарз заруриятларни ғоятда мухтасар равишда талабаларига шундай уқтирган:

1. «Мэн У-бо ота-онага иззат-хурмат кўрсатиши ҳақида сўради. Устоз жавоб берди:

- Ота-онага иззату хурмат шуки, қачонки, фақат ўғил касал бўлгандагина улар ғамгин бўлсалар».

Устоз жавобининг талабани ўйлантириши мумкин бўлган ери шундаки, ўғил учун ота-она мутлақо дард чекмасликка ҳақли, фақат ўғил ўз азизларига хизмат қилишга касаллик оқибатида бакор келмасагина улар фарзанди учун ғам чекишлари мумкин. Йўқса, таълимот тамойилича, фарзанд ўз ота ва онасига мутлақо беистисно ғамхўрлик кўрсатишга онгли равишда масъул ва бу – шарт амал!

2. «Цзю ота-онага иззат-хурмат кўрсатиши ҳақида сўради. Устоз жавоб берди:

- Ҳозирда кимки ўз ота ва онасини тўйдирса, уни уларга иззат-хурмат кўрсатувчи деб билишади. Ваҳоланки, биз ахир ит ва отларни ҳам тўйдирамиз. Агар биз ўз ота-онамизга чиндан ҳурматда бўлмасак, унда қандай қилиб бу «икки тўйдириши»ни бири-биридан фарқ қила оламиз?»

Устоз жавобининг талабани ўйлантириши мумкин бўлган ери шундаки, у дастлаб иззат-хурмат туйғусининг моддий ва маънавий жиҳатларини англаб ажратиб олсин. Чунки ҳаёт ҳақиқатидан маълумки, ҳатто икки туйғу ўртасидаги фарқ, улар ўзаро ажратилган тақдирда ҳам, кўпинча одамлар ўртасида унинг моддий ифодаси билан чекланиш ҳоли тасодиф эмас.

3. «Цзи-ся ота-онага иззат-хурмат кўрсатиши ҳақида сўради. Устоз жавоб берди:

-Одамнинг юз-кўзидан буни аниқлаш мушкул. Агар зарур бўлганда кичиклар катталарнинг ишини ўз зиммасига олса ва яхши озика ҳамда май бор ерда аввал

катталар уни истемол қилсалар, айни шуни катталарга иззату ҳурмат деб билиш керак».

Яна Устоз жавобининг талабани ўйлатиши мумкин бўлган ери шундаки, муаллифнинг сўзни «юз-кўз»дан бошлаганлиги бежиз бўлмай, унинг мазкур нуқтада инсон психологиясига хос икки муҳим жиҳатга урғу берилганлиги. Яъни, нафс ва онг ўртасидаги азалий мавжуд зиддият ҳамда уларнинг бирини иккинчисидан устун келиши мумкинлиги қонуният.

Хитойлардаги «сяо - ўғиллик иззат-ҳурмати» тушунчаси Конфуций таълимотида, «цзюн-цзи - комил инсон»га хос олижаноблик фазилатининг намунавий рамзи сифатида талқин қилинади, масалан:

«Цзи-лу (Конфуцийга) олижаноблик ҳақида савол берди. Устоз деди:

-Ўз-ўзингни комиллик даражасига етказиб, эъзозлашни тажриба қил.

Цзи-лу яна сўради:

- Шуни ўзи етарлими?

Устоз деди:

-Ўз-ўзингни комиллик даражасига етказиб халққа ҳузур-ҳаловат келтир, чунки ҳатто императорлар Яо ва Шун ҳам бу борада қийналганлар».

Талаба ва Конфуций савол-жавобида, эътибор берилган бўлса, инсоний комилликка ҳам бирдан етишиш мушкул бўлгандек, унинг ҳосиласи ҳам худди шу поғонавий усулда юксалиши таъкидланган. Демак, маънавий жиҳатдан ҳар бир инсоннинг асосий вазифаси аввал олижаноблик мартабасига етишдаги камолати кафолотидан иборат. Камолот меъзони эса Конфуцийнинг ташвиқида қуйидаги пиллапоё поғоналарини ташкил қилади:

«Бизнинг ҳозирги кунда олижаноб киши учун энг зарурий нарса нима? Зарурий нарса шуки – манфаатни сезиб туриб ўз масъулияти ҳақида ўйлаш, хавф-хатарни кўриб туриб ўз-ўзини қурбон қилишига

тайёр туриш ва ҳаёт давомида ўз эски мажбуриятларини унутмаслик. Мана шундай одамнигина олижаноб дейиш мумкин».

Демак, *Лун юй*дан келтирилган иқтибос мазмунида олижаноблик соҳасида ҳар бир эзгуликка қўйилган қадам, инсоннинг ўз маънавий камолоти сарҳисобидан кейингина натижали. Лекин мазкур фазилат ва унинг натижаси Конфуций таҳлилида фақат инсоннинг ўз истаги ҳамда интилиши билан пайдо бўлмайди, балки бу кишининг ўз тақдирини тушуна билиш шартига ҳам боғлиқ. Чунки:

«Киши ўз тақдирини тушунмай туриб олижаноб бўлиши; маросимларни ўрганмай туриб ўз шахсияти шаклланишига эришиши ва сўзлар кучини англамай туриб, бошқа кишиларни билиши мумкин эмас».

Ёки Конфуций фикрининг мантиқий давоми сифатида конфуцийпараст *Чэн цзи* ўз мушоҳадасини шундай ифодалаган:

«Тақдирни тушуниш бу – сенинг ўз тақдиринг бор ва унга ишонасан дегани. Агар одам ўз тақдирини билмаса, у хавф-хатар билан тўқнашганда фақат ундан қутилишга ҳаракат қилади, манфаатни кўрганида эса фақат ундан фойда топишга интилади. Бундай ҳолатда у қандай қилиб олижаноб бўлиши мумкин?»

Агар «тақдирни тушуниш» борасида Конфуцийнинг ўз шахсий дунёқарашларига хитойшунос мутахассислар таъкидича назар солсак, унинг ўз фаолияти ноёблиги ва муқаддаслигига ўзи ҳам ишонганлиги таҳмин қилинган. Шу боис бўлса керак, у ўз *мин* – тақдирининг Осмон томонидан аввалдан ҳал қилинганлигига ишонганлиги учун бу ҳақида жуда кам сўзлаган (48:133-137).

Албатта, инсон тақдирини тушуниш каби тушунча, юзаки караганда, баъзи тақво аҳли учун Илоҳ томонидан бандаси пешонасига битилганига дахлдорликдек туюлиши мумкин. Аммо Конфуций ёки *Чэн цзи* тарғибида «тақдирни тушуниш»га даъват, назаримизда, тақдирдан берилган, аммо кутилмаган воқеа ва ҳодисаларга олдиндан онгли равишда тайёр туришликка чақирикдек кўринади. Демак, тақдирнинг барча талабтақозоларига – у фойда ёки зиён келтирсин, доим дош беришга тайёр туриш керак. Ва бу борада одилона хулоса чиқариш, бу – бир томондан, конфуцийликда асл олижаноблик меъзони бўлса, иккинчи томондан, тақдир тасодифлари ва тазйиқларига зийрак тарзда амал қилишнинг ақлий, рухий ва ҳатто жисмоний замири.

Маълумки, оила – жамият асоси. Шу боис оила Конфуций талқинида жамият ҳаётини белгиловчи омиллар сирасига кирувчи дастлабки макон.

Ҳа, таълимот муаллифи эски қабул қилинган нормативлар тор келиб жадал риволаниш бошланган даврда яшади. Жамият тараққиёти динамикаси мавжуд таркибий тизим билан қарама-қаршиликка дуч келгани ва унинг ўша давр сиёсатида акс этганлиги боис аллома шундай хулосага келган:

«Бундай шароитда жамиятда барқарорликнинг ягона шарти бу – сиёсатдонларни етук ахлоқ таъмоилларига муносиб руҳда тайёрлаб, даврнинг бузғунчилик тенденцияларига барҳам бериш!»

Ушбу масалада Конфуцийнинг гениаллиги шунда эдики, у ўзи ўйлаган кишиларни йўқ ердан излаш бефойдалигини билиб, уларни маънавий жиҳатдан фақат қайта тарбиялаш билангина яратиш мумкинлигини англаган (48:181). Ва масалани ҳал этишда ҳам у маънан соғлом оилага мансуб фазилатларнинг жамиятдаги инъикоси натижаларига асосланган. Чунки Конфуций фикрича:

«Одамлар ичида ўз ота-онасига иззатда ва қариндош-уруғларига ҳурматда бўлганлар орасида юқори лавозимдагиларга қаршилик қиладиганлари жуда кам бўлади. Аммо юқори лавозимдагиларга қарши бўлмаганлар орасида албатта бетартиблик қилишга мойиллари ҳам учрайди».

Бир томондан, Конфуций таълимотига хос консерватив руҳият ва иккинчи томондан, ундаги новаторлик шижоати мавзуи таҳлили, сир эмаски, фанда ҳамон ўз адоғига етганича йўқ. Қуйида алоҳида баён қилинажак «конфуцийлик ижтимоий-фалсафий таълимотми ёки диний этиқодми» саволнинг ҳали-ҳамон диншунослар орасида ўз ўрнини йўқотмаганлиги ҳам шундан.

Бизнинг бу мавзуга мурожаат қилишимиздан мақсад, конфуцийликнинг консерватив ёки новаторлик руҳиятини аниқлаш эмас, балки ҳар икки жиҳатнинг ўзаро уйғун хусусиятини унутмаслик. Яъни, «таълимот ўтмиш анъаналарини инкор этмади, балки Хитойда уларнинг «олтин даври» вариантини пайдо бўлишига олиб келди. Халоскорлик руҳидаги диний этиқодлар – масалан, буддизм изтироблар дунёсини тарк этишни ташвиқ қилганда, конфуцийлик ўз анъаналари билан жамиятни тоат-ибодат қабилидаги комил инсон аъмоли орқали ислоҳ этиш даъвати билан чиқди. Қолаверса, таълимот фуқароларни наинки ҳаётда солиҳ аъмол соҳиби сифатида умргузаронлик қилишга, балки у шунингдек, уларни давлат тараққиёти учун «Осмон ўғли»га садоқат билан хизмат қилишга чақирди! Айни шу нуқтаи назардан *Лун юй*да келтирилган бир лавҳа, ўйлаймизки, юқорида билдирилган конфуцийликка хос консерватив ва новаторликнинг муштарак жиҳатини ўзада намоён этган деб:

«Кимдир Конфуцийга мурожаат қилиб деди:

- Устоз, нега сиз давлат бошқарув ишлари билан шуғулланмайсиз?

Конфуций деди:

-«Хужжасатлар китоби»да айтилганки, (ота-онага нисбатан) фақат фарзандлик иззат-хурмати сизнинг муносабатларингизда энг муҳими. (Шунингдек) ўз ака-укаларингиз билан дўст бўлингиз ва бундай илиқ муносабатни давлатни бошқарув тизимига ҳам тарқатинг. Зотан, оиладаги муносабатлар ҳам бошқарув сирасига киради. Наҳотки, бошқарувда қатнашиш фақат давлат девони фаолиятига тааллуқли бўлишдан иборат бўлса?» (82)

Лавҳадаги сўзлардан Конфуцийнинг оила омилининг ҳатто сиёсий маъно касб этишига ҳақли эканлиги сезилади. Чунончи, таълимотнинг давлатчиликка тааллуқли жабҳаларида талай масалалар оилавий руҳда таҳлил этилган ва уларнинг ижобий натижалари *Лун юй* мазмунида давлат мулозимларига тавсия қилинган.

Бундан ташқари, таълимот оила, жамият ва давлат ҳақидаги фикр-мулоҳазаларда Хитойдаги асрлар оша жорий дунёқарашлар ва қадриятларни янги тушунчалар билан бойитди, хусусан илм ва билим култи тарғиботи соҳасида. Яъни, жамиятнинг ҳар бир аъзоси зиёга интилиши ва бу йўлда у энг аввал ўз ватани тарихини билиши ҳамда миллий мифологик ривоятлар билан бирга реал ўтмиш аجدодлари тажрибасига суяниши керак.

Шу боисдан билим атамаси «*жэ*» *Лун юй* асарида бир неча маъноларда келади. Улар ичида энг аввалгиси конкрет шахсий билим омили бўлиб, унинг олижаноб киши фазилати сифатидаги ниҳоятда мушкул амалиёти шундай бир мисолда келтирилади.

«Файласуф деди:

-Олижаноб кишининг уч йўли бор ва шахсан мен, афсуски, уларнинг бирини ҳам охиригача ўтай олмадим: адолатли киши безовта бўлмайди, илм би-

лувчи киши иккиланмайди, мард киши қўрқмайди»”.
(35:23).

Билимли бўлиш хусусида гарчи Конфуций насл-насабнинг моҳияти йўқлигини таъкидлаган бўлса ҳам, лекин у зиёли кишиларни куйидаги категорияларга ажратган:

«Энг олий билимли бу – билимга туғилишидан эга бўлган, кейингиси, бу – билимни ўқиб ўрганиш орқали эгаллаган, навбатдаги билимли бу – билимни қийинчиликлар билан ўқишга киришиб ўзлаштирган киши».

Зиёли кишилар ҳақидаги ўз тафсилотини баён этган Конфуций, ўзи қандай билимли бўлганлигини ҳам камтарона айтиб ўтган. Қизиғи шундаки, у ўзининг биринчи ва энг сўнгги категориянинг қайси бирига дахлдор эканлиги аниқ кўрсатмай, бу хусус ўз хулосасини гўё ўқувчи ҳукмига ҳавола қилгандек таърифлаган:

«Менинг билимлилигим туғма эмас, балки ўз билимни ўтмишга ва ўқишга садоқатим билан эгалладим».

Конфуций билим деганда фақат ўқиш-ўрганиш билан оилани мустаҳкамлаш эмас, балки бу жараёнда яна нималарга эътибор бериш кераклигини ҳам алоҳида таъкидлаган:

1. *«Жамиятнинг арзигулик аъзоси бўлиб етишиши учун инсон муттасил табиат ҳақидаги ўз билимларини чуқурлаштириши, бунда нафақат ҳайвонот ва қушлар, балки дарахт ва ўсимликларнинг ўсиши қонуниятини ҳам эгаллаши керак. Табиатни билиш шахснинг дунёқараши ва маънавиятини бойитади.*

2. *Ҳайвонот олами каби табиий бойликларга ҳам эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш керак.*

3. *Фақат табиат кишига ва шунингдек, жамиятга куч ва илҳом бағишлайди.*

4. *Табиатни доим ардоқлаб унга шукроналик билдириш фарз».*

Яна, «»Илм-билим соҳасида камолотга етган олим қандай бўлиши керак?» деган Лу ҳукмдори Ай-гун саволига Конфуций бунинг учун куйидаги фазилатларга эга бўлиш шартини таъкидлаган, яъни:

«У олим сифатида шаклланган, тегишли ташиқи кўринишга эга, мустақил фикрли, шахсий тамойили бор, чуқур тафаккур тарзига эга бўлиши керак. Қолаверса, унинг ҳукмдорга садоқатли хизмати, бу – унинг асосий қилич ва қалқони.

У бировлар йўригига юрмай мустақил иш юритиши ва ҳурмат-эътибор масаласида ўзини бедахл тутиши керак» (37:137).

Аллома билим тўғрисидаги ўз хулосаларида албатта биринчи навбатда аждодлар ҳикматини назарда тутган ва уларнинг тамойилларига суянган бўлса-да, у бу борада шунингдек, оила мисолидаги ўтмишни идеаллаштиришнинг янги қирраларини ҳам очиб берган. Шунинг учун ҳам Конфуцийни «ўтмиш куйчиси» деса арзийди. Зотан, у биринчи бўлиб хитой фалсафий, сиёсий ва юридик тафаккурида нафақат ўтмиш культуни қайта тиклади, балки унинг замирида соғлом оилага асосланган давлат тизими модели ориеттациясини кашф этиши билан бирга уни ўтмиш билан боғлади.

Аксарият ҳолларда Конфуцийнинг «*Лун юй*»да «*Шици* - кўшиқлар китоби» ва ўтмиш афсонавий ҳукмдорлари тарихига мурожаат қилганлиги бежиз эмасди. Чунки бир қарашда санъат ва маданиятга бағишланган бу китоб, ўз мазмун-моҳияти билан хитой халқи тарихида ўрин олган қатор воқеликларнинг оддий халқ учун энг яқин бўлган бадиий инъикоси ифодаси эди.

Конфуций таълимотида диний ва дунёвий масъулият

Конфуций таълимотидаги асосий йўналишлардан навбатдагиси – фуқароларнинг диний ва дунёвий масъу-

лияти мавзуи эди. Бундай йўналишларда бирор муҳим хулосага келиш учун аввал руҳан муаллифнинг масалага муносабатдаги шахсий дунёқарашини аниқлаб олиш керак. Чунки бу хусусда унинг фалсафасига ҳозирги кун «нафаси» нуктаи назаридан қаралиши ўтган давр руҳиятини тўғри ҳис қилишга ҳалал бериши мумкин. Бинобарин, ҳар икки йўналишда ҳам тўғри фикр билдиришга Конфуций наздида фақат ўзи таърифлаган “донишманд” гина қодир:

«Фан Чи номли шогирд Кун-цзидан донишмандлик ҳақида сўради. Устоз жавоб берди:

- Халқ олдидаги ўз вазифасини сидқидилдан бажариб, аجدодлар руҳига эҳтиром билан хизматда бўлинса-да, лекин улардан ўзни муайян масофада сақлаш ҳам керак. Мана шундай йўлни тутган киши ишини донишмандлик дейиш мумкин».

Бу ерда Конфуций томонидан аجدодлар руҳига нисбатан анъанавий эҳтиром қаторида «ўзни улардан муайян масофада сақлаш» фикрининг урғуланишида аввал эътиборни хитойлар тасавуридаги илоҳий пантеон рамзи Осмон қудратига жалб этиш назарда тутилган бўлиши керак. Зеро, Осмон култи **чжоулар** ҳукмронлиги даври ўрталарида пайдо бўлиб, дастлаб эса **инлар** тотеми бўлган **Шанди** ягона илоҳий куч макомида эди.

Демак, **чжоуларда** Осмон иродаси давлатнинг ички ва ташқи масалаларини ҳал қилишда ўта муҳим омил вазифасини ўтаган. Бу омилнинг халқ қалбидаги энг юксак туйғу эканлиги исботи учун “Қўшиқлар китоби”дан қуйидаги мисраларни келтиришнинг ўзи кифоя бўлса керак:

*Куч-қудратинг билан Сен баландсан Осмон,
«Ота-она» деймиз биз Сени бегумон.*

Бироқ бора-бора **чжоулар** салтанатига путур етиши билан Осмон култига ҳам эътимод пасая борди. Ам-

мо Конфуций бу ҳолатга қарши чиқди, чунки унинг таълимотида Осмон қудратига жуда катта аҳамият берилган эди. Зеро «Инсоннинг яралиши ва қазоси Осмон ихтиёрида!» (53:184).

Оила, жамият, давлат тузилиши ва уларнинг бошқарувчиси ҳақида сўз юритилганда, бу камровли жабҳалардаги муаммолар ечимида Конфуций эътиборида доим биринчи юксак эътиқодли комил инсон омили бўлган. Чунки ҳар қандай – сиёсий, ижтимоий ёки иқтисодий муаммолар ечимининг топилиши инсон табиатидаги устувор хусусият ва фазилатлар бадалига юз беради. Ва турли тоифадаги «одамларнинг асл бирлиги» ва афсуски, улардаги табиатан мавжуд бирлик сифатларнинг замона зайли билан ўзгариб туриши Конфуций қаламида инкор этилиши мушкул бўлган қуйидаги қиёслар билан шундай баён қилинган:

«Қадим замонлардаги одамларда уч турдаги «камчилик» бўлган, ҳозир эса бу «камчиликлар» йўқ.

Негаки, қадимда ўзбошимча одамлар керак вақтда ўзларини тута олардилар, ҳозир эса ўзбошимчалар ўзларини ушлай билмайдилар; қадимда ўз-ўзини севучилар керак бўлса бундан воз кеча олардилар, ҳозирдачи, улар бу «уятли одат»ни газаб билан бекитадилар; қадимда ҳатто аҳмоқлар ҳам тўғри сўзлардилар, ҳозир эса улар ёлгон тўқийдилар».

Гарчи юқорида инсонга хос нохуш хусусиятларнинг қачондир ижобий ва даврлар ўтиши билан салбий рух ихтиёр этганлиги надомат руҳида айтилган бўлса ҳам, аммо инсон зотига хос – у маънан комил ёки ноқобил бўлишидан қатъи назар, аксариятда яна бир шундай умумийлик борки, уни Конфуций шундай саралаган:

«Тўрт нарса борки, улар одамларга хотиржам бўлишларига имкон бермайди: биринчиси – узоқ яшашга интилиш, иккинчиси – шон-шухратга интилиш, учинчиси – жамиятда юқори ўрин тутуши-

га интилиш, тўртинчиси – бойликка интилиш. Бу тўрт жиҳатга эга кишилар ҳамيشа руҳлардан, одамлардан, куч ва жазодан кўрқадилар».

«Хитой маданияти отаси» тавсия этган диний ва дунёвий соҳадаги нормативларининг амалиётга уйғунлиги ва уларнинг истифодаси мавжуд шароитларда доим ҳам кўллаб-куватланмаган. Хитойшунос Л.П.Делсин таъкидлашича, «Қайси бир мулозим ўзининг ижтимоий ёки сиёсий фаолиятини мутафаккирнинг юксак тамойиллари асосида олиб борса, масалан, *Мин* даврида катта қийинчиликларга дуч келган. Шунинг учун у ё ўқиб ўрганиладиган меросий кадриятларни бузиши ҳисобига лавозимда кўтарилиши ёки маънавий нормаларга қатъий амал қилган ҳолда ўзига олдиндан тобут сотиб олиши керак эди» (26:36). Ва ҳаттоки конфуцийлик маънавий эътиқоди хитой жамиятида кенг тарқалган вақтларда ҳам, унинг ғояларига қарши руҳдаги таълимотлар етарли бўлган.

Масалан, Конфуцийликнинг ўтмиш аجدодлари аён-аналари ва урф-одатлари замирида мамлакатни бошқаришга қаратилган тамойилларига «*легист*»лар қарши чиққан. Улар ўзларининг замон тақозосига кўра давлатнинг муайян қонун-қоидалар асосидаги бюрократик тизимда фаолият кўрсатиши тамойилини илгари сурганлар. Ва «Қонун мактаби» аталган бу янги таълимот *Цин* подшолигида жорий қилинган. Сулола ҳукмронлари эса, «Қонун мактаби» асосидаги «кучли давлат ва ноилож авом» ҳақидаги ғояни жуда мамнуният билан қабул қилганлар (29:429).

Аввалдан «*Фацзя мактаби*» тарафдорлари бўлган *Цин* ҳукмдори *Цин Ши-хуангди* милоддан аввалги 213-йили ўз мулозими *Ли Си* маслаҳати билан классик ғоялар замирида яратилган «Конфуций ҳикматлари» китобини ўтга ташлатиб ёқиб юборган. Фанда ҳатто бу воқеанинг ўз тарафдорлари ҳам бўлган.

Айтайлик, проф. *Го Мо-жо* императорнинг фаолиятини ижобий баҳолаб, конфуцийлик мафкурасининг мағлубиятини ёқлаб чиққан, чунки олим унга Хитойни ортга тортувчи омил сифатида қараган. Шунингдек, ушбу таълимот таназзулига доир хулосада, таълимотнинг гўё на янги ҳукмдорлар синфига, на маъмурият мулозимларига, на савдогарлар аҳлига ва на халққа маъқул бўлмаганлиги айтилган (52:261).

Шунга қарамай, ўз вақтида Хитойда Конфуций ижоди ва фаолияти хусусида билдирилган ижобий фикрлар қатори шунингдек, салбий – очиқ айтганда, гўё зарarli фалсафа асносидаги тазйиқлар ҳам маънан илоҳотчини унчалик саросимага солмаган. Чунки амалда «Конфуций ўз таълимотида акс этган давлатни бошқариш хусусидаги ғоялари натижасига шунчаки бир мутахассис сифатида эмас, балки, у бу ишга Осмон томонидан ўзига берилган илоҳий миссия сифатида қараган». Аммо унинг ёзган асарларида мазкур миссия ҳақида ўзи томонидан, таъриф жоиз бўлса, ҳатто оғиз ҳам очилмаган.

Конфуций таълимотида

давлатчилик мавзун

Давлатнинг бошқарув йўлини Конфуций ундаги жорий эътиқоднинг мавқеига қараб уч турга бўлган:

1. Дао – йўл туйғуси билан яхши бошқариладиган давлат.

2. Дао – йўл туйғусидан махрум бўлган ёмон бошқариладиган давлат.

3. Диний эътиқод туйғуси бўлмаган зулмат ичидаги мавжуд давлат.

Биринчи тоифадаги давлатда ҳар бир киши олдида маънавий имкониятлар эшиги очиқ бўлиб, табиий интилишлар туфайли ҳамма нарсага эришиш кишининг ўзига боғлиқ ва бу ерда фақат дангаса кишигина қашшоқ яшаши мумкин.

Иккинчи тоифадаги маънавий асослардан маҳрум давлатда фақат маънавиятсиз одамлар яшаб баҳра топиши мумкин, ҳақиқатгўй, билагон ва меҳнатсевар кишилар йўқчиликка дучор бўлади.

Учинчи тоифага хос хусус ҳукм сурган давлатда эса, узоқ яшаб бўлмайди, у ерда одамларнинг ўзи тартиб ўрнатиши керак. Шу тамойиллардан келиб чиқиб *Лун юйда* хитойларга қуйидаги маслаҳатларга амал қилиш тавсия этилган:

«Тинчлик йўқ давлатга борма ва беқарорлик шароитида яшама. Дао-йўл мавжуд давлатларда камбағал ва бенуфуз бўлиш айбли. Дао-йўлдан маҳрум давлатда эса, бой ва номдор бўлиш уятдир».

Вақт ўтиши билан бу нуқтаи назар нафақат Хитойда, балки бутун конфуцийлик таълимоти тарқалган минтақаларга ҳам катта таъсир кўрсатди.

Дао-йўл мавжуд давлатни яхши бошқарилишида Конфуций масаланинг маънавий-ижтимоий томонлари билан бирликда иқтисодий жиҳатга ҳам тегишли эътибор берганлиги унинг қуйидаги сўзларидан маълум:

«Яхши бошқарилган давлатда етарли озиқ-овқат ҳамда кераклигича қурол-яроғ бўлади. Фақат мажбур бўлинганда халқнинг ишонч-истагидан ташқари озиқ-овқат танглиги бўлиши туфайли қурол-яроғ заҳирасидан воз кечилиши мумкин...».

Муаллиф озиқ-овқат ҳақидаги танглик ва қурол-яроғлардан воз кечилиши деганда, турли табиий офатлар сабали юз берадиган нохуш ҳолатлар ва зарур келса, қурол-яроқдан-да муҳим таъминот тақчиллигини тугатиш ҳолатлари эътиборга олинган. Чунки *Чжанго* - жангари подшоликлар давридаги замон руҳига хос ҳарбий юришлардаги жангу жадаллар ёки кутилмаган ёвнинг босқинлари вақтида Конфуций урғулаган ҳолатлардан чиқиш тамойиллари кун тартибининг энг дол-

зарб масалаларидан бири бўлган эди. Башарти мавзу навбати бошқарув тизими тамойиллари фарқи ҳақида экан, *Лун юй*да тавсия этилган Конфуцийнинг давлатчилик модели куйидагича:

«Устоз деди:

- Давлатни «дэ» кучи ёрдамида бошқаринг. Бундай бошқарув ўз жойида турувчи Кутб юлдузи ва уни ўраб турувчи юлдузларнинг атрофда айланишини эслатади».

Бундай давлат бошқарув тизимининг афзаллиги, Конфуций таърифида, подшо ва фуқаро ўртасидаги хитой маънавиятига мансуб «кибор ва авом»нинг ўзаро уйғунлиги масъулиятида.

«Хукмдор ўз қўл остидаги мулозимлари билан диний тақозоларга мувофиқ муносабатда бўлиши, улар эса садоқат асосида хукмдорга хизмат қилиши керак».

Энди ҳокимиятга кимлар муносиблиги ҳақидаги Конфуций хулосасига келсак, у куйидагича:

«Агар ҳокимиятда қалби пок мулозимлар қалби нопоклардан юқори қўйилса, унда халқ итоатда бўлади. Борди-ю, қалби нопоклар қалби поклардан устун бўлса, унда халқ итоатсизлик қилади».

Гарчи ўтган қарийб икки ярим аср даврида Конфуций таълимоти турли хитой империялари хукмронлигида гоҳ муваффақият ва гоҳо мағлубиятга учраган бўлса-да, унинг номи барибир башарий диний эътиқодлар асосчилари рўйхатига киритилди. Чунки «конфуцийлик диний эътиқод сифатида ҳеч қачон ўз ибодатхоналар институтига эга бўлмаган деган фикрларга қарай, у моҳиятан халқ онгини тарбиялаб, унинг ахлоқини шаклланишида шубҳасиз диний эътиқод ролини бажарди» (53.5). Ва конфуцийликнинг расман мафкура сифатида тан олинishi бевосита мамлакатнинг тараққиёти билан бирликда кечди.

Таваллуд ёшидан то ўз таълимоти муаллифи ёшига етиб келгунча Конфуцийга жуда кўп қийинчиликка

дош бериб, говларни енгиб ўтишга тўғри келди. Лекин 54 ёшда унинг бошига тушган фарзанд доғи ва ундан кейин эса севикли хотинининг вафоти каби кўргиликлар, мутахассислар фикрича, ҳатто алломанинг ўлимини тезлаштирди.

«У етти кун давом этган оғир хасталиқдан сўнг миллоддан аввалги 479 йили 73 ёшда вафот этди». Буюк файласуфнинг сўнгги куни ҳақида яна шундай бир маълумот бор:

«У эрта тонгда ётоғидан чиқиб, одатан қўллари белига қўйган ҳолда хизматкорларини чақирди. Кейин ўзича бир қўшиқни хиргойи қилиб эшик ёнига келиб:

- Улкан тоғ майдаланиб қулаши, мустаҳкам ўй (синчлари) синиши ва мутафаккир киши хас каби эгилиши керак – дея, уйга киргач эшик қаршисида ўтириб яна шундай деди:

- Ақлли қоҳин ҳам келмаётир. Мени империяоо бирорта ўзига устоз қилмоқчи зот қолмади. Демак, ўлимнинг вақти ҳам келди, чоғи!»

Айни Конфуций айтганидек – у ўз тўшагида ётиб, етти кундан сўнг дунёдан кўз юмди.

Конфуцийнинг вафотидан кейинги илоҳийлашуви унинг таълимоти талқинларини ҳар бир хитойлик учун фарз аъмол даражасига кўтарди ва шунга яраша Хитойда давлат қонун-қоидалари ҳам жорий этилди. *Лун юй*да баён қилинган таълимот асослари Устоз вафотидан кейин ҳам унинг садоқатли издошлари томонидан давом эттирилди. Хитой конфуцийлигининг мантикий давомчилари *Мэн-цзи* ва *Сюн-цзи* ўз фаолиятида замон руҳиятини инobatга олиб таълимотнинг янги қирраларини кашф қилдилар.

Мэн-цзи бой оиладан чиққан бўлса-да, устози каби Хитойда дарбадар кезиб халқ ичиди «*Устоз Мэн*» номи билан танилди. Аммо унинг фалсафий дунёқараш-

ларига хос комиллик ва давлат бошқаруви хусусидаги тамойиллари худди устози ҳаётлигидаги каби зодагонлар эътиборини қозонмади. Ва шундан кейин у ҳам Конфуций анъанасини давом эттириб мактабдорлик билан шуғулланди. Унинг доктринаси моҳиятини қуйидаги *Вэй* подшолиги ҳукмдори *Лян-хуэй-ван* билан қилган суҳбатидан сезиш мумкин. Яъни, подшоҳ файласуфдан ўзининг сўнги ҳарбий мағлубиятлари шармандалигини қандай қилиб ювиши мумкинлиги ҳақида сўраганда *Мэн* унга “инсонпарвар бошқарув” тамойили мазмунини шундай мисол билан тушунтирган:

«Инсонпарвар бошқарув жуда тезлик билан ўз ҳосиласини беради, айниқса қишлоқ хўжалигида. Ушбу услуб бошқарувида бўлган деҳқонлар ерни чуқурроқ ҳайдаб, жўяларни текис олади ва натижада ҳосилдорлик ҳам ошади. Бу шароит деҳқонда тўкинчилик пайдо этиб, унга ўз-ўзини тарбиялаш имконини беради. Натижада бу деҳқонларга уруш вақтида қўлига таёқ берсанг ҳам улар қилич билан келганларни мағлуб этадилар» (48:297).

*Мэн*нинг фалсафий фикрлари инсон интеллекти хусусида ҳам жуда қимматли эди, унинг «*Цзин син* – Онг истифодаси» трактати бунинг энг ёрқин намунасидир. Шундай экан, «Онг истифодаси» трактатининг муаллифи *Мэн-цзи* онг ва унинг тўғри истифодаси ҳақида билдирган ўз фикри охирини онгли зотнинг *Дао* – йўл хизмати марҳаматига ноил бўлиши билан яқунлайди.

Мэн-цзи деди:

«Агар ким ўз онгини ишлата билса, ўзининг қимлигини англайди. Ўз табиатини таниган эса Осмонни танийди. Ўз онгини сақлаган ўз табиатини тў-

йинтиради¹ ва шундай қилиб у Осмонга хизмат қилади.

Бевақт келган ўлим ҳам ва на узоқ умр кўриш ҳам бизнинг онгимизни иккиланишига олиб келиши керак эмас. Балки ўз-ўзни такомиллаштириш билан шуғулланиб унинг натижасини кутиш керак. Шу тариқа биз ўз тақдиримизни яратамиз» (84:7A-1).

Бу билан Мэн айтмоқчики, фақат ботиний комил инсонгина Осмон марҳаматига ноил бўлади ва У билан бўладиган алоқа орқали унинг тақдири белгиланади. Яна файласуф шундай деган:

«Агар мақсад «онгни тўйинтириш» бўлса, унинг учун истақ ва хоҳишни камайтиришдан яхшиси йўқ. Шунинг учун кишида хоҳиш кам бўлса, ҳатто баъзан у ўз онги тамойилини сақлай олмаса ҳам, у ўз йўлидан адашмайди» (84:7B-35).

Хуллас, бир сўз билан айтганда, тарих Конфуций таълимотига алоҳида моҳият бахш этди. Айнан шу таълимот узоқ Шарқ умргузаронлиги асоси бўлиб, Хитойдан ташқари Корея, Япония ва Вьетнам мамлакатларини ҳам ўз қамровига олди. Асрлар оша бир иероглиф ёзувидаги маданиятларнинг конфуцийлик таълимоти билан уйғунлашуви бу мамлакатлар аҳолиси миллий тафаккури нуфузини янада оширди. Оқибатда эзгулик, инсонпарварлик, билим култи ва инсофу диёнатга асосланган Конфуций ғояларига минтақа халқлари ҳозиргача ўзларида маънан яқинлик ҳис қиладилар (53:211). Шу маънода Шарқий Осиё халқлари миллий тафаккури тараққиётига Конфуций нималар берганлигини аниқлаш учун корейс политологи проф. *Ли Ин Сонг* сўзларини келтириши мумкин:

«Мухтасар равишда ифодаласак, конфуцийликка эътиқод қилган халқлар биринчи навбатда эътиборни ои-

¹Тўйинтириш – бу такомиллашув маънасини англатади.

лага, жамоатчиликка, инсоний олий таълим ва маънавий такомилликка қаратадилар» (46:44).

Шундай экан, юқорида мухтасар келтирилган Конфуций таълимотига хос прогрессив тамойиллардан қуйидаги савол келиб чиқиши мумкин: «Хитойликлар учун маънавий кадриятларнинг олий намунаси бўлган конфуцийлик фақат ижтимоий-фалсафий таълимотми ёки диний эътиқодми?»

Ҳозиргача бу саволга берилган жавобларнинг аксарияти конфуцийликнинг фалсафий таълимотдан кўра кўпроқ унинг диний эътиқод эканлиги фойдасига ҳал бўлгандек. Шулардан бирида айтилишича, «конфуцийлик – бу Хитойда пайдо бўлган турли диний-фалсафий ва этик доктриналарнинг мажмуи. Шу жиҳатдан ҳам шубҳа йўқки, конфуцийлик – бу диний эътиқод, сабаби унда қадимдан одат бўлган Олий кучга – Осмонга сиғиниш қабул қилинган (71:394).

Фанда конфуцийлик сингари бошқа диний-фалсафий таълимотлар мавзуида ҳам «динми ёки таълимот?» каби саволлар устида кўп мунозаралар қилинган. Масалан, брахманизмдан мустақил ажралиб чиққан жайнизм ва буддизмдек ўз асли, яъни Ведага нисбатан ноортодоксал таълимотларнинг пайдо бўлганлиги сабабларга чуқурроқ эътибор берсак, деярли уларнинг бари асосан кишилик жамиятининг маънавий, мафкуравий, ижтимоий-сиёсий ва ҳаттоки иқтисодий жиҳатдан таназзул топиши вақтларига тўғри келган.

Шу нуқтаи назардан Конфуцийнинг дунёга келиши ва унинг фаолияти даври ҳам хитой жамиятининг туб мафкуравий, ижтимоий-сиёсий ўзгаришларга кўз тиккан палласи эди. Том маънода ҳолдан тойиб, фақат номигина қолган *Чжоу* империясидаги аристократларнинг ўзаро жанжаллари, марказий ҳукуматнинг кучсизланиб обрў-эътибори қолмаганлиги, маъмурий мансабдорларнинг укувсизлиги, илгари тобе кичик қаби-

лаларнинг марказга бўйсунмай кўйганлиги ёки масъул ходимларнинг бойлик, мансаб-мартабага интилишлари ўша кезлардаги мамлакат тушқун аҳволининг аччиқ ҳақиқати эди.

Мана шундай ҳар тарафлама тубанликка маҳкум жамиятни ортга қайтариш, уни қайта тиклаш, фуқароларда ўтмишнинг ибратли анъаналари туйғусини уйғотишдек ўта мушкул ишни уддалаш учун Хитойда жамиятнинг назари тушган кучли бир идеал шахснинг ғоя ва дунёқарашларига эҳтиёж сезиларди. Ва бу каби ўз халқи олдидаги ушбу шарафли вазифани бажариш масъулияти Конфуций тақдирига битилган эди.

Балки шунинг учундир, конфуцийлик таълимотининг жамиятда илдиз отган нопоклик, ноинсофлик, адолатсизлик, молпарастлик, худбинлик, бераҳмлиқ ва ғаразғўйлик каби иллатларга муҳолиф идеали «Цзюнцизи», яъни «Маънавий такомиллик» руҳида акс этиши керак эди.

Конфуций ўзининг дунёвий муаммолар ечимига ёндашувини ақлий теранлик, руҳий мўътадиллик ва шукрона руҳдаги умргузаронлик асосида белгилади. Унинг учун этика наинки маънавий, ҳатто ижтимоий-сиёсий тартиб масалаларида ҳам ҳал қилувчи омил эди. У шу сабабдан ҳамюртлари орасида улар учун “янгилик” бўлмаган ўтмишнинг синашта тажрибалари ва аждодлар ибратидан ўзликни англашга бағишланган ғоясини илгари сурди. Унинг фикрича, жамиятдаги қусурлар туфайли юзага келган ўзликка терс маънавий-ижтимоий вазият, эндиликда инсондан ҳаётга ва дунёга бўлган муносабатларини қайта таҳлил этишни талаб қиларди. Чунки:

«Одамларнинг ҳаммаси ҳам ўз тугма хусусиятларига кўра бир-бирларига яқин. Лекин улар тугилганидан кейин чиқарадиган одатлари билан бир-бирларидан фарқ қилади. Фақат энг улуг олим би-

лан уччига чиққан овсаргина ҳеч қачон ўзгармайди»
(3:744).

Шунинг учун мавжуд шароитда, мажозан, масалан «яхши ва ёмон, баланд ва паст ёки эзгулик ва жоҳиллик» каби тушунчалардаги мавжуд зиддиятни барта-раф этиш орқали эришилиши мумкин бўлган «бирлик» хусусида Конфуций деганки:

«Соғлом жамият қуриш мезони бўлган «Хэ» - уй-гунлик ҳамда бирликка фақат икки қарама-қарши қутбларнинг ўзаро тушунча ва масалалари ечимига хос тўқнашувнинг бартараф этилишидан сўнгина эришиш мумкин» (71:397).

Ҳар бир оиланинг ўз ҳолича кичик бир давлат эканлиги азалдан маълум ҳақиқат. Конфуций ҳам худди шу ҳақиқат асоси тарғибида давлатнинг ички сиёсий масалаларини ҳал қилиш мумкинлигига ишонган. Гўё тартиб ва интизом ўрнатилган уйга хос «ота ва ўғил ўртасидаги онгли тафовут» конфуцийлик талабига мувофиқ мамлакатда ҳам подшо ва авом ўртасидаги муносабатга тимсол бўлмоғи керак эди. Фақат шундагина хонадондаги тинчлик сингари жамиятда ҳам ҳамма ўз ўрнини билгани боис барқарорлик ҳукм суриши мумкин. Бинобарин, жамиятда Конфуций ғоясидаги ота ва ўғил каби подшо ва фуқаро ўртасидаги тафовутнинг сақланиши учун қуйидаги этик фазилатларни амалда жорий этилиши шарт, деб билинган:

1. *Чжун* – садоқат туйғуси.
2. *Жэн* – инсонпарварлик туйғуси.
3. *Сяо* – катталарга иззат ва ҳурмат туйғуси.
4. *Ли* – муомалага доим онгли ёндашув туйғуси.

Ёки юкоридаги шартларни оддийгина қилиб таърифлаганда, таълимот томонидан жамият олдига қўйилган талаб-тақозолар, соғлом оиладаги ўзаро муно-

сабатларнинг кенгайтирилган давлат савиясидаги бир шакли эди. Бунинг учун ҳар бир киши ўзидаги табиатан берилган барча ижобий жиҳатларига номуносиб қусурларидан воз кечиши – нафс ва эҳтиросдан холи ҳолда мўътадил ҳолатда яшашга кўникиши зарур ҳисобланган.

Бу шундай онгли кўникма бўлиши керак эдики, токи унинг амалиёти жамиятда тартиб сақланишини жазо чораларисиз олиб боришга имкон яратсин. Ва бунинг натижасида фуқаролар мавжуд жамият ҳаётида ўз ўрнини тўғри топа олганлиги билан ўз жойида, ўз шароити ва мавқеида бахтиёр бўлсин! Борди-ю, бирор хитой фуқароси аввал ўз эътиқоди бўлган конфуцийликдан даосизм ёки бошқа бирор динни қабул қилган тақдирда ҳам, маънан унинг ҳаёт тарзи Конфуций тамойиллари вожиб этган амалиётда кечиши керак эди!

Таълимотда соғлом жамият яратиш учун зарур бўлган барча ижобий руҳдаги инсоний хислатларнинг ўзидан намоён бўлмаслиги уқтирилиб, уларга эга бўлиш учун кишининг ўз-ўзини тарбиялаши, ҳаётда ўз ўрнини топишга интилиши каби масъулиятни онгли равишда ҳис этиши кераклиги тарғиб этилган. Фақат шунда киши ҳақиқатгўй, тўғри кўнгил, кўркмас, зийрак, сўзда эҳтиёткор, амалда иккиланмайдиган, ёшликда шаҳвоний майлдан сақланувчи, кексайганда эса қизганчиликдан холи ҳамда таомга, бойликка, кулайлик ва моддий манфаатга бефарқ идеал фуқаро бўлиши мумкин. Ана шундай маънавий баркамол “Олижаноб зот фақат ўз бурчи ҳақида ўйлайди, паскаш эса, ўз манфаати!” (19:288-289).

Конфуцийликда «идеал инсонлардан таркиб топган жамият»нинг юқори ва қуйи қатламларга бўлиниши ҳиндларга ўхшаб насл-насаб негизида эмас, балки ўз хизмат доирасидаги етуклик ва жамиятга садоқат даражасида тушунилган. Расман юқори мансабларга му-

яссар бўлиш учун эса, ҳамма ҳам ҳақли, аммо асосий гап – бу сидқидилдан халққа хизмат қилишда!

Умуман, таълимотнинг инсон зотига муносиб умргузаронлик қилиш хусусидаги фуқаролар олдига қўйган масъулияти, ўзининг умумбашарий камрови ва мағзомоҳияти билан ўзга дунё диний эътиқодлари маънавияти учун ҳам характерли эди. Бирок, конфуцийликнинг – «идеал инсонларнинг жамияти» ҳақидаги тарғиботи ўз даврида муҳолиф талқинларга дуч келиши ҳам аён эди Чунки «маънавий ислоҳотнинг бу услуби жамиятда алоҳидалик ёки ўз яқинларига бўлган муҳаббат ҳиссиётини кучайтириб, ўзгаларга нисбатан нафрат уйғотиши мумкин»лиги даъво қилинган. Конфуций таълимоти ғоясига қарши чиққан мутафаккир *Мао-цзи* ўз эътирозини баён қилиб, у шу эътироз замирида «Осмон ости»да тартиб ўрнатиш учун «умумий севги тезиси»ни ёқлаб чиққан:

«Ҳозир ҳукмдорлар фақат ўз манфаатини дейди ва фақат ўз давлатларини ёқтирадилар, оила бошлиқлари ҳам худди шундай фақат ўз оила аъзоларини севади, аммо ўзгаларни хуш кўрмайди. Башарти кенг маънодаги умумий севги туйғуси бўлмас экан, у ҳолда бундай чекланиш ўзгаларга нисбатан нафрат ҳиссини уйғотади» (29:399).

Мао-цзи эътирозидан фарқли ўлароқ, Конфуций таълимотида талаб қилинган идеал инсоннинг идеал жамиятга хизмат қилиши ва шунингдек, соғлом оилавий муносабатларнинг давлат миқёсида жорий этилиши, аслида одамзотга нисбатан шахсий севги туйғусининг нафрат эмас, балки умумий меҳр-муҳаббат касб этишига асосланган эди. Агар айни жиҳатни ўзга динлар маънавий захирасидан изласак, масалан, инсонларнинг ўзаро бир-бирини севиши исломда мўминликнинг аломати бўлиб, бу ҳақда Ҳадиси шарифда шундай марҳамат қилинган:

«Жаннатга кира олмайсизлар, токи мўмин бўлмагунча, мўмин бўла олмайсизлар, токи бир-бирингизни севмагунча». 1

Конфуцийликда хоҳ оила, хоҳ давлат микёсида бўлсин, якка ҳокимлик ҳукмронлиги ғояси шу даражада юксак моҳиятга эга эдики, унда подшо тўғридан тўғри илоҳ мақомига кўтариларди. Конфуций таҳрир қилган «Баҳор ва куз» номли асарида подшонинг илоҳийлиги энг ишончли ҳужжат сифатида шундай далилланган:

«Император – «Осмон ўгли», демак, унинг ердаги кўриниши – «Осмон»нинг жонли тимсоли, ер юзидаги қуруқликнинг маркази. У амр-фармонларни Осмондан олади, тобе ҳокимлар эса уни «Осмон ўгли»дан оладилар».

Айтгандек, бундай илоҳий ихтиёрга эгалик бир томондан, императорга чексиз имконларни яратиб берса, лекин иккинчи томондан, бу улуғлик императорга илоҳий фазилатларга муносиблик масъулиятини ҳам юкларди, яъни:

«Император Осмон ва денгиз каби улугвор бўлсагина халқ уни ҳурматлайди ва унинг ишларига хайрихоҳлик қилади!» (3:745).

Ҳа, конфуцийлик тарихида шунингдек, унинг кўкларга кўтарилган миллий ғоялари давлатни бошқаришда қўл келмай, сиёсатдан четлатилган вақтлари ҳам бўлган, масалан, милоддан аввалги V -III асрларда **Чжанго** давридаги **легизм** фалсафий мактаби тазйиқи остида. **«Легизмнинг** муросасиз қонунлари конфуцийликка нисбатан ҳукмдор учун мулкдорларни доим қўл остида ушлашга қулай ва Хитойни бирлаштириш ишида янада кўпроқ ҳуқуқлар берарди». Шундай бўлса-да, маълум маънода ўзаро ўхшашликлари ҳам бўлган ҳар икки фалсафий таълимот синтезининг вужудга келишида **Хан** сулоласининг машҳур императори **У-ди** катта ҳисса қўшди. Шу жиҳатдан унинг вазири **Дун**

Чжун-шу томонидан конфуцийликнинг ўз аслидан биров мавжуд шароитга мослаштирилиши – ғояларнинг тизимлашуви, уни яна расман ягона давлат динига айланиши билан тугалланди (19:298).

Конфуцийликнинг давлат сиёсати, ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ҳамда маданий ҳаётида ўйнаган салмоқдор роли шарофати билан таълимот мамлакат миқёсида чуқур ўрганилди ва унинг юқорида айтиб ўтилган давлатчилик атрибутлари янада юқори поғонага кўтарилди. Шунинг учун «Хитой таълим тизимида қадимий матнларни ўқий олиш ва тушуниш, ҳикматли сўзларни оғзаки ва ёзма тарзда талқини билан истифода этиш тажрибаси ва умуман, ўтган мингйилликлар даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳасида эришилган муваффақиятлар бари, кейинчалик бориб конфуцийлик таълимоти юзасидан эгалланган билим савияси билан ўлчана бошлади. Таълимотни мутахассис даражасида ўзлаштирилиши ҳаётнинг исталган жабҳасида – мансаб, мартаба, лавозим, бойлик, иззат ва хурматга эга бўлишнинг ягона манбаи бўлиб қолган эди».

Бир қарашда конфуцийлик хусусидаги илм манбаининг хитой жамиятида маънавий, ижтимоий ва моддий манфаатлар омилига айлангандек кўринишининг яна иккинчи бир муҳим томони бор эди.

У – шу эдики, бунда аристократ доиралардан ташқари иқтидорли қуйи табақа вакиллари ҳам имтиҳонларда ўз эгаллаган билим даражасига қараб келгусида давлат ва бошқа юқори мавқедаги вазифаларни бажариш имкониятига эга бўлдилар.

Агар шу ерда «конфуцийлик ва таълим» мавзудан биров чекиниб, таълимотнинг ўтган асрлар ичидаги назарий ва амалий трансформацияси масалаларига диққат қилсак, муҳим бир хусусиятни илғаймиз. Яъни, конфуцийликнинг инсон шахсиятига тааллуқли идеали шу даражада ҳаққоний – нафс ва эҳтирос, бойлик

ва ҳою-ҳавас, хиёнат ва мунофиқликдан холи бўлган маънан юксак пойдеворга қурилган эдики, “энди, - юқорида қайд этилганидек, - бундай кишиларни назорат этишга мўлжалланган қонуннинг ўзига жамиятда ҳеч бир ўрин йўқ эди!»

Яна, конфуцийлик таълимоти бўйича, жамиятда Осмондан нозил қилинган *жэн* қонуни ҳукм суриб, унга мувофиқ ҳар бир фуқаро ўзининг жамиятдаги тутган ўрни ва шунга яраша ахлоқ-одоб нормаларига бўйсунниши кўзда тутилган эди. Шунинг учун таъриф жоиз бўлса, ушбу диний мажбуриятнинг замиридаги тамал тоши «конфуцийликнинг ўзга диний эътиқодлардан фарқли ўларок, ортиқча қурбонликлар қилиш ва мистик маросимлардан холи эканлиги» билан ажралиб турарди.

Кези келганда конфуцийликнинг *Хан* сулоласи вақили *У-дин*нинг ҳукмронлик йиллари давлат дини даражасига кўтарилгунича унинг ўзига хос тарзда кечган тарихи ҳақида ҳам эслаб ўтиш керак. Чунки бу таълимот диний мақомни муаллифнинг вафотидан тахминан уч аср ўтганидан кейин эгаллаган. Биринчи марказлашган Хитой давлати – *Цин* империясида, қисман юқорида айтилганидек, конфуцийлик тақводорлари *Цин-Ши-хуангди* томонидан тазйиқ қилинган ва ҳатто энг қаттиқ жазоларга тортилган. «Динга тааллуқли ҳар қандай маънавий, маданий ва илм-фанга доир манбалар ҳам бундай тажовузкор муносабатдан холи қолмаган – куйдирилган. Истисно тарзида фақатгина қишлоқ хўжалик, тиббиёт ва дуою афсунга доир адабиётлар сақланиб қолган».

Тарихчилар фикрича, императорнинг юритган диний масалалардаги беаёв сиёсати, яъни зиё аҳлидан чиққан юзлаб етук дин ва илм арбобларини кўпоровчи унсурлар сифатида қатл этилиши оқибати ахир империяни кўзғолонлар қарига тортиб, охири император вафоти-

дан кейин уни таназзулга учратди.

Хитой тарихидаги мазкур узоқ ўтмиш сабоқлари навбатдаги сулолалр ҳукмронлигида ўз самараларини берди. Хусусан, конфуцийликнинг *У-ди* даврида маънан илоҳиятга йўғрилган доасизм руҳиятига яқинлашуви, ниҳоят, Осмон, Ер ва Инсон ўртасидаги асосий воситачи *ванг* – подшо ваколатининг ўз меърожий нуктасига кўтарилишига хизмат қилди.

Бу қисқа таҳлилдан хулоса шуки, Конфуций таълимотининг замона зайлига қараб сиёсий, ижтимоий ва маънавий ҳаётдан узоқлашмаганлиги келгусида жамиятнинг ботиний онгига сингдирилган аждодлар руҳига нисбатан садоқат устуворлигини асрлар оша сақланиб қолишини таъминлади. Ва ушбу устуворлик ҳатто хитойларнинг конфуцийликдан кейинги буддизм давридаги ижтимоий-маънавий ҳаётининг барча соҳаларида ҳам ўз муҳрини қолдирди.

Гарчи янги дин – буддизм хитойларга ҳар қандай кишида табиатан қизиқиш уйғотувчи сирли олам бўлмиш «нирвана» ва ундаги роҳат-фароғат туйғуси тунунчасини бахш этган бўлса-да, аммо улар урф-одат, азалий анъана ва энг муҳими, руҳан, ахлоқан ва фикран деярли «конфуцийпараст» бўлиб қолавердилар. Чунки «ҳар бир хитойлик таълим-тарбияда, муомаламуносабатда ва айниқса, маросимлар анъанасида ўзининг ёруғ дунёдаги биринчи қадамидан то сўнгги нафасигача ота-боболардан қолган – ҳар қандай ислоҳотдан ташқари бўлган вожиб амалларга садоқатда кўз юмарди«».

Диншуносликда конфуцийлик расмий маросимларининг бошқа диний эътиқодларга хос айни руҳдаги амалиётдан ўзининг мураккаб ва бардавом эканлиги билан ажралиб туриши тез-тез эсга олиб турилади. Зеро, қадимдан бу жараёнда ибодат ва мавжуд анъаналарни маромига етказиб бажарилиши тақводорнинг

маълумоти савияси ва сифати асосида баҳоланган. Манбаларда зикр қилинишича, дунёдан ўтган ота-боболар хотираси хурмати учун бажариладиган айрим маросимлар жуда узоқ, ҳатто йил бўйи ва ундан-да ортиқроқ давом этган. Агар бирорта «*шен-ши*» – махсус билим эгаси ёки мансабдор ўз ота-онасини дафн этиш ёхуд ўтган аждодларини хотирлаб вожиб маъракани ўтказгудек бўлса, орадан қанча вақт ўтишидан қатъи назар, унга кейин яна ўз иш жойига қайтиш ҳуқуқи берилиб, то маросим тугагунча маош ҳам тўлаб турилган (19:305). Шунга яраша жамиятда маълум мавқега эга зотларнинг маросимлари оддий авомдан фарқли равишда катта сарф-харажатлар бадалига ўтказилган.

Амалда хитойлар ҳаётида диний-анъанавий маросимлар қонуни ва талабларига риоя қилиш шу даражада муҳим бўлганки, улар бу масъулиятни ўз вақтида сидқидилдан, мунозараю мубоҳаса қилмай ва албатта оқибат моҳиятига қизиқсинмай бажаришни фарз, деб билинган. Омими, зиёлими, мансабдор ё оддий фуқароми, ялписига хитойлар ичида маросимлар тамоёйили ва қонун-қоидаларига бўлган бундай фидойиликнинг автоматизм руҳини касб этишини уларнинг ўз диний тасаввурлари таъсирига нисбатан кўпроқ болаликдан онгига сингдирилган тарбиянинг «ҳосиласи» дейиш мумкин эди. Нафсиламр, бой ёки оддий меҳнаткашнинг ўз иши ва рўзғори ташвишларига қарамай, таълимот этикаси талабига бу қадар сўзсиз бўйсуниши ва миллий кадриятларни эъзозлаши ҳукмрон доираларга “кибор ва авом” ўртасидаги масофани сақлашга жуда кўл келарди. Ёки мазкур маънавий масъулиятнинг моҳияти, Конфуцийнинг ўз сўзлари билан айтганда, нуфузли доираларнинг диний маросимлар жараёнидаги тинчлигини қуйидаги асосида ҳимояларди:

1. “Қачонки улуглар ўтмиш нуфузини эъзозлаганда, уларга нисбатан оддий авомнинг беҳурматлик

қилишга ҳаққи йўқ.

2. Қачонки улуглар ўз фарзини адо этганда, оддий авомнинг бебошлик қилишга ҳаққи йўқ.

3. Қачонки улуглар диний эътиқод шартларини бажараётганларида, оддий авомдан ҳеч бир кишининг виждонсизлик қилишга ҳаққи йўқ”.

Конфуцийликнинг зикр этилган фалсафаси ва шартли этикаси ҳамда кейинчалик унинг дин сифатида жамият ва давлат ҳаётидаги ислоҳ қилинган фаолиятига қараб туриб, мантиқан, яна ўша юқорида мухтасар таҳлил қилинган саволга қайта-қайта дуч келинаверади:

«Конфуций таълимоти соф этиками, ижтимоий-мафкуравий фалсафами ё охир-оқибатда диний эътиқодми?»

Худди шу савол сабабидан диншуносликда ҳам конфуцийликка турли урғулар остида қараш тенденцияси ҳали-ҳамон давом этиб келади. Шундай экан, мазкур савол юзасидан фанда билдирилган муносабатлардан айримлари билан танишиб чиқамиз. Жумладан, канадалик синолог Джон Бертронгнинг фикрича:

«Коинотнинг асоси ғамхўрлик эканлигига бўлган эътиқод – оннинг Олий куч олдидаги кўркуви ва Унинг эъзозига хизмат қилувчи хитой динини яхудийлик, насронийлик ва исломдан ажратиб туради. Худди шунинг учун ҳам Хитойда диний эътиқоднинг этик фалсафа билан риштаси доим мустаҳкам бўлган».

Ёки рус диншунослигида Хитой диний-фалсафий таълимотлари хусусида мутахассислар назарига тушган Л.В. Васильевнинг хулосаси шундай яқунланади:

«Сўзнинг том маъносида тўлақонли дин бўлмаган конфуцийлик, оддий диндан-да муҳимроқ аҳамият касб этади. Конфуцийлик – бу ҳам сиёсат, ҳам маъмурий тизим, ҳам иқтисодий ва ижтимоий жараённинг бошқарувчиси, хуллас, бутун Хитой турмуш тарзининг тамойили, хитой цивилизациясининг асосий мағзи».

Яна шунингдек, тарихда «Конфуцийлик динми ёки таълимот» саволига ўз фалсафий, илмий ва адабий дунё-қарашлари ва улар асосида яратган асарлари билан ном қолдирган қатор ижодкорлар ҳам ўтган. Шулардан таълимотга ўта ҳурмат билан қараб, унинг инсон-парвар тамойилларини қаламга олган зотлар ичида буюк рус ёзувчиси Л.Н. Толстой ҳам бўлган ва у конфуцийликка нисбатан ўз муносабатини шундай изоҳлаган:

“Хитой таълимотининг асл мазмуни қуйидагича: ҳақиқий таълимот инсонни энг юксак эзгуликка – одамларни янгилашишга ва шу ҳолатда яшашга ўргатади, энг юксак эзгуликни эгаллаш учун эса халқ ҳаётида ободончилик бўлиши керак.

Бундай ободончилик бўлиши учун оилада хотиржамлик бўлиши керак, оиладаги хотиржамлик учун кишининг ўзи хотиржам бўлиши керак. Кишининг ўзи хотиржам бўлиши учун эса қалби пок ва тўғри бўлиши керак. Қалб пок ва тўғри бўлиши учун тафаккурда ҳақиқат, онглилик бўлиши керак. Тафаккурда онг устувор бўлиши учун киши ўз-ўзини ўрганиши керак”.

Савол юзасидан яна шундай «умумий» ҳисобланувчи фикр-мулоҳазалар ҳам бор, яъни: «Ҳозирги пайтда кўпчилик мутахассислар фикрича, конфуцийлик дин эмас, у сиёсий-этик таълимот».

Қадимги хитой тилида «дин» деган сўзнинг ўзи бўлмаган, бу сўз аслида японча «*сюке*» сўзи бўлиб, у дин маъносида XIX асрнинг охирида айрим матнларнинг европа тилларига қилинган таржималарида сунъий равишда истифодага киритилган. Хитойча «*цзяо*» сўзи, диний ё диний эмасликдан қатъи назар фақат таълимот маъносини билдиради(54:5).

Агар, энди юқоридаги руҳий оламга тааллуқли савол юзасидан яна Будда ва Конфуцийнинг шахсий фикрларига қайтсак, уларнинг руҳ ва охират мавжудлиги тўғрисидаги баёнларида, гўё бу масала одамлар учун

сир қолиши жоиздек.

Фикримизча, бу «мавхумотлар» эътирофи ўз мантиғи билан ғайриоддий Куч мавжудлигига бир ишора бўлса-да, аммо унга конфуцийликнинг фалсафий муносабати ўзга динларга мансуб анъанавий эмоционал ва мистик руҳиятдан буткул мустасно. Шунинг учун таълимотда ғайб мавзуи мунозараси махсус мушоҳададан узоқ. Ҳолбуки, Конфуций ўз фалсафий тафаккури қамровидан узоқ бўлган мавзу ёки унинг талқинларини очиқ рад этмаган. Аксинча, у ўз ўқувчиларига комил инсон ва ибратомуз жамият ҳақида сўзлаганида, «*Дао*»ни кишини камолот манзилига элтувчи маёқ рамзида таърифлаган:

«Олий мақсадларни фақат доим ҳозир у нозир Даога етишган ҳолдагина амалга ошириши мумкин» (73:32).

Пировардида Конфуций таълимоти бўйича, аждодлар хизмати ва ҳикматига мансуб фалсафа асосини ўзлаштирган зот учун, гўё Яратгanning ризолиги йўлидаги тоат-ибодатга ҳожат йўқдек. Бу жиҳатдан Конфуций дунёқарашлари жайнизмдаги инсоний такомиллик қаршисида Илоҳга мурожаатнинг иккинчи планга ўтиши ёхуд ҳиндуизмдаги «*Карам-дҳарам* – Меҳнатнинг ўзи ибодат» эканлиги тамойиллари билан анчайин муштаракдек.

Шунга ўхшаш парадоксал омиллардан яна бири — бу «Илоҳлар мавжудлигини тан оламан, бу ҳақда бутун дунё бир фикрда», деган Будданинг милодий биринчи асрдан тош бутлардаги сиймосига Худо сифатида сажда қилинганидек, Конфуций вафотидан кейин унинг култи ҳам аста-секин барча давлат фаолияти ва инсоний ахлоқ тақозолари бўйсундирилган ортодоксал ва бюрократив диний эътиқод мақомини эгаллади (58:553). Шундан сўнг конфуцийлик амалиёти мажозан икки фирқага ажралди: «оғзаки ва ёзма».

Сўнгги мингйилликнинг ўрталарида деярли барча

Жанубий ва Шарқий Осиё диний таълимотларида юз берган фирқаланиш тенденцияси – хоҳ буддизмдаги «*ҳинояна* ва *маҳаяна*» ёки жайнизмдаги «*дигамбар* ва *шветамбар*» мазҳаблари бўлсин, у қадар кескин бўл-маса-да, конфуцийликни ҳам четлаб ўтмади. Ўз дав-рида омма орасида кенг тарқалган барча таълимотдан ташқари адабиётлар қалбаки деб топилиб, милоднинг II асрида конфуцийликнинг махсус тошга ўйилган «Беш китоб»ининг давлат нусхаси асосий манба сифатида қабул қилинди.

Демак, Конфуций тақводорлари қўлидаги манба-ларга қараб икки гуруҳга бўлинганлар:

1. Биринчи гуруҳ – Беш китобгача бўлган илк таълимот даври адабиётига амал қилувчилар.

2. Иккинчи гуруҳ – Беш китоб ва ундан кейин ёзилган адабиётларга амал қилувчилар.

Бу хусусда қабул қилинган қарор шу қадар жиддий оқибатларга олиб келдики, Конфуций васиятларига амал қилмаган фуқароларни энг оғир – ўлим жазосига маҳкум этишгача борилди (56:143). Қолаверса, конфу-цийлик ғоясига йўғрилган Хитой конунчилигида деяр-ли дунёнинг бирор бошқа гўшасида учратиш мумкин бўлмаган яна шундай бир ғаройиб жазонинг тури бор эдики, унга биноан, ўз дангасалиги туфайли қашшоқ аҳволга тушиб қолганлар вақтинчалик ёки ҳатто узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилганлар. Бундан таш-қари, давлат дини даражасидаги конфуцийлик мафку-раси одамларнинг ўзаро муносабатларидаги иззат-хур-мат туйғусининг асл шарқона шаклларини келиб чиқи-шига ҳам ўз муносиб ҳиссасини қўшди. Мансабдор-ларнинг иш ва бошқа жабҳалардаги ўзаро муомалада суҳбатдошини «бошига кўтариб», унга нисбатан ўзини ўта хоксор тутиши ўз замонида одат тусига кирган ах-лоқ-одоб нормасининг бир кўриниши эди. Мулоқот ва суҳбатда истифодаси урф бўлган бўрттирма жумлалар

мажмуи тахминан куйидаги рухиятда ифодаланарди:

«Мендек бир камтарин қулингиз...»; «Тақсиримнинг исми муборақлари»; «Бевақт безовта қилганим учун мен нотавонни маъзур тутсалар...» .

Бу муомала усулида энг муҳими, бир тарафдан, ҳамсухбатга бўлган ҳурмат урғуланса, иккинчи тарафдан, агар у муҳолиф бўлса, конфуцийпараст ўз камтарлиги билан ғурурини ҳимоялаб, муҳолифни эса «хушёрликка даъват этарди». Чунончи, «хитойларда муомаладаги камсуқумлик кишини ҳеч қачон пастга урмаган, аксинча, бу ўзига хос тарзда кадр-қийматни асраш-авайлаш бўлиб, бировлардан камситилиш эса қадимдан Хитойда фожиа билан тенг бўлган». Чунки конфуцийпараст учун ғурур ва хоксорлик, қатъият ва бўйсунуш, ихтиёр ва итоат фарзи оиладан бошланувчи инсоний кадриятларнинг маънавий манбалари бўлиб, таълимотда таъкидланганидек, оиланинг хитой жамияти юраги эканлиги ҳам шунда эди.

Аниқки, ҳар бир халқда мифологик диний тушунчалар мавжуд вақтидан то бирор пайғамбар ёки таълимот асосидаги диний эътиқод жорий бўлгунича ўз менталитетига хос диний ва дунёвий расм-русумлар ҳамда анъанавий удумлар бўлган. Ва улар расман у ёки бу диний эътиқод пайдо бўлгандан кейин ҳам беиз йўқолмаган. Худди шунингдек, Хитойда ҳам аждодлардан ибтидо олган анъаналар жамият маънавий ҳаётида конфуцийлик ғоялари устуворлик қилганда ҳам ўз моҳиятини йўқотмади.

Мисол учун, йигит балоғат ёшига етганда ўтган аждодлар руҳига қурбонликлар қилиниб, унга «қалпоқ кийгазиш удуми»ни бажариш билан бирга янги ном ҳам берилган. Қизларга бағишланган айни маросимлар унинг 15 ёшга кирганида ёки келин қилиб узатилишида нисбатан мўъжазгина қилиб ўтказилган. Бундан ташқари, никоҳ маросимлари юзасидан мавжуд одатга

кўра, куёвнинг ёши 16 ва келиннинг ёши 14 дан кам бўлмаслиги шарт ҳисобланган. Тўй маросимига қадар ўтказиладиган расмий унашув ва бўлғуси келин-куёвнинг учрашуви қизнинг уйида, куёв уйида эса, кечки таомдан олдин қовушув пиёласини сипқириш ва ниҳоят, қизни келин бўлиб тушаётган хонадон вакилларига кўрсатиш каби вожиб расм-русумлар мукамал адо этилган.

Ёки қазо маросимида ҳам аждодлар анъанасига тўла амал қилинган. Яъни, хитой вафот этганда, майит ҳали уйдан чиқарилмаган экан, бутун хонадон аъзолари ҳар кун кундузи ва кечқурун йиғлаганлар ва уйининг кексаси махсус шамлар ёкиб руҳини йўқлаган. Мотам вақтида гўшт ва сабзавотлар истеъмол қилиш, май нўш қилиш, муסיқа тинглаш ва умуман, ҳар қандай шодиёна ман этилган.

Вафот этган кишининг руҳини ёдлаш кунлари мазорбоши ёки ибодатхонага мулозим ёки хонадон каттаси келиб таъзимлардан сўнг, шамлар ёкиб, баъзан егулик таомлар келтирган. Маросим вақтида қатнашган хитойлик буддапараст ёки мусулмонлар эса, асрлар давомида давлат томонидан мамлакат миқёсида қўллаб-қувватланган конфуцийлик анъаналарини безътироз кузатиб келганлар. Бу борада шуни ҳам таъкидлаш жоизки, аждодларга хос маънавиятни хитойлар қалбига жо қилиб, жамиятда тўлақонли барқарорликни таъминлаш йўлидаги синашта Конфуций таълимоти нафақат Хитой, балки бутун Шарқий Осиё ва Узоқ Шарқ халқлари миллий маънавиятида ҳам ўчмас из қолдирди.

Шу нуқтаи назардан бир гуруҳ хитойшунос ва диншуносларнинг тадқиқий хулосаларига қараганда, «Конфуцийлик ўз моҳияти ва икки мингйилликдан зиёд давр мобайнида мазкур минтақа халқлари, хусусан хитойларнинг ақлий, руҳий, ахлокий ва ижтимоий шаклланиши ҳамда ривожланишидаги ўз хизматлари билан

дунёдаги бирон бир йирик диндан қолишмади».

Мантиқан, ушбу хулосанинг қай даражада ҳақиқат эканлигини хитой жамиятида жорий этилган қуйидаги тамойиллар руҳидан ҳам яққол сезиш мумкин. Ва бу тамойиллар руҳи ўз даври учун жамият барқарорлигининг кафолати бўлган.

Конфуций таълимотида ижтимоий-этик тамойиллар

Лун юй муаллифининг узоқ йиллар мобайнидаги таҳсили ва таҳлили натижасида давлатни бошқариш, мулозимлик масъулияти ва ахлоқ-одоб хусусида билдирган фикр-мушоҳадалари хитой миллий маънавий кадриятлари замирини ташкил қилди. Шу жиҳатдан:

«Маданият ва маънавият – бу бамисоли императорнинг созланган ва чархланган асбоб-усқуналари. Ҳарбий куч ва ҳукмронлик эса – бу маданият ва маънавият учун таянч ва ёрдам омили.

Агар инсон табиатига маданият берган сабот чуқур йўғрилган бўлса, унинг фаолиятда эришадиган натижалари жуда салмоқли. Агар унга яна маънавият ҳам кенг сингдирилган бўлса, у ҳолда ҳукмдорга бўйсунуш туйғуси жуда кучли бўлади».

«Конфуцийлик таълимоти ўзининг пайдо бўлишидан ижтимоий-этик йўналиш асослари ва унинг давлат маъмурияти билан уйғунлашув тамойилини ёқлаб чиққан». Бу билан биз юқорида қисқача «Ота ва ўғил» муносабатлари ҳамда унинг мантикий давоми бўлган «Подшо ва фуқаро» мажози тавсифида танишиб чиқдик. Мазкур муносабатнинг қай даражада намоён бўлиши, икки шарт асосида улуғ аждодлар маънавий кадриятларга боғлиқ бўлган:

Биринчиси, хитой жамиятида илоҳий мақомга ноил Осмон ўғлига доим садоқатда бўлиш.

Иккинчиси, чин инсон ҳаёти мазмун-моҳиятига хос

маънавий ва руҳий такомиллик мажбуриятларига хулу-
си дилдан амал қилиш.

Амалда бундай баркамол мафкуравий омилларни ўзлаштиришда қуйидаги фазилатлар мужассам атамалар асосида умргузаронлик қилиш лозим бўлган, яъни:

Тян – «Осмон» изн-ихтиёрини оммага етказувчи подшоҳ фармойишларига бўйсунуш ва улар замирида фаолият кўрсатиш: «бу – вожиб **цзюн цзи** аъмолини ҳиммат ва фидойилик туйғуси билан бажариш; оилада аждодлар анъанасига биноан **сяо** – ота ва онага хурмат кўрсатиш; ҳар бир ишга **шэн** – ақл-заковат билан ёндашиш; ҳаёт ва фаолиятда **вэн, жэн** – маданиятли ва инсонпарвар бўлиш; **л** – ахлоқ-одоб нормаларига амал қилиш; **шу**–ўзаро ҳамкорликда бўлиш; **юн** – мардлик ва **чжун** – садоқат билан яшаш; **цзин** – эҳтиёткорликни унутмай **дэ**-эзгуликда ҳаёт кечириш».

Башарти зикр этилган атамалар мазмунида бевосита Конфуций тавсифига мурожаат қилсак, жамиятдаги инсон зотига хос мавқени сақлашда қўл келувчи тавсия қуйидагилардан иборат эканлигини кўрамыз:

«Ахлоқ ва одоб масаласига номуносиб тарзда қараш, шу тарзда у ҳақида эшитиш ва гапириш ноҳаёиз».

«Вэн - маданият соҳасидаги тасаввур доирасини кенгайтириш ва уни ахлоқда жорий қилиш билан ҳар қандай бузгунчиликни четлаб ўтиш мумкин».

Шубҳа йўқки, устознинг садоқатли шогирдлари орасида таълимот тамойиллари хусусида айрим ўз шахсий фикрига эгалари ҳам бўлган. Конфуций вафотидан кейин улар орасида айниқса кўзга кўринганлари **Мэн-цзи** ва **Сюн-цзи** эди. Милоддан аввалги III асрда ҳар икки шогирд ижтимоий-этик ва ирсий мавзуларда бир-бирига қарши икки тезисни тарғиб қилиб чиқдилар.

Мисол учун **Мэн-цзи** инсон табиатидаги мавжуд эзгулик унсурлари бўлмиш адолат, одамгарчилик, ахлоқ-одоб ва ақл-заковатни ёқлаб чиққан бўлса, **Сюн-цзи**

талқинида одам боласи борки, у туғилишидан салбий унсурлар – шахсий манфаат ва шахвоний хиссиётларга мойил. Шунингдек, ҳар икки шогирд ўз дунёқарашлари асосида давлатни бошқаришга доир қуйидаги қўшимча тамойилларини ҳам тарғиб қилдилар. Яъни: *Мэн-ци* халқнинг руҳлар ва подшоҳ устидан устуворлигини, *Сюн-ци* эса, дарахт илдизи ва барглари рамзидаги подшоҳ ва халқ уйғунлиги мисолидаги идеал бошқарув усулларини.

Конфуций таълимоти тарихи ва унинг давомчилари ҳақида гапирганда яна бир муҳим жиҳатни эсда тутиш керак. Милоддан аввалги VI-III асрлардан то XXI асргача ўтган даврлар ичида таълимотга нисбатан у ёки бу замона руҳи ва мафқурасига қараб турлича ёндашилган ва тарғиб қилинган.

Аmmo шунга қарамай, хитой халқининг буюк фарзанди Конфуцийнинг *Лун юй*да мужассам ғоявий, фалсафий, ижтимоий, маърифий ва маданий масалалар юзасидан яратган таълимоти жаҳон жамоатчилиги томонидан умумбашарий қадрият сифатида қадрланиб, фанда эса долзарб илмий мавзу мақомини сақлаб қолган.

Луғавий жиҳатдан «Мушоҳада ва суҳбатлар» маъносини англатган *Лун юй* матни хали Конфуций кўзи тириклигидаёқ унинг шогирдлари томонидан туза бошланган эди. Чунки «Конфуций ҳам Сукрот ёки Исо (а.с.) каби ўзи деярли таълимоти ҳақида ёзмаган» (16:3). «Асарнинг канонизацияси милоддан аввалги III ва милоднинг III асригача давом этиб, 618 – 917- йиллар ичида унинг матни тошга ўйиб битилган».

Лекин айрим илмий нашрларда қайд этилишича, *Лун-юй* матнининг биринчи нусхаси милоддан аввалги V асрдаёқ маълум бўлган. Шунингдек, унинг яна бошқа бир нусхаси милоддан аввалги II асрда Конфуций яшаган ўйнинг деворидан топилган ва бу нусхалар ке-

Йинчалик *Анчана* ҳукмдори *Чжан Юем* томонидан китобат этилган. XI - XII асрлар оралигида таълимот матнлари мажмуининг биринчи классик комментариясини *Чэн-йзи* ёзган (13:10).

Конфуций дунёқарашлари маҳсулининг энг муҳим томони шундаки, *Лун юй* Хитойда асрлар давомида ўқиб-ўрганиб ёдланган. Қисқаси, озми-кўпми зиёли хитой зоти борки, унинг ҳар бир ҳарфига қадар билиши керак бўлган. Ёки академик Н.И.Конрад таърифида айтганда: «*Лун юй* аслида мушоҳада ва суҳбатлар тўплами эмас, балки бу адабий асар бўлиб, унинг асосий қаҳрамони Конфуцийнинг ўзи» (36:429).

Манбада фақат 22 талабанинг номи учрайди. Айни масалада *Сима Цян* хабар беришича, Конфуцийда уч мингдан зиёд талабалар таҳсил кўрган бўлиб, улардан 72 таси «олти санъат»ни эгаллаган. Шунинг учун истисно эмаски, *Лун юй*нинг асосий матнини талабалар хатга тушурган қайдлар ташкил этган бўлиши керак. Чунки талабалар ичидаги зийрак ва иқтидорлилари доим устоз фикрларини – мунозара вақтида маълум бўлмаган жиҳатларини аниқлаб олиш учун ёзиб борганлар.

Конфуций талабалари саволига бир хил эмас, балки саволнинг барча томонларига ойдинлик киритиш учун уларга турлича жавоб берган. У бу жараёнда кўпинча гоҳ билиб туриб, гоҳо эса атайин, махсус сўз-рамзлар ёки турдош маъноларни танлаб ишлатган. Бундан мақсад, талабага мустақил фикр юргизиш учун турки бериш эди.

Бу каби устознинг талабалар саволларига берган жавоблари оддий онг учун баъзан қутилмаган ва ҳатто парадоксал маънолар касб этган. Ва бу тарздаги таълим услуби, албатта, мавзунини ёзма равишда зикр этилишини талаб қилган. Бу ҳолат ҳақиқатини Конфуцийнинг энг сеvimли шогирдларидан бири *Цзэн-цзи* сўз-

лари билан тасдиқлаш мумкин, хусусан, унинг ўзига нисбатан талабчанлиги мисолида:

«Мен ҳар куни ўзимдан уч мартаба сўрайман, берилган дарсни қайтардимми ёки йўқми?»

Маълум бўлганидек, гарчи «конфуцийлик расман диний эътиқод сифатида ўз ибодатхона институтига эга бўлмаса-да, тараққиёт тарихида Конфуцийнинг номи дунёнинг йирик динлари асосчилари билан бир қаторда туради». Ҳолбуки, мазкур эътиқоднинг «Китобий динлар» пайғамбарлари илоҳий сўзларидан фарқи шундаки, Конфуций ўз сўзларини ўзи яратди ва бу сўзлар ерлик инсоннинг тилидан дилига жо бўлди (53:5).

Конфуцийшунос олимлар фикрича, манба матни муайян бир тартибда баён этилмаган, ундаги маълумотлар худди кундалик дафтарида қайд этилган воқеа ва ҳодисалар мазмунидек. Аммо гоҳида устоз ва шогирдларнинг бир эмас, бир неча маъноли савол ва жавоблардан иборат суҳбати руҳи баъзан фалсафий мушоҳадалар таҳлилидек туюлади.

Шунинг учун ҳам матн нашрида баъзи лавҳалар мухтасар равишда изоҳлаб борилган, токи истифода этилган рамзий ташбиҳларни ўқувчи ўзи мустақил асл маъносини англаб етсин!

Лун юй дунёнинг турли тиллари қатори икки мартаба рус тилига ҳам ўгирилган. Ҳар икки таржима матни ичида акад. Н.Р.Конраднинг таржимаси нисбатан тугал саналгани учун биз ҳам ундан айрим лавҳаларни ўзбек тилида эътиборга ҳавола қилдик.

Эслатма. Хитой диний таълимотлари асосида яратилган асарларни хитой тилидан таржима қилган мутахассислар, албатта, асл матн тилига хос хусусият руҳиятини сақлаб қолишга ҳаракат қилганлар. Бинобарин, «*Лун юй*» ва қуйида «*Дао дэ-цзин*»дан ўзбек тилида илк бор эътиборга ҳавола қилинган қисмларда биз ҳам шу таржима усулини имкон қадар қўллашга

интилдик. Аммо шу билан бирга айрим жумлаларни рус тилидан ўзбек тилига ўгиришда миллий тафаккуримиз тарзига хос ифода услубидан ҳам чекинмадик.

Лун юй мантнидан айрим парчалар

1

Устоз деди:

- Инсонпарварликда ҳатто устозингга ҳам йўл берма.

2

Устоз деди:

- Олижаноб киши ўзидан талабгор, ушоқ одам эса ўзгалардан.

3

Устоз деди:

- Чоққир отлар кучи билан эмас, ўзининг гўзал югуриши билан машхур!

4

Устоз деди:

- Олижаноб киши сўзлашда шошилмайди, ишда эса имконни қўлдан бой бермайди.

5

Устоз деди:

- Кимки эскини қайтариб ундан янгилик топа олса, ҳа – у, устоз бўлиши мумкин.

6

Устоз отхонага ўт тушганини эшитиб сўради:

- Одамларга зарар етмадимми? - дедию, аммо у отлар ҳақида сўрамади.

7

Устоз деди:

- Ҳукмдор хизматида хиралик қилиш шармандалик келтиради, дўст-ёронларга муносабатда эса кишини улардан айиради.

Устоз деди:

- Инсонпарварлик халққа олов ва сувдан ҳам кўпроқ керак. Чунки мен олов ва сувда ўлганларни кўрдим, лекин инсонпарварликдан ўлганини кўрганим йўқ.

Устоз деди:

- Ақлли кишини учратсанг, у билан тенглашишга ҳаракат қил, агар ақлсизни учратсанг ўзинг ҳақингда ўйлаб кимлигингни англа.

Устоз деди:

- Ўқиш вақтида барча илмни эгаллай олмасликтан кўрқ, ўқишни тугаллагандан кейин эса, билимни бой беришдан!

Устоз деди:

- Ҳеч шошилма ва кичик фойда кетидан қувма. Шошилсанг мақсадга етолмайсан, кичик фойда кетидан қувсанг катта ишларга улгуролмайсан.

Цзи Гун деди:

- Мен одамларни алдамайман ва мени алдашларини ҳам хоҳламайман.

Устоз деди:

- Цзи! Сен бунга ҳеч қачон эриша олмайсан.

Устоз деди:

- Ёшларга юқоридан туриб қараш керак эмас. Қардан биламиз, кейинги авлод бизга тенглашадими ёки йўқми? Лекин инсон қирқ-эллик ёшгача ҳеч бирор арзигулик нарсага эриша олмаган бўлса, у унда

хурматга арзимаиди.

14

Устоз деди:

- Аёллар ва арзимас одамларни тарбиялаш жуда мушкул иш. Сабаби, уларга пича ўзингни яқин тутсанг сўзинга қулоқ солмайдилар, узоқлаисанг нафратланадилар.

Изоҳ: Дун юй орқали аёллар ҳақидаги бизгача етиб келган Конфуцийнинг мазкур фикри ягона бўлиб, унга бирор бошқа қўшимча фикр йўқлиги тадқиқотчилар томонидан тасдиқланган (53:432).

15

Устоз деди:

- Олижаноб кишининг уч Дао-йўли бўлади, аммо мен уларнинг бирини ҳам охиригача ўтолмадим: инсонпарвар киши ҳеч гам чекмайди, ақлманд киши ҳеч иккиланмайди, мард киши ҳеч кўрқмайди.

16

Рўза вақтида Кун-цзи ҳамиша тоза кийим-кечак киярди, оддий овқатни¹ тановул қиларди ва ётоғидан доим чиқиб кетарди – аёли билан бирга бўлмаслик учун.

17

Устоз деди:

- Агар ҳукмдор ўзини тўғри тутса, унинг ишлари буйруқсиз бажарилади. Борди-ю, у ўзини тўғри тута билмаса, қанча буйруқ бермасин халқ уни бажармайди.

18

Устоз деди:

- Сўзлашиш керак бўлганлар билан сўзлашмай сиз

¹Конфуций пиёз, саримсоқ ва бошқа хидли дориворлардан парҳез тутарди.

одамларни йўқотасиз. Сўзлашиш керак бўлмаганлар билан гаплашиб сиз сўзларингизни йўқотасиз. Му- тафаккир на одам йўқотади ва на сўзни.

19

Устоз деди:

Агар олижаноб эркак бойлик ва қорни ҳақида ўйламаса, қулай уй-жой дея жон куйдирмаса, хиз- матда фидойи ва сўзлашда хушёр бўлса ҳамда у ўз хатоларни тўғирлаш мақсадида Даони ихтиёр эт- ганларга яқинлашса, айтиш мумкинки, у – ҳақиқат- дан ҳам ўқиш-ўрганишни севучи киши.

Изоҳ: «Ўқишни севиш»нинг маъноси конфуцийшу- нос Мао Цзишу таърифида «мавжуд илмга мукамал- лик бахш этиш»ни англатади.

20

Устоз деди:

- Ота тириклигида ўғил унинг интилишларини, ота вафотидан кейин эса унинг хатти-ҳаракатини эслаб кузатиши керак. Агар у «уч» йил мобайнида Дао-йўлдан адашмаса, унда уни отага нисбатан ўғиллик иззат-эҳтиромини биладиган фарзанд, де- йиш мумкин.

Изоҳ: Вақт нуқтаи назаридан «уч» сони умуман вақтнинг бардавомлигини билдиради.

21

Устоз деди:

- Минг жанговор аравани жангга киритишига қодир бўлган давлатни бошқариш ишида иззат би- лан иш юрит, хушёр бўл ва халқ ишончини қозон; сарф ва харажатда исрофга йўл қўйма, одамларни асра, халқни эса фақат керагида ишга сол.

Изоҳ: Милоддан аввалги VII - III асрларда давлат- нинг қудрати жанговор аравалари сони билан баҳо- ланган. Тўрт от қўшилган жанг аравасини бошқариш жуда мушкул иш ҳисобланган.

Устоз деди:

- Ўн беш ёшимда мен ўз фикри-зикримни ўқишга қаратдим. Ўттиз ёшда оёққа турдим. Қирқ ёшда иккиланишлардан қутилдим. Эллик ёшда Осмон ихтиёрини англадим. Олтмиш ёшда ҳақиқатни ёлгондан фарқ қилишни билдим. Етмиш ёшда дил амрига амал қилиб, ҳеч ҳаддан ошмадим.

Изоҳ: Конфуций ўзининг 30 ёшини ифодалашда «турмоқ ёки тик туриш» маъносини англатувчи “Ли” белгисини ишлатган.

Устоз деди:

- Мен кун бўйи Хуэй билан суҳбатлашдим, у эса худди тентак каби бирор марта менга эътироз билдиргани йўқ. У кетганида эса, унинг ҳаёт йўлига назар ташлаб имоним комил бўдики, у ҳеч тентак эмас экан.

Изоҳ: Хуэй Конфуцийнинг энг иқтидорли шогирдларидан бири бўлиб, унинг ҳақида Конфуций кучли инсонпарварлик фазилатига эга, деган.

Устоз деди:

- Ота ва она ёшини эсда сақламаслик мумкин эмас – бир томондан хурсанд бўлиш, иккинчи томондан хавотирланиш учун.

Изоҳ. Бу ҳолатда «хурсандчилик» фарзанд учун ғам-хўрларнинг борлиги, «хавотирланиш» эса уларнинг ҳоли-ҳаётида фарзандлик бурчини адо этиб улгуриш маъносида келган.

Шогирд деди:

- Устоз доим балиқни қармоқда тутган, тўрда эмас; фақат учиб кетаётган қушга камон тортган, кўнганига эмас.

Изоҳ: Бу қайдда Конфуцийнинг насиба билан нафс оралигидаги фарққа нисбатан ҳаётий амлиёти урғуланган бўлиши керак.

26

Цзи-цин Цзи гундан сўради:

- Устоз қайси бир давлатга келмасин, у бу ерда бошқарув тизимини билишни истарди. У бунга эришишни ўзи хоҳлармиди ёки унга ҳикоя қилиб берилармиди?

27

Цзи гун деди:

- У (бошқалардан) барча маълумотларни хушфезъл, очиқ, хурматли, камтар ва кечиримли бўлгани учун оларди. Зеро, унинг интилишлари ўзгача эди.

28

Кимдир сўради:

- Сиз «ёмонликка яхшилик билан жавоб бериш керак» деганларига нима дейсиз?

Устоз жавоб берди:

- Ёмонликка адолат билан жавоб берилади, яхшиликка эса, яхшилик билан!

29

Устоз деди:

- Кўпроқ тингла, ўзингни тутишга ҳаракат қил, гумон пайдо бўлганда қолгани ҳақида гапиришга эҳтиёт бўл, шунда танбих камроқ бўлади. Кўпроқ кузат, хавф-хатарни четлаб ўт, қолганида эса хушёр бўл, шунда пушаймон камроқ бўлади.

30

Кун-цзидан кимдир сўради:

- Нега Сиз давлатни бошқариш ишларида қатнашмайсиз?

Устоз деди:

-«Қонунлар китоби»да дейилган: «Қачонки ўғиллик иззат-хурматини кўрсатиш керагида уни кўрсат, катта ва кичик ака-укаларинг билан яхши муносабатда бўл. Аслида худди мана шунда бошқариш ҳақиқати яширинган». Мен шу тарздаги бошқарув ишларида қатнашаман. Бас шундай экан, фақат бошқариш учунгина махсус хизматга киришда нима маъно бор?

31

Устоз деди:

- Агар сенинг иқтидоринг етарли бўлмаса, катта лавозимга эга бўлмаганингдан ташвиш тортма. Шунингдек, одамлар орасида таниқли бўлмаганингдан ҳам хафа бўлма, қачонки сен ўз иқтидорингни такомиллаштирсанг, одамларнинг ўзи сени таний бошлайди.

32

Устоз Цига борганида Шао оҳангини эшитди. Шундай кейин у уч ойгача гўшит мазасини сезмади ва у деди:

- Мусиқани шунчалик илҳомлантиришини тасаввур қилмаган эдим!

Одатда устоз қўшиқ куйлаётганлар орасига тушиб қолганида, агар улар яхши қўшиқ айтаётган бўлсалар, қўшиқни бошидан бошлашни сўрардилар ва кейин уларга ўзлари ҳам жўр бўлардилар.

33

Устоз оғир касал билан оғриб қолганда Ци у зотдан табиат кучларига ибодат қилишни сўради.

- Қандай қилиб, - сўради Устоз.

Ци Лу жавоб берди:

- Қандайлиги «Ибодатнома»да айтилган, яъни: «Ер ва Осмон руҳларига сизингиз» деб!»

Шунда Устоз деди:

- Буни қараки, демак, мен ибодатли эканман.

34

Цэн-цзи деди:

- Етук ақл-заковат эгаси ва руҳи мустаҳкам бўлган киши ҳеч китобсиз юрмайди. Унинг асосий масъулияти инсонпарварлик ва эзгуликни бутун Осмон осида тарқатишидир..

35

Устоз деди:

- Яхши маслаҳатларни қабул қилмаслик мумкинми? Орзу қилинган сўзларга қувонмаслик мумкинми? Ваҳоланки, яхши маслаҳатлар ва орзули сўзлар фақат шунда қимматлики, агар ўзинг уларни мазмуни ҳақида ўйласанг. Аммо инсон хурсанд бўлганида ҳеч ўйлаб ўтирмайди, маслаҳат олганида эса унга амал қилмайди, бундай одам билан мен ҳеч нарса қилолмайман.

36

Нок дараҳти барглари шитирлайди – сўзлайди, Уй узоқда, у ҳақида ўйлашимни билмайди¹.

Устоз бу кўшиқни эшитиб деди:

- Ўйламайди, агар ўйлаганида, уйни узоқлиги сабаб бўлмасди!

37

Кун-цзи саройда ҳукмдорнинг чақиришини пойлаган пайтида кичик мулозимлар билан гаплашганда жуда юмшоқ, юқори лавозимли мулозимлар билан гаплашганда жуда мулойим бўлиб, ўзини эса мулозаматсиз тарзда тутарди. Ҳукмрон таишқарига чиққанида, унга эҳтиром изҳор қилса-да, аммо у ўз обрўсини сақлаб турарди.

¹ «Ши цзин - кўшиқлар китоби»дан мисралар.

Подшо унга чет эллик меҳмонларни қабул қилиши ишини топширганда, унинг юз-кўзи ва юриш-туриши ўзгарарди. У ўнгида ва сўлида турганларни қутлаб қўл берганида, уни тўнининг олди ва орти текис кўринарди¹. У меҳмонларни кутиб олишига шошилганида, қанотини ёзган қушга ўхшарди. Меҳмонлар кетишиганда эса, у доим ҳукмдорга шундай ҳисобот берарди:

«- Меҳмонлар ортига қарамай кетишди».

Изоҳ: Меҳмоннинг ортига қарамаслиги етарли ҳурмат кўрсатилганлигини англатса керак.

39

Агар бўтқа сараланган бошоқдан тайёрланмаса, гўшт кераклигича майда тўғралмаса, таом узоқ туриб қолиб ачинқираган бўлса, Устоз уларни бирортасини ҳам истеъмол қилмасди. Шунингдек, бузилган балиқ ва ҳидланган гўштни ҳам овзига олмасди.

У умуман, кўриниши ва ҳиди ёқимсиз маҳсулотларни емасди. Ёмон пиширилган овқат ва эскирган озуқага қарамасди. Нотўғри кесилган гўштга қўл тегизмасди. Агар таомда керакли дориворлар бўлмаса ундан тотинмасди.

Таомда гўшт кўп бўлган тақдирда ҳам уни гурчдан ортиқ истеъмол қилмасди. Фақат май ичишида ўзини чекламасди, лекин ҳеч маст ҳам бўлмасди. Аммо бозордан сотиб олинган гўшт ва майни на емасди, на ичмасди, бироқ занжабилдан ҳеч бош тортмасди. У одатда кам таом ерди.

40

Устоз ҳукмдор ибодатхонасида қурбонликка жонивор сўйилганида, унинг гўштини эртасига қолиб

¹Конфуцийнинг меҳмонлар билан саломлашганида эгилиб-букилмаслиги назарда тутилган бўлса керак.

кетишига йўл қўймасди. Бошқа ҳайвонларнинг қурбонлик гўшти ҳам уч кунгача ётиши керак эмасди. Агар гўшт уч кун қолиб кетган бўлса уни оғизга олмасди.

Гарчи унинг кундалик таоми оддий бўтқа ва сабзавот шўрвадан иборат бўлса-да, у албатта таомнинг бир қисмини қурбонликка берар ва бу ишни у сидқидилдан бажарарди.

41

Қачонки ҳукмдор Устозга таом бериб марҳамат кўрсатса, у доим шу заҳоти уни татиб кўрарди. Қачонки ҳукмдор Устозга хом гўшт бериб сийласа, у доим уни қайнатиб, олдини аждодлар руҳига атарди. Қачонки ҳукмдор Устозга тирик жонворлар ҳадя қилса, у доим уларни ем билан боқарди.

Ҳукмдор саройида таомланишда, Устознинг аждодларга қурбонлик қилишини кутиб туриб, сўнг, таомга қўл узатарди. Анъанага кўра, сарой мулозимлари аввал таомни татишлари керак бўлиб, бундан сабзавотдан пиширилган овқатлар истисно эди.

42

Қачонки Устоз мотам либосида бирор кишини учратса, у ҳатто аввал кўрган таниши бўлса ҳамки доим ўзини мотамсара тутарди. Кимнидир маросимлар қалпоғида ёки бирор кўзи оғизни кўрса ва уларни кейин учратганда ҳам доим ҳурмат билан таъзим қиларди.

Устоз жуда дид билан ясатилган бой дастурхонни кўрганда доим юзида миннатдорчилик билдирган ҳолда турарди. Фақат момақалдироқ ёки бўрон турганда унинг юз-кўзи ўзгарарди.

43

Цзи Гун сўради:

- Агар бутун қишлоқ аҳли ҳаммаси бирор кимса-

ни яхши кўрса, бунга сиз нима дейсиз?

Устоз деди:

- Ярамайди.

- Агар бутун қишлоқ аҳли ҳаммаси бирор кимсани ёмон кўрса, бунга сиз нима дейсиз?

Устоз деди:

- Бу ҳам ярамайди. Яхшиси, ўша кимсани рисоладаги ҳамқишлақлари севишсин, ёмонлари эса уни ёқтиришмасин!

44

Цзи Лу устоздан «Кимни етук инсон деб аташ мумкин» деб сўради.

Устоз деди:

-Агар Цзан Учжун ақли, Гунчонинг безгразлиги, Чжунан цзининг мардлиги, Жан Цюнинг моҳирлиги ва уларга қонун ҳамда мусиқа илмини бирга қўшганда етук инсон пайдо бўлиши мумкин.

Устоз бир оз ўйланиб туриб деди:

- Ҳозир етук инсоннинг бундай бўлиши қийин, шунинг учун ҳозир етук инсон деб масъулиятини фарз билган, ҳаётини таваккал қилган, хавф-хатарга дуч келганда ҳам ўз ваъдаларини эсда тутган инсонни етук, деб аташ мумкин.

45

«Осмон ва Ер жуда улкан, лекин одам зоти борки ҳатто шунда ҳам албатта ундан бирор ўзига ёқмайдиган нарсани топади. Шунинг учун ҳам аллома одамнинг маънавий ҳаёти қонунлари ҳақида фикр юритиб шундай деган:

- Дунё уларни ўзига сиздиролмайди.

У яна инсонниг маънавий ҳаёти қонунлари ҳақида чуқурроқ ўйлаб кўриб деган:

- Дунё уларни тушунмайди».

46

Чэн Кан Конфуцийнинг ўгли Бо Юядан сўради:

- Сен Устоздан эшитганларинг ичида бирор жуда ҳам аҳамиятли жиҳат борми?

У деди:

- Йўқ. Лекин бир куни Устоз ёлғиз эди. Мен ҳовлида ўйнаб юрганимда у деди: «Сен Ши цзин - Шеърлар китобини ўқидингми? Мен дедимки, «Хали ўқиганимча йўқ». Бошқа сафар Устоз яна ёлғиз эди. Мен ҳовлида ўйнаб юрганимда у деди: «Сен «Ли –Қонунлар»ни ўқидингми? Мен дедим: «Хали йўқ». Шунда у деди: «Агар «Қонунлар»ни ўқиб ўрганмасанг, сенда бирор соҳани эгаллашга имкон бўлмайди. Шунда мен бориб «Қонунлар»ни ўқий бошладим...

Чэн Кан чиқиб жуда қувониб деди:

- Мен бир нарса ҳақида сўрасам, уч нарса ҳақида эшитдим, улар – шеърлар, қонунлар ва имонли кишиларнинг ўз ўзига муносабати ҳақида.

47

Устоз деди:

- Мен агар сиёҳ ранг тўқ қизил рангни хира қилса ёмон кўраман. Шу каби «Чжэн» оҳангининг қадимги оҳанглари бузишини ва маҳмадонларнинг давлат ва оилага путур етказишини ёмон кўраман.

Изоҳ. Конфуций назариясида оила – бу аслида давлатнинг ибтидоси. Демак, оилага путур етказиш, давлатга путур етказиш билан баробар.

48

Устоз деди:

- Энг юксак ақллилик билан энг тубан ақлсизлик ҳеч ўзгармайди.

Изоҳ: Конфуций «энг юксак ақллилик»ка туғилишдан мазкур неъматга ноил кишиларни мансуб деб билган. «Энг тубан ақлсизлик»ка дучор деб эса қийинчиликлардан кўрқиб бирор билимни ўзлаштиришни ис-

тамаган кишиларни билган. У шунингдек, «ақллилик ва ақлсизлик»ни ҳам бир неча категорияларга бўлган (53:426).

49

Устоз деди:

- *Осмон иродасини билмай, сен олижаноб киши бўлмайсан. Қонун-қондани билмай, сен оёгингда мустаҳкам туролмайсан. Сўзларни тушунмай, сен инсон нималигини билмайсан!*

50

Устоз деди:

- *Тўққизта шундай қонун борки, уларни олижаноб киши доим эсида тутиши керак: аниқ кўришни, аниқ эшитишни, юз-кўзни очиқ тутишни, иззат ва ҳурмат билан муносабатда бўлишни, сўзларнинг ҳаққоний бўлишини, ишда эҳтиёткорликни, шубҳага тушганда маслаҳат олишни, заабланганда унинг оқибати нима билан тугаши мумкинлигини, бирор нарсага эга бўлишда инсофни унитмасликни.*

51

Устоз деди:

- *Паскаш одам ҳукмдор хизматида бўлиши мумкинми? У то бирор лавозимга эга бўлмагунича доим унга муяссар бўлмай қолишдан қўрқади, агар лавозимга муяссар бўлса, доим уни йўқотиб қўйишидан қўрқади, оқибат натижада у доимий қўрқув туфайли ҳеч бир кирдикордан тап тортмайди.*

52

Цзи Гун Устоздан сўради:

- *Олижаноб киши ҳам кимдандир нафратланиши мумкинми?*

Устоз деди:

- *Ҳа. У бошқаларнинг камчилиги ҳақида гапирадиганлардан нафратланади. У ўзи настда туриб юқоридагиларга туҳмат ёғдирувчилардан нафратла-*

нади. У мардлик кўрсатиб, анъаналарга амал қилмайдиганлардан нафратланади. У чуқур ўйламай туриб ишонч билан хатти-ҳаракат қиладиганлардан нафратланади.

Устоз сўради:

- Сенчи Ци, кимлардан нафратланасан?

Ци Гун жавоб берди:

- Мен ўз билимидан мазрурланишдан, мардликка бўлган безбетликдан, ҳақиқатгўйликка бўлган чақимчиликдан нафратланаман.

53

Цзи гун сўради:

- Камбагалликда хушомадгўйлик қилмайдиган, бойиганида эса такаббурлик қилмайдаган кишини қандай баҳолаш мумкин?

Устоз жавоб қилди:

- Агар киши камбагаллигида руҳи хушнуд бўлса, бойиганида эса, роҳатланишни яхши кўрсая, аммо ахлоқ-одоб мезонидан ташқари чиқмаса!

54

Устоз деди:

- Давлатни бошқариш учун минглаб жангари аравалари борлар ҳам жуда эҳтиёткор, ҳақиқатгўй, талабгорликда мўътадил бўлиши, халқни севгучи, қай вақтда уни ўз мажбуриятини бажаришга жалб қилиш кераклигини билиши лозим.

55

Устоз деди:

- Укалар ва ўғиллар! Қачонки сиз отангиз уйида бўлсангиз, ўз ота-онангизга хурмат-эҳтиром билан муносабатда бўлиб, уларнинг хизматини қилинг! Ота уйидан чиқиб кетганингизда, оиланинг кичик аъзоларига меҳр-муҳаббат кўрсатинг! Кам сўзланг ва ҳақиқатгўй бўлинг! Барчани яхши кўринг, ўз инсонлик ибтидоингизга муносиб бўлинг! Фаолиятли

бўлинг ва агар бунинг учун ўзингизда куч топа олсангиз, илм-билим ўрганинг.

56

Устоз деди:

- Цзюнцизи бой бўлса-да, лекин у хотиржамлик изламай яшайди, ишда уддабурон, лекин сўзлашда жуда эҳтиёткор, у Даода нимаки бўлса ўша томонга интилади ва ўзидаги камчиликни тўғирлайди. Мана худди шуни билим эгаллаш дейдилар.

Шундан сўнг сўз Ци Луга берилганда у деди:

- Фараз қилингни, минг жангари араваларга эга бўлган давлат бир неча катта давлатлар орасида сиқилиб қолган. Бунинг устига яна унинг минглаб аскарлари йўлда. Бу ҳам етмагандек, унинг ўзида очлик...

Агар менга шундай давлатни бошқаришни берсалар, уч йилдан сўнг ҳамма фуқароларда мардлик туйғуси пайдо бўлиб, улар фарз нима эканлигини билишган бўларди!

Устоз табассум билан деди:

-Жан Ю, сен нима дейсан?

У деди:

- Фараз қилинг, 60-70 «ли» келадиган кичкинагина ерни бошқаришга беришса, орадан уч йил ўтгач унда яшовчи халқнинг истаган нарсаси қўлида бўлади. Аммо қонун хусусидачи, мен албатта «цзюнцизи»га мурожаат қилган бўлардим» (82).

Конфуций ҳикматлари

Лун юйда баён этилган диний-фалсафий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий матнлар таркибидаги Конфуций афоризмлари ўзининг мазмун-моҳияти билан халқ ҳикматлари даражасига муяссар бўлган мерос. Уларнинг истифодаси наинки Хитойда, балки шунингдек, конфуцийлик тарқалган қўшни мамлакатлар халқлари орасида ҳам оммавийлашган. Шу омил-

ларни инобатга олганда, куйидаги Конфуций ҳикматларидан намуналар унинг таълимотига хос фалсафий фикр-мушоҳадаларни янада ойдинроқ англашга ёрдам бериши шубҳасиз.

Асл хато – бу тўзриланмайдиган хатодир.

Уят ҳиссиёти бошқа ҳиссиётлардан кучли.

Олижаноб киши ўз фикрига содиқ, аммо у ўжар эмас.

Ҳаёт – бу дарё, у тўхтамай оқади ва ҳеч ортга қайтмайди.

Сўзлардан талаб шуки, фақат улар тушунарли бўлиши керак.

Қоронгуликни лаънатлагандан кўра, тезроқ шамни ёққан яхши.

Барча кечаётган нарсалар дарё оқими каби ҳеч тўхтамай ўтаверади.

Олижаноб киши бошқаларнинг изидан юрмайди, у ўз йўлини топади.

Осмон ва Ер бир-бирдан ажрим, лекин улар умумий ишни бажарадилар.

Тафаккурсиз билим бефойда, аммо билимсиз тафаккур, бу жуда хавфли.

*Қадим одамлар фақат ўзлари учун ўқир эдилар,
ҳозир эса бошқалар учун.*

*Мен одамларнинг яхшиликни ҳам гўзаллик каби
ёқтирганларини кўрмаганман.*

*Сизга бошқаларнинг қилиғи ёқмаса, сиз ҳам бош-
қаларга ўша ишни қилманг.*

*Подшога хизмат қилганда одам аввал ўзи масъул
иши ҳақида ўйлаши керак, маош ҳақида эса кейин.*

*Емайдиган ва ичмайдиган одамнинг ўзи йўқ. Ле-
кин ҳақиқий таъмни яхши билувчилар жуда кам.*

*Одамлар сени танимаса ташвишланма, агар сен
одамларни танимасанг ундан ташвиш торт.*

*Агар инсон нарсаларнинг қонунини тонгда билса,
унда тунда афеус қилмай дунёдан кўз юмиши мум-
кин.*

*Олижаноб киши уч кўринишда бўлади: унга узоқ-
дан қараганда жуда савлатли, унга яқин келинганда
жуда ширин сўз, уни тингланганда жуда жиддий.*

Конфуций ҳаёти ва фаолияти хронологияси

Хитой ва хорижий мамлакатларда чоп этилган аксарият нашрларда Конфуций ҳаёти ва фаолияти хронологияси унинг аجدодлари тарихидан бошланган. Аммо биз мухтасар равишда В. Бутромеевнинг «Конфуций донишмандлиги» китобида зикр қилинган терма маълумотлардан фойдаландик:

м.а. IX асрдан Конфуций аждоди ибтидо олган;
м.а.551 йили Конфуций *Цзоу* қишлоғида туғилган;
м.а.549 йили Конфуцийнинг отаси вафот этган;
м.а.535 йили Конфуцийнинг онаси вафот этган;
м.а.533 йили Конфуций *Ци* оиласи қизига уйланган
ва шу йили омборхонага ишга кирган;

м.а.532 йили Конфуцийнинг ўғли туғилган. Унга
Ли исми билан бирга *Бо Юй* деган лақам берилган;
м.а.531 йили Конфуций яйлов қўриқчиси лавозими-
да ишлаган;

м.а.517 йили Конфуцийга *Лу* подшолиги ҳомийлик
қилган ва шу йили у *Лао-ци* билан учрашган;

м.а.516 - 502 йиллари Конфуций турли подшолик-
ларга сафарга чикқан;

м.а.501 йили Конфуций *Чжунду* шаҳри ҳокими ла-
возимини, ундан сўнг жамоат ишлари маъмурияти
ҳамда олий суд бошлиғи лавозимларини эгаллаган. Бу
лавозимлардан сўнг, у сафар ва ижодда умр кечирган.

м.а.499 - 484 йиллари Конфуций ўз сафарини давом
эттирган;

м.а.484 йили Конфуций ватанига қайтган;

м.а.484 - 479 йиллари Конфуций «*Чун цю* - Баҳор
ва куз» хроникаси устидан ишлаган;

м.а.479 йили эса Конфуций вафот этган.

* * *

Конфуций ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ воқеалар

м.а.III аср – Хитой императори *Цин Шихуа* Кон-
фуций китобларини ёқиш ва унинг издошларини қув-
гин қилишни бошлаган;

м.а.II асрда Конфуций расман давлат файласуфи
бўлиб, у муқаддас шахс сифатида қадрланган;

м.а.II аср охирида Хитойнинг барча мактабларида
Конфуций фалсафасини ўқитилиши мажбурий ҳисоб-
ланган;

м.а. I асрда муаррих *Сима-цян* биринчи бор Конфуций таржимаи ҳолини ёзиб, уни ўзининг «Тарихий хотиралар» китобига киритган.

Милоднинг VIII – асрида машҳур хитой rassоми *У Даоци* Конфуцийнинг классик портретларини чизган; 1008 йили император *Чжэн-ци* Конфуцийга князлик мақоми ва «*Юан шэн вэн* – энг ақлманд ҳукмдор» унвонини берган;

X - XII – асрларда Конфуций ибодатхонаси тош деворларига унинг таълимоти матнлари ўйиб туширилган.

* * *

Асрлар мобайнида Хитойдаги давлат тўнтаришлари, турли ҳукмрон доираларнинг юритган ички ва ташқи сиёсатлари ҳамда тараққиёт жараёни тақозоси билан ижтимоий-маънавий ҳаётдаги ўзгаришлар, конфуцийлик таълимотида ҳам амалга оширилган муайян ислохотларга сабаб бўлган.

«Милоднинг X - XI – асрларига тааллуқли *Чжоу-ци* ва унинг давомчилари бўлган *Чэн Хао* ва *Чэн И* томонидан яратилган балоғат ёши, никоҳ, қазо ва қурбонлик маросимлари хусусидаги натурал-дуалистик фалсафага доир фикр-мулоҳазалар яхлит нашр қилинган».

Ҳа, ҳақиқатдан ҳам Конфуций фалсафаси инсонни гуноҳ йўлларга бошловчи нопок ишлардан фориг қилувчи ўз ғояси, кундалик ҳаётда эзгуликка, аждодлар ибратига назарий ва амалий таҳассуб қилишга чорлаган шиори билан ўз даври диний эътиқодларидан кам эмасди.

Балки шунинг учун ҳам конфуцийлик ўзининг ижтимоий-фалсафий ва маънавий дунёқарашлари билан ўтмиш аждодлар ҳаётий тажрибаси тамойиллари хусусида маслақдош кўшни халқлар – корейслар ва японлар назарига тушган бўлса не ажаб!

Шу нуқтаи назардан агар конфуцийликнинг Корея сарҳадига қўйган илк қадамига келсак, унинг тарихи куйидаги сабабларга бориб тақалади. Ва мазкур сабабларнинг энг асосийси шуки, Корея ярим оролида конфуцийликдан муқаддам расман ўз алоҳида номи ва фалсафасига эга диний этиқод бўлмаган

Кореяда конфуцийлик

Диншунослик манбалардан аёнки, корейсларда қадимдан табиатни илоҳийлаштириш билан мифологик образларга сиғиниш жуда кучли кечган. Бунинг оқибатида тотемизм ва анимизм тушунчалари шу қадар кенг қамровли бўлганки, «Корейслар бутун ўз тарихи мобайнида бор табиатни илоҳийлаштириб, унга беадад руҳлар ва иблисларни жойлаб ташлаганлар. Қаерга қараманг, шу ер уларнинг макони: ҳар бир сояли дарахт ости, ҳар бир жарлик таги ёки тоғлардаги ғорлар ичи.

Руҳлар шунингдек, томлар бўғотида, синчлар орасида, қўйингчи, хонадоннинг барча бурчакларида бўлиб, улар корейсни туғилишидан то охирги нафасигача кузатиб борганлар. Руҳ ва иблислар ҳатто аждар, яккашоҳ ёхуд қакнус куши каби жониворлар қиёфасида ҳам намоён бўлишлари истисно бўлмаган» (68:6).

Руҳ ва иблисларнинг жониворлар шаклидаги инкишофи, ҳар қалай бежиз эмасди ва нега? Чунки корейслар одам ўлганидан сўнг уни от, йўлбарс, илон, тулки ва қарғага айланишига ишонган ва буни ўз ривоятларида тасдиқлаганлар. Ёки ўтмишда «аристократлар хонадонининг бирор ҳайвон номи билан номланиши ҳам шу этиқоднинг ҳаётий исботи» эди. Зеро, танадан руҳ чиқиши билан ўз аввалги моҳиятини йўқотади, абадийликка эса фақат улуғ зотларнинг руҳигина мурасар (68:7).

Дунёни фалсафий англаш ва диний этиқод хусусида корейс халқи ҳам, айтиш керакки, ўз мифология-

сига қоим ҳолда азалдан Хитой диний-фалсафий дунё-қарашларининг мухлиси бўлган. Ярим оролдаги мифологик даврдан кейинги ўтган диний жараён, юқоридаги сўзларнинг амалий бир кўриниши эди. Бирин-кетин «Уч подшоҳлик» худудларига кириб келган хорижий таълимотлар наинки маҳаллий аҳолининг диний-мифологик тасаввурларини бойитди, балки шунингдек, улар ерлик корейс миллий менталитети руҳияти хусусиятларига мослашиб ҳам кетди.

Бу воқеа шунчаки шароит тақозоси бўлмай, унинг замирида инкор этиб бўлмас руҳий муштараклик сабаблари бор эди.

Гап шундаки, аслида корейс фалсафий тасаввури шаклан ва мазмунан қадимги хитойликларнинг борлиқ ҳақидаги мушоҳадаларига жуда яқин бўлган. Борди-ю, сўзни муштараклик ибтидосидан бошласак, бутун борлиқ хитойлар каби деярли корейсларда ҳам эрлик – ижобий ва ёруғлик тимсоли «*ян*» ҳамда аёллик – салбий ва қоронғулик ибтидоси «*ин*»нинг ўзаро қўшилишининг маҳсули эди. Ёки Осмон, Ер ҳамда темир, ёғоч, сув, олов ва тупроққа тааллуқли беш космогоник ҳодисот, ҳар икки унсур – *ян* ва *ин* сифатини ўзида мужассамлаган ибтидодий субстанция «*Ки*» комбинациясининг натижаси деб билинган.

Давоқе, хитойлар билан муштарак ва айни вақтда ўз миллий хусусиятларига эга корейслар тафаккурига хос дунёвий ва ухровий унсурлар хорижий таълимот таъсирида ҳам ўз асли аҳамиятини йўқотмади, балки улар қобиғида янада ривожланди.

Конфуцийлик тарихининг корейс сарзаминида бошланиши биз кўрган манбаларда икки хил, яъни аниқ ва ноаниқ даврларга тегишли. Уларнинг бири, конфуцийликнинг ярим оролда тарқалиши вақтининг қадимийлиги бўлса, иккинчиси, уни уч подшоҳлик давридаги аниқ вақт билан зикр қилиниши, яъни III асрда *Когурё*,

ундан сўнг IV асрда *Пэчке* ва VI асрда *Силлада*.

Корейсларда конфуцийликнинг оммалашуви сабаби, хитой таълимотининг маҳаллий мифологик эътиқод асоси – аждодлар олий эҳтироми анъанасига бўлган ижобий муносабатидан келиб чиққан десак, хато бўлмас. Ваҳоланки, корейсларда аждодлар руҳига топинишнинг хитойлардан фарқли айрим ўз жиҳатлари ҳам бор эди. Аждодлар руҳи култида бир йўла икки масала – икки дунё ҳисобга олинарди: дунёвий ва ухровий, яъни ўликлар ва тирикларнинг ўзаро мутаносиб манфаатлари. «Агар тириклар ўз қурбонликлари билан ўтган аждодларнинг ҳоли ҳаётида қилган савобли ё гуноҳ ишларидан қатъи назар, уларнинг руҳига роҳат-фароғат бахш этсалар, бундан шодланган ўтганлар руҳи эса, ўз зурриётларининг қандай бўлишларидан қатъи назар, уларнинг тинчлик ва хотиржамликда умргузаронлик қилишларини «таъминлардилар» (68:10).

Лекин конфуцийлик биз кўрган ўртадаги баъзи тасаввур ва тафаккур тафовутларига қарамай, Кореядаги жами мифологик масалаларга иккиланмай мослашган. Бундай хайрихоҳ муносабатнинг асосий сабаби – бу хитойликларнинг ҳам мазкур ўлка халқи билан маънан яқинлиги ва қадимдан узвий алоқада бўлганлиги боис эди. Шунинг учун конфуцийлик тез орада ижтимоий ҳаётдан узилмаган ҳолда давлат ишларида ҳам ўз «оила-давлат» тамойили билан иштирок этишга киришган. Янги эътиқод «миллатнинг отаси» подшоҳга сидқидилдан хизмат кўрсатишдек давлат хавфсизлигига сув билан ҳаводек зарур ўз амалиётини мамлакат миқёсида тарғиб қилган. Ҳатто *Когурё*да 372 йили ерлик роҳиблар учун махсус «Конфуций академияси» таъсис этилиб, унда келгуси учун етук мутахассислар тайёрлаш мақсадида ёш йигит-қизларни таълимотнинг класик асарларини хитой тилида ўқитишга ўргатилган:

1. *Тарих китоби.*
2. *Қўшиқлар китоби.*
3. *Ўзгаришлар китоби.*
4. *Маросимлар китоби.*
5. *Баҳор ва куз солномаси* (73:16).

Шундан сўнг тез орада хитойлик мутафаккир **Чжу Си** таълимоти негизида шаклланган неоконфуционизм маҳаллий рух касб этгани учун «Корейс конфуцийлиги» деган атамага муяссар бўлган. Милоднинг XIV-XV асрларида эса конфуцийлик Кореяда икки йўналишга ажралган:

Биринчиси – «тоғ ва ўрмон мактаби» йўналиши намояндалари мутлақ борлиқнинг барпо бўлиш асосини «**Ли** – Рух» дея, инсониятнинг ўзаро беш турдан иборат – ота ва ўғил, катта ва кичик, эр ва хотин, ҳукмдор ва фуқаро ҳамда дўстлар муносабатларини «Осмон»нинг бузилмас кўрсатмаси сифатида англаганлар.

Иккинчи йўналиш тарафдорлари моддий ва руҳни ўзаро боғлиқ билиб, борлиқни ибтидоий субстанция «**Ки**»нинг инъикоси сифатида тасаввур қилганлар. Лекин шунга қарамай, «моддий ибтидо йўналиши»да ҳам доим руҳий омил моҳияти инобатга олинган. Шунинг учун ҳам «Рух ўзи бўш бўлса ҳам унда бутун борлиқ мужассам» дейилган (68:16-18).

Конфуций таълимотининг Кореяда тарқалишидан муқаддам, ярим оролга унинг хитой тилидаги ёзма обидалари – битиклари ва адабиёти намуналари келтирилган эди. IV асрда **Когурё**да конфуцийлик университетининг қад кўтариши, «**Кендан**» номи билан машҳур академиянинг фаолияти, корейс олимларининг Хитойга сафари натижалари конфуцийликнинг корейс давлати таркибида мустаҳкам ўрнашиб қолишига олиб келган. Янги диний таълимотнинг Кореяда қабул қилиниши ниҳоятда жиддий тайёргарчиликда ўтганини

кўрган хитойлар, корейсларнинг ўзларига нисбатан кўпроқ эътиқодпешалигини тан олганлар (40:154) Мавзунинг навбатдаги қисмига ўтишдан илгари, бир муҳим масалага ойдинлик киритиш керак кўринади. «Одатда конфуцийликнинг Кореяда кенг тарқалиши сабабини буддизм мавқеини пасайиб кетганлигида кўрилади».

Аслидачи, бундай бўлмай, корейс конфуцийлиги доим буддизмга нисбатан «руҳий хотиржамлик»ни таъминловчи доктрина сифатида яхши муносабатда бўлган. Шу туфайли бу диний таълимотни ўрганувчи талабалар доим ҳар икки эътиқод фалсафасидан яхши хабардор бўлишга ҳаракат қилганлар (78:36).

Конфуцийликнинг ўз тупроғи оша башарий моҳият касб этиши унинг дунёнинг йирик динлари сирасига кириш борасидаги илк қадами эди. Бирок шунга қарамай, хитойларда илк диний туйғунинг уйғониш даврига хос мифологик тасаввурларда акс этган мистик ва эмоционал характердаги руҳий оламга бўлган эҳтиёж, фақат доасизмнинг диний эътиқод мақомини эгаллаши — миллий-маънавий қадриятларнинг ухровий маънода тус олиши билангина ўз муродиغا етди.

Даосизм

Инсоният ўзининг илк эътиқод шаклларидан бошлаб интуитив ёки онгли равишда доим ўз ички дунёси — руҳий олами сарчашмаси кўзини очишга интилишдан тинмаган. Агар ушбу фикрни мавзумиз фалсафий таълимотлари мисолида давом эттирсак, «киши умр бўйи фақат конфуцийлик руҳида яшаган тақдирда ҳам, у «руҳий дисконформ» ҳиссиётидан холи қололмасди».

Бу жиҳатдан ҳозирги атама билан таърифлаганда, диннинг «экзистенционал функция»си хитойларда борлиқ ва руҳий олам, ҳаёт ва ўлимнинг сир-асрорларини очиб беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган даосизм зиммасига тушган эди. Руҳни тан олмай, метафизик

спекуляцияларга шубҳа билан қаровчи конфуцийлик муҳотида «мангулик» ғояси ва амалиётига асосланган *Дао* таълимоти айна руҳиятга вобаста ўз ҳаётбахш хусусияти билан Хитой сарзаминида асрлар оша умр кўришга муяссар бўлди.

Агар даосизмнинг диний моҳияти масаласига мазийдан ёндашсак, манбалардан аён бўлишича, аслида қария *Лао* ғоялари дастлаб диний афсун замиридаги шаманизм руҳида шаклланиб, сўнг милоддан аввалги VI-V асрлар мобайнида таълимот сифатида тарқалган. Аммо «асрлар ўтиши билан унинг империя ҳукмронлари эътиборига тушиши сабабли даосизм милоддан аввалги II - I асрлардан мистик руҳиятдаги таълимот сифатида қарор топди». Баъзи илмий талқинларда даосизмнинг диний руҳиятини брахманизм асослари ва шунингдек, буддизмнинг Хитойга кириб келишидан ҳам тахмин қилинган.

Бу масаланинг яна шундай томонлари ҳам борки, уларга кўра, даосизмнинг ибтидоси ва унинг шаклланишига икки хил ёндашилади.

Биринчиси, аввал таълимот ва кейин диний эътиқод сифатида хитой миллий маънавий маданияти ҳосиласи сифатида.

Иккинчиси, даосизм ибтидосида унга хитой бўлмаган халқлар диний унсурларининг кириб келганлиги ва кейинчалик бу унсурларнинг *Хан* даврида ассимиляцияга учраб хитойлашиб кетганлиги (64:34).

Фанда бу масалага ёндашувдаги турфа талқинлар бўйича шундай саволлар мавжуд. Яъни, Даосизм қадимдан хитой халқида мавжуд бўлган ибтидоий диний тасаввурнинг мантиқий давомими ёки улар ўртасида айри жиҳатлар борми? Ҳолбуки, Тайвандаги даопарастлар ибодатхонасидаги кузатишлар натижаси бўлган К.М. Скипернинг хулосасига кўра, даосизм – бу ғайб илоҳиятига ибодат бўлиб, ўз адабий тили, анъаналари,

руҳонийларига эга ҳамда давлат томонидан қабул қилинган шаҳар аҳолиси ҳаёти билан боғлиқ эътиқод. Аммо яна шуни ҳам айтиш керакки, *Дао* таълимотидан фарқли ўлароқ қадимдан халқ орасида шаманлар дуою афсуни ҳамда табиат ҳодисалари куч-қудратига ишонтирувчи эътиқод ҳам бўлиб, у асосан қишлоқ аҳолиси орасидан кенг тарқалган эди. Шу боисдан бўлса керак, синологияда то ҳозиргача мавжуд тадқиқотлар хулосаларининг албатта тарафдорлари ва уларга нисбатан эътироф руҳиятидаги мутахассислари бўлган.

Бир сўз билан айтганда, даосизмнинг диний эътиқод мақомини айнан қачон ва қандай эгаллаганлиги тўғрисида ҳали ҳам муқим аниқлик йўқ. Масалан, даосинос *Ева Вонг*нинг ёзишича:

«Милоднинг I асридан VII асригача даосизм тарихида жуда қизик ўзгаришлар юз берди, яъни дуою афсун ва диний унсурлар йўғрилган таълимот доопараст *Чжан Даолин* таъсири остида диний руҳият касб этди. *Чжан*нинг авлодлари эса анъаналар, тақводорлик ва муқаддаслик институтини ташкил қилиш бадалига даосизмни фалсафий трансформация орқали тўла-тўқис диний эътиқод мақомига кўтардилар. Бундан илҳомланган бошқа тақводорлар даосизмга тааллуқли катта ададдаги муқаддас матнларни йиғиб халқ ичида таълимотни диний эътиқод сифатида тарғиб қилдилар».

Биз шу нуқтагача танишган даосизмнинг илмий таҳлилларида гоҳ унинг мустақиллиги, гоҳ унга ғайри миллий культлар аралашганлиги ёки таълимотнинг дин сифатида шаҳарликларга мансублиги ва ниҳоят, халқ диний тушунчалари замиридаги эътиқодни, асосан, қишлоқ аҳлига тааллуқли эканлиги эътирофининг гувоҳи бўлдик. Ҳолбуки, синология соҳасида халқ динлари ва даосизмни ўзаро ажратишга қарши бўлган ва уларни бири-иккинчиси билан муштарак ҳолдаги

синкретик эътиқод шаклида тасдиқлаган тадқиқотлар ҳам кам эмас. Сўнги йўналишнинг энг ишончли мисоли, ниҳоят, даосизмнинг Хитойда давлат дини мақомида қабул қилинганлиги. Аммо бу омилнинг ҳам шундай инкор этиб бўлмас тарихан босиб ўтган – гоҳ тараққий топиб, гоҳ таназзулга учраган даврлари борки, биз улар ҳақида кези келганда махсус тўхталамиз. Ҳозир эса яна даосизмининг ибтидоси масаласига қайтамиз.

Ривоятга кўра, бу диний эътиқод асосчиси эмишки, онаси қорнида 81 йил ётиб, кейин туғилган. Ва унинг онаси Осмондан тушган юлдуздан ҳомиладор бўлганлиги ҳамда боланинг туғилишидан соч-соқоли оқ, яъни «мўйсафид»лиги учун унга *Лао-ци*, яъни «қария мутафаккир» деб ном берилган. Ваҳоланки, яна шунингдек, даосизм асосчиси «*Чжанго* - жангари подшоликлар» даври афсонавий Сарик Императори *Хуангди* саналиб, унинг диний илоҳи эса муқаддас *Шанди* бўлган. «Йўл», «услуг» ёки «дунёнинг негизи» мазмунидаги «*Дао*» тушунчаси, бир қарашда, гўё фақатгина моддий дунё билан боғлиқ фалсафанинг ифодасидек, аммо аслида у бутун борликни қамраган ва уни тинимсиз ҳаракатлантирувчи Қонун сифатида намоён бўлади:

«Буюк Дао ҳамма ёққа қараб оқади – ўннга ҳам, сўлга ҳам ва У сабабли жами мавжудот яралган. Ўзи эса доим ўзгаришда бўлиб, ҳеч тўхтамайди. У ҳамма жойда ва ҳамма нарсада. Дао пантеистик маънода чексиз ва тугалсиз, шунинг учун У ўз ниҳоясига етмай яна ибтидосига қайтади».

Қиёсан, *Дао* моҳиятининг баъзи жиҳатлари хиндуизмдаги руҳлар субстанциясига ва фаолияти эса тўрт босқичга бўлинган бутун борлик ибтидосидан то интиҳосигача қамраган «сатюг, трета, двапра ва калиюг» каби даврларнинг узлуксиз қайтарилиш қонунига ўх-

шаб кетади. «*Дао* олий қонун бўлгани учун унга бутун борлиқ бўйсунади, шу жумладан илоҳлар – Осмон ва Ер ҳам. *Дао* онгдан ташқари ва уни сўз билан тушунтириб бўлмайди». Агар инсон аклидан ташқари бўлган *Дао* хусусиятларини таълимот муаллифининг ўз сўзларида таърифласак:

«Унга қарайману лекин кўрмайман, шунинг учун Уни «кўринмас» дейман, Унга қулоқ тутаману, лекин эшитмайман, шунинг учун Уни «эшитилмас» дейман, Уни тутиб оламан дейману, лекин ҳеч қўлга илинтира олмайман, шунинг учун Уни «тутқич бермас» зарра дейман...»

У шаклсиз Шакл, ўзи йўқ Қиёфа. Дунёда ҳамма нарса борлиқдан тугилади, борлиқ эса йўқликдан. Дао – бу бўшлиқ, аммо унинг фаолияти ҳеч тугалланмайди.»

Даонинг «бўшлиқ»қа қиёсланиши мантиқан худди қўшни Ҳиндистонда тахминан даосизм билан бир даврда пайдо бўлган жайнизмнинг «акл бовар қилмас бўшлиқ - «алока» тушунчасига ҳам ўхшаб кетади. Ва ҳар икки таълимотдаги бундай «бўшлиқ»қа доир тасаввурни кейинги давр диний эътиқодларида ҳам айнан бўлмаса-да, қисман учраши мумкинлиги кишини ўйлантирмай иложи йўқ.

«Дао дэ цзин - Йўл ва эзгулик китоби»да, туман ва қоронғуликдан бошланган бутун борлиқ трансформацияси шундай таърифланган:

«Даонинг бутун борлиққа нисбатан муносабати шундайки, У ўз муқим жойини эгаллаши учун у ёқдан бу ёққа юргани юрган. Дао шаклсиз шаклда пайдо бўлса-да, лекин гўё бутун борлиқнинг инъикоси...»

Кимки Даони тушунтириши мумкин деса, Уни ўзи тушунмайди, кимки Уни тушунса, у бунини тушунтириб беролмайди.»

Ҳолбуки, замонлар ўтиши билан фанда *Дао* аслияти мавзуйга доир қўшимча таърифлар пайдо бўлди. Айтайлик, машҳур даошунос олим В.А. Алексеев та-

саввурида:

«*Дао* бу – асос, қандайдир статистик абсолют. Ақл қамрай олмайдиган ва ўлчовсиз абадий нуқта. У – шаклларнинг яратувчи ускунаси, энг юксак уйғунлик, У қаршилиқ кўрсатмайдиган инсон қалбини ўзига тортувчи Магнит, меърожий субстанция ва барча ғоя ҳамда нарсаларнинг сокинлик маркази»^{12:17}).

Ёки проф. Н.И.Конрад тавсифида:

«Жами мавжудлик бамисоли бутун борлиқ бирлиги сифатида ўз шакли, ўз образига эга, *Дао* эса шакл ва образга эга бўлмаган умумий «Борлиқ». Агар унда хусусият бўлганда У ҳам барча борлиқ нарсалари қаторида турган бўларди. Чунки ҳар бир нарсада, ҳар бир воқелиқда ўзининг ўз мавжудлиги бор, *Даода* эса «йўқлик» мавжуд. Бинобарин, мавжудлик ўзгаради, чунки унда ўзгаришлиқка асос бор. «Йўқлик»- чи, у ўзгармайди, чунки унинг ўзгаришига асос йўқ. *Дао* ўзгармайди, демак, У хотиржамликда, шунинг учун ҳам У – тугалсиз ва абадий» (36:434).

Талимотда инсон ҳаётининг асл маъноси доим *Даога* етишишга интилиш бўлиши керак, чунки:

«Нарсаларнинг ўз ибтидосига қайтиши – бу тугал хотиржамлик».

Бу буюк марҳаматга ноил бўлишнинг асосий шарти маънавий покланиш, моддий дунё хою-ҳавасларидан воз кечиб, мушоҳадага чўмиш ва асл ҳақиқат мўъжизасини идрок этишга мушарраф бўлиш. Чунки «Бутун борлиқ бор-йўғи фақат яширин руҳий манбанинг инкишофи. Шу боис инсон учун *Даода* яшаб, Унинг қонунларига амал қилишдан бўлак улуғ ва муносиб мақсад йўқ» (74:29) Даосизм ғоясининг «Йўл»да мужассамлиги ҳам шунда.

Бу жуда узун – бир умрлик ғайриоддий такомиллик йўли. Унда мангуликка эришиш ўз босқичларига эга. Бевосита мангулик йўлининг таҳлилига ўтишдан ил-

гари, мажозан, «сўнги манзил»га муяссар бўлган дао-параст ҳолатини кузатайлик:

«Даога қайтиш ёки Унда яшаш» бамисоли туғилмаган бола ҳолатининг ўзгинаси, чунки ҳомила билан она танаси битта, шунинг учун у онадан нафас олади ва таомланади. Демак, она – *Дао* бағрига қайтиш инсон шахсиятини космик тажассум топишига олиб келади ва шунда киши «Осмон остига – Бутун борликқа гўё ўз танасидек қарайди», яъни ҳар иккисига ягона бирлик сифатида.

Фанда ҳатто *«Дао* фалсафаси концепциясининг яратилишидан муқаддам даосизм билан генетик алоқаси бўлган қандайдир аёллик рамзи эъзозланганлиги фараз қилинади».

Балки шунинг учун *«Дао дэ цзи»*да ҳамма маънолар муаннас илоҳда мужассам тарзда тавсиф этилгандир? Чунки юқорида таърифланганидек:

«Дао – бу бўшлиқ, бўш идиш, зимистонлик, муқаддас мода – Осмон ва Ер дарвозаси, Осмон ости онаси. Дао мангулик таълимоти сифатида борлик ва ҳаётнинг манбаи – абадий ҳаётни бахш этувчи тириклик Ибтидоси.

Дао ва инсон бирлигидан билдикки, таълимотда гарчи Дао ибтидо сифатида таърифланса ҳам, лекин табиатан У кўпроқ аёллик фаолиятини бажаради ва бунда эрлик омили қатнашмайди» (65:150-155).

Шу нуқтаи назардан таълимотда *Дао* бутун борлик Онаси – ҳаёт ва мамот манбаи. *«Дао дэ цзи»* матнидаги гўдак образи ақл-идрок, фаҳм-фаросатда етуклик рамзи, бамисоли донишманд. Бу дегани:

«Кимки эзгулик қудрати «Дэ»га эътимодда экан, Мен уни янги тузилган гўдак билан тенглаштираман. Уни арилар, ўргимчаклар, захарли илон ва чаёнлар чақмайди. Йиртқич ҳайвонлар унга тегмайди, қушлар ҳам уни чўқимайди. Унинг суяклари

юмишөк ва пайлари кучсиз бўлса-да, аммо у тутганини қаттиқ ушлайди. Ва у музаккар ҳамда муаннаснинг иттифоқи ҳақида ҳеч нарса билмаса ҳам, лекин (ўзи) бус-бутун ва мукамалликка муносиб.

Унинг уруғи – куч-қуввати такомил етуклик. Гарчи кун бўйи бақирса ҳам, у чарчоқ нималигини билмайди – унинг гармонияси ниҳоят даражада мукамал. Гармония – доимийлик манбаи ва доимийлик эса мунавварлик илдизидир. Ҳаётни маромига етказишга интилишни хайрли дейдилар. Онгининг «Ци» устидан назорат қилиши қувват бағишлайди. Мабодо тирик жон дафъатан қартайиб қолса, демак у Ҳақ йўли – Даодан қайтибди. Кимки бу Йўлдан адашса барвақт ҳалок бўлади».

Башарти одамзод *Дао* ижоди экан, унинг барча жиҳатлари фазилатли ва хосиятли бўлиши керак эди. Лекин у – инсон аксинча, «Аслият» қонунларига амал қилмай нафси туфайли ўз манфаати тазйиқи остида ҳаёт кечирришни афзал кўради. Ва жамиятдаги ноинсофлик, ноҳақлик, бебошлик ва бебурдлик, қон тўкилиши ҳамда зўравонликлар ҳам ҳаммаси нафсдан. «Жами табиат хотиржамлик ва уйғунликка интилади, чунки дунё фақат муқаддас маънавий Манбанинг зоҳирий қисми. Инсон эса, афсуски, табиатдаги мувозанатни бузиб, ҳақиқат йўлидан озган».

Даосизм дунёқарашлари ўз мазмуни ва моҳияти билан тасаввуфнинг борлиққа ва шунингдек, инсоннинг ўз асл табиатига терс қусурлари тўғрисидаги муносабатни талқинига анча яқин.

*Дао*нинг коинот ва мавжудот асоси Осмон ва Ер эпитети эмас, балки *Дао де цзин* китобининг биринчи қисмида айтилганидек, улардан ҳам юқори ва тафаккурдан ташқари бўлган ломакон Сиймо. Шунинг учун:

«Босиб ўтилиши мумкин бўлган йўл, ҳали бу ҳақиқий йўл эмас. Зикр қилиниши мумкин бўлган Ном,

*ҳали бу доимий ном эмас. Беном – бу Осмон ва Ер
ибтидосидир...»*

Даосизмнинг асосий негизи таърифидан ташқари,
унинг дунёвий ва ухровий тушунчалари шундай бир
оригинал тарзда тавсиф этилганки, уларнинг қиёсий
талқинлари кишини кўз илғамас жараёнлар дунёсидан
бохабар қилишга жазм қилгандек:

*Агар ҳамма билса эди уни яхшилик,
Бу – яхшилик бўлмас эди энди яхшилик.*

*Осмон остидагилар агар билганда,
Яъни, бу гўзалликнинг гўзаллигини,
У ҳолда бўлурди бу – мутлақ хунуклик.*

*Шу боис бору йўқлик,
Бири-бирин тугади.
Огирлик ва енгиллик,
Бир-бирин яратади.*

* * *

*Узун-қисқа доимо,
Бир-бирин шакллайди.
Баланд ва паст доимо,
Бири-бирин ўлчайди.*

* * *

*Оҳанг, усул доимо,
Бирликда берар садо.
Ибтидо ва интиҳо –
Эргаиш, натижа танҳо!
Шу боис Мутафаккир,
Иш-ла банд ишловдамас,
У зот доим – ҳар нафас,
Ижод-ла банд сўзловдамас!*

*Бир гилдирак ичида бор ўттиз таянчи,
Лек ундаги бор камчилик билинар ишда.
Асли лойдан ясалади сув учун кўза,
Камчилиги билинади уни тутишда.*

* * *

Гарчи бу мисралар даосизмнинг тугал монотеистик руҳияти баёни бўлмаса ҳам, лекин ҳар қалай, унинг абстракт Абсолютга мойиллигининг далили. Чунки *Дао* тақводори наздида Унинг маҳобати ақл бовар қилиши мумкин бўлган ҳар қандай воқеликдан устун ва юксак, сабаби:

«Барча борлиқ ҳаётнинг улуғ Манбаига мутъе. Ваҳоланки, У ўз қилган беадад тухфаларига таъриф-фу таҳсинлар қутмайди. У – қудратда олий, аммо бизнинг кўзимиздан яширин ва шундай қолади. Ўзи яратганларини янада такомиллаш мақсадида тинмай уларга ўз фазилатларини инъом этади...»

Тангрининг ўз бандаларига бўлган чексиз меҳр-муҳаббати эвазига тақво аҳли учун вожиб қарз ва фарз даосизмда шундай тавсифланган:

«Қачонки инсон ўз ножоиз қилмишларини англаб хулуси дилдан гуноҳларига тавба қилса, у авфга ноил бўлишига умид қилса бўлади ва ҳатто жазодан қутилиб, офату балоларни магфиратга айлантириши мумкин.

Доимо унутманг:

Тангри бандасини нима қилаётгани учун эмас, балки унинг ким эканлиги учун мукофотлайди. Шунинг учун сиз ҳам ўз дўст-ёронларингизга бирор нафни ўйлаб эмас, балки беминнат ёрдам беринг. Яхшилик қилинг, фақат бунда ўз фойдангизни кўзламай!»

Даосизмнинг деярли барча диний эътиқодларга хос бўлган – инсонни эзгулик ва солиҳ аъмолга чорлаш тамойили милоднинг V асрида яшаган *Ли-инч-жан* таълимотида таркибан янада кенг қамров олди. Таъли-

мотда наинки одамзот, балки унинг билан бирга жами жонзотларга нисбатан меҳр-шафқат кўрсатиш тарғиб қилинди.

Даосизм асосчиси *Лао*нинг тарихий шахс сифатида мухтасар таржимаи ҳоли муаррих *Сима Цян*нинг аса-рида шундан баён этилган:

«Лао-цзи аслида Чу вилоятида таваллуд топган. У бир неча йиллар давомида император саройидаги архивнинг мутасаддиси бўлиб ишлаган, аммо мамлакатда бошланган умумий маънавий инқирозни кўргач, у ўз хоҳиши билан ишдан бўшаб, Жанубга йўл олган.

*Лао*нинг *Жанубга йўл олиши* – унинг *Ҳиндистонга қилган сафари билан боғлиқ ривоятлар, даосизм фалсафий йўналишидаги айрим кейинги “ўзгаришлар”нинг вужудга келишига сабаб бўлган».*

Лекин дастлаб сўз даосизмнинг буддизм билан боғлиқ ибтидоси эмас, балки мустақил диний-фалсафий таълимот эканлиги тўғрисида. Қария *Лао* яратган таълимотнинг асосий манбаи *Дао дэ цзин* бўлиб, у шунингдек, «Устоз *Лао* китоби» номи билан ҳам машҳур.

Лао таълимотининг асосий манбаи *Дао дэ цзин* ҳақида баъзан фанда унинг муаллифига тааллуқли шубҳали фикрлар ҳам учрайди. Зеро, ҳозир шундай нуктаи назарлар ҳам борки, мазкур трактат милoddан аввалги 300-йилга яқин яратилган бўлиб, унинг *Лао-цзи*га ҳеч қандай алоқаси йўқ. Балки матн муаллифи *Чжанго* даврида яшаган *Лао-цзи* номли адаш зотнинг қаламига мансуб бўлиши керак. Негаки, қадимги муқаддас мавзу матнлари ўзининг яратилиш давридан мингйилликлар ўтгач хатга олинганлиги маълум. Шунинг учун қоғозга тушган матнлардаги саналар уларнинг ҳақиқий «ёши» аниқлигини доим ҳам тўғри кўсатвермайди. Гоҳо бундай саналар матнларнинг ёзма таҳрири вақтига тегишли бўлиши ҳам мумкин (64:221).

Аёнки, у ёки бу таълимот ёки диний манбаларга нисбатан даврлар ўтиши билан билдирилган «фикрлар ёхуд кашф этилган маълумотлар» башарият тарихи учун янгилик эмас. Бу хусусни Хитойга кўшни бўлган Ҳиндистондаги диний эътиқодларнинг ибтидои асоси «*Веда*»га бўлган диний ва айрим илмий муносабатлар мисолида кузатсак бўлади.

Динда ва фанда *Веданинг* пайдо бўлишига доир фикр икки хил, яъни баъзи европалик тадқиқотчилар «*Веда* одам боласининг ижоди» дея, уни милоддан аввалги иккинчи ва биринчи мингйилликлар оралигида ёзилганлигини тахмин қиладилар. Аммо ҳинд теологлари, хусусан, Халқаро Кришна Жамияти²нинг асосчиси А.Ч.Бҳактиведанта Свамиий Прабхупаданинг таъкидлашича, «Ҳиндупарастларнинг муқаддас каломи илмидан аввал бошда Тангрининг илк яратган тирлик зоти *Брахма* хабардор қилинган, ундан кейин у ўз билганларини *Нарада* ва шогирдларига, улар эса, ўз навбатида ўқувчиларига етказганлар. *Веданинг* нозил бўлишига доир маълумотлар «*Бҳагавад-гита*»да ҳам тасдиқланган» (91:10).

Шунга қарамай, «Лингвистик жиҳатдан оддий, лекин концептуал нуқтаи назардан ниҳоятда «провакацион характер»даги *Веда* тароналарининг юзлаб комментарийлари Ҳиндистон теологлари ҳамда Фарб олимлари ўртасида жуда кўп баҳсларга сабаб бўлган» (92:25).

Даосизм назариясини *Лаодан* сўнг унинг издоши *Чжуан* давом эттирган. Унинг таълимотида турли табакаларнинг орзу-умиди, фикри-зикри қатори, давлат манфаатларини таъминловчи «бирлик» асосининг тимсоли бўлган мансабдор ва мулкдорларнинг масъулияти баён қилинган. Ва шунингдек, манбадан ижтимоий муаммолар илдизига озиқа бўлувчи жамиятдаги қурсурлар ва инсоният бошига кулфатлар келтирувчи бешафқат урушларга бўлган муросасизлик тарғиботи ҳам

жой олган эди:

«Агар бойлар ва зодагонлар кибрланиб кетсалар, улар ўз бошларига ўзлари бахтсизлик келтирадилар... Урушларда кўплаб одамлар ўлдирилса, бунинг учун аччиқ кўз ёши тўкмоқ ва доим галабани кўмиш маросими деб билмоқ керак...» (3:747).

«Чжуан цзи» асарининг муаллифи ҳақида ҳам *Лао-цзи* каби маълумотлар жуда тақчил. «Таълимот тўғрисида билдирилган фикрлар ичида уни жанубий Хитойдаги даосизм сир-асрори мухлислари томонидан тўпланган, деган хулосалар ҳам йўқ эмас». Чунки манба матни ўзаро бирикмаган турли лавҳалар мажмуида баён этилган.

Шу боис трактат ҳақида тўлиқроқ тасаввур ҳосил қилиш учун унинг айрим таржимадаги намунаси билан танишиб ўтамиз:

«Мен қайдан билай, ҳаётга боғланиб қолганлигим хатолик эмасмикан? Мен қайдан билай, ўлим хавфи худди гўдаклигида ўйини йўқотиб, кейин у ерга қандай яна қайтиб боришини билмайдиган одамнинг туйғусига ўхшаш эмасмикан? Мен қайдан билай, дунёдан кўз юмган киши ҳаётга боғланиб қолганлигига ачинмасмикан?...»

Уйқуда, ухлаб ётганларини билмайдилар; ҳатто уйқуда ҳам фол очадилар ва фақат уйғонгандан сўнг бу уйқу эканлигини англайдилар. Аммо улуғ уйғониш ҳам бор, чунки фақат ундан кейин киши чуқур уйқуда эканлигини англайди. Бу ҳолатда фақат ақлсизлар ўзини уйгоқ деб билиб, “ўзларининг ким эканлигига буткул ишонадилар...”»

Даосизмнинг ўз замонасида қуйи ва юқори табақалар учун универсал таълимот бўлганлиги шундаки, унда ҳар ким ўз истаганини топиши мумкин бўлган. Яъни, «Нуфузли қатламлар кўпроқ даосизмнинг фалсафий назарияси, ундаги қадимий маданият билан та-

биатнинг ўзаро уйғунлиги ва кишининг ўз-ўзини эркин ифодалаши мумкинлиги сингари талқинларга қизиққанлар» Авом халқ асосан даосизм роҳиблари билан ўз муаммолари ечимига доир ишлар юзасидан яқин муносабатда бўлган: фол очирish, тиббий муолажа, анъанавий маросимларни ўтказиш ва бошқа рухий, маиший маслаҳатлар бўйича.

Роҳиблар томонидан бажариладиган бундай амаллар, илоҳлар ва ўтмиш муқаддас руҳларининг бевоҳита иштироки туфайли дин ва авом ришталарини мустақамланиши *Дао* эътиқодининг кенг тармоқ ёзишига катта хизмат қилган. Конфуцийлик мавқеи ўта баланд бўлган даврларда ҳам даосизм ғояси ва амалиётининг ҳар икки, яъни юқори ва қуйи табақалар орасида эътибор қозонганлиги, эртами-кечми орада рақобатнинг келиб чиқишига сабаб бўлиши турган гап эди.

Агар икки таълимот ўртасидаги рақобатга қиёсий таҳлил нуқтаи назаридан ёндашсак, фанда унинг муайян даражада сабаблари тадқиқ этилганлигини кўра-миз. Масалан, даосизм ва конфуцийлик таълимотлари ўртасидаги фарқ Лукьянов А.Е. фикрича шундай:

«Лао-цзи *Даоси* ва Конфуций *Даоси* тамойил нуқтаи назаридан дунёвий ғояларнинг ўтмиши ва ҳозирги ҳамда субъектлар генерацияси бўйича ўзаро ажралади. Яъни, Лао-цзи *Даоси* – инсоний фаолсизлик ва табиий ўзликда яширинган, Конфуций *Даоси* эса – инсоний фаоллик ва ижтимоий гўзалликда. Ва Лао-цзи ўзининг мукамаллик рамзини ерлик квадратда ифодалаган бўлса, Конфуций эса, фазовий доира шаклида.

Аммо ҳар икки файласуф ҳам Осмон остини тинчлантириш ва уйғунлаштиришга ҳаракат қилиб, унда қарама-қаршилик ва жабр-зулмсиз цивилизация яратмоқчи бўлганлар» (45:134).

Даосизмда танага игна билан расм тушириш ҳам эътиқод унсури сирасига кирган. «Расм солинган одам танаси ёки бўяш маъносини англаган *Вэн* сўзи м.а. XIV - XII асрларга доир *Ин* даври битикларида учрайди». *Ин*ларда танага игна билан расм солиш гайбга тааллуқли бўлиб, унинг мазмуни сирли кучларга дахлдор бўлган магик қудратдан дарак берарди.

«*И цзин* – ўзгаришлар китоби»да *Вэн* доим *Дао* билан боғлиқ бўлиб, у *Дао* манифестациясининг инъикоси ҳисобланган»(44:161). Ҳолбуки, «*вэн*» сўзи Конфуций талқинида янги маъноларни кашф этиб, у кейинчалик хитой халқининг ёзув маданиятига тааллуқли атамага айланган.

Даосизм ва Конфуций таълимотидаги комил инсон бўлиб етишиш асосларида ҳам муайян фарқланиш кузатилади. Чунки, масалан комил инсон бўлиб етишиш учун эртадан кечгача тинмай ўқиш-ўрганишни ҳарким ҳам эплай олмаслиги исбот талаб қилмайдиган ҳаётий ҳақиқати. Шунинг учун даосизм тарғиботида, машхур даопараст *Чжуан-цзи* таъкидлаганки, «Комил инсон мулоҳазага берилиб яшамайди ва ҳар сафар пухта ўйлаб хатти-ҳаракат ҳам қилмайди. У ҳақиқатга ҳам, ёлғонга ҳам берилмайди ҳамда яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги фарққа бориб овора ҳам бўлмайди».

Даопарастлардан фарқли ўларок, Конфуций таълимотига эргашганларнинг аксарияти тарихдан маълумки, фақат ўз олдига қўйган мақсадларига эришишга муваффақ бўлиш орзусида яшаганлар. Этик қайта тарбияланишни Хитойда биринчи бўлиб кун тартибига қўйган Конфуций таълимотида бу йўлдаги ибтидо устоз раҳбарлиги остида бўлиб, кейинчалик, шогирдлар муқаррар йўлга тушгач, тарбияни мустақил давом эттирганлар (48:218).

Шу ва яна бошқа сабаблар замирида икки таълимотдаги айрим зиддий дунёқарашлар, ўз даври муҳити

талабига қай даражада жавоб бера олиши хусусида маълум қаршилиқларга сабаб бўлган. Бинобарин, «Даосизмнинг фалсафий йўналишлари, I - III асрларда яшган *Ван Чуна* ва *Цзи Кана* каби муаррихларнинг таҳлили бўйича, антик даврнинг охирида ҳам ривожланишда давом этган. Ва улар диний мақомни эгаллагач, Конфуций таълимоти унга «дахрий эътиқод» сифатида қарши чиққан. Шу боисданки, «даосизм дини ҳақиқати Конфуций тарафдорлари назарда тутган ҳақиқат бўлмаганлиги учун!»

Бу руҳиятдаги Конфуций таълимоти тажрибасининг ҳам дахрийликка қарши кураш бобида бошқа давлат мақомидаги диний эътиқодлардан мутлақо фарқи йўқ эди, яъни қатл, қувғин, манбаларни ёқиш ёки уларни ман этиш каби ишларда. Ваҳоланки, Лао таълимотининг жамиятдаги оммалашуви тўғрисида талай хитой олимларининг фикрлари конфуцийлик позициясига нисбатан анча ижобий бўлган:

«Агар масалага хитойларнинг кундалиқ турмуши ва диний эътиқоди нуқтаи назаридан қаралса, - деб ёзган машҳур хитой муаррихи *Сюй Дишан*, - даосизмнинг «солиштирма оғирлиги» конфуцийликнинг «солиштирма оғирлиги»дан сезиларли даражада каттароқ эди. Мабодо биз бирор бир хитойнинг ҳаёти ва унинг идеалини таҳлил қила олганимизда, у ҳолда биз таҳлил натижасида албатта даосизм идеаллари устунлигини кўрган бўлардик!»

Ёки «Конфуцийлик, - деб хулосалайди япон тадқиқотчиси *Кимура Эйити*, - асосан Хитойнинг нуфузли доиралари эътиборида бўлиб, айна вақтда, жамиятнинг асосий қисми ҳисобланган дехқонлар, хунармандлар ва савдогарлар кўпроқ даосизм таъсирида эдилар». Ҳолбуки, олим хулосаси бу мавзуда сўнги нуқна эмас.

Синологиядаги конфуцийлик ва даосизмнинг хитой халқи тафаккур тарзи, маънавияти ва давлатчилиги ху-

сусидаги фарқланиши ёки уларни қай бирининг умум-миллий тараққиёт нуқтаи назарида «устунлиги» ҳақидаги муқоясалар ҳақиқатида муайян нисбийлик ҳам йўқ эмасдек. Чунки аввалда ижтимоий-фалсафий таълимот ва давр ўтиши билан диний эътиқод ролини ўйнаган Конфуций ва Лао цзи дунёқарашларида ўзаро уйғунлашган ғоялар ҳам мавжуд бўлган. Яъни, биргина ҳар икки таълимотдаги ажодларга эътиқод ва эҳтиромнинг юқорида қайд этилган барча диний-дунёвий масалалардаги моҳияти, аслида, ҳар икки аллома кўзлаган мақсад манзилига етакловчи асосий омил эди!

Энди *Лао* таълимоти ва унинг ҳаётийлиги натижасига келсак, бу хусусда сўнгги нуфузли нашрларнинг бирида шундай хулосага келинган:

«Агар жангари подшоликлар даври даосизм фалсафасининг «олтин асри» ҳисобланса, жанубий ҳамда шимолий сулолалар ҳукмронлиги даври, яъни милоднинг 304-589 йиллари эса даосизм диний эътиқодининг «олтин асри» бўлган». Бу вақтдаги даосизм му — қадаслик институти — ўз муайян маросимлари ва ёзма битикларига эга диний эътиқодга айланган эди (27:46).

Дин мақомини олган Лао таълимоти тарихи *Тан* сулоласи даврида ўзининг энг меърожий нуқтасига етди, десак муболаға бўлмаса керак. Чунки бу даврга келиб даосизм наинки ўз она ватани, балки унинг сарҳадлари оша ўзини танитган эди. Унинг бундай башарий маъно касб эта бошлашида, аввало, Хитойнинг ўзидаги муваффақиятлари изн берди. Натижада даосизмнинг аввал ғоялари ва сўнг унинг амалиёти кўриниши Корея ва Япония сарҳадларига кириб келди. Аммо афсуски, даосизмнинг корейслар диний кадриятларида тутган ўрни ва фаолияти тўғрисида маълумот ва хабарлар жуда кам.

Кореяда Лао таълимоти буддизмга қараганда анча кеч, яъни VII асрга келиб маълум бўлган. Унинг бу

ердаги сиёсий, ижтимоий ёки маънавий масалаларда ўйнаган роли биз кўрган манбалар муаллифлари назарига тушмаган. Ва бу жиҳат урғуланган мавжуд айрим тадқиқий хулосаларида эса, даосизмга фақат конфуцийлик ва буддизм учун «керакли компонент» сифатида қаралган. Ҳолбуки, «уч подшоликлар» давридаги тарихий ёзма обидаларда подшо амалдори томонидан айтилган қуйидаги шундай жумлани ҳам ўқиш мумкин:

«Уч таълимот худди дошқозоннинг уч оёғига ўхшайди. Агар улардан ҳатто бири бўлмаса ҳам иш чатоқ. Ҳолбуки, ҳозир конфуцийлик ва буддизм юксалишда, бироқ даосизм эса ҳамон улардан узоқда. Осмон ости йўлларининг ўзи шунақа – номатълум» (68:45).

Иктибосдаги амалдор сўзларидан кўриниб турибдики, Кореядаги даосизм тарихи хали махсус илмий изланишлар олиб борилишини талаб қилади чоғи. Чунки мажозий «уч оёқ»дан бирининг йўқлиги «корейс даосизими» моҳияти муаммосига гўё бир ишорадек туюлади. Қолаверса, даосизмнинг Кореядаги тарғиботи тарихида шундай фактлар ҳам борки, уларга кўра, бу хайрли ишга хитой ва корейс ҳукмдорлари ҳам ўз хиссаларини қўшган эканлар:

«626-йили *Тан* императори *Когурё*га даосизм тарғиботи мақсадида Лао-цзи расмини жўнатади. 625-йили *Когурё* подшоҳи ўз навбатида Хитойга Будда ва Лао-цзи эътиқодларини ўрганиш учун махсус ўз эличисини юборади. Корейс подшоҳи *Поджана* хукмронлигида эса даосизмни салтанатда тарқалиши учун навбатдаги шундай қадам қўйилади. Яъни, сарой вазири *Ён Кэ-сомуно* маслаҳати билан подшоҳ «уч эътиқод» доктринасини қўллаб, бу ерда буддизм ва конфуцийлик эътиқодларини даосизм билан тўлдиришни маъқул кўрган. *Поджананин*г илтимосига кўра, Хитойдан саккиз дао-

параст коҳин ўз динини тарқатиш учун Кореяга келганлар. Улар саройда жуда тез орада катта таъсирга эга бўлганликлари даосизмга муқобил буддизмни ордан сиқиб чиқарилишигача олиб келган» (64:319).

Даосизмнинг бундай халқаро миқёсдаги йўналишига бевосита маҳаллий ҳукмдорларнинг кўрсатган хизматлари, унинг Хитой ва унга қўшни давлатлардаги расмий эътирофи натижалари эди. Аммо шунга қарамай, даосизмнинг диний ва фалсафий «олтин асри» борасидаги классификациялар доим ҳам фанда қўллаб-қувватланмаган. Ва шу маънодаги замонавий олимларнинг ушбу масалага муносабати куйидаги мазмунда ифодаланган:

1. «Диний» ва «фалсафий» даосизм принципиал жиҳатдан бир-бирига қовушмайдиган турли хусуслардир. Улар мутлақо автоном ва ўзаро вобаста эмас».

2. «Даосизм – бу милонинг бошида пайдо бўлган ўрта аср Хитой диний эътиқоди. «Фалсафий даосизм» – бу ғарб синологиясининг уйдирмаси. Чунки *Дао дэ цзин* ёки *Чжуан цзи* аслида *Чжанго* даврининг фалсафий матнлари бўлиб, улар ягона бир йўналишни ташкил қилмаган» (64:14).

3. «Даосизм дин ҳам эмас, таълимот ҳам эмас ва ҳаттоки турли мактаблар қоришмаси ҳам эмас. Бу кўпроқ хитой этносига онгнинг алоҳида мослашуви. Агар конфуцийлик – бу мазкур анъана эгаларининг ўзлари ҳақидаги ўйлари бўлса, даосизм – бу ҳақиқатда уларнинг ким эканликлари. Ва бу икки – реал ва ғоявий «Мен»лик бир-биридан ажралмай доим бирга яшashi керак» (49:70.8).

Юқоридаги даосизмнинг диний-фалсафий таркиби классификацияси тўғрисидаги нуқтаи назарлар ичида М.Стрикменнинг куйидаги хулосасини эса, таълимотни таркибий қисмларга бўлиб тадқиқ этилишига қарши билдирилган эътироз, деб баҳолаш мумкин:

«Даосизмнинг фалсафий ва диний атамалари истифодасидан воз кечиб, таълимот ҳақида бундай «аниқловчилар» сиз гапиришнинг вақти келди ва уни II асрдан шаклланган миллий хитой дини, деб тушунмоқ даркор. Зотан, хитойлик сулолалар хорижий босқинчиларга қарши курашнинг энг оғир кунларида, *Дао* таълимотидан маънавий таянч сифатида фойдаланганлар».

Диншуносликдаги даосизм тадқиқоти тарихига назар солсак, таълимотнинг диний ва фалсафий жиҳатлари юзасидан шу қадар илмий таҳлил ва талқинлар бисёрки, уларни албатта бирор фасл қамровида баён этиш қийин. Биз учун ҳозирча шуниси муҳимки, диншуносликда даосизмнинг тарихи, фалсафаси ва диний мақомига бўлган қизиқиш ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ – даология ҳамон изланишда!

Дарвоқе, фалсафий ва диний нуқтаи назардан Лао таълимотига берилган баҳоларни умумлаштиришга бағишланган яна шундай бир трактат ёзилганки, одатда даологияда унга *Дао-дэ цзин* билан бир савиядаги асар сифатида қаралади. Бу манба *«Инфу-цзин - яширинликнинг бирлиги ҳақидаги китоб»* номи билан машхур. Бироқ унинг фундаментал моҳиятига неоконфуцийлик вакиллари эътироф кўзи билан қараганлар.

Даосизмнинг учинчи яна бир йирик манбаи – бу унинг муаллифи номи билан аталган *«Гуан Ин-цзи»*-дир. Унинг яратилиш даври тахминан VIII асрга тўғри келади. Лекин *Гуан Ин-цзи* талқинида Дао фалсафаси ўзининг янги қирралари баёни билан биз қисман танишган *Дао дэ цзин*дан анча фарқли:

«Гуан Ин-цзи деди:

- Нимаки ҳақида сўзлаш мумкин бўлмаса, худди ўша Дао - йўлдир. Нимаки ҳақида ўйлаш мумкин бўлмаса, худди ўша Дао - йўлдир. Осмон ва бутун борлиқ бамисоли тошиб турган сув ўрамида айланади, бири иккинчисининг ўрнини эгаллайди – худди

аввал бору, кейин йўқ бўлганидек...

Гуан Ин-цзи деди:

- Бир кулол сон-саноқсиз кўзалар ясаши мумкин, лекин уларнинг ичида бирорта кулолни ясайдиган ёки унга халал бера оладигани йўқ. Биргина Дао беадад жонзотларни яратиши мумкин, лекин улардан биротаси ҳам Даони яратиши ёки унга халал бера олиши мумкин эмас.

Гуан Ин-цзи деди:

- Тушида, ойнада ва сувда Осмон ва Ернинг тасвири кўринадди. Кимки тушида кўрган Осмон ва Ерни кўришни истамаса, у уйгоқ бўлади ва ухламайди. Кимки ойнада кўрган Осмон ва Ерни кўришни истамаса у ойнага қарамайди. Кимки сувда кўрган Осмон ва Ерни кўришни истамаса идишга сув тўлатмайди. Демак, объектнинг борлиги ёки йўқлиги субъектга боғлиқ экан, объектга эмас. Шунинг учун мутлақ ақлли киши Осмон ва Ер аксини кўришни истамаса, улар аксидан эмас, балки ўз онгидан узоқлашсин.

Гуан Ин-цзи деди:

- Осмон ўз-ўзидан пайдо бўлмаган, балки унинг кандайдир Яратгувчиси бор. Ер ўз-ўзидан пайдо бўлмаган, балки унинг ҳам қандайдир Ярутгувчиси бор. Ахир, уй-жой, ёгоч-ускуна, қайиқлар, араваларни одам ясаган-ку! Объектлар дунёси ўз-ўзини яратмаган. Балки, шундай бир нарса борки, объектлар унга боғлиқдир. Аммо ўша бир нарса, аслида ҳеч нарсага боғлиқ эмас. Тepadан Осмонга қарама, настдан эса Ерга қарама. Ўз «Мен»ингни ҳам ичидан қарама, ташқаридан эса одамларга қарама.

Гуан Ин-цзи деди:

- Совуқ ва иссиқ, изгирин ва жазирама ҳам бами-соли гишт ва тошга ўхшайди: олов ёқсанг улар қизийди, сув сепсанг совийди. Сабаб туйфайли барча

ташқи нарсалар гишт ва тоидаги ўзгаришлар каби пайдо ва гойиб бўлади. Ҳақиқат эса, на пайдо бўлади ва на гойиб бўлади. Масалан, сувдаги акс ҳам гоҳ пайдо бўлади, гоҳ йўқолади. Аммо агар сувнинг ўзи ҳақида гапириладиган бўлса, унда ҳеч наса пайдо ҳам бўлмайди ва гойиб ҳам!

Гуан Ин-цзи деди:

- Агар бўйлиқда рўмолчани ҳилпиратсанг шамол пайдо бўлади. Шунда шабада эсса намлик пайдо бўлади. Тош тошга урилса учкун чиқади. Шундан кўриниб турибдики, шамол, ёмғир, момақалдироқ ва чақмоқни пайдо қилиш мумкин. Бинобарин, ҳаводан пайдо бўлган шамол, ёмғир, момақалдироқ ва чақмоқ эфир қувватидан ва эфир қуввати эса ондан тугилади.

Гуан Ин-цзи деди:

- Онг – бу «Мен» ва мавжудликнинг ўзаро туташуви туфайли тугилади, худди олов икки бўлак ёғочнинг бир-бирига ишқалашдан пайдо бўлгандек. Онгни «Мен»да деб бўлмайди ва уни шунингдек ташқи мав-жуд нарсаларда деб ҳам ҳисоблаш мумкин эмас. Шун-дай экан, уни, яъни онгни «Мен» ва «ташқи нарсалар» орқали таърифлаш ва ушлаб олишга интилиш тен-таклик!»

Манбада кузатилган даопараст ботиний ва зохирий дунёсига хос – расмий замонавий атамалар тилда ифодалаганда психофизиологик ва психотехник машғулотлар ҳақида гап кетганда фанда шу нарса алоҳида таъкидланадики, гарчи «руҳий ва жисмоний ал-кимё»да илк ўрта асрларга келиб янги унсурлар рўёбга чиққан бўлса-да, аммо улар қадим замонлардан ибтидо олган тажриба ҳосиласининг кейинги даврлардаги самараси эди.

«Милоднинг VII асрида ҳам даосизм «ал-кимё»си тиббиёт билан узвий боғлиқликда тараққий этди. Бу

даврнинг энг истеъдодли вакили – муқаддам тиббий соҳада жуда машҳур бўлган кимёшунос *Сун Симо* эди. Бироқ сўнгги вақтлардаги эликсирлардан заҳарланиш ҳолларининг кўпайиши ва буддизмнинг таъсири «ал-кимё»ни таназзулига олиб келган. Ваҳоланки, ундан кейинги XII-XIII асрларда даопараст тиббиёт намояндалари жуда қизиқарли кимёвий матнларни тузишга муваффақ бўлган эдилар».

Даосизм илоҳлари пантеони таркиби диний доктрина асосчиси ва унинг давомчилари – турли илоҳлар, муқаддас шахслар, қадимги Хитой императорлари ҳамда аждодлар арвоҳидан иборат бўлиб, улар ўз муайян нуфузи ва даражасига эга бўлган:

1. *Тайшан Лао-цзюн* – энг улуғ илоҳ.
2. *Ди* - император ва *Хоу* – қиролича.
3. *Ванг* - у ёки бу давлат подшоҳи.
4. *Тян-цзун* – фазовий илоҳлар.
5. *Сян* - абадий барҳаётлар.
6. *Шэн*-руҳлар (27:201,202).

Даосизмда шунингдек, халқ ўртасида машҳур бўлган алломалар, қаҳрамонлар ва ҳатто ўзга диний эътиқод худолари ҳамда турли йўналишлар асосчилари ҳам илоҳий пантеонга кирган Булар ичида «*Ўлмас саккизлик*» илоҳлари халқ орасида шунчалик кенг тарқалган эдики, уларга атаб тўқилган ривоят ва афсоналар ҳали-ҳали манзур ва машҳур. Шу сабабдан бўлса керак, доим барҳаёт саккиз илоҳ номи нафақат диний, балки тарихий ва адабий хитой нашрларида ҳам тилга олинганлигини учратиш мумкин:

1. «Чжунли Цюан – ҳарбий саркарда сифатида урушда мағлуб бўлгач, дарвеишлик даврида темирни олтинга айлантириш сирини ўрганиб, камбағалларга олтин улашиб, шу боис мангу яшашга муясс

сар бўлган.

2. Чжан Го-лао – ўз сеҳрли хачири билан машхур бўлиб, жуда кўп маротаба ўлган бўлса ҳам, аммо ҳар сафар яна тирилавергач, у охири мангуликка муяссар бўлган.

3. Люй-Дун-бин – ёшлигидан ақлли бўлиб, сўнг у Дао таълимотини эгаллаб мангу яшашга эришган.

4. Ли Те-гуай – бир куни Лао-цзи билан учрашувга равона бўлаётиб, ўз танасидан ташқари чиқиб, уни ўқувчисига қолдириб кетади. Учрашувдан сўнг уйга қайтиб келиб қараса, ўз бемор онасини кўргани бор-ишга шошилган ўқувчиси устози баданини куйдириб қўйиб, жўнаб кетибди. Ли шунда бир ўлган чўлоқ камбагалнинг танасига кириб бир умр шундай чўлоқлигича қолган.

5. Хан Сян-цзи – машхур конфуцийпараст Хан Юянинг жияни, келажакни ниҳоятда аниқ башорат қилиш қобилиятига эга бўлган.

6. Цао Го-цзю – қироличанинг укаси бўла туриб дарвешликни ихтиёр қилгач, даосизм сир-асрорининг билимдони сифатида ҳаммани қойил қолдирган.

7. Лан Цай-хэ – кўшиқ айтиб, садақа йигиб камбагалларга улашгани учун эл ичида машхур бўлган.

8. Хэ Сян-гу – ёшлигидан ўзининг ажойиб одатлари билан ҳаммани ҳайрон қолдирган. У турмушга чиқмай, узоқ йиллар рўза тутган ва тоғу тошлардан макон топиб яшаб қолган» (19:324-325).

Даосизмдаги илоҳлар қатори милоднинг I асридан Лао-цзининг ўзини ҳам илоҳийлаштириш бошланган. Хан даври диний матнларида Лаони «Дао жисми, яъни инкорнацияси» сифатида қайд этилиб, унинг баёнида махсус маъноларни англатувчи иероглифлар истифода қилинган (65:124). Тақводор сулолалар илоҳларни шарафлаб қурдирган кўп сонли ибодатхоналари маҳобати ҳам уларнинг хитойлар ҳаётидаги тут-

ган ўрнидан дарак берарди. Чунки ибодатхоналар қурилиши ва улар сонинининг ортиши тақво аҳлининг ўз эътиқодига садоқатининг энг ёрқин рамзи эди.

Даосизм хали таълимот сифатида шаманизм унсурлари билан эътиқодга дохиллиги даврига караганда кейинги йўналишларнинг пайдо бўлиши ибодатдаги вожиб диний ва дунёвий фарзлар амлиётига янада янги куч берди. Шунингдек, тақводорларда диний туйғунинг мукамаллик касб этишида даосизм эътиқоди мағзи ва маросимлари нимадан иборат эканлиги тарғиботи қоҳинлар зиммасига юклатилди, яъни:

1. Инсон тақдирини бошқарувчи *Дао* ва рухлар рамзида ғайб кучларига хулуси дилдан ишониш; худоларнинг тақводорни ўз ҳимоясига олиб, бало-қазолардан сақлаши ва унга куч-қувват бағишлаши.

2. Даосизмда ғайб қудрати ва эътиқоддилар ўртасида икки томонлама алоқанинг мавжудлиги ва фарз этилган маросимлар ижросининг айна шу алоқаларни янада мустаҳкамлаши.

3. Диний анъаналар ва байрамларни нишонлашда вожиб тақво амаллари бўлган қурбонликлар қилиш, муқаддас матнларни ўқиш ва бошқалар.

Қайд этилган барча анъана ва диний маросимларни фақат етук қоҳинлар бошқариб, улар оддий даопарастлар ҳаққига ўз дуоларида илоҳий марҳаматлар сўраганлар (27:200,201). Чунки *Дао* ризолиги бу – барҳаётлик томон етакловчи йўл, зеро:

«У ҳаётни бошқаради, йўқса – у зойиб бўлса, бутун борлиқ яшай олмайди. Агар бутун борлиқ яшамаса, бирор жонзот ҳам тирик қолмайди. Агар бутун борлиқ яшаб насл қолдирмаса қиёмат қоим бўларди».

Лао таълимотида тақво аҳли ўз эътиқоди амалиёти билан муайян мавқеларга эришиб, уларнинг сараланиши асрлар оша аниқлаша борди. Масалан, учлик то-

ифасига кировчи тақводорлар куйидаги мангулик макоми даражаларига бўллингавлар:

1. Осмон илоҳияти орасида хузур-ҳаловатда яшовчи самовий ўлим билмаслар.

2. Маишхур тоғлар ҳамда зорлар орасида яширин яшовчи ерлик ўлим билмаслар.

3. Танадан халос бўлгач, кейин қайта тирилиш орқали мангуликка эришганлар.

Бундан ташқари, умуман фуқаро ва кулларнинг сараланиши даосизмнинг иккинчи бир манбаида бир неча поғонали даражаларга бўлингав:

- 1) *ну бэй* - куллар;
- 2) *мин жэн* - халқ;
- 3) *шан жэн* - яхши кишилар;
- 4) *сян жэн* - мутафаккирлар;
- 5) *шэн жэн* - етук алломалар;
- 6) *дао жэн* - Дао кишилари;
- 7) *чжэн жэн* - чин инсонлар;

Фанда даопарастлар орасидаги бундай градация, Хитойга кириб келган буддизм доктринасининг маҳаллий менталитетга таъсири сифатида хулосаланган (64:82).

Энг кенг маънодаги комил инсонга хос жисмоний ва маънавий фаоллик масъулияти ҳамда уларнинг ҳаётий амалиёти Конфуций ва Лао таълимотларда ўзаро маълум жиҳатлари билан фарқланарди. Лекин шунда ҳам улар ўртасидаги мавжуд фарқлар қадим аждодлар таълимотлари тақозосидан устун келолмади. Шунингдек, Хитойдаги диний-фалсафий таълимотлар тўғрисида гапирганда, доим яна шуни эсда тутиш керакки, уларнинг тарихда зикр этилган муҳолифати, асосан, даврий маънода кечган. Бунинг инкор этиб бўлмас исботи бу бир ҳудудда жойлашган катта-кичик давлатлардаги уч диний эътиқод – конфуцийлик, даосизм ва буд-

дизмнинг Хитойда асрлар оша давом этган турли ҳарбий, ижтимоий-сиёсий воқеалар силсиласига қарамай, ўз илдизларидан узилмаганлиги!

Мазкур «турфаликдаги бирлик» бардавомлигининг иккинчи бир сабаби, бир заминда жорий ҳар уч эътиқоддаги тақводорларда доимо диний эътиқоддан-да кучлироқ «миллий муштараклик туйғуси»нинг устунлиги эди.

Худди шу боисдан баъзи даврлардаги хос вазиятларда бир дин иккинчисини мантиқан тўлдирган ва ҳаттоки ўрнини ҳам эгаллаган, гарчи даосизм ва буддизм айрим маънавий масалаларда конфуцийлик билан нисбатан кескин зиддиятда бўлган чоғларда ҳам!

Хуллас, даосизм ва буддизм ўртасидаги ҳамжиҳатликни ёки расман олганда муросасозликнинг бир учи «Лаонинг жанубга кетиши» всқеаси билан боғлиқ эди.

Лаонинг Ҳиндистонга келганидан кейинги воқеалар манбаларда аниқ фактлар эмас, балки ривояту афсоналар асосида шарҳланган, шунинг учун даосизм ҳамда буддизм ўртасидаги «ибтидоий бирлик» тафсилотининг баъзи жиҳатлари шубҳали туюлади.

Бу жабҳада яна шундай фикрлар ҳам борки, Хитойда ўзлашган буддизм унсурларидан фойдаланган даосизм ўз асл моҳиятини сақлаш мақсадида ўзининг буддизм ибтидосига тааллуқли эканлигини шундай ривоят орқали тасдиқлашга уринган:

«Лао қора хўкизга қўшилган аравасида саёҳат қилиб юрганида, ухлаб ётган аёл – Шақямунийни ҳомиладор қилгани учун Будда тугилган».

Аммо буддизмнинг Хитойдаги тарихига доир илмий тадқиқотлар билан танишилганда, «Дастлаб қисман даосизм Хитойда буддизмни тегишли атама ва маълумотлар билан таъминлаганлиги, сўнгра ўзи ҳам худди шунингдек, ҳинд-буддавий маданиятдан фойдаланган»лиги маълум бўлди. Айниқса, дўзах ва жаннат,

дуоғўйлик, медитация, «роҳиблар институти», «йоглар тажрибаси» ва бошқа хусусларда. Чунки баъзи илмий тадқиқотлар таҳлилича, даосизм қонунлари мажмуи бўлган «*Дао цзан* - Дао хазинаси» фақат XVI аср бошларида йиғиб чоп этилган.

«Хитойда эса, асл диний манбаларга у қадар эътибор берилмай, баъзан у ёки бу нусханинг мавжудлиги ҳам кифоя ҳисобланган». Шу қатори буддизмнинг «*Трипитака* – саватлари»га ҳам муносабат айти ҳолда бўлган.

Даосизм фалсафий талқинлари ичида унинг диний эътикод сифатида таъсирини оширишда муҳим роль ўйнаган жиҳатларидан бири – бу инсон ҳаётининг «абადийлик»ка дахлдорлиги даъвоси эди. Яъни, гўё коинот даосизм тушунчасида, Осмон ва Ернинг *ин* ва *ян* кучи асосидаги ўзаро муносабати туфайли абადий фаолият кўрсатгани каби, одам вужуди ҳам «кичик олам» сифатида аёллик ва эрлик ибтидоси муносабатининг натижаси эканлиги боис «абадий тириклик»-ка дахлдор ҳисобланган.

Албатта, «абадий ҳаёт» дейилганида, биринчи навбатда моддий тана талаблари мутелигидан озод ҳолдаги руҳий мангулик тушунилган. Бу йўлда даопарастларга асосий эътиборни нафсни маҳв этиш – кучли озиқ-овқатлардан секин-аста воз кечиб, тириклик учунгина етарли мева-сабзавот маҳсулотларидан истеъмол қилиш буюрилган.

«Мангуликка интилган даопараст учун сабр-тоқатнинг мерожии – бу қорин очганда, керак бўлса, ҳатто сўлак билан тўйинишни ўрганиш»га ўтишдан иборат эди. «Кундалик ҳаётда эса овқатланиш - *чифан гунфу* ва кийим кечак кийишда - *инфу гунфу* атамаларига доир мажбурий қонунларга амал қилинган». Бундан ташқари, даосизмнинг кимёси тасдиғига кўра, барҳаётликни таъминловчи барча унсурлар одам вужуди-

нинг ўзида – ичида мавжуд. Қизиғи шундаки, худди шу каби инсондаги мавжуд ботиний муолажа воситалари ва уларнинг шифобахш тамойили аналогии йога таълимотида ҳам тарғиб қилинган эди. Агар шу нуқтаи назардан дунёнинг бошқа диний эътиқодида муҷассам тиббий захираларга ёндашсак, яратилишидан инсон вужудига жо қилинган ақлий, руҳий ва жисмоний потенциаларнинг имконияти сўфизм таълимоти учун ҳам «кашфиёт» эмасди. Шу маънодаги қиёсий таҳлилимининг тасдиғи учун ҳазрати Алишпер Навоий ижодидан икки мисра мисол келтириб, яна мавзуга қайта-та-миз:

*Чун бўлди табиати муолиж,
Қилди танидин марази хориж.*

Демак, инсонда мавжуд тиббий муолажа захираси ёрдамида саломатликни тиклаш ва унинг бардавомлигини сақлашда даосизм тамойили бўйича жисмоний машқлар ва руҳий медитация билан бирликда турли набототдан тайёрланадиган дори-дармонлар ҳам қўлланган. Бинобарин, *Тан* сулоласи даврига тегишли бир нуфузли тарихий манбада даосизм кимёси матнида ўтўланлардан тайёрланадиган барҳаётлик элексири қатори 27 бошқа унсурлар номи зикр қилинган. Ва бу шифобахш дориларни тайёлашда турли минерал ва металлар ҳам истифода этилган: кўрғошин, симоб, цинк, никел, сулфат натрий, тош туз, кумуш ва бошқалар (27:106)..

Даошунослик нашрлари хулосасига кўра, асрлар оша тиббий ва кимёвий воситаларнинг мангу яшаш йўлида қўлланиши доим ҳам исталган ижобий натижаларни беравермаган. Яъни, даосизмга хос «ал-кимё» кўплаб ўлимларга ҳам сабаб бўлган. Конфуцийлик тарафдорлари ва умуман *Хан* сулоласи нуфузли зотлари даосизм барҳаётлик тарғибига ишончсизлик билан қараганлар. Шу сабабдан улар туғилиш бор ерда ўлим

ва умуман ибтидо бор ерда интиҳонинг бўлиши табиий эканлиги тамойилини тарғиб қилганлар.

Аммо шунга қарамай, хитойлик даопараст олим ва коҳинлар руҳан ботиний ва зоҳирий хотиржамлика эришиш йўллари излашда давом этганлар. Масалан, даосизм «ал-кимё»сига доир ботиний ва зоҳирий саломатлик йўлида психотехник машғулотлар қатори табиат ўсимликларидан тайёрланган ҳаётбахш шарбатлар истифодасини синаб кўрганлар. Бундан ташқари, таълимотда буддизм, ҳиндуизм, иудаизмдаги медитация ва нафас машқларига ҳам эътибор берилган.

Тўғри, бу машқларнинг бажариш услуби ва техникаси ўзаро бир-биридан анча фарқланган. Агар баъзи машқларни зикр билан бир маромда нафас олиш ёки нафасни тўхтатиб туриш орқали бажарилган бўлса, қолганлари диққат-эътибор билан нафас олиш ва чаришда ҳаёлни назорат қилиш орқали бажарилган. Ёки ҳатта йогада ҳаводан «*прана* - куч-қувват» олишда фойдаланилгани каби, даосизм ҳам нафас машқларида худди шунга яқин услубни қўллаб, «*ци*»- энергия манбаини тўплашни ўзлаштирган (65:173).

«*Ци*» даосизм тушунчасида табиатан доимий ҳаркатда, шунинг учун ҳам бутун борлиқда «ярим ҳолати бутунликка, қийшиқлик тўғрилиқка, бўшлиқ тўлиқликка ва эскилик янгиликка ўтиб ўзгариб туради». *Ци* инсон танасига унинг олаётган нафаси орқали кириб унга қувват бағишлайди. Ва бу қувват манбаи баъзи талқинларда руҳ, ақл ва онгга тааллуқли ҳолларда ҳам тавсифланади. Ёки *Мин* даврига оид «Хомила нафаси ҳақидаги китоб»га ёзилган комментарияга мувофиқ, *Ци* ва руҳнинг ўзаро муносабати қуйидагича: *Шэн* - руҳ ва *Ци* – ҳаёт кучи худди тана ва соя каби бир-бирининг кетида юради. Тана руҳнинг макони, руҳ эс тананинг эгаси-хўжайини. Агар хўжайин, яъни руҳ хотиржамликда бўлса, у танада яшайди, борди-ю безовта

бўлса, танани тарк этади. Руҳ танани тарк этиб кетганидан кейин *Ци*, яъни ҳаёт кучи ҳам тарқалиб кетади (64:78).

Шу нуқтаи назардан агар даосизмдаги “барҳаётлик” тарғиботи тамойилини таҳлил қилсак, вужуд қандай – ижобий ёки салбий ҳолатда бўлиши руҳ фаолиятига боғлиқ. Ёки айни ҳолатни Ибн Сино таърифида белгиллаганда: *«Вужуд руҳнинг амрига мойилдир»*.

Даосизмдаги руҳ тушунчасининг маълум маънода Ибн Сино хулосаси билан муштарак жиҳатга эгаллиги «руҳ мавзуи»га турли диний эътиқод вакилларида қадимдан қизиқиш бўлганлигини билдиради. Шунинг учун «руҳ мавзуи ва руҳ илми»га доир турли диний эътиқодлар таърифи ҳамда руҳнинг тиббий таҳлили тарихига қисқа экскурс қилиш мавзу моҳияти ҳақида нисбатан тўла тасаввур қилишга ёрдам беради.

Масалан, ҳиндуизмнинг *«Бхагавад-гита»* китоби маълум қилишича:

«Жаъми аъзои бадан руҳ зарраларидан озикланади. Ўпкадаги ҳавога тўйинган қизил қон таначаларининг қувват манбаи руҳий заррадир. Шунинг учун ҳам руҳ танани тарк этиши билан қон юриши тўхтайдиган – у совийди» (91:106).

Яна, гарчи руҳий жараёнларни кузатиш ва ўрганиш бобида Ҳиндистонда талай тажрибалар тўпланган бўлса-да, аммо бу тўғридаги инсоний билимларнинг чекланганлиги, биз юқорида эслатган Будданинг ўз шогирдларига берган панд-насихатида ҳам жуда жўн ва аён тарзда ифода топган:

«Руҳ оддий одамлар ва ўзга дин намояндалари биладиган маънода мавжуд эмас».

Бу хулосада, назаримизда, икки мақсад бордек туюлади: бири – исломий талқиндаги каби «руҳнинг илоҳий илм» эканлиги бўлса, иккинчиси, буддапарастларни гўё турли янглиш тушунча ва тақинларидан ҳимоя-

лашга қаратилгандек. Хуллас, икки давр, икки диний эътиқод таърифида кўрилгандек, руҳнинг инсон вужудидаги фаолияти ҳақиқатан ақл қамровига сиғмайдиган жараён. У бизнинг тасаввуримизда фақат туйғулар туфайли сезилиб, инсонга ато этилган «жуда оз илм» натижаси эса асосан қуйидаги ҳолатларда билинади:

1. **Руҳий хотиржамлик,**
2. **Руҳий паришонлик.**
3. **Руҳий тушкунлик.**
4. **Руҳий турғундик.**

Шунингдек, санаб ўтилган тўрт ҳолатнинг орасида бизнинг руҳий оламимизда тақчил бўлса-да, лекин юз бериб турадиган яна бир жиҳатни ҳам унутмаслик керак:

5. Руҳий мунавварлик.

Бу беш ҳолат ботиний ёки зоҳирий «турткилар» туфайли муттасил ўзаро ўзгариб туриши билан характерли бўлиб, улар турмушдаги турли ёқимли ва ёқимсиз воқеалардан ташқари, яна шахсий инсон табиатига хос ирсий ёхуд маънавий ва ижтимоий хусусиятларга ҳам боғлиқ. Яъни: ҳаётбахш туйғулар ёки ваҳима ва васвасаларга ирсий мойиллик ёки ирим-сиримларга ишониш, одамохунлик ёки худбинлик, хушфёъллик ёки баджаҳллик ва бошқа жиҳатлар туфайли ботиний онгда сақланиб қоладиган хотираларнинг «ёпишқоқ»-лигига.

Инсон қандай аҳволга тушмасин, унинг оқибати натижасида руҳнинг салбий ёки ижобий тус олишида ақл-идрокнинг етакчи аҳамиятга эгаллиги албатта шубҳадан мустасно. Бунда шуниндек, юқорида қайд қилинган хотиранинг ҳам жуда муҳим ҳиссаси бор. Зеро, «Одам туғилган соатидан то сўнгги нафасигача доим ташқи муҳитнинг таъсирида яшайди. Кузатишлардан олинган, ўқилган ва эшитилган маълумотлар ва шоҳи-

ди бўлинган ҳар хил ҳодисотлар одамнинг онгида маълумот сифатида сақланиб қолади. Шу сақланиб қолган маълумотларнинг ҳаммаси хотира»дир.

Хотиранинг қай тарзда инсон руҳиятига таъсири, киши ақлий потенциали ва табиати томонидан бошқарилади. Яъни, ақлнинг тафаккур орқали намоён бўладиган мушоҳада, мунозара, муқояса ва мубоҳаса қилиш имкониятлари, инсоннинг иқтидори савияси, илми-билми даражаси ва унинг фаолиятидаги тажриба амалиёти билан белгиланади. Акс ҳолда, ҳазрат Али (р.а.) айтганларидек:

«Ишлатилмаган илм, уни эгаллаган ақл эгасидан илгари жон беради».

Руҳият оламига қисқа экскурсга яна шуни қўшимча қилиш лозимки, даосизмда гарчи руҳнинг хотиржамлиги ёки безовталиги ва ушбу ҳолатнинг танага таъсири алоҳида урғуланган бўлса-да, аммо шу икки ҳолатнинг келиб чиқиш асл сабабларидаги асаб тизими тилга олинмаган. Ҳолбуки, табиатда жонзот борки, доим теварак-атрофдаги муҳитнинг таъсири остида яшайди. Бундай турли ташқи таъсирлар натижасида асаб тизими ҳам шунга яраша ўз реакциясини беради.

«Асаб системаси икки қисмга бўлинади – марказий ва чекка. Марказий асаб системаси бош ва орқа миядан иборат. Улардан тарқалган ниҳоятда кўп сонли асаб толалари периферик, яъни чекка асаб тизимини ташкил қилади.

Инсоннинг ташқи дунё билан алоқаси кўриш, эшитиш, таъм билиш ва бошқа сезги аъзолари орқали кечади. Бу таъсирланиш ўз навбатида асаб устки қисми орқали «марказий асаб тизими»га узатилади. Шу тарзда вужуд ташқи муҳитда содир бўлаётган хусуслар ҳақида «сигнал» олади...» (50:12-13).

Даосизмда асаб тизими саркашлиги ҳақида сўз юритилмаганлигининг бойси, бизнингча, агар руҳ рисола-

даги покликка эришса, у доим «*Ци*», яъни ҳаёт кучи ҳимоясида. Қолаверса, руҳнинг «*Ци*» ҳимоясига муяссарлиги, айнаи вақтда унинг *Даода* мужассамлиги. *Даода* мужассамлик эса, асаб тизимининг сокин ҳолати. Шунинг учун тақводорнинг «ҳомила ва она бирлиги»га эришишида жисмонан соғлиқни сақлаш ва умрни узайтириш психотехникаси амалиёти кенг қўлланган. Бунда «ҳомила ҳолати»га кириш учун нафас машқларини бажараётган киши дастлаб бурнида чуқур нафас олгач, чидагунича уни ичида ушлаб туриб юрак уришини санаган. Борган сари нафасни ушлаб туриш ҳисобига юрак уришидаги санаш муддатининг чўзилиши бўйича маълум тажриба ҳосил қилинганидан кейин, машғулот ўз ижобий натижасини бера бошлайди. Айрим даосизм манбаларида «нафас ушлаш муддатини 120 дан то 1000 юрак уришигача чўзишга муваффақ бўлинса, ҳатто қартайган чолнинг ҳам кундан кунга ёшара бошлаши башорат қилинган» (65:161-162).

Барча юқорида айтилган саломатлик соҳасидаги воситалар ичида бошқа дунё динлари каби даосизмда ҳам медитациянинг ўрни ва услуби алоҳида. *Лао* таълимотининг ҳар қалай буддизм билан муштарак жиҳатлари борлигини назарда тутганда, унинг бу борадаги тажрибасини ҳиндуизм медитацияси билан таққослаш мавзу муаммоларини ойдинлаштиради.

Медитация жараёни йога таълимотининг бошқа турдаги машқларига қараганда ўз мураккаблиги билан ажралиб туради. Ва бу муаммони фақат тегишли билим асосидаги муттасил интилишлар ҳисобига ҳал қилиш мумкин. Ушбу йўналишда тўғри медитацияга ҳалал берувчи дастлабки тўсиқ – бу бевосита диққатни бир ерга жамлаш вақтида хуруж қилувчи ўй-хаёлларнинг оқими. Йог бундай ҳолатда онгининг турли «оҳанраболар» исканжасига тушаётганини фаҳмлаб, улардан ўзини ақлан ҳимоя қилиш учун қуйидаги йўл-

ни тутади. Яъни, «Йог хаёлини чулғай бошлаган ғайр фикрлар «мавжи»ни, худди дарё соҳилида дам олиб ўтирган киши сингари сувнинг оқиши мисолида кузатади. У бу билан ўз онги озодлигига йўл бермайдиган «хаёлий ё фикрий душманлар оқмини»ини аниқлаб, шу ҳолатда, майли бир лаҳза бўлсин, рухий хотиржамликка эришади. Ва хотиржам лаҳзаларни сонияларга ўтиши эса, онгни медитация софлиги манзилига яқинлаштиради».

Даосизмда медитациядан мақсад – саломатликни сақлаш, узоқ умр кўриш ва маънавий тараққиёт, яъни *Дао* билан бирлашиш. Медитациянинг ибтидосида эришилиши зарар бўлган натижалар: ақлни поклаш, истакхоҳишларнинг имкон қадар камайтириш, эмоционал мувозанатга эришиш ва ботуний қувват циркуляциясини ҳосил қилиш (27: 269).

Бунинг учун фикр, хаёл, эмоция ва турли туйғуларни уларнинг пайдо бўлишидан аввал олди олинади. Қачонки эмоция ва ҳиссиётлар оқими тўхтатилса, шунда ақл тинчланиб равшан тортгач, бу ҳолатда киши ботинан *Дао* нуридан мунавварликка эришади.

Медитациянинг бу услуги, худди ража йога каби тананинг алоҳида бирор ҳолатида бўлишини талаб қилмайди. Ваҳоланки, аксарият даопарастлар чордана куриб ўтирган ҳолатда медитацияга киришади. Лекин шунингдек, медитация билан турганда ҳам, юрганда ҳам шуғулланиш мумкин бўлиб, унда ёшу қари ёки саломатлик қандай ҳолатда бўлишига қаралмайди (27:270).

Қисман тафсилоти берилган даосизм психотехникаси ва унинг «абадият» мавзусига кўшимча қилиб яна шуни алоҳида қайд этиш мумкинки, таълимотнинг диний эътиқод сифатида давлат эътиборига муяссар бўлишида императорларнинг узоқ умр кўриш борасидаги роҳибларнинг тажрибасига бўлган эътимоди жуда катта роль ўйнаган. Гарчи «сеҳргарларнинг *У-ди* дав-

рида мўъжизавий ороллардан «абадият шарбати»ни олиб келишга қилган уринишлари натижа бермаган» бўлса-да, аммо шунда ҳам бу мўъжизага ишонч одамлар эътиборидан четда қолмаган.

Аслида таълимот «мўъжиза»сининг ҳақиқатга энг яқин жиҳати – бу саломатликни диетология ҳамда медитация орқали мустаҳкамлаш машқлари бўлган. Шу боисдан ҳам даосизм таълимотининг асосий ғояси, инсонни ҳаёт ҳикматларини аждодлардан эмас, балки *Дао*нинг ўзидан излашга, бунинг учун маънавий такомилликка эришиб Унга қайтишга, турмушнинг беҳуда тарадудлари, ҳис-ҳаяжонга тўла умргузаронлигидан фарқли ўлароқ осойишталик, оддийлик ва табиийликни ихтиёр этишга чорлаган. Фақат шунда, яъни тақводор эътиқод кўрсатмалари билан яшаса, унинг бу сadoқати боис илоҳият ҳам ундан ўз марҳаматини дариг тутмайди. Зотан «*Шанцин мактаби*» ўргатишича, инсон вужудида уни муҳофаза қилувчи ва касалликлардан сақловчи илоҳлар ва руҳлар бор. Ва қачонки бу ҳимоячилар танани тарк этсагина инсон кучсизланади ва охири вафот этади. Бинобарин, *Шанцин* тажрибасининг мақсади, мавжуд ҳимоя воситаларини вужудда сақлаб қолишга интилиш. Бунда биринчи ҳимоя воситасининг энг асосийси – бу *Дао*.

Иккинчиси нисбатан кейинги ўриндаги ҳимоя воситаси *Сан юн* – учлик илоҳлари.

Учинчиси – нафас билан боғлиқ ҳаётий қувват бўлиб, у одатда юрак ҳудудида жойлашган.

Агар бу қувватнинг даражаси юқори бўлса, унинг ҳимоячилари ҳам ёруғ ва равшан бўлади. Бу ҳолат эса, инсонга саломатлик ва узоқ умр бахш этади. Борди-ю, қувват манбаи кучсиз бўлса, унинг ҳимоячилари ҳам рангсиз бўлиб, бунинг оқибатда инсон сўлгин ва касал бўлади.

Биз мухтасар танишган кувват ва ҳимоя турларидан ташқари даосизмда яна «бешлик унсури» бўлиб, улар беш ички аъзоларни ҳимоя қилади: юрак, жигар, қораталок, ўпка ва буйрақларни.

Агар бу беш унсур руҳи танани тарк этса, ички аъзолар фаол ишламай кучсизланади ва бузилади. «Бешлик»нинг ҳар бирини ўз ранги рўйи бўлиб, уларнинг ёруғ ва равшанлиги аъзоларнинг фаолияти даражаси билан боғлиқ тус олади (27:79-80).

Инсон вужудида шунингдек, «Уч дарвоза» аталмиш зараркунанда мажозий маҳлуқлар ҳам мавжуд. Улар умуртқа бўлаб жойлашган. *Шанци* мактаби тасаввурича, бу маҳлуқлар бизнинг хоҳишларимиз ва емак ичмагимизда. Даопарастларнинг пархез тутишга жуда аҳамият беришлари ҳам шундан. Улардан кутилишнинг йўли ақлни тинчлантириб, нафсни инкор қилишдир. «Маҳлуқлар жуда чиройли ва жуда хунук тарзда бўлади. Агар киши уларни ўзига зарар етказётганлигини сезмаса, улар унга чиройли кўринади ва агар киши ўз хоҳиш-ихтиёри ва нафсидан кечса, улар унга хунук ва ёқимсиз туюлади».

Шу жиҳатдан даосизмда Абадиятга ўтиш – *Даога* қўшилиш нафақат нафас ва медитация машқлари билан руҳий ва жисмоний тобланиш, балки нафс балосига қарши умр бўйи курашиш ва унинг қулига айланиб қолишдан сақланиш ҳам демакдир. «Ушбу ҳолатга кириш озиқ-овқатда чекланишдан бошланиб, унда аввал гўшт ва май сўнг, аста-секин донли таомлар истеъмолидан воз кечиш керак бўлади. Бундан ташқари, овқатланиш вақтини узайтириш ва аста кам миқдордаги сабзавот ва мевалар билан озиқланишга ўтилади, яъни вегитариянликка.

Дао таълимоти асосида мангуликка эришиш йўлидаги интилишларда, хитой солномаларида қайд этилишига кўра, «*Тан* сулоласининг тўрт императори бар-

вақт ҳаётдан кўз юмган» экан. Онгли равишда *Даога* қўшилиш йўлидаги қазо, даопарастлар тушунчасида кишини фақат моддий танадан ажратади ва уни мангуликка дохил қилади.

Шу йўсинда рухнинг танадан ажралиб *Даога* қўшилиши ва мангуликнинг бошланиши, бамисоли ҳиндуизмдаги «*атма*»нинг «*Брахма*»га қайтишига ўхшаш жараён эди. Яна, *Дао* таълимотидаги ҳиндуизм фалсафаси унсурларининг такрори, фақат *Брахма* ва унинг зарраси *атма* ҳақида эмас, балки шунингдек, шаклан моддий дунёнинг пайдо бўлиши феноменида ҳам учрайди¹.

Дейлик, ҳинд мифологиясида самовий «Брахма тухуми» ичидан борлиқнинг яралиши, худди даосизмдаги «*Пангу*»нинг иккига бўлинишидан Осмон ва Ер пайдо бўлганлигига жуда яқин. «Бу каби гоҳ шаклан, гоҳ мазмунан турдош тасаввурларнинг руҳий ва моддий талқини, проф. Л.С. Васильевнинг хулосасида, даосизмдаги мистика ва метафизиканинг қисман бўлса ҳам ташқи манбаларга тегишли эканлигининг ишораси.

Аммо фанда ушбу фикр ҳақида сўз юритганда ҳеч шуни унутиш керак эмаски, хитой диний дунё-қарашларидаги тахмин қилинган яратилишдаги айрим «ташқи манбалар таъсири» доим хитой миллий руҳати тақозоларига йўғрилиб келган.

Таълимотда мавзунинг мутлақ борлиқни яратилишидан то «ал-кимё»гача етиб келиши оламнинг инсондаги мавжуд микро моделидан хабар берарди. Чунки даосизм фалсафасида ҳам қиёсан олганда «Инсон, худди Ибн Арабий таърифлагандек, - «*Ал-аълам*» ва «*Ал-мухтасар*» каби мўъжазгина борлиқ»дан иборат.

Хитойда эса даосизмдан ибтидо олган бу ғоя II асрга келиб *Вэй Бо-ян*нинг «*Цан тун ци* - учликнинг

¹Атма – рух, Брахма – илохий субстанция

бирлашуви» номли трактатида ривожлантирилди ва бу триада – Осмон, Ер ва Инсон бирлиги ўз даврида ҳамда кейинчалик ҳам жуда қадрланди ва турлича изоҳланди.

Даосизм дини учун оммавий байрамларни гўзал ва тантанавор нишонлаш характерли хусус бўлган. Бунда ҳар бир хонадонда иблислардан ҳимоя сифатида туморлар осилиб, шодиёна мушакбозлик остида ўтган. Шу тарихий анъаналар асносида бўлса керак, Хитойда ҳозир ҳам янги йил алоҳида тайёргарчилик билан кутиб олинади: кўча-кўйларни рамзан бахт нишони бўлган қизил рангда безатилиши ёки қудратли *ян* тимсолидаги аждарларнинг осмонда учиши хитойлар қувончи ва келгусига бўлган умид-орзуларининг энг характерли лавҳаларидан бири.

Хуллас, даосизм милоднинг II асри ўрталарига келиб Хитойда ҳақиқий диний эътиқод мавқеига кўтарилди. Лаонинг ўзи эса илоҳийлаштирилиб, уни кейин шогирдлари томонидан худди ҳиндуизмдаги Олий тангрининг инкарнацияси – инкишофи сингари Будданинг ердаги тирик тимсоли сифатида ташвиқ қилинди.

«Буддапарастлар ўз ҳисобидан қурдирган ибодатхоналарда *Дао* рамзида *Будда* ва бўддҳисатва ҳайкаллари ни ўрнатиб, меҳробни конфуцийлик руҳидаги аждодларни мадҳ этувчи хитой битиклари билан жиҳозлаганлар» (19:327).

Диншуносликда даосизмнинг бирламчи асл тамоийлидан ташқари, унинг борлиққа нисбатан дунёвий ва ухровий муносабати тўғрисида яна аллақанча турли ва гоҳо бир-бирига зиддий фикр-мулоҳазалар билдирилган, хусусан:

1. «*Лао-цзи* билим ва умуман урф-одатларнинг ҳаммасини инкор қилган. Одамларни ўқитиб-ўргатиб ташвишга солиш эмас, ўз ҳолига қўйиб қўйиш керак,

токи улар табиий кечаётган ҳаёт оқимига киришсин ва ўз-ларини асрашсин. Гарчи даосизмдаги «У вэй»¹ аталмиш куч, тақводорни ташқаридан караганда гўё «бефаоллик»ка ундаса ҳам, лекин бу ҳолат кишининг хатти-ҳаракатини чекламайди, балки уни дунёвий жараён қолипларидан четга чиқмасликка ва борлиқ билан уйғунликда умргузаронлик қилишга чорлайди. Чунки:

«Ҳар қандай Дао қонуниятига зиддий фаолият – бефойда куч ишлатиш оқибати кишини муваффақиятсизлик ва мағлубиятга дучор қилади».

Шу маънода «даосизмда ҳаёт мазмуни бу – инсон ўз ботиний дунёсини ўрганиб, борлиқ билан ҳамоҳанг яшаш ва унинг абадийлик асоси бўлган ўз ибтидоий илдизига қайтишидир». Демак, узоқ умр кўриш – *Дао* қонуниятлари асосида шодлик ва ғам, бахтиёрлик ва бахтсизлик, омад ва кулфат каби ҳаётий жараёнларни гўё табиий ҳолдек билиб умргузаронлик қилиш дегани.

2. Даосизм дунёнинг объективлигини тан олган. Осмон ва унинг ихтиёрини ер каби табиатнинг бир бўлаги ҳисоблаб, уни илоҳийлаштирилишига қарши чиққан. Аммо шунинг қаторида, Лао-цзи илоҳларни *Дао*-нинг давоми сифатида инкор ҳам этмаган. Зеро, «*Дао* худолар ва подшоҳларни руҳлантириб Осмон ва Ерни яратган».

3. «Айрим даосизм мутафаккирлари Осмонни илоҳийлаштирилишига қарши бўлиб, илоҳларни эса материя мавжудлиги кўринишларининг бир шакли ҳисоблаганлар...» (58:522).

¹Аслида «У-вей» қачон ҳаракатланиш ва қачон тиниш кераклигига йўналтирувчи куч бўлиб, унинг амалиёти конфуцийликнинг подшоҳ ва жамиятга хизмат қилиш масъулияти тамойилига зид келган.

Бир қарашда, даосизм юзасидан турли даврлардаги изланишлар натижаларини, яъни Лао фалсафасига зид туюлиши мумкин бўлган баъзи таҳлиллар ёки *Даони* мукаммал идрок этиш мумкин эмаслиги хусусидаги илмий хулосалардаги турфаликни дунёнинг бошқа динларини ўрганишда учрайдиган баъзи «анъанавий қарама-қаршилиқлар»нинг навбатдаги кўриниши, дейиш мумкин.

Бироқ бизнинг даосизм тарихи, ғояси ва фалсафасини ўрганишимиздан мақсад, маълумотларни саралаш, объективлаштириш ёки хулосалаш эмас, балки фақат таълимот ҳақидаги мавжуд дунёқарашлар мажмуи билан яқиндан танишиш ҳамда унинг эътиқод даражасига кўтарилишида босиб ўтган йўлларига хос хусусиятларини миллий менталитет руҳида кузатиш ва таҳлил қилиш, холос.

Даосизм ўз ортида қолдирган йўлларга назар солсак, конфуцийликдан ташқари унга муқобил бўлган ва ўз дунёқараши билан ҳар икки таълимотдан фарқ қилган *«моист»*лар фалсафий оқимини ҳам кўрамыз.

Милоддан аввал яшаган хитой файласуфи *Моцзинг*нинг тарафдорлари ўз тамойилларининг ташвиқоти сифатида Осмоннинг илоҳий ихтиёрига сиғинсалар-да, аммо «Илоҳ ихтиёри»ни билиш мумкинлигига ва инсон пешонасига тақдир азалдан битилган бўлмай, балки ҳамма нарса унинг ўз қўлида эканлигига ишонганлар. Улар турмуш ва тафаккур тажрибасини эътироф этганлар ҳамда ҳаётга бўлган ўз объектив муносабатлари негизида ҳар қандай фаолиятнинг фақат натижаси билан тан олганлар, йўқса:

«Амалда қўллаш мумкин бўлмаган билим борки, у – ботил!» (58:524).

Билдикки, қадимдан даосизмнинг билим ва унинг амалиёт нуқтаи назардан энг кенг қўлланган жабҳаси дуою афсун, тиббий муолажа усуллари ва воситалари

бўлган. Унинг сир-асрорли бу хусусдаги тажрибалари асирлар оша хитойликлар орасида ўз моҳиятини йўқотмаган. Дуою афсун ва фол очиш бўйича қўлланадиган турли амалиётнинг асосий вазифаси қуйидаги функционал хусусларда намоён бўлган: ёмғирни чақириш, бало-қазо олдини олиш, жабрдийлар ҳифзи ҳимояси, башорат ва муолажа қилиш, иблисларни ҳайдаш, ер остидаги марҳумлар руҳига ёрдам бериш ва бошқалар.

Даосизм тушунчасидаги магия – бу борликдаги табиий ва ғайритабиий кучларга эга бўлиш ва уларни ўз хизматига қўйишдан иборат бўлиб, бу амалиёт икки турга бўлинган: табиий кучлардан фойдаланувчи худолар ва афсунгарлар ҳамда руҳларга тегишли кучлардан фойдаланувчи фолбинлар.

Даосизм магиясида афсунгар табиий ҳодисотлар ҳисобланган ёмғир, шамол, чакмоқ ва момақалдирок каби кучларни ўз хоҳишига бўйсундириб, уларни керакли томонга йўналтириш иқтидорига эга бўлган. Фолбин эса, худолар ва руҳлардан келадиган кучларга ўз жисмидан жой бериб, улар билан ўз кучини бирлаштириб керакли жабҳада фаолият кўрсатган. Магияда шунингдек, афсунгар ёки фолбин ўз кучини турли нарсаларга ўтказиб фойдаланишни ҳам билган ва бу усулни қўллашда қуйидаги воситалар иш берган: ойна, қилич, кўнғирок, қовок, фонар ва бошқалар. Магия шартига биноан, афсунгар ва фолбин ўз ишига киришишдан олдин уч кун гўшт истеъмолли, шахвоний алоқа ва сармаст этувчи ичимликлардан парҳез тутиб қолган. Бу жараёнда азадор ва ой кўрган хотинлар қатнашмаган (27:142,145).

Даосизмнинг ғайритабиий ҳимоя воситаларидан яна бири бу – кишини турли бало-қазо, хасталик ва иблислар хуружидан ҳимоя қилувчи туморлардир. Хитойда тахминан II асрдан турли тумор турлари тақила бошлаган ёки улардаги дуою афсун матнлари баданга

ёзилган. Яна бошқа турдаги махсус ясалган туморлар эса, эшик ҳамда деразалар тепасига осиб қўйилган. «Туморлар шунингдек, ғайб билан мулоқотга чиқиш ҳамда мангулик шарбатларини тайёрлашда ҳам ишлатилган. Даопарастлар наздида табиий ва ғайритабиий кучларга эга бўлган туморларни ясаш билан шуғулланганлар махсус билим ва шахсий ботиний кучга эга бўлиши шарт ҳисобланган».

Ҳозирги кунда нафақат Хитой ёки бошқа Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари, балки бутун дунё миқёсида даосизм игнатерепияси, нафас ёки медитация машқлари муолажа рўйхатига киритилган. Ҳолбуки, сўнгги интернет маълумотларига қараганда, шундай фалсафий билим ва амалий тажрибага эга даосизмнинг XX асрнинг охирига келиб, тахминан, 20 миллион атрофида такводорлари қолган, холос. Лекин шунинг баробарида яна шуни ҳам унутмаслик керакки, даопарастлар сони нисбатан кам бўлгани билан, Дао эътиқоди туйғуларига хос диний-фалсафий тамойиллар Шарқий Осиёдаги қатор мамлакатлар такводорлари онгида ҳамон барҳаёт.

Муқаддам қайд этилган мисол ва иқтибослар орқали даосизм тарихининг деярли ҳар бир босқичида унинг «динми ё фалсафий таълимот» эканлиги борасидаги билдирилган турли мубоҳаса ва мушоҳадалар билан қисман танишдик. Ва улар асосида айтиш мумкинки, *Дао* таълимотининг мухлис ва муҳолифлари орасида милоднинг I асри ярмида яшаган *сичуанлик* шифокор *Чжан Линнинг* «*Гуручнинг беш ўлчами*» китоби даосизмнинг дин мақомида қабул қилиниши тарихида ўзига хос янги бир бурилиш ясаган. «*Тайпин цзин* - улуғ бирлик китоби» асосида ташкил бўлган «*Чжэн и дао* - ҳақиқий бирлик йўли» мактабига ўқишга киришнинг тўлови сифатида қабул қилинган қурбонлик *Хан* мулозимлари томонидан «гуручнинг беш

ўлчами» дея номланган эди. «*Тайпин цзи*» ва унинг мантикий давоми бўлган «*Чжэн и дао*»ни юзага келишининг биринчи сабаби илоҳий ихтиёр билан боғлиқ бўлса, иккинчиси, фазовий Лаонинг ердаги ноиби *Чжан Линга* «Дунёнинг янги тартиби» тўғрисида маълумот бериш учун келганлиги ҳақидаги ривоятга асосланган.

Энди даосизм ва буддизмнинг муштарак жиҳатларига келсак, даосизмнинг «илоҳ олдида барча баробар»лиги ҳақидаги шиори буддизмнинг маҳаяна фирқасига яқинлиги билан оддий халқ орасида катта эътибор қозонган эди. Бу эътибор, худди шу вақтга келиб Хитойда кенг тарқалган Будда ибодат масканлари сингари *Дао* ибодатхоналарининг шитоб билан қурилишида намоён бўлган. Гарчи даопа растлар ўзлари ибодатхоналар қурилиши масалаларида фаоллик кўрсатмаган бўлсалар ҳам, лекин уларнинг жамоалари – «*Дао* патриархлари давлати ўз имкониятлари билан ҳар қандай молиявий ва ижтимоий муаммоларни бево-сита ҳал қилишга қодир эди».

Жами 24 жамоадан иборат бўлган бу «давлат»нинг ўз ички тартиб-қоидалари ва диний-анъанавий маросимлари бўлиб, унда ҳар бир роҳиб ўз гуноҳига тавба-тазарру қилиб, рўза тутиб, покланиб, ўз-ўзини «ўлмай» мангу яшашга тайёрлаган. Лекин даосизмда яна шундай ўзига хос тоат-ибодат маросимлари ҳам бор эдики, улар конфуцийлик ва буддизм аҳкомларидан ўз руҳий ва жисмоний жиҳатлари билан мутлақо фарқ қилган. Масалан, «илгарилари фақат содир этилган гуноҳларга тавба сифатида, кейинчалик эса, умумий вожиб ҳисобланган «*тутанжсай*» маросимида сектантлар юз-қўли ва танасига балчиқ ё кўмир суртиб, узок дуою афсунлар ўқиб, диний кўшиқлар куйлаб, буткул ҳолдан тойган тақдирдагина ўзларини ерга ташлаганлар. Бироз чарчоқ чиқиб ўзларига келгач, улар яна шу маросимни

қайта бошлашга киришганлар». Гарчи *чжан*лар даврида даопарастлар ўз ибодатхоналари тизимига эга бўлмасалар ҳам, улардаги мангуликка эришиш мақсадининг ибодатхоналар тизимига эгаликдан-да устунрок эканлиги, охир оқибатда эътиқодни кенг халқ оммасига янада жадал кириб бориши ва тарқалишини таъминлади. *Хан* сулоласи охирига келиб, Лао-цзи энг олий тангри *Даонинг* рамзига айланган. *Хан*лар даври матнларидаги «*Хуан Лао*» қайди ҳам, аслида Лао-цзининг ўзини англатган.

Даосизмнинг оддий фуқаролар орасидаги мавқеини мустаҳкамланишида ундаги «қилимиш қидирмиш» гоёсининг устуворлиги эътиқоднинг нуфузли доиралардан ташқари чиқиб оммалашувида муҳим роль ўйнаган.

«Аъмолга яраша мукофот ва жазонинг муқаррарлиги омили *Сун* сулоласи даврида *Ли Инчжаннинг* «*Тай шан ган ин пян*» китоби чоп этилиши билан тасдиқланди. Агар даосизм муқаддам дарвешлар, коҳинлар ва хос тақводорлар диний эътиқоди бўлса, мазкур асарнинг тарқалиши билан Лао таълимоти оддий инсонлар эътиқодига айланган.

Шу тарика даосизм худолари гўё хитойларнинг савобли ва гуноҳли ишларини баҳоловчи ҳакамлар мақомига ўтганлар. Ҳолбуки, «аслида аъмолга қараб Осмоннинг мукофотлаши ёки жазолаши кейинги давр тарғиботчилари кашфиёти бўлмай, балки қисман *Хан* сулоласининг илк давридаёқ даосизм адабиёти матнларида берилган эди», яъни:

«Узоқ умр кўриш; умидидаги киши албатта эзгу ишлар қилиши, барча жонзотларга хулуси дилдан муносабатда бўлиши, одамларга меҳр-муҳаббат кўрсатиши, ҳатто қурт-қумуқаларга ҳам раҳмдиллик қилиши, ўзгалар бахтидан хурсанд, зам-ташвишига эса ҳамдарад бўлиши, балого мубтало бўлганларга ёрдам бериши, ўзгаларни қарғамаслиги ва уларнинг

муваффақиятига ўз омадидек қараши, мағрурлан-маслиги, бошқаларга ҳасад кўзи билан қарамаслиги, ёлгон сўзламаслиги ва шаҳвоний бузуқликка йўл қўй-маслиги керак...

Агар инсон Дао билан уйғунликда яшаса уни омад кутади... Барчага яхшилик қилиб шафқатли бўлиш керак... Ҳар бир ишни берилиб бажариш, беваларга кўмак қўлини чўзиш, қарияларга ҳурмату иззат кўрсатиш, ёшларга ғамхўрлик қилиб, ҳатто дов-дарахт ва ўт-ўланларга ҳам зарар етказмаслик керак. Ўзгаларнинг топгани ва йўқотганига худди ўзи топгани ва йўқотганига қарагандек муносабатда бўлиш керак...

Қачонки киши бировнинг молига хиёнат қилса, бу қилмиш унинг оиласи ва бола-чақаларига уради – ўлдиради, лекин ўз вақти билан. Борди-ю, қилинган гуноҳ у қадар оғир бўлмаса, гуноҳқорнинг уйига сув ёки ўт кетиши ёхуд ўғри тушиши мумкин. Шунинг учун даопарастлар дейдиларки, гуноҳсизни ўлдирган ўзи ҳам ўлади, бойиш мақсадида бировнинг молини олса, албатта унинг жазоси тутади...»¹

Даосизм тарихининг яна энг муҳим саҳифаларидан бирини «Сариқ бошбоғичлар» кўзғолони воқеалари ташкил қилади. Кўзғолоннинг бевосита даосизмга тегишли томони бу – ўз вақтида мўъжизакор роҳиб-шифокор сифатида авом ичида катта обрў қозонган **Чжан Цзюэ** номи билан боғлиқ эди. Бунга сабаб, у табиий офатлардан кейин тарқалган эпидемияда дардга чалинганларни ўз сеҳри жодуси билан даволашда ном чиқарганидан сўнг, унинг мухлислари сони кундан кунга ортиб, охири катта бир ҳарбий кучга эга жамоага айланган.

¹«Тай шан ган ин пян» китобининг 4- ва 6-бобларидан Торчинов Е.А. таржимаси.

Боз устига, *Хан* сулоласининг сиёсий инкирози вақтида оғир аҳволда қолган аҳоли *Дао* эътиқодининг халқпарвар раҳнамоси ҳузурида паноҳ топганди. «Шундай қилиб, тез орада наинки тиббий, балки ижтимоий-иқтисодий муаммоларга ҳам асқотувчи машҳур *Дао* руҳоний сардори қашшоқ ва жабрдийдаларнинг ҳимоячиси бўлиб майдонга чиққан. Унинг юқорида мухтасар таърифланган «*Тайпин-цзи* - Тенглик ҳақида китоб»и асосида назарий жиҳатдан камбағаллар ва қуллар ҳимоясининг сиёсий ва амалий стратегияси шаклланган эди. «*Хан* даври адолатсизлигининг рамзи бўлган «Зангори Осмон»нинг одамларга бахту саодат ва тенглик туйғусини бахш этувчи «Сарик Осмон» томонидан тугатилиши янги сулола фаолиятидан далолатдек туюларди».

Янги ғоянинг тарафдорлари ҳам худди шу боисдан бошларига «Сарик бошвок» ўраганлар. Аммо уларнинг бахтли келажакни кўзлаган ғалабалари узоққа чўзилмаган. Кўзғолончилар ҳаракатидан бохабар *Хан* сулоласи ҳукмдорлари кўп ўтмай уларни таъқиб остига олиб тарқатиб юборганлар. Қувғиндан қочиб улгурган жамоа аъзолари яна кейинчалик диний гуруҳларга жамланиб турли теократик автономияларни ташкил қилганлар (19:315).

Даосизм тарихида энг оғир кечган давр мўғулларнинг Хитойни босиб олиши ва унинг оқибатларидан бошланган. 1281 йили Хубилайхоннинг буйруғи билан шаҳарда *Дао дэ цзин*дан бошқа бор барча адабиётлар ўтга ташланди, даопарастлар эса қувилдилар. Шу-шу узоқ вақтларгача *Дао* таълимотининг бирор етук кўзга кўринган давомчиси ёки даопарастлар иштирокида бирор диний руҳдаги хатти-ҳаракатлар бўлганлиги кузатилмаган. Чунки *Юан* императорларининг сиёсати даосизмга қараганда кўпроқ конфуцийлик ва буддизмдек универсал таълимотлар қўл келарди.

Дао диний-фалсафий таълимотининг тахминан минг йил жараёнида тўплаган жами ёзма манбалари яхлит «*Дао цзан*» мажмуида уч сандикқа бўлинган: «Ҳақиқат сандиғи», «Сир-асрор сандиғи», «Маънавийт сандиғи». Бу сандиклар яна ўз ҳолига ўн икки қисмга бўлинган: асосий хатлар, руҳий қолиплар, насабнома ва баён, насиҳатлар, амр-фармонлар, ахлоқ-одоб қонунлари ва бошқалар (73:39).

«Уч сандик» ва улардаги бўлинмалар *Дао* тақводорларининг маънавий, мафкуравий ва ижтимоий ҳаёти ва фаолияти негизини белгилаб берган.

«Шундай қилиб, Хитой тафаккури ҳаётда мавжуд муаммоларнинг икки бир-бирига қарама-қарши ечимларини илгари сурди: бир тарафдан, Лао-цзи дунёга «Олий борлиқ» сирини эълон қилиб мистик мушоҳадага чакирса, иккинчи тарафдан, Конфуций дунёвий мавжудликни олий кадрият билиб, жамият барқарорлигини уни тўғри идора қилишнинг бардавомлигида кўрди» (13:72). Даосизм узоқ йўлни босиб ўтган – ўзининг тараққиёт ва таназзулга учраган даврларида ҳам ўз моҳиятини сақлаб қолган диний-фалсафий таълимот сифатида XX асрда ҳам турли шароитларни ўз бошидан кечирди.

«Агар ўтган асрнинг 40-йиллари охирида Хитойдаги юз берган сиёсий воқеалар жараёнида даосизм мафкуравий тазйиққа учраган бўлса, 70-йиллар охирида *Ден Сяопин* ўтказган ислоҳотлар йиллари яна аста ўз муқаддам мавқеини муайян даражада тиклади».

Даосизмга доир маълумотларга қўшимча қилиб яна шуни қайд этиш керакки, мазкур эътиқоднинг тарихан босиб ўтган йўллари ҳали ҳам тадқиқий жараёнда.

***Дао-дэ цзин* матнидан айрим парчалар**

**1. «Даони у ҳақида сўзлаш билан англаб бўлмайди.
Фақат ерлик эҳтирослардан қутилган кишиги-**

на Уни кўриши мумкин. Аммо кимдаки ерлик эҳтирос бўлса, у фақат Унинг ижоди билан танишиши мумкин. Бироқ шуниси ҳам борки, у ҳам, бу ҳам мазмунан бир, лекин уларнинг номлари турли. Уларнинг иккиси ҳам яширин. Ҳолбуки, уларнинг ўртасидаги йўлак барча мавжуд ҳақиқий мўъжизаларга дарвоза.

2. Қачонки одамлар гўзаллик нималигини билганларида, хунуқлик ҳақида ҳам тасаввур пайдо бўлади. Қачонки яхшилик нималигини билганларида, ёмонлик ҳақида ҳам тушунча пайдо бўлади. Айни шунга ўхшаш борлиқ ва йўқлик, мушуқлик ва осонлик, узунлик ва қисқалик, баландлик ва пастлик бирликда бирини иккинчисидан фарқлаш имконини беради. Турли овозлар ўзаро йўғрилиб уйғунликни ташиқил қилади. Худди шу тарзда ўтмиш ва келгуси ҳам ўзаро уйғунликда бири иккинчиси кетидан кечади.

3. Ақлли киши фаолсизликни маъқул кўради¹ ва у ботиний хотиржамлик ҳолатига киради. Барча унинг атрофидаги бўлаётган жараёнлар гўё ўз-ўзидан бўлаётгандек. У ер юзида ҳеч бир нарсага боғлиқ эмас ва у ҳеч бир нарсани ўзлаштирмайди. Бирор нарса яратиб – у ўз яратганидан мағрурланмайди. Бинобарин, кимки бошқалардан ўзини юқори қўймас, мақтанмас ва ўзига алоҳида ҳурмат талаб қилмас экан – у барча учун ёқимли.

4. Агар танланганлар мақтовлар билан улуғланмаса, халқ ичида ҳасад ҳам бўлмайди. Моддий дунё олтину жавҳарлари таърифланмаса, ўғрилар ҳам бўлмайди. Бошқача айтганда, агар эҳтирос уйғутувчи унсурлар кўз-кўз қилинмаса, ҳою ҳавас ҳам бўлмайди.

¹ Фаолсизлик – бу тафаккур ва жисмнинг хотиржамлик ҳолати. Ёки фикрлар оқимини тўхтатиб, медитацияга кириш.

Ақилли хукмдор халқда бундай ҳавас уйғонишига имкон бермай, фақат унинг тўқ бўлишини ўйлайди. Айни шу жиҳат ҳавас ҳирсни йўқотади ва фуқаролар саломатлигини мустаҳкамлайди. Ҳа, дарҳақиқат ақлли хукмдор доим халқда ҳирсу ҳаваснинг бўлмаслигига ҳаракат қилади, токи ўта ахлоқсиз одамлар кўнглига келганини қилишига ҳадди сизмасин. Юқорида қайд этилган хусусларнинг бўлмаслиги хотиржамлик келтиради.

5. Дао гўё бўшлиққа ўхшаб кўринади. Лекин У – ҳар нарсага қодир қудрат:

У – чексиз чуқур.

У – барча борлиқнинг ибтидоси.

У – барчани бошқаради.

У – ўзига барча нарсани сингдиради.

У – чарақлаган ёруғлик.

У – ўта нозиклик.

У – бутун борлиқ моҳияти!

Унинг келиб чиқишини тавсифлаб бўлмайди. Ахир унинг ўзи асл Ибтидо-ку!

6. У моддиятга – нимаки осмонда ёки ерда бўлмасин, ўт-ўланми, жонзотми, одамларми, уларга нисбатан бепарво, гарчи Унинг ўзи барчага таянч бўлса ҳам. Шунга ўхшаб ақл-хушли одам ҳам бошқаларга нисбатан бепарво¹ бўлади.

Ер устидаги кенглик – бўш ва озод, худди темирчилик босқони ёки найнинг ички қисми каби. Зеро, қанчалик фаолият учун кенглик зиёда бўлса, у шунчалик самарали бўлади.

Кимки бошқаларнинг ишига аралашса ва унинг устига яна кўп гапирса – уни ҳам бошқалар чиқиштирмайди. Шунинг учун доим ҳеч нарсага аралашмаслик ва ҳаловат тамойилига амал қилган яхши.

¹Бу ерда бепарволик тушунчаси фақат салбий маънодаги эътиборга тегишли.

7. *Ўта нозикликнинг ҳаёти ва тараққиёти абадий ва бетугал:*

У – қолган барча нарсанинг энг чуқур пойдевори.

У – шуки, Унда барча моддий дунё мавжуд. Бунинг устига У ҳеч бир зўрликка берилмай ҳаракат қилади.

8. *Осмон ва Ер – абадий. Улар шунинг учун абадийки, ўз-ўзича ва ўзи учун мавжуд эмас. Улар Дао томонидан яратилган ва Унинг учун мавжудлар.*

Ақлли киши доим бошқалар ортида туради ва шунинг шарофати билан у одамларга халақит бермайди. У Дао учун яшайди ва Даога хизмат қилади.

9. *Ақлли худди сувга ўхшаб яшайди. Сув барча борлиққа хизмат қилиб ўзига ҳеч нарса талаб қилмайди. У барчадан куйида бўлади. Бу билан у Даога ўхшайди.*

Ҳаётда табиийлик тамойилига амал қилиш керак. (Бунинг учун) Юрак йўлидан бор, дўстпарвар бўл! Фақат ҳақиқатни гапир! Ҳар бир ҳаракат ўз вақтида ва куч етадиган даражада бўлиши керак. Бошқалардан ўзишга интилмайдиган киши жуда кўп хатолардан сақланиши мумкин.

10. *Сувни то идиш тўлгунича куйиш керак ва шунингдек, тизни ҳам керагидан ортиқ чархлаш шарт эмас. Мабодо бутун хона олтин ва қимматбаҳо тошларга тўла бўлса – унда уни кўриқлашга кимнинг кучи етарди? Ҳаддан ошиш ҳамма ерда бало келтиради. Иш битганда – ундан четлашмоқ керак. Дао томонидан тавсия қилинган қонунлар шундай!*

11. *Хотиржамликни сақлашга қадар том маънода Бирликни ҳис қилиш керак, шунда ёлгончи худбинлик ҳоҳишлари пайдо бўлмайди. Онгни имконича нозиклаштириш жоиз, токи одам ўзининг шу ҳолатида янги тугилган чақалоққа ўхшасин. Агар у худди шундек ҳолатни ихтиёр этса – у ҳеч қачон янги*

лишмайди.

Моддий дунёдан гайб дунёсига эшиклар тинчлик-хотиржамлик ҳолатида очилади. Тарбиялашда зўравонлисизлик, яратишда эса мақтанмаслик ва бошқаларга буйруқ бермаслик керак! Мана шу – буюк «Дэ»нинг асл ҳақиқати.

12. Бир гилдиракда ўттиз уч таянч симлари бирлашади. Бунда гилдиракдан унумли фойдаланиш симлар орасидаги бўшлиққа ҳам боғлиқ. Лойдан идишлар ясайдилар, лекин улардан фойдаланиш уларнинг ичидаги бўшлиққа боғлиқ.

Уйларга девор ясалиб, эшик ва деразалар ўрнатилади, лекин уйда унинг ичидаги бўшлиқ жойидан фойдаланилади. Мана шундай тарзда нарсалар ва бўшлиқ ўзаро уйғунлашади.

13. Кимки дунёда фақат беш хил рангни кўрса – у бамисоли кўр.

Кимки фақат моддий дунё овозини эшитса – у бамисоли кар.

Кимки таомда фақат моддий нарса мазасини туйса – у янглишади.

Кимки бирор ўлжа кетидан жон-жаҳди билан қувса – у ақлсизликдир.

Қимматбаҳо ашё ва зийнатни қўлга киритишга уриниш билан сен фақат ўз зарарингга ҳаракат қиласан. Ақлли киши ҳаётини тўқ қилишга интилади, лекин ортиқча нарсага эга бўлишга эмас. Ва у бу дунёда озига қаноати билан Ибтидонни танлайди.

14. Шон-шуҳрат ва шармандалик – бир хилда кўрқинчли. Ўта машҳурлик – ҳаётдаги энг катта бахтсизлик. Шон-шуҳрат ва шармандаликнинг бир хилда кўрқинчлик эканлиги, нима дегани ўзи? Бу шуки, одамлар таваккал қилиб шон-шуҳрат учун курашадилар ва сўнг топганларини йўқотишдан кўрқадилар.

Ўта машхурлик – ҳаётдаги бадбахтлик эканлиги, нима дегани ўзи? Бу шуки, киши ўз номини қадрлаб хавотирланганлиги учун бахтсиз. Шунинг учун ақлли киши ҳеч ўзини ўзи улуғлашга уринмайди. У фақат фидойилик билан одамларга хизмат қилади. Ва шу боисдан у одамлар ичида хотиржам яшайди. У ҳеч ким билан ҳеч бир нарса дея тўқнашмайди – шу сабабдан у дахлсиз.

15. Агар Даога қарасанг – Уни дарров илғамайсан. Шунинг учун Уни кўриш қийин дейдилар.

Уни эшитмоқчи бўлсанг – дарров эшитмайсан. Шунинг учун Уни эшитиш қийин дейдилар.

Агар Уни тутмоқчи бўлсанг – Унга етиш осон эмас. Шунинг учун Уни тутиш қийин дейдилар.

Унда – ўзига мафтун қилувчилар мавжуд! Чунки улар ҳаммаси Дао билан бир.

Дао – остидан ва устидан бир хил.

Дао – ўлчовда чексиз бўлганлиги учун Уни аниқ бир ном билан аташ мумкин эмас.

Даода жисмоний шакл ва рўйи рухсор йўқ. Шунинг учун У ҳақида яширин ва махфий руҳда гапирдилар.

Дао билан учрашаман – аммо Унинг юзини кўрмайман, Унга эргашиб юраман – аммо Унинг ортини кўрмайман.

16. Қадимда руҳий такомилликка эришишга қодир зотлар яширин ва уларни англаш мушкул бўлга. Йўлнинг кичик ва катта пиллапояларини билар эдилар. Аммо бу зоҳидларни таниш қийин эди. Уларнинг қиёфасини ҳозир умумий тарзда тавсифлаб бераман: улар худди қишда оқимни кечиб ўтаётган кишидек жуда эҳтиёткор; бегона кишилардан сақланиш учун жуда огоҳ ва шай турардилар. Чунки: ўзларини Ерда вақтинчалик турганларини яхши билардилар; улар худди эриб кетаётган муз устида

юргандек жуда сергак; оддий ва назокатли; гўё бе-
поён водийдек қамровсиз эдилар.

Бу зотлар шундай эдиларки, улар доим тинчлик-
хотиржамликни сақлаб, нопокни покликка айлан-
тиришни яхши билардилар. Бу зотлар ҳаёт эволю-
циясига кўмакдош эдилар. Улар Даони эъозлаб,
ўзлари моддий дунёдаги озгина насибалари билан
мамнун яшардилар. Керагидан ортигини орзу қил-
май, бори билан чекланиб, унга қўшимчасини изла-
масдилар.¹

17. Ўзимдаги «бўшлиқ»ни² то охиригача етказгач
тўла-тўқис хотиржамликка эришаман. Майли, ат-
рофдаги барча борлиқ ўз ҳолида кечаверсин. Ва ҳам-
ма атрофдагилар маънан етукликка эришиб, ўз ўз-
лигининг мазмун-моҳиятини англаб етсин!

Шахсий ўзлигини англашга келганлар – мутлақ
хотиржамликка муяссар бўладилар. Бу – Унинг
манзил- маконига етганларнинг самараси демакдир.

Мазкур маконга етишганларнинг мавжудлиги аба-
дий бўлиши керак. Бундай абадийликка нойиллар
маърифатли, комил ва энг юксак ақл-заковат эгаси,
деб аталади.

Меърожий маконга етиб борганлар умумий «Биз» -
га йўғриладилар. У маконни шунингдек, коинот дей-
дилар. Айни шу абадий Даонинг маконидир. Дао –
вужудсиз. У ҳеч бир зот томонидан «тутилмайди».
У шунинг учун ҳам бедахл.

18. Олий Ҳукмдор ўз бандаларининг барига онгини
ривожлантиришга имкон беради. Аммо У ўзига нис-
батан қўрқинч ёки талпинишни ёқтирмайди.

¹Мазкурда ўтган аждодлар фазилати ва хусусиятлари ҳақида
сўз юритилган.

²Бу ерда гап медитация ҳақида бўлиб, шахсий «мен»нинг Дао-
га йўғрилиши назарда тутилган.

Кимки онгсиз равнишда эътиқод қилса – у бу ҳақида билмайди. Аммо Уни англагач – ҳеч онгсиз равнишда эътиқоли бўлмайди. Оҳ, қанчалик бу ҳақиқат чуқур бўлмаса!

19. Ўзинг боғланиб қолган нарсаларга садоқат қилишдан воз кеч – шунда сен ўз-ўзингга раҳминг келиш замидан фориғ бўласан. Фақат шундай қилиб, ҳақиқий Таянчга эга бўлиш мумкин. Нима, бунинг учун умуман қабул қилинган турли (кераксиз) расм-русум ва мутеъликдан кечса арзимайдими?

Яхшилик ва ёмонлик ўртасида фарқ қанчалик катта! Бошқага ёқмайдиган ишни қилмаслик билан – фақат шу биргина тамойил орқали ҳам жамиятда бебошликни камайтириб, тегишли тартибни ўрнатилиш мумкин. Аммо ҳозир... барча одамлар байрамона кайфиятга берилган, жамият эса тартибсизлик билан қамралган. Фақат менинг хотирим жам ва ўзимни ҳамманинг эътиборига ҳавола қилаётганим йўқ. Мен гўё бу байрамлар дунёсида туғилмагандек..

Ҳамма одамлар дунёвий орзу-ҳавасларга асир тушганлар. Улар ичида фақат мен барчага қимматли бўлган нарсалардан воз кечганман. Мен – буларнинг ҳаммасига беписандман. Барча одамлар ўз худбинлик марказида яшайди. Фақат мен бунда қутилиш йўлини тутдим.

Мен – онг оқими билан кенгликда сузаман ва қачон тўхташимни билмайман...

Мен – қалбимда Даони англайман! Оҳ, У қанчалик нозик! Менинг бошқалардан фарқим шуки, ҳаёт Яратгучисини қадрлайман!

20. Дэ асли Даодан. Дао эса ибтидоий чуқурликда мавжуд. Дэ – бу шу, қайсики доим фаолиятда ва ҳаракатда. У ҳам – Дао каби сирли ва яширин. Ва у ҳақиқатдан ҳам мавжуд!

Қадимдан то ҳозирги кунгача моддий дунёни Яратган ихтиёрини баён этувчи Дэнинг овози тинмаган. Мен қаерда Дэ рўйи-рухсорини кўришим мумкин – ҳаммаёқда!

21. Озига қаноат қил – кўнга эга бўласан. Ортиги кетидан қувсанг йўлингдан адашасан. Ақлли киши бу насиҳатга беписанд эмас. Қани эди Осмон ости барча хушини жойига келтирса!

Ақлли киши фақат ўз жисмоний кўзига ишонади – у шунинг учун аниқ кўради. Ақлли киши фақат ўзини ҳақ деб билмайди – у шунинг учун ҳақиқатни билади.

У шон-шуҳратга чанқоқ эмас – аммо уни ҳурмат қилишади.

У ҳукмронликни изламайди – аммо унинг ортидан юришади.

У ҳеч ким билан курашмайди – шунинг учун У голиб.

Барчадан олдинда бўлишни истамаган киши – қолганлар билан келишиб яшашга лойиқ. Ақлли киши ҳаммага замхўрлик қилади – шунинг учун у ҳаммага мисол бўла олади.

У ёруғ, лекин чарақлашни истамайди.

У ўзини мақтамайди – лекин У бусиз ҳам ҳурматли.

У ўзини ўзгалардан юқори билмайди – У шунинг учун бошқалар эъзозиди.

Қадимда айтардиларки, номукаммал мукаммаллик томон ҳаракатланади, деб.

Наҳотки бу сўзлар бекорга айтилган бўлса? Йўқ! Ҳақиқатан Бирликка эришсанг – Мукаммалликка етасан!

22. Кам сўзла ва оддий бўл! Кучли шамол ҳам тонгача давом этмайди, кучли ёмғир эса кун бўйи ёзмайди. Бу кимга боғлиқ? – Осмон ва Ерга.

Осмон ва Ер – гарчи улкан бўлса-да, лекин улар абадий нарсани ярата олмайдилар. Инсон эса – айниқса! Шунинг учун яхшиси абадий Даога хизмат қилиш маъқул. Ва кимки ўз фаолиятида Даога хизмат қилса – у унинг Ўзига йўғрилиш ҳуқуқига эга.

23. Кимки оёгининг учида кўтарилган бўлса – бу ҳолатда у узоқ туролмайди.

Кимки катта қадам ташласа – узоққа юролмайди.

Кимки ҳамманинг назарида бўлса – кучини узоқ сақлай олмайди.

Кимки ўзини мақтаса – у улугланмайди.

Кимки ўзини аяб яшаса – кучсизланади ва такомилликка эришолмайди.

Кимки ҳасадгўй бўлса – ўзи ҳеч муваффақият қозонмайди.

Кимки ўзини юксак билса – обрў-эътиборга эга бўлмайди.

Даодан назар солганда, кўрамизки, юқоридаги хусусиятлар ҳаммаси номаъқул хоҳиш-истаклар сабабли. Буларнинг ҳаммаси бехуда ахлоқ туфайли. Бундай кишилардан ҳамма юз ўгиради. Даога йўғрилишга интилган инсон – у бундай ишларни қилмайди.

24. Осмон ва Ерда мавжуд бўлган, ҳузур-ҳаловатда яшайдиган, шакл-шамолсиз ва нафис, яккаю ягона, ҳар бир жойдаги мавжудлик, чексизлик, бу – безавол бутун борлиқ Онаси!

Одам, Осмон ва Ер – барчаси Даога боғлиқ. Дао эса – ягона Мавжудлик.

25. Фақат меҳнат-машаққат келгусида енгиш яшашига имкон беради. Аммо шунингдек, биз билемизки, осойишталикнинг ҳаракатда асосий омил эканлигини. Шунинг учун донишманд киши кун бўйи оғир ишни чала қолдирмай ўз ишига берилиб иш-

лайди, айни шу тарзда у мукаммал ҳолатда бўлади. Ҳатто унинг беш бармоғи мойда бўлганда ҳам у ҳеч бузилмайди.

Нега энди ўн минглаб араванинг ҳукмрони гурурланиб, бутун дунёдан нафратланади? Ахир нафрат қалбни емиради-ку! Беҳаловатлик кишини Таянчдан маҳрум қилади!..

26. Йўлни билувчи – у ҳатто изларсиз ҳам тўғри йўналишни топади. Сўзлашни билган – у хатога йўл қўймайди. Кимки санашни билса – у ҳисобда адашмайди. Энг маҳфуз омборнинг қулф-калити бўлмайди. (У билан) энг яхши ришта – бу моддийликдан мутлақо холи бўлишлик.

Донишманд одамларни қутқаришни билади ва доим уларни қутқаради. У уларнинг ҳеч бошига иш тушганда ташлаб кетмайди. Фақат энг етук инсонгина бу ишларга қодир.

У шунингдек, ёмонликка юз тутган одамларга насихат қилиши билан улар – унинг ёрдамида Таянчни топишлари мумкин. Ва агар ёмонликка юз тутганлар маслаҳатчи ўғитларини қадрига етмай Таянчни истамасалар – фақат шундагина донишманд уларни ташлаб кетади. Чунки у бундай кишилар билан муомала-муносабатда бўлишни хуш кўрмайди...

27. Кимки мард бўлса – камтарликни унутмайди ва шунда унинг ортидан халқ боради. Кимки одамларга бош бўлса – у ўз раҳбарлик хатти-ҳаракатида улуг «Дэ»ни ҳам бедахл қолдирмасин. У пок, мулоийм ва қалбан нафис бўлсин – бамисоли янги тузилган чақалоқдек! Яхшилик қилганда – ёмонлик ҳам борлигини унутма ва ҳаммага яхшилик қилишда донишманд бўл!

Кимки қайд этилган фазилятларда бошқаларга намуна бўлса – у ўзининг қалби сифати билан улуг

«Дэ»дан фарқ қилмайди. Бундай инсон, ўзининг эришган ютуқлари ва қилган хизматларини билган ҳолда ўз хавфсизлигини таъминлайди – у бунда табиий равишда донишманд бўлади.

Абадий Дао ўзи ҳар бир нарсага сингади – ўнгда ҳам, чанда ҳам. Унинг шарофати билан барча қалблар яшайди ва тараққий этади. Буюк Дао гарчи улуғ ишларни амалга оширса-да, лекин Ўзи учун шон-шаарафни истамайди. У меҳр-муҳаббат билан бор жонзотни тарбиялайди. У одамларни Ўз истак-хоҳишини бажаришга мажбур қилмайди.

У – буюк, гарчи бу мавқега Ўзи талабгор бўлмаса ҳам. Ақлли кишилар Унга – буюкликка интилади...”

Хитойнинг турли ҳудудларида бўлган жангу жадаллар ва уларнинг оқибатида авом халқнинг гарданига тушган вайронагарчиликлар диний дунёқарашларда ҳам эволюцион янги ғояларни пайдо бўлишига сабаб бўлди. Зеро, энди диний эътиқод арбоблари олдида оғир аҳволга тушган авомни очлик ва хасталик шароитида тиббий ва руҳий муолажа воситалари қатори уларни маънан қўллаб-қувватлаш масаласи кўндаланг турарди. Хусусан, XII-XIII асрларда даосизм қамровидаги янги – *«Тай и цзяо* - улуғ Ягонанинг таълимоти», *«Цю-ан яжэн цзяо* - Мукамал ҳақиқат таълимоти», *«Чжэн да дао цзяо* - Ҳақиқий улуғ *Дао* таълимоти» каби манбалар юқорида зикр қилинган шароитда пайдо бўлган маънавий кўмакнинг эътиқоддаги йўналишлари эди. Ва бу таълимотларда анъанавий дуою афсундан ташқари, муқаддам у даражада урғуланмаган куйидаги ахлоқий нормаларга кўпроқ эътибор берилди. Яъни, даосизм таълимоти таркибидаги тўққиз кўрсатмадан иборат маънавий комиллик фазилатлари, наинки коҳинлар ёки давлат арбоблари, балки оддий даопараст авом учун ҳам эътиқод шартлари қи-

либ белгиланди.

1. Ўзига бўлгани каби бошқаларга ҳам худди шундай муносабатда бўлиб, ўз яқинларида ёмон асар қолдирувчи одатлардан четланиш.

2. Подшога садоқатли, қариндош-уруғларга эса хурмат-эътиборли бўлиб, тилни аччиқ қилишдан ўзни тута билиш.

3. Ўз дилини эҳтирос ва барча бузуқликлардан тозалаш.

4. Хукмронлик ва бойликка интилишдан узоқлашиб, ўз меҳнат ҳалоли билан кун кўриши.

5. Ўзрилиқни бошловчи моддий манфаатларга боғланишидан сақланиши.

6. Сармаст қилувчи ичимликлардан ўзини тийиш, таом ва кийинишда меъёрни билиш ва бориға шукр қилиш.

7. Худбинлик ва ўз «мен»ининг ўзлиги тасаввуридан қутилиш ҳамда мақсадга бошқалар билан бирликда интилиш.

8. Кучига орқа қилиб ўзига бино кўйиш ва манманликдан ўзини сақлаш.

9. Мўътадилликка эришиш ва мағлубиятга дош беришда фақат ўз кучига ишониш¹.



Милoddан аввалги II асрда тош юзига бўрттириб ишланган Конфуций ва Лаонинг мулоқоти.

¹Хитой тилидан Горчинов А.Е. таржимаси.

Даосизмдаги милоднинг биринчи асридан то ўрта асрларгача юз берган маънавий ва ижтимоий ўзгаришларда тор ёки кенг маънода буддизм унсурларининг таъсири ҳам йўқ эмас эди. Аммо шунда ҳам Конфуций ва Лао таълимотлари руҳига ақлан ва маънан йўғрилган хитойлар, ўзининг «*Тўрт асл ҳақиқат*»и билан бутун башариятни изтироблар дунёсидан халос этишга бел боғлаган буддизмни қабул қилишда ҳам ўз миллий ўзликларига содиқ қолдилар. Худди шу садоқат сабабидан Хитойдаги янги диний эътиқод номи тарихий ҳақиқат тақозоси билан маҳаллий сифатга кўшиб аталди – «Хитой буддизми».

Хитой буддизми

Дунёнинг йирик диний эътиқодлари тажрибасидан маълумки, ҳар бир дин ўз сарҳадидан ташқари чиққанидан кейин ундаги маънавий, маданий ва маиший унсурлар янги маҳаллий шароитда асосан икки – «ўзлашувчи» ёки «ўзлаштирувчи» сифатига юз тутади.

Шу маънода агар исломнинг Ҳинд ярим оролига кириб келганидан кейинги фаолиятига эътибор берсак, айрим илмий нашрлардан унинг ерлик халқларнинг ўзига хос миллий анъаналари таъсирида янги жиҳатларни ўзлаштирганлигининг гувоҳи бўламиз. Хусусан, «Ҳиндистонлик мусулмонлар маънавияти, урф-одатлари ва ҳатто улар эътиқод қилган ислом ҳам ўзига хос чизгилари билан Миср, Туркия ва Эрон мусулмонлариникидан ажралиб туради» (39:215).

Бу мухтасар илмий таърифга мувофиқ, гарчи ҳинд ва мусулмонлар эътиқоди турли давр ва маконга тегишли бўлса-да, аммо ҳар икки эътиқод вакиллари-нинг ўзаро муносабатларида ўртадаги муқаддам мавжуд бўлган диний ва дунёвий турфаликка қарамасдан умумий турмуш тарзи кузатилган.

Лекин ҳинд тарихида ушбу жиҳатнинг акси юз берган ҳолатлар ҳам бўлган. Яъни, Будда таълимотига ўз ватанида унинг табақа тизимига қарши тамойиллари туфайли оммалашув насиб этмаган. Ҳолбуки, аввалига Маурия сулоласининг буюк императори Ашока ҳукмронлик қилган йиллари буддизмнинг айна кенг тарқалган даври эди.

Империя сарҳадининг ниҳоят даражада кенгайиши билан жанглarning бирида Ашоканинг Будда динини қабул қилиши ва ўз вакиллари Яқин Шарқ, Македония ҳамда Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларига юборганлиги буддизмнинг оммалашувига янги-дан-янги ҳудудларни очиб берди (24:13). Ва бу имконият айнан Будданинг ўз роҳибларига берган кўрсатмасининг дастлабки амалиёти эди:

«Роҳиблар, бошқаларнинг бахт-саодати ва фарозати учун боринлар – дунё кезинлар!»

Гарчи Будда ўз даъватида махсус бирор давлат ёки минтақани зикр этмаган бўлса-да, аммо ўтган асрнинг 30-йиллари Қоратепа, Далварзинтепа ва Фаёзтепаларда ўтказилган археологик изланишлар буддизмнинг диёримизда дастлаб Сурҳон воҳасида кўним топганлигини намоён қилди. Айрим манбаларда бу ерда ҳам ҳиндлар каби Будда ибодатхоналарининг ғорларда қурилганлиги ва мазкур услубни Хитойгача етиб борганлиги хабар қилинган (17:15).

Маълумки, Будда динининг қуйи табақалар манфати ва ҳақ-ҳуқуқини таъминловчи ғоялари брахманизм мафқураси шароитида ҳинд миллий тафаккур тарзига бас келолмаган эди. Чунки «Будданинг ўзи иккинчи табақага мансуб бўлгани учун, биринчи табақа, яъни брахманларга қарши бўлган таълимоти инсоннинг юксак даражаларга кўтарилиши назру хайрот бериш билан эмас, балки риёзат йўли, яъни ўз нафсини қийнаш ва дунёвий лаззатлардан маҳрум қилиш орқали муяс-

сар бўлишини кўрсатарди» (4:14). Бинобарин, брахманизм тамойилига терс – «янги ёт эътиқод»нинг бундай турли шароитларга мослашувчан байналмилал рухияти ўз ҳинд сарзаминида эмас, балки хорижий юртларда қадр топди.

«Агар шу маънода буддизминг ўзига хос энг асосий ғоявий тамойилига келсак, унинг диний-дунёвий фаолияти бошқа динлардаги каби бақога ўтиш олдидаги қисқа муддатлик тайёргарчилик эмас, балки изтиробларга чулғанган дунёда онг гумроҳлигига барҳам беришни тарғиб қилган».

Будда ўз ғоя ва таълимотида тараннум этган маънавий юксакликнинг анъаналари ундан кейин ҳам шогирдлари томонидан давом эттирилди. Натижада уларнинг яратган асарлари ҳам давр синовларидан ўтиб «*Трипитака* – Уч сават» манбаининг мантиқий давоми сифатида тарихда қолди. Жумладан, Будданинг энг яқин шогирди Ананданинг қаламига мансуб «*Сутта-нипата*» эътиқодда пайдо бўлиши мумкин бўлган ихтилофларни олдини олиш борасида Шарқий Осиё халқлари буддапарастлари учун муҳим диний манба вазифасини ўтади (8:125).

Бу манбада тақводорлар ўртасида кузатилиши мумкин бўлган айрим ихтилофли синоатлар асосан ташбихлар орқали баён қилинган.

Сутта-нипта матнидан намуналар

1. *«Кимки ўзида пайдо бўлаётган ғазаб ўтини гўё танага кириб келаётган заҳарни тўхтатиб қолувчи шифокор сингари сўндиролса, бу – роҳиб учун худди илон ўз эскирган терисидан воз кечганидек гап.*

2. *Кимки ўзидаги эҳтирос туйғусини гўё сувга шўнгиб нилуфар гулини суғуриб олгандек қалбидан юлиб ташласа, бу – роҳиб учун худди илон эски терисидан қутулганидек гап.*

3. Кимки ўзидаги доим хуруж қилиб турувчи кўр-қув туйғуси устидан голиб чиқса, бу – роҳибга худди илоннинг устидан шилиниб тушган терисидек гап» (90).

«Ҳиндистонда табақаланиш тамал тошини ўз жойидан кўзғатолмаган Будда эътиқоди» Осиё қитъаси мамлакатларида нафақат жуғрофий жиҳатдан кенгайиш жараёнини, балки бу даврда айрим шакл ва фалсафий ўзгаришларни ҳам бошидан кечирди. Бу ҳам етмаганидек, пировардида маҳаллий таъсир ҳосиласи ўлароқ вужудга келган турли мактаб ҳамда йўналишларнинг ҳар бири, фақат ўзинигина ҳақиқий буддизм давомчиси эканлигини даъво қилиб чиқди (38:6). Ва албатта, бу жараён Хитойда ҳам юз берган эди.

Фандаги маълумотларга кўра, «Буддизмнинг Хитойда тарқалиши тахминан милоднинг I асри ўрталари ва II асрнинг бошига тўғри келади». Аммо бу хулоса ҳали буддизмнинг Хитойдаги фаолияти бошланиши вақтининг ягона муддати эмас. Баъзи тадқиқотларда «Буддизмнинг II асрдан ўзининг маҳаяна йўналишида Хитойда шаклланган»лиги айтилса, яна бошқа бир нашрда таълимотнинг I аср ўрталарида Марказий Осиёдан кейин Хитойга кириб келганлиги кўрсатилган. Ёки **К. Чэннинг** «Хитойда буддизм» асарида Будда таълимотининг II асрдан Хитойда мустаҳкам позицияга эга бўлганлиги баён қилинган.

Бироқ, агар ҳинд миссионерларининг ташрифидан сўнг Марказий Осиёда Будда ибодатхоналари қад кўтариб, III асрда эса, бу минтақада Хитой буддапарастлари таҳсил кўрганларини инобатга олганда, буддизмнинг Хитойда I асрнинг иккинчи ярмидан диний эътиқод мавқеини эгаллай бошлаганлиги ҳақиқатга яқинроқ (8:86). Ва ниҳоят, бу хусусда яна шундай маълумотлар ҳам борки, уларда дастлаб таълимот ғояларини Хитойда ҳинд ҳамда ўрта осийлик воизлар томо-

нидан тарқатилганлиги ва фақат III асрда хитойликлар ичидан ўз роҳиблари етишиб чиққанлиги хабар қилинган (38:354). Шунингдек, ўрта осийликларнинг буддизм эътиқодида оддий такводордан то воиз даражасига етиб келганликларининг сабабларидан бири, «Сайид Насафий эътирофича, Будда таълимоти зардуштийлик анъаналарининг вужудга келишида таъсир кўрсатган» эканлиги бўлиши мумкин (51:154).

Хитойда буддизмнинг таъсир доираси нафақат унинг маънавий, балки моддий имкониятлари ҳисобига ҳам кучайган. Масаланинг моддий жиҳати шу маънодаки, буддизм ибодатхоналари қарамоғидаги ерлар давлат солиқларидан озод этилганлигидан ташқари, Хитой императорлари ҳадяси боис ҳам кенгайиб борган. Тарихий манбалар хабарича, «VI асрнинг 70-йилларига келиб, Будда ибодатхоналарига тегишли ерларда меҳнат қилган деҳқонларнинг сони тахминан 2 миллионга етган».

Ибодатхоналар тизимига тегишли ерлардаги деҳқонлар роҳибларнинг қаттиқ назорати остида яшаганлар. Гоҳо уларнинг аҳволи шу даражада оғир кечганки, ҳатто юзлаб оилаларнинг ўз жонига қасд қилганликлари маълум. Буддизм иқтисодий қудратининг бу қадар кучайиб кетиши кейинчалик давлат ҳокимиятини уларнинг имкониятларини чеклаш мақсадида айрим тадбирлар кўришга мажбур қилган. Яъни, буддизм жамоасини ер солиқларига тортиш, ишга жалб этилган деҳқонлар сонини қисқартириш, ибодатхоналар қурилишини камайтириш шу чекловлар жумласидан эди.

Икки тараф ўртасида вужудга келган мухолифат гоҳо ҳатто қуролли тўқнашувларга ҳам сабаб бўлар ва бу тўқнашувлар муаммоси буддапараст руҳонийларнинг наинки мавжуд, балки яна кўшимча имтиёзларга эга бўлишлари бадалига хал этиларди (31:61).

Энди бевосита хитой битиклари маълумотларига келсак, улардаги қайдларга қараганда, буддизм билан хитойликларнинг илк танишуви асосан икки талқинда баён қилинган. Биринчи талқинга биноан, *Хан* сулоласи императори *Минди* милоднинг 60-йиллари «*Юэч-жзий*» юртига муқаддас матнларни олиб келишга бир гуруҳ вакилларини юборган. Айрим манбаларда уч йил ва бошқаларида эса ўн бир йилдан сўнг элчилик муқаддас матнлар ёки уларнинг таржимасини олиб келган.

Элчилик билан *Кашияна Матанга* ва *Дҳарматарна* номли хинд буддапарастлари Хитойга келганидан кейин император Будда ибодатхонасини барпо этишга буйруқ берган (53:185). Демак, маҳаллий буддапарастларнинг Ҳиндистон билан мунтазам алоқалари ҳам шу даврдан бошланган бўлиши керак.

Янги диний эътиқоднинг маҳаллий халқ диди, шарт-шароитига мослашуви ва вақт ўтиши билан ўзлашувининг асрларга чўзилиши қанчалик табиий бўлса, у шунчалик мушкул ҳам эди. Бунда асосан Будда таълимоти тақдирини унинг орадан ўтиши керак бўлган давр ичида хитойликларга ўз маънавий озиқасини қай даражада манзур эта билиши ҳал қиларди. Яна шунингдек, ушбу жараёнда диний матнларнинг хитой тилига таржимаси ва хос атамаларга муқобил ҳамда тушунарли сўзларни истифодага киритиш каби ишлари жуда катта меҳнат талаб қиларди.

Бу мураккаб, яъни буддизм матнларини хитой тилига таржима қилиш масаласини ҳал қилинишида, шу диний эътиқод дея ўз тахтидан воз кечган – Парфия подшоҳлиги вориси *Ан Шигаонинг* хизмати жуда катта бўлди. У тахминан милоддан аввалги II асрнинг иккинчи ярмида Хитойга келиб, элликка яқин буддизм манбалари таржимасини амалга оширган. Парфиялик тахт вориси бошлаб берган *Трипитака* манбалари

таржимасини милоднинг IV асрнинг 80-йилларида Кашмирдан Хитойга келган *Гаутама Сангхадева* давом эттирган. Мутахассислар фикрича, хитой тилига таржима қилинган сутралар пали тилидаги матнлардан фарқланган. Бундан маълум бўладики, Хитойга келтирилган сутралар матни пали тилига Шри-Ланка нусхасидан эмас, балки ўзга манбалардан таржима қилинган (54:141).

Шундай бўлса-да, қуйида намуна сифатида берилган хитой тилидаги таржималар ўзида асл матн мазмунини нисбатан тўлиқ акс эттирган.

Сан Ши Эр Сян Цзин - Ўттиз икки белгилар сутраси”:

«Мен шундай деб эшитдим.

Будда Шэвэй мамлакатига борганида Шэнлин боғларида бўлган, унинг шогирдлари эса тушликдан кейин ўша ерда йиғилишган. Ҳамма биргаликда суҳбатхонада ўтириб қуйидаги масалани муҳокама қилишган:

«Мана бу ақлли киши истисносиз ўзгача ва мислсиз. У ўттиз икки белгили улузвор шахс. Агар у ўз оиласида қолса, Чакравартийнинг мунаввар подшоҳи бўлади. Бу подшоҳ бутун Осмон остини бошқариши учун тўрт турдаги (жангари филлар, жангари аравалар, отли ва пиёда) қўшини бўлганлиги боис жуда қудратли бўлиб, у дҳарма тамойили бўйича етти хазинага эга бўлади: чакра хазинаси, филлар хазинаси, отлар хазинаси, жавҳарлар хазинаси, хотинлар хазинаси, хазинани сақловчи вазир хазинаси, қўшиннинг бош саркардаси хазинаси.

Минглаб ўғиллар очиқ юз ва ҳалол назар билан Унинг қаршисида мунтазир туради. Ҳолбуки, у ўз қаҳрамонлиги билан ҳеч бир зотда қўрқув уйғотмай барча ер юзида яшовчиларни ўзига бўйсундиришга

қодир.

Шундай қилиб, у буюк денгизгача бўлган барча ерларнинг ҳукмдори шарафига муяссар бўлади. У қурол-яроғ кучи билан эмас, дҳарма тарғиботи шаурофати-ла умумхотиржамлик ва шодликни барқарор бўлишига эришади.

Агар соч-соқолини қириб, эски-туски матога ўралса ва динга берилиб уйини тарк этиб Йўлга етса, Татхагат сингари албатта уч (уйғониш, мунавварлик ва кўз очилиши) ҳолатидан ўтиб мақсадига етади. Унинг шон-шухрати ҳамма ерга таралади! Бу ҳақида борлиқнинг барча ўн қисмида эшитилади!»

Айни (маъруза) пайтида дунёдаги афзаллар Афзали қимир этмай ўтирарди. Ва У энг покиза фазога йўзрилиб, ўзи билганларини одамларга етказарди ва Уни ҳамма коҳин-шогирдлар эътибор билан эшитардилар.

- О, дунёдаги афзаллар Афзали! – деди шунда шогирдлардан бири, - Мана, ниҳоят ўша кун келди! Агар афзаллар Афзали биз коҳин шогирдларига улуғ шахснинг ўттиз икки белгилари ҳақида маълум қилсалар, биз эътиқодда собит бўлиб, таълимотни сақлаб қоладик.

Дунёдаги афзаллар Афзали деди:

-Унда жон қулогингиз билан тингланг! Мен сизга ва бошқа ҳамма йигилганларга айтганимни имкон қадар чуқур тушинишига интилинг!

Ниҳоят, коҳин-шогирдлар Будда каломидан кўрсатмалар олишига муваффақ бўлдилар.

Улуғ Шахснинг оёқлари қимир этмай турарди. Буни улуғ шахсиятнинг хос белгиларининг далили, дея билиш керак.

Яна, улуғ Шахснинг оёғи тағида «чакра»си бор эди. Чакра гилдираги ичида мингта таянч симлари

қадалган ва улар бари бир тартибда тизилган. Буни эса улуғ Шахснинг намоёнлиги белгиси, деб билиш керак.

Бундан ташқари, улуғ Шахсда бир текис терилган оқ тишлари бўлиб, улар таъм мазасини жуда кучли сезарди. Ва буни ҳам Шахс улуғлиги белгиси сифатида англаш керак...».

«Си Чэсоу Цзин»: Тўрт минтақа ҳақида сутра

«Мен шундай эшитдим.

Будда Шэвэй мамлакатига келиб Шэнлин богида ёлғиз ўтирганида, ҳурматли Ананда ҳам ўз маконида руҳий осойиш ва хаёлан бир фикр ҳолатида эди. У қимирламай ўтирганича тафаккурга берилиб қуйидагилар ҳақида ўйларди:

«Дунё ташвишларда яшайдиган одамларга жуда кам нарса маълум. Ана шу маълум нарсаларга эга бўлиш «чонқоғи»да улар ахир ўз орзуларига етишлари мумкин. Аммо ана шу чекланган нарсаларга эга бўлгач, улар бундай ўз чанқоқларидан ташвиш ва хўрликка дучор бўлиб, то қазогача шу аҳволда яшайдилар...»

Куннинг иккинчи ярмида ҳурматли Ананда ўрнидан туриб Будданинг ҳузурига равона бўлди ва У билан тегишли тарзда салом-алиқдан сўнг оддийгина қилиб деди:

«- О, дунёдаги афзаллар Афзали! Мен бугун руҳий осойиш ва хаёлан бир фикрли ҳолатда бўлдим. Қимирламай ўтириб, тафаккурга берилиб мана шундай ўйга толдим:

«Дунё ташвишларда яшайдиган одамларга жуда кам нарса маълум. Ана шу нарсаларга эга бўлиш «чонқоғи»да улар ўз орзуларига етишлари мумкин. Аммо ана бу чекланган нарсаларга эга бўлгач, ўз чан-

қоқларидан ташвиш ва хўрликка дучор бўлиб то қа-
зогача шу аҳволда яшайдилар».

- О, Ананда! Дунё ташвишларида яшовчи одам-
ларнинг топганлари фақат азобдир. Зеро, дунёда
шундай одамлар борки, уларга жуда кўп нарсалар
аён бўлса-да, аммо улар шу нарсаларга эга бўлиш
чанқоғида ҳеч ўз орзуларига тўла-тўқис етиша ол-
майдилар. (Натижада) улар то охирги нафасгача ўз
чанқоқлари туфайли ташвиш ва хўрликни бошдан
кечирадилар.

- Бу қандай юз беради?

- О, Ананда! Қачонлардир бошининг тепасидан
«Тугилган» деб ёзилган бир ҳукмдор яшаган. У жуда
ақлманд ва машҳур Чакраварти-подшоҳи эди. Бу-
тун дунёни бошқариш учун тўрт тоифа кўшини
бўлиб, у жуда юқори мартабага эришган эди. Дҳар-
ма тамойилига амал қилувчи бу подшонинг етти
хазинаси бўлган.

- О, Ананда! Боши тепасида «Тугилган» деб ёзил-
ган подшо кейинги вақтда ҳам ўз улуғлигида қолиб,
унинг ҳукмронлиги ернинг энг чекка ҳудудларигача
бориб етгач, у шундай ўйга толди:

«Мен жуда кўп одамлар яшайдиган – тўқинчилик
ва барқарорлик мавжуд бўлган энг маҳобатли Жам-
будвина минтақасининг соҳибиман. Менда етти
хазина ва минглаб ўғиллар бор. Етти кун мобай-
нида менинг саройимга жавҳарлардан ёмғир ёгган-
да, уларнинг сатхи тиззамгача кўтарилди...

Эсимда, мен қадим одамлардан эшитган эдимки,
ўша замонларда гарбда Аварагодан номли минқа
бўлган экан. У жуда катта бўлиб, бу гуллаб-яшна-
ган маконда жуда кўп фуқаролар истиқомат қи-
ларкан. Мен энди ўша Аварагодан минтақасини кў-
риш ва уни забт этишни истайман».

- О, Ананда! Боши тепа­сига «Тузилган» деб ёзил­ган буюк ва гайб ҳомийли­гига эга подшо, барча ўз ис­так-хоҳишларига етишиши­га ҳамма имкониятла­ри борлигидан у яна тўрт тоифали кўшинни тўп­лаб, ўз ўйлаган томонига юриш бошлаган...

- О, Ананда! Мен бу дунёга унинг азобларидан ўзим­ни ва бошқа кўлаб одамларни қутқариш учун кел­дим. Илоҳий ва инсоний сифатларга эга бўлган ҳол­да барча тирик жонзотларга тинчлик ва хотир­жамликка етишларида ёрдам кўрсатиш ҳаракати­даман. Айтадиларки, зўё таълимот кўмагида ман­зил-мақсадга эришилган, яъни танланган йўлнинг охирига етиб борилган тақдирда ҳам қайта тузи­лиш азоби туфайли гам-ғусса, мусибат, жисмоний хасталик ва ўлим, демак, барча изтироблардан қу­тилиш мумкин эмасмиш...

О, Ананда! Мен бу дунёга фаҳм-фаросатда етук­лик ва мукамалликни эгаллагач – изтироблар ола­мидаги ҳою-ҳаваслардан юз ўгириб қонунан энг юк­сак мураббий сифатида одамлар Будда деб номла­ган мақомда ҳаммага Устоз бўлишига келган эмас­ман. Чунки бошқаларни дунё азобларидан халос қи­лиш учун дастлаб Мен ўзим изтироблардан қу­тилдим. Шу мақсаддаки, илоҳий ва инсоний сифат­ларга эга барча тирик жонзотларга тинчлик ва хо­тиржамликка етишларида ёрдам бермоқчиман. Би­нобарин, Мен таъкидлайманки, таълимот ёрдами­да албатта танланган йўлнинг сўнги манзилига етиш мумкин. Сабаби, ахир Мен ўзим гам-ғусаю му­сибат, жисмоний хасталик ва ўлимдан қутила ол­дим-ку, демак, бу дунё изтиробларидан ҳам буткул халос бўлиш мумкин».

Будда мана шуларни тарғиб қилгач, Ананда ва бошқа қоҳин-шогирдлар афзаллар Афзали маъруза­сидан ниҳоятда хурсанд бўлиб тарқалдилар».

**“Чжуан Лун Ван Цзин”: Чакравартин
подшоҳи ҳақидаги сутра**

«Мен шундай эшитдим.

Будда Магадҳа подшолигига келиб, Олма дарёси қиргогида ўтирганида У коҳин-шогирдларини шундай йўлга солган:

- О, коҳин шогирдлар! Сизнинг ҳар бирингизда дҳармага хизмат қилувчи «таълимот чирози» бўлиши керак. Зеро, дҳарма билимини эгаллаш ҳамда ҳаётда муваффақият ва моддий тўқинликка эришиш борасида бу чироздан бўлак мақсад йўлига йўналтирувчи омил йўқ.

О, коҳин-шогирдлар! Қачонлардир Неми номли бир подшоҳ яшаган экан. У жуда зиёли ва ақлли Чакравартин подшоҳи эди. Унинг бутун дунёни бошқариш учун тўрт тоифа кўшини бўлган. Дҳарма тамойилига мувофиқ ҳукмдор барча тўрт табақага мансуб кишиларни эзгуликка мойил қилиш учун етти хазинани қўлга киритади. Бу қандай хазина эканки, барча тўрт табақа кишиларини эзгулик фазилатига мойил қилса? Ваҳоланки, мен(сизларга) аввал Чакравартин подшоҳининг барча тўрт табақа вакилларини эзгуликка мойил қилувчи етти хазинаси ҳақида хабар берган эдим.

Айтишларига қараганда, Неми подшоҳи ҳукмронлик қилган вақтда, «фазовий чакра» хазинаси дафъатан ўз маконини тарк этган. Кимдир буни кўриб, Неми подшосига бу воқеани маълум қилиш учун унга шундай сўзлар билан мурожаат қилган:

-(Фикримча,) Ҳукмдор албатта осмоний чакра-нинг ўз маконини тарк этганлигини билиши керак!».

Неми подшоҳи бу сўзларни эшитиб дебти:

- Тахтимга ворис ўғлим! Менинг осмоний чакрам дафъатан ўз аввалги маконини тарк этибди. Мен қачонлардир қадим одамларидан эшитганимга қараганда, агар Чакравартин подшоҳининг осмоний чакраси ўз маконини тарк этса, бу – подшоҳнинг дунёда яшашига озгина вақт қолганлигидан дарак беради.

-Ўғлим! Энди мен бу дунё ишларидан воз кечиб юксак осмоний манзилга интилишим керак. (Шунинг учун) энди соч-соқолимни қирдириб, бир парча матога ўралиб, дин йўлига берилиб, хонадонни тарк этишим керак.

-Ўғлим, мен бугун сенга ер юзининг тўрт қисмининг бошқарув жиловин топширмоқчиман. Сен дҳарма йўригига биноан унинг бирор жиҳатига ҳилоф иш қилмаган ҳолда ҳукмронлик қилишинг керак, токи сенинг давлатингда бирорта дҳарма тамойилига қарши йўл тутувчи одам пайдо бўлмасин!

-Ўғлим, йиллар ўтиб, қачонки чакра хазинанг дафъатан ўз мавқеини тарк этганини билсанг, сен ҳам давлат бошқарув тизгинини ўз ворис ўғлига бергин. Кейин унга давлатни тўғри бошқариш йўл-йўриқларини тушунтиргач, соч-соқолингни қирдириб, эгнинг бир парча мато ўраб дин йўлига берилиб, хонадонингни тарк этгин!

Шундай қилиб, Неми подшоҳи давлат ишларини тўғри олиб бориш шартин билан уни ўз ворисига ҳавола қилиб, соч-соқолини қирдиргач, бир парча матога ўралиб, дин йўлига берилиб, отаси каби хонадонини тарк этган экан»

«Тан даври – VII-IX асрлар хитой буддизимининг олтин даври дея таърифланади. Ҳақиқатдан ҳам айти шу даврда Хитойда буддизм анъаналари шаклланиб, Хуаян, Фасян, Чжан ян каби мактаблар тараққий

топди ва *Сюан-ци* ва *И-цин* каби таржимонлар туфайли буддизм манбалари хитой тилига ўтирилди». Аввалги хинд буддапараст коҳинларининг Хитойга ташрифини мантикий давоми сифатида илк хитойлик буддапарастлар ҳам буддизм тарқалган ҳудудларга сафарга чиқдилар.

Шу жумладан, VII асрнинг 30-40-йиллари *Сюан Цян* номли коҳин ва зиёратчи Шарқий Туркистон, Ўрта Осиё ва Афғонистондан ўтиб Ҳиндистонда Буддага атаб қурилган муқаддас масканларни зиёрат қилган. Унинг сафари баён қилинган «*Сиюй ци*» манбаида илк ўрта асрдаги Ўрта Осиё ҳудуди ва Будда зиёратгоҳлари ҳақида жуда қимматли маълумотлар берилган (55:255-256).

Шундай қилиб, IX асрда хитой буддизми ўзининг энг тараққий этган даврини бошидан кечирди. Лекин император *У-Цзуна* ҳумронлигида асрнинг охирларига келиб буддизм нафақат ўз мавқеини йўқота бошлади, балки ҳатто Хитойда кувғинликка ҳам учради.

Тараққиёт ва таназзулда ўтган йиллар ичида хитой буддизми асосида бир неча талқин ва таълимотлар яратилди. Шуларнинг муаллифидан бири *Цзун-ми* эди (54:307). Унинг ёзган «*Инсон ибтидоси*» трактати Хитойдаги буддизмнинг маҳаллий диний этикодлар муҳитига мослашуви баёни сифатида эътибор қозонди.

Инсон ибтидоси

«Агар дарахт илдизсиз бўлса, унинг юқорисида шохлари бўлмайди. Шундай экан, яратувчи «учлик»нинг марказидаги тирик жонзотларда ҳам ибтидо илдизи бўлмай иложи йўқ-ку! Бундан ташқари, дейдиларки, «одамларни билувчи киши ақлли, аммо ўзини билгувчи эса у – мутафаккир» Мен эса инсон сифатида вужудга эғалигимни биламану, лекин ўзимни қаердан келганимни билмайман. Шундай бўлга-

нидан кейин, мен бошқа авлодлар тақдирини қаердан билардим?! Бинобарин, мен яна қандай қилиб Осмон остидагиларнинг ўтмиши ва ҳозир ҳолини билишим мумкин?!

Шунинг учун мен ўнлаб йиллар устозларнинг тарғиб қилган илмини ўргандим, ўзимнинг вужудий мавжудлигимни билиш учун атрофлича ботиний ва зоҳирий хусусларни таҳлил қилдим...

Ҳозирда конфуцийлик ва даосизмни ўрганаётганлар, ўзларига яқин бўлган фақат шу нарсани биладиларки, улар бу вужудни аجدодларидан то оталаригача муттасил давом этганлигини ва ибтидодаги қоронғуликда ягона «Ци»нинг иккига бўлиниб «ин ва ян» туганлигини биладилар. Бу «иккилик» эса «учлик»ни туган:

Осмон, Ер ва Инсон – бу учлик эса ўз навбатида жами борлиқни яратган. Шунинг учун бутун борлиқ ва инсон ўзининг илдизи сифатида «Ци»га эга.

Буддизм қонунларини ўрганаётганлар, ўзларига яқин бўлган нарсалар ҳақида гапирадилар, масалан, инсон ўз вужудини муқаддам амалга оширган ишлари бадалиги олганлиги ҳақида...

Одамлардаги мавжуд барча билимлар бутун борлиқ мавжудлиги ҳақиқатини очиб бера олмайди. Лекин Конфуций, Лао-цзи ва Будда – ниҳоятда етук мутафаккирлар. Улар ўз даври масалаларини тадқиқ этиш натижасида ўз таълимотларини яратдилар.

Таълимотнинг мақсади – бу сон-саноксиз эзгу ишларни ўзаро бирлаштириш, ёмонликка барҳам бериш, яхшиликни тақдирлаш ва барча борлиқни тартибга солиш.



Шунинг учун бари уч таълимотга хурмат билан эргашимоқ жоиз. Агар киши диний эътиқоднинг беадад табиатини англаб етиш, унинг илмини билиш ва борлиқ табиатини ўзлаштиришни истаса, бу масалаларни ечиш учун у буддизмга мурожаат қилиши керак.

*Хитойлик буддапараст коҳин
Цзун-ми сафарда*

Бироқ афсуски, ҳозирда олимлар фақат бирор таълимотгагина эргашган, буддапараст ноиблар эса, ҳали ҳам таълимотнинг ҳақиқий мазмуни хусусида хато тушунчадалар. Шу сабабдан улар Осмон, Ер, Инсон ва бошқа нарсаларнинг ибтидоий манбаига чуқур ёндаша олмайдилар».

Биз буддизмнинг Хитойдаги фаолиятига бағишланган мабаларининг таржима лавҳалари билан танишувда, янги диннинг гоҳ очик ва гоҳо у ёки бу жиҳатида шама маъносида конфуцийлик ва даосизм анъаналарига зид муносабатлари борлигини билдик. Айниқса, буддизм фалсафасининг конфуцийлик этикаси ва тамойиллари хусусида. Шу ва бошқа сабаблар боис, масалан, Будда роҳибларининг хитойлик ҳукмдорлар олдида таъзим бажо келтиришга монелик қилишлари ибтидода талай ўзаро келишмовчиликлар чиқишига олиб келганди.

Аммо шунга қарамай, ерлик аҳоли янги диндан бошида бегонасираса ҳам, кейинчалик қабул қилган. Чунки буддизмда конфуцийлик ёритмаган номаълум

«рухий дунё»нинг кашф этилиши, ҳаёт ва ўлимдан кейинги охират масалалари сингари саволларга қизиққан хитойликлар учун янгилик эди (24:101). Ушбу хулосанинг қай даражада асосли эканлигига Конфуций ва шогирди ўртасида бўлиб ўтган савол-жавоб мазмуни яққол мисол бўла олади:

«Шогирд:

- Устоз, илоҳлар ва руҳларга нисбатан Сизнинг муносабатингиз қандай?

Конфуций:

- Киши то одамлар билан муносиб муомала қилишни ўзлаштириб олмагунча, илоҳлар ва руҳлар билан муносиб муомала қилолмайди».

Буддизмнинг сиёсий жиҳатдан Хитойда ўзлашувининг бошланиши III-VI асрлардаги сулолалар ўртасидаги қонли тўқнашувлар ва уларнинг оқибатидаги ижтимоий беқарорлик, иқтисодий таназзуллар даврига тўғри келди.

Таълимотнинг киши ирки, миллати ва эътиқодидан қатъи назар, уни «нирвана»га ноил бўлиши мумкинлигидек инсонпарвар ғоялари, урушлардан танг аҳволга тушган оддий авом ҳамда ҳаёт ташвишларидан зада бўлиб, узлатга чекинишни истаган нуфузли мансабдорларни бирдек ҳимоялашга, жабрдийда қочокларга эса паноҳ беришга тайёрлиги унинг халқ ичида оммалашувига имкон берди.

Муқаддам кузатувчанлик позициясида бўлган маҳаллий ҳукуматнинг буддизмга муносабати VI асрда император **Сяо У-дин**нинг ўзини буддапараст деб эълон қилиши ва шахсан ўзи учун Будда ибодатхонасини қурдириши билан ойдинлашди, кўйди (43:354). Илк ўзлашув жараёнининг муваффақияти натижаси ўлароқ, V аср охирида **Шарқий Цзин**да ибодатхоналарнинг сони 1800 га етиб, уларда 24 мингдан зиёд роҳиблар яшаганлиги буддизмнинг Хитойда мустаҳкам мавқе

эгаллаганлигининг жонли намойиши эди (19:326).

Юқорида қисқача зикр қилинган янги диннинг Хитойда дуч келган айрим муаммо ва эришган муваффақиятларидан ташқари, мамлакатдаги мавжуд ҳар уч эътиқоднинг яна шундай характерли томонлари бор эдики, уларни конфуцийлик, даосизм ва буддизмнинг ўзаро муштарак ҳамда айна пайтда муқобил хусусиятлари, дея баҳолаш мумкин:

«1. Конфуцийликнинг ташқи таъсир остида ҳам ўз гоъвий статусини сақлаш ҳисобига муқобил таълимотнинг «трансформация»сига эришиш иқтидор.

2. Даосизмнинг конфуцийлик ижтимоий этикасидан фарқли мистик дунёқараишлари руҳан буддизмга яқин бўлгани билан аммо унинг мантиқан миллий эътиқод эканлиги.

3. Буддизмнинг ўзга диний эътиқодлар маросимлари, анъаналари ва ҳатто илоҳларига бўлган ноортадоксал муносабати ҳамда Хитойдаги аجدодлар руҳига нисбатан ибтидоий дахлсизлиги».

Уччала диний-фалсафий таълимотнинг Хитой шароитидаги муштарак ва муқобил асосларининг бир давлат тизимида уйғунлашуви, бу фақат вақт ўтиши билан ҳал бўладиган масала эди. «Тарихнинг гувоҳлик беришича, - деб ёзган проф. Л.С. Васильев ўзининг «Шарқ динлари тарихи» номли монографиясида, - ҳар қандай хорижий маънавият мазмунан қандай бой бўлишига қарамасдан, у Хитойга кириб келиши билан шундай бир кучли трансформацияга дучор бўлардики, натижада янги оригинал ғоялар тизими ва институтлар пайдо бўлиб, уларнинг одатдаги хитойча тушунча, тамойил ва нормаларга мослашуви боис «янги таълимот»да ўз аслиятидан фақат ибтидоий ғоясини эслатувчи чизгиларигина сақланиб қоларди, холос».

Мисол учун, ҳаттоки буддапарастларнинг ўз ташаббуси билан қурилган ибодатхоналардаги буддавий ди-

ний битиклар ҳам санскрит ёки палида эмас, хитой тилида ёзилган. Лекин шуга қарамай, ўз ғайб дунёси билан хитойларда қизиқиш уйғотган ва ҳатто даосизм томонидан муайян рухий ва маънавий унсурлари ўзлаштирилган «буддизмнинг Хитойда фақат ўз ибтидоий ғоявий чизгиларини сақлаб қолган»лиги ҳақидаги хулоса фикримизча, нисбатан юзакироқ туюлади. Чунки буддизм ҳам, Хитойда давр ва муҳит тақозоси билан ўзининг ерлик менталитетга фалсафий уйғунлашувига қарамай, эътиқоднинг янги – хитойча йўналишини кашф этди. Бу – Хитой диний-фалсафий таълимотлари ва жамияти талабларига мос ва монанд тажрибага эга буддизмнинг чуқур тафаккур маҳсули бўлган «*Чан буддизми*» эди.

Жамиятда асосан ижтимоий этика қонунлари устуворлигини тарғиб этган конфуцийлик ва рухий фазилатлар такомиллигидан мангуликка чорлаган даосизм мафқураси муҳитида «чан буддизми»нинг юзага чиқиши ва унинг таъсирида ерлик тақводорларнинг ўз ботиний оламига қизиқа бошлаши фанда «Ҳинд буддизмига хитойларнинг реакцияси» деб баҳоланди.

«*Чан*» сўзининг луғавий маъноси, мутахассисларнинг фикрича, йога таълимотидан буддизмга ўтган «*дхяна*» ёки баъзи талаффузга кўра «*дхяна*» босқичи талқинига яқин. Бунда соф маънодаги дхяна ҳолати, сирли оламга чўмиш орқали «Асл ҳақиқат»га муяссар бўлишдир. Аммо хитой диний туйғуси бу хусусда ҳам ўзлигига – анъанавий рационализмга содик қолиб, том маънодаги нирвана ҳолатини ҳам инкор этди. Ва чан буддизми, медитацияда моддий дунё моҳиятини англаш туйғуси билан чегараланди, аниқроғи чекланди.

Демак, «хитойлик роҳиб медитацияга кирганида, у ўз нигоҳи атрофидаги моддий дунёнинг жами мўъжизаларини ҳис қилсин, кўра олсин!». Улар – табиат-

нинг сўлим гўшалари, коинот ва мавжудотнинг сирасрори, яъни «Осмон ва Ер»нинг қудрати ҳамда гўзаллиги...»

«Чан буддизмининг моддий аслиятга доир тушунчаси, ҳиссиёти ва унга даъвати шу қадар кучли эдики, токи инсон ўзини ўраб турган борлиқни илм-билим воситасида ўрганиш ва идрок этиш ўрнига, уни онг ва ҳиссиётини қийнамай, ўз аслияти ҳолича қабул қилсин, ўзлаштирсин!»

Борлиққа бундай муносабат, қайсидир маънода илк буддизм мантиғи учун ҳам бегона эмасди, гўё Будданинг «яраланган киши» мисолида билдирган фикридек:

«Ярадорнинг аҳволида ўзига ўқни ким ва уни нима мақсадда узганлиги, рақибининг қандайлиги – масалан, у уйланганми ёки сўққабошми каби маълумотлар эмас, балки уни жароҳат етган баданидан ўқни тезроқ чиқариб ташланиши кўпроқ қизиқтиради».

Бу билан Будданинг таъкидламоқчи бўлган фикри, уни одатда у ёки бу масаланинг тафсилоти эмас, балки фақат унинг мағзи қизиқтирган. Ёки мажозан айтганда: «Оламни ким яратган» ёхуд «Борлиқ қаердан ва қандай пайдо бўлган» деган саволлар эмас, аксинча «айни ҳозир, шу ерда нима воқеа содир бўлиб ўтганлиги муҳим»(41:15-16).

Буддизм ўз диний-ижтимоий байналмилал тамойилига биноан, Хитойда ҳам авом ва кибор учун ҳар икки қатламнинг ўз онги ва орзулари асосида эътиқод вазифасини ўтаган. Агар авом дунё изтиробларидан қутилиш учунгина Буддага сиғинса, «Хитой жамиятининг киборлари таълимотнинг фалсафий ва метафизик талқинларига кўпроқ эътибор қилганлар».

Биз ҳали буддизм жамоаларини ўзига хос давлат ичидаги давлат дедик. Бунинг классик намунасини Ва-

тиканга ўхшаш буддизмнинг Тибетдаги шаклида кўриш мумкин эди. Гарчи буддизмнинг V асрда Тибетда эришган диний ва ижтимоий-сиёсий институт мақомидаги мавқеига унинг Хитойда тутган ўрни тенглаша олмаса-да, аммо *Тан* давридаги таълимотнинг равнақи ҳар жиҳатдан эътироф этишга арзигулик бўлган. Яъни, буддизм ибодатхоналари тизимининг солиқлардан озодлиги ва уларда ижод аҳлининг макон тошганлиги!

Ҳиндистон тарихидан маълумки, брахманизмдаги дастлабки ислохотлардан бошланган ҳиндуизмнинг илк бор ҳинд диёрида йирик эътиқод сифатида майдонга чиқиши ва кейинчалик «Будда ғояларининг ҳинд миллий менталитети хусусиятларига бас келолмаганлиги унинг муқаддам ўз ватанида эга бўлган моҳиятига путур етказган» эди. Бу воқеа, вақти келиб хитойлик буддапарастларнинг Ҳиндистон билан бўлган узвий алоқаларига ҳам ўз таъсирини ўтказди – икки мамлакат ўртасидаги роҳибларнинг борди-келдиси узилди.

Шу орада Хитойдаги «жанубий ва шимолий сулолалар ўртасидаги сиёсий парчаланиш натижасидаги низолар қайтадан конфуцийликнинг кучайиши, мамлакатдаги даосизм ва буддизм позицияларини назорат этилишига олиб келди».

Будда ибодатхоналари тизимидаги ички қонунларга тўла амал қилмайдиган роҳибларнинг фаолияти назоратга олинди ва уларга қарши тегишли чоралар кўрилди. Энди хорижий диний эътиқодга нисбатан муносабат нафақат маъмурий, балки молиявий жиҳатдан ҳам ўзгарди – ибодатхоналар солиққа тортилди. Шунингдек, ибодатхоналарда тўпланган ва ҳукумат учун хавф солиши мумкин бўлган катта бойликларга ҳам император беписанд қараб турмади. Милоднинг 842-845 йиллари олий фармон билан рангли металллардан

ясалган Будда ҳайкаллари ва бошқа ашёлар эритилиб, ундан тангалар зарб этилди, темир ҳайкаллардан эса қишлоқ хўжалиги учун асбоб-ускуналар ясалди, қимматбаҳо металллар давлат хазинасига ўтказилди (43:354). Хитойдаги ҳукмрон давраларга тааллуқли Конфуций ва Дао таълимотлари мутаассиблари томонидан буддизмга қилинган таъналар ва берилган баъзи қаҳшатқич зарбалар, фақат унинг хорижий эътиқод бўлгани учун эмас, балки гоҳо маҳаллий мутаассиб буддапарастлар орасида ўз эътиқодининг хитой диний эътиқодларидан устунлигини очиқ-ойдин намоиш қилишга урунувчилар хатти-ҳаракатининг ҳам «жазоси» эди. Масалан, «IV асрнинг йирик буддавий арбобларидан бири *Хубэй-юан* гарчи миллати хитой бўлса ҳам, конфуцийлик ва даосизмни ўз дини бўлган буддизмга нисбатан чиқинди эканлигига даъво қилиб чиққан». Шу ва шу каби воқеалар оқибатида ибодатхоналардаги ҳар уч таълимотнинг омихта этик ва диний тимсоли бўлган муқаддас ҳайкалларни ҳам «саралаш»га ўтилган эди. Яъни, «меҳробларда маҳаллий бутлар ўтирган ҳолда ўрнатилди, Будда эса, тик турган ҳолатда» (43:355).

Буддизмга қарши «хужумлар» вақтида ибодатхоналар тизимидаги талабга жавоб бермаган роҳибларга нисбатан кўрилган чоралар манбаларда ёзилишича, асоссиз эмасди. Чунки Будда таълимотида вожиб саналган шартларга мувофиқ роҳиблар садақадан тушган озиқ-овқат билан кун кўриши ва улар кийим-кечакда ҳам албатта юпун юришлари шарт бўлган.

Амалда эса, аллақачон бу қоидаларга риоя қилинмай кўйилган эди. «Роҳиблар шаҳар ичида ўз садақа идиши билан кезиб, топган бир қисм гуручларини ибодатхонага келтириб берганлар, аммо дон умумий эмас, фақат шогирд ва қулларнинг қозонига тушган. Нуфузли роҳиблар учун ибодатхона ошхонасида маҳсус таомлар тайёрланар, уларнинг уст-бошидаги ипак

матолар номига бир четидан рамзий кўриниш учун қирқилиб устидан тикиб қўйиларди»(43:358). Ва бу аҳволда Будда роҳибларининг оғир ёки енгил жазога тортилиши, ўз моҳияти билан хитой қонунчилиги талабларига жавобан қўлланган тадбир ижроси эди. Чунки «Тарих китоби»да айтилишича:

«Осмон фақат етук ахлоқ соҳибларини мукофотлайди, гуноҳкорларни эса жазолайди. Шу боис ўта ақлли кишилар ахлоқнинг беш турига бериладиган мукофотларга муяссар бўладилар, гуноҳкорлар эса жазонинг беш турига тортиладилар: гуноҳи азим жазоси пайтида қурол-яроғлар ишга солинади; ундан камроқ гуноҳлар учун болта ва чопқич, ўртачаси учун пичоқ ва арра; ундай кейингисига искана ва бигиз, энг енгилига эса, қамчи ва калтак-таёқ. Оғир жазога тортилганлар жазоси очик майдонда намоиш қилинар, нисбатан енгил жазоланганлар бозор ва саройга кетаверишдаги йўлларда»(69:186).

XIII асрнинг биринчи чорагидан мўғуллар империясининг кучайиши, қолаверса, буддизм асосидаги ламаизмнинг расмий эътиқодга айланиши, Хитойда Хубилайхон «шарофати билан» яна буддизмнинг мавқеини тикланишига бир тўртки бўлди. «Мўғул хони Будда эътиқодининг тақводори сифатида нафақат унинг тикланишини, балки у билан рақобатдош даосизм динига тегишли ашёлар, айниқса диний асарларнинг йўқотилишига ҳам фармон чиқарган эди».

Хитойда буддизм мақомининг мўғуллар босқини даврида кучайиши бесабаб бўлмай, унинг замири куйидаги омилларга асосланган эди. Муаррих Н.Л.Жуковскийнинг «Ламаизм ва унинг диний ибтидоий шакллари» номли асарида ёзилишича: «Мўғуллар ўз ҳарбий юришларида буддизм дунёси вакиллари билан тўрт мартаба юзлашганлар – *кидан, уйгур, хитой* ва *тангутлар* билан бўлган жангларда. Шу йиллари, яъни

XIII асрнинг биринчи чорагида мўғуллар саройига уч йирик буддапараст роҳиблар келганлар: киданлик *Елюй Чу-цай*, хитойлик *Хай-юн* ва уйғур *Таматунг*. Шунда *Елюй Чу-цай* Чингизхон томонидан қабул қилиниб, тахминга кўра, у сарой астрологи этиб тайинланган. *Цзин* империясига юриш вақтида асирга олинган *Хай-юн* ҳам Чингизхонда яхши таассурот қолдирганлиги туфайли у саройда буддизмни тарғиб қилган. Уйғур *Таматунг*га эса Чингизхон ўз ўғилларига ўқитувчилик қилиш вазифасини топширган.

Айрим маълумотларда ҳатто уйғур зиёлисининг уйғур-мўғул алифбоси ва ёзув-хатини яратганлиги зикр қилинган.

Шундай қилиб, қадимги Хитой тарихида қачонлардир конфуцийлик ва даосизм ўртасидаги нисбий қанама-қаршиликлар ёхуд у ёки бу таълимотнинг устундavrларида содир бўлган ижтимоий, сиёсий ва эдий силжишлар ҳамда ислохотлар жараёнида ўз фий-ижтимоий ғояларини сақлаб қолган буддизм Хитой ва келгусида деярли бутун Шарқий қалқларининг диний этикоди бўлиш даражасиши.

» вақтнинг ўзида уч диний таълимотнинг муайян й ва даврий зиддиятлар»дан қатъи назар, ўзаро ва узоқ рақобатда бўлмаганлиги ҳамда ҳар уч дидриятнинг маҳаллий цивилизация таракқиётиюлининг кескин мухолифатдан холи қолганлиги ҳамон диншунос ва хитойшунос олимларнинг диққат-этибори марказида. Ваҳоланки, баён жараёнида қисман бўлса-да, бу масалада мавжуд турли баҳсларни бирор тарихий ёки фалсафий мантиққа асослаб таҳлил қилинганлиги ва улар юзасидан чиқарилган хулосаларнинг шоҳиди бўлдиқ.

Бизнингча, юқоридаги хулосаларга қўшимча қилиб яна шуни алоҳида урғулаш лозимки, конфуцийликнинг

юксак этикаси ва аждодлар руҳига садоқати, даосизмнинг руҳий мангуликка бўлган ишонч-этиқоди ҳамда буддизмнинг дунё изтиробларидан халос этиш кафолати, ўз муштарак тарғиботи билан хитойларни янада юксак маънавий такомиллик манзилига йўллади.

Ламаизм – Тибет буддизми

Тибетдаги буддизм ҳам Хитойдаги каби ўзига хос тарихий таназул ва тараққиётлар жараёнига дуч келган. Лекин охир оқибатда буддизм расман давлат институтлари сирасига киришга муваффақ бўлган.

«Лама», яъни «энг юксак» деган маънода роҳибни улуғловчи ламаизм тарихи V ва VI асрлардаги Шимоллий Ҳиндистон аҳолисининг қўшни ҳудудлар каторида қисман Тибетга кўчиб келиши давридан бошланган. Тўрт тарафдан тоғ тизмалари билан ўралган бу чекка ўлкада янги диннинг қарор топишидан муқаддам ярим демонизм ва шаманизмга асосланган «*Бонпо*» этиқоди мавжуд бўлиб, мазкур диний тушунча ҳатто ламаизм динида ҳам ўз таъсирини йўқотмаган. Будда таълимотининг ушбу янги йўналиши таркибан тибетликлар этиқодидаги анимизм унсурлари, ҳинаяна ва маҳаяна асослари ҳамда «тантризм»га хос тамоийиллар мажмуидан иборат бўлган.

Ламаизм таълимотининг руҳоний рамзи тибетлик Далай-ламанинг култи ва ваколоти ҳисобланган. Моҳиятан, Будда руҳига ноил бу «олий роҳиб»нинг таъсир доираси нафақат ламапарастлар, балки шунингдек, ҳинаяна ва маҳаяна тақводорлари учун ҳам тааллуқли эди. Тибетда аввал бу этиқодни тарғиб қилиш ва кейин маълум таназул боис мамлакатда яна унинг мавқеини тиклаш ҳамда ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилган ишларда, асосан, қуйидаги шахслар изчил фаолият кўрсатганлар, улардан:

Биринчиси – VII асрнинг дастлабки ўн йилликларида ҳукмронлик қилган *Сронцзан Гамбо* янги диннинг келажак моҳиятини инобатга олиб, Будда ғояларининг Тибетда кенг тарқалишига тегишли шароитлар яратиб берган. Подшоҳнинг Непал ва айтганимиздек, кейинчалик хитойлик буддапараст қизларга уйланиши қўшни давлатлар билан яхши алоқа ўрнатиб, мамлакатда турли ижтимоий қатламларни ягона давлат дини асосида бирлаштиришда жуда қўл келган (43:36).

VIII асрга келиб давлат дини даражасига кўтарилган ламаизм 815–838 йилларда ҳукмронлик қилган *Ралпачана* даврида жуда оммалашиб, ибодатхоналар қурилиши авж олган. У бу ишга Непал, Ҳиндистон ва Хитойдан махсус меъмор ва ҳайкалтарошларни таклиф қилган. Подшоҳ ҳатто давлатни бошқариш ишларига ўз вазирлари қатори буддавий роҳибларни ҳам жалб этган. Аммо сарой аҳли орасида туб маҳаллий диний эътиқод «*Бонпо*» тарафдорлари подшонинг сиёсатига қарши эдилар. Охири, ички оппозиция оқибатида давлат тўнтариши юз бериб, Тибет тахтини *Ралпачана*нинг укаси *Лангдарма* эгаллаган. Унинг вафотидан сўнг тахт вориси бўлмаганлиги учун давлат яна кичик подшодикларга бўлиниб кетган. Ва шу пайтдан бошлаб Тибетда содир бўлган воқеаларни ёзма қайд этиш анъанаси узоқ муддатгача барҳам топган.

Иккинчиси – орадан юз йиллар ўтгач ибодатхоналарга тегишли ерларнинг йирик феодаллар қўлига ўтиб кетиши сабабли сарой ва унинг ташқарисида муқаддас Будда матнларини ёндириш ёки ерга кўмиб ташлаш сингари бевошликларни бостирган ва Тибетда қайтадан ламаизмни тиклаган шаҳзода *Тисрон* эди.

Учинчиси – Ҳиндистондан ташриф буюрган роҳиб *Атиша* бўлиб, у XI асрда ламаизм таълимотида ўтказган ўз ислохотлари ҳамда санскритдан Тибет тилига ағдарган асл матн таржималари билан жорий эътиқод-

ни афсунгарлик ва шаманизм асоратларидан тозалаган (43:372).

Тўртинчиси – XIV-XV асрлар оралиғида ламаизмдаги ибтидоий буддизм талаб-тақозоларини тиклаган, роҳиблар ўртасида диний интизом ва ибодат қонунларини қатъиян риоя қилинишини йўлга қўйган реформатор *Цзанхава* эди (19.379). Олий ҳокимият ваколатларининг икки диний арбоб, яъни *Далай-лама* ва *Панчен-лама* кўлларига ўтиши ҳам унинг номи билан боғлиқ бўлган.

Шу тариқа турли даврлардаги ислохотлар ва қайта тикланишлар оқибатида, ниҳоят, ламаизм Тибетда том маънодаги тўлақонли эътиқод мақомига кўтарилган.

Гарчи ламаизмда назарий жиҳатдан буддизм тамал тошига хос муқаддаслик мерожии сақланиб қолган бўлса ҳам, лекин амалда *Далай-лама* ўз марказида барча диний-сиёсий ҳуқуқ ва кучнинг эгаси бўлиб қолаверган. Шунинг учун ҳам «баъзан ламаизм адабиётида *Далай-лама* ваколати таъсир доирасини, моҳиятига кўра Ватиканга қиёс қилинади. Чунки уларнинг ҳар иккиси ҳам ўз сарҳадларида наинки диний, балки давлат ижтимоий ва сиёсий институти мақомида фаолият кўрсатганлар».

Агар ламаизмдаги ибодат ва тақводорлик хусусиятларига келсак, ламапараст одатда тўрт муқаддасликка сиғинган:

1. *Буддага.*
2. *Будда ўқувчиларига.*
3. *Буддавий жамоаларга.*
4. *Буддавий Пири муршидга.*

Ламаизм асосини санскритдан Тибет тилига таржима қилинган «*Ганжур* – панду насихат» ва «*Данжур* – шарҳлар» номли диний манбаларини икки жилдда жамланган матнлар йиғиндиси ташкил қилади. Лекин

уларнинг ичида энг нуфузлиси 2606 «мантра»лар матнидир (41:401).

Тоат-ибодатда ламапараст роҳиблар ҳам буддизм диндорлари сингари ҳар ойнинг тахминан боши ва ўртасидаги кунларда эртадан кечгача рўза тутган ҳолда ибодатхоналарда тавба-тазарруларга доир дуолар ўқиш билан машғул бўлганлар. Хос ибодат вақтида, ламаизм масканлари ичкарасига кириши ман этилган оддий авом одатда ташқарида туриб диний мусиқа ва ноғоралар садоси остида ихлос билан ўз муқаддас мантраларини ўқиганлар – «*Ом мани падме хум!*».

Ламаизм тарихи ва фалсафаси билан шуғулланувчи олимлар асарларидаги таҳлил бўйича, ушбу дуо-мантрининг қисқача мазмуни шундай:

1.«*Ом*» бўғини – Будданинг фазовий вужуди рамзи, яъни *дҳармакайя*.

2.«*Мани*» бўғини – Будданинг саодатли вужуди рамзи, яъни *самбҳогакайя*.

3.«*Падме*» бўғини – Будда вужуди пайдо бўлиши рамзи, яъни *нирманакайя*.

4.«*Хум*» бўғини – Будданинг олмос вужуди рамзи,

Мазмунан, «Дунё дарахти»нинг рамзида у ёки бу дарахт турининг эътиқодга тааллуқдорлиги ер юзидаги кўпчилик халқлар мифологияси учун хос жиҳат. Буддизмдаги «боддх» дарахти каби ламапарастлар мазҳабида ҳам *Гумбум* ибодатхонасида ўсувчи «*цзонхва*» дарахтини муқаддас деб билинган. Баъзи олимларнинг хулосасига қараганда, дарҳақиқат бу дарахтнинг баргларида айрим тибет тилидаги битикларини ўқиш мумкин бўлган (28:50).

Ламаизм космологиясида мавжуд «беадад дунёлар»да яшовчи «беадад жонзотлар» ўз моҳияти бўйича, олти турга бўлинган: худолар, одамлар, хайвонлар, иб-

лислар, очлик ва ташналикка маҳкумлар ҳамда дўзахи бандалар (43:382). Зикр этилган бу олти тирик жонзотлар ичида одамлар «карма»си ўз шарофати ёки асорати туфайли қайта туғилишларнинг инъикоси маъносида муҳим аҳамият касб этади. Яъни, ҳар бир ламапараст ўз ҳаёти даврида қилган савобли ва гуноҳли аъмоли оқибатида юқоридаги нуфузли ёки дўзахи жонзотларнинг ўрнини эгаллайди.

Ибтидоий классик буддизмга нисбатан ламаизмда бутун борликни ижодкори ва эгасининг *Адибудда* рамзида ифодаланганлиги, диншуносликнинг баъзи талқинларида монотеистик диний эътиқодлар таъсири сифатида баҳоланади. Бу диний эътиқод илоҳлари ҳақида сўз очилганда, даосизмдаги каби муаннас илоҳиялар фаолиятининг ҳам ламапарастлар учун тааллуқли эканлигини унутмаслик керак.

Умуман, даврлар ўтиши билан ламаизм дунёқарашлари каби илоҳлар пантеони ва ибодат борасидаги юз берган ўзгаришларни эндиликда аниқлаш у қадар осон иш эмас. Чунки «мавжуд мазҳабларнинг ҳар бири, аввал айтганимиздек, фақат ўзинигина ҳақиқий буддизм давомчиси сифатида тарғиб қилган» ва ҳозир ҳам деярли шундай.

Ламапарастлар учун олий тангри *Адибуддан*нинг бирламчи белгиси – бу «*Шунята* - Буюк бўшлиқ»дир. Нафсиламр, мазкур илоҳий бўшлиқдаги Будда руҳи зарраларининг ламапарастларда қанчаси мавжудлигига қараб, уларнинг дунёвий ва диний фаолиятлари сарҳисоби аниқланади. Яъни, кимда ламапарастлар учун мажозий атамада қабул қилинган «қора гуноҳлар» кўп бўлса, кейинги туғилишларда шунга мувофиқ киши касалманд, умри қисқа ёки бошқа камчиликлар билан туғилади. Кимдаки «оқ хайрли амаллар» зиёда бўлса, у навбатдаги дунёга келишида соғлом ва ибратли ҳаёт кечириб, қайта туғилишлардан озод этувчи манзилга

тезроқ яқинлашади.

Ламаизмга мансуб «оқ хайрли амаллар»да сахийлик, ҳақиқатгўйлик, раҳмдиллик, тинчликсеварлик, ақлзаковат, поклик, беозорлик, муросасозлик, ўзгаларни ҳимоя қилиш, таълимотни тугал эгаллаш сингари комил инсоний фазилатлар мужассамланган. Бу каби инсоний такомиллик фазилатлари ламаизм адабиётидаги «Гўзал ҳикматлар» тўпламида куйидаги мисраларда шеърга солинган:

*Фақат тентак сўзлайди иқтидоридан,
Онгли эса иқтидорин эсламайди ҳам.
Хас одатан сузиб юрса сувнинг устида,
Марварид-чи, яширинар сувнинг остида.*

*Яхши инсон доимо бил, қимматли тошдек,
Ҳеч ўзгармас – бу дегани, қиймат йўқотмас.
Аҳмоқ эса, ўзгалардан рози-норози,
Бамисоли посангисиз тошу торози!*

* * *

*Тилни тиймоқ, балолардан бошни қутқармоқ,
Кўп гапириб ҳали ҳеч ким топмаган фойда.
Зеро, тиллик тўтиқушнинг макони қафас,
Тилсиз қушлар парвоздадир, шуни билгил, бас!*

*Бировларни қаргама ҳеч, тилингни тийгил,
Гарчи улар бўлса ҳамки, сенга ёв, душман.
Чунки қарғиш қайтмайди деб, ўйлама асло,
У қайтади – тоғу тошдан қайтгандек садо!*

*Катта ишлар қилсанг доим ёрдамчинг бўлсин,
Гарчи ўзинг бўлсанг ҳамки устаси фаранг!
Сабабики, чақмоқ тошда ёққанда олов,
Унутмагил ҳавосиз ҳеч ўт олмас қалов!*

* * *

Тарихдан маълумки, кўп миллатли мамлакатларда қадимдан турли диний эътиқод ва конфессияларнинг фаолият кўрсатиши табиий бир ҳол бўлган. Бу жиҳатдан исломнинг Шарқий Осиёга кириб келишида Хитой ҳам истисно эмасди.

Хитойда ислом¹

Инсоният тарихида VII аср ислом динининг пайдо бўлиши ва дунёнинг кўпгина гўшалари – Яқин, Ўрта, Узоқ Шарқ ва шунингдек, Жануби-Шарқий Осиё ҳамда Африканинг талай мамлакатларига тарқалиш даври бўлди. Сўнги диний эътиқоднинг жуғрофий нуқтаи назардан кенг ҳудудларда ўзлашувида савдо йўллари ҳам муҳим восита вазифасини ўтади. «Тарихий битиклардаги хабар бўйича, Хитойга исломни «Ипак йўли» ҳамда денгиз орқали араб ва эронлик савдогарлар олиб келишган». Улар Хитойга асосан қаҳрабо ва турли дориворлар келтириб, бу ердан чинни идишлар, шойи матолар ва чой олиб кетганлар. Шунингдек, мусулмон савдогарлари орқали хитойлик олимларнинг кашфиётлари ҳам дунёга тарқалган. Натижада компас, порох ва сифатли қоғозга бўлган талаб нафақат Ғарб ва Шарқ ўртасидаги савдога, балки иқтисодий ва маданий алоқаларнинг ривожига ҳам йўл очган.

Муттасил савдо муносабатлари туфайли мусулмон савдогарларининг муайян қисми ўзларининг илк сафарлари давридан Хитойда ўтроқлаша бошлаганлар. Ва улар ерлик аҳоли билан қариндош-уруғ ришталарини боғлагач, зурриётлари биринчи хитой мусулмонлари бўлганлар. Бу мусулмонларнинг исми шарифлари масаласи мутахассислар талқинида қуйидагича ҳал этилган. Агар айтайлик, «хитой мусулмонларининг исмлари Муҳаммад, Мустафо ёки Масъуд бўлса, улар

¹Хитойдаги ислом тарихига доир адабиётлар тақчиллиги боис мазкурда интернет маълумотларидан ҳам фойдаланилди.

ўз асл номларини хитой тилига мослаб *Мо, Мэй* ва *Му* деб, *Ҳасан, Хусан* ва *Саид* бўлса – *Ҳа, Ху, Сей*, дея атаганлар».

«Ислом динининг тарқалиши натижасида Хитойда *дунгон, тунгон* деб аталган янги этнос шаклланган. Айримлар тунгон халқини ислом динини қабул қилган хитойлар, деб ҳисоблайди. Аслини олганда, тунгонлар турли даврда ҳар хил сабаблар билан Хитойга келиб муқим яшаб қолган туркий халқлар, араблар ва эронликлар авлодларидан иборатдир. Улар ичида бевосита савдо ишлари билан бориб қолганлар кўпчиликни ташкил этган»(10:35).

Илмий нуқтаи назардан исломнинг Хитойдаги тарихи 650-йили Абу Ваққоснинг мазкур ўлкага қилган саёҳатидан бошланиб, шундан кейинги миссиялар даврида йирик маҳаллий бандаргоҳларда дастлабки мусулмон қароргоҳлари пайдо бўлган. Лекин «Мусулмон тарихий адабиётида эса, исломнинг Хитойда пайдо бўлиши ва тарқалиши асосан VIII асрнинг иккинчи ярмидан ҳисобланади. Яъни, *Ань Лу-шаня* бошчилигида *Юнь-анда* кўтарилган кўзғолонни бостиришдаги Бағдод халифалигининг Хитойга ёрдам учун уч минг аскар юборган вақтидан. Ва шундан бошлаб «*Юнь-анда* қолган араблар маҳаллий мусулмонларнинг Хитойдаги дастлабки жамоаларини ташкил этганлар».

Бундан ташқари, XIII асрнинг охирида Чингиз зурриёдлари ҳукмронлиги даврида ҳам минглаб мўғул ҳамда ерлик аҳолининг бир қисми – тангут ва хитойлар мусулмон динига ўтказилган. Ҳатто «*Юан* сулоласи даврида хитой ва мўғул тиллари қатори форсийга ҳам давлат тили мақоми берилган»лиги маълум. Дастлаб ислом динини қабул қилган хитойлар – бу сон жиҳатдан озчиликни ташкил қилган миллатлар бўлган: *хуэйлар, саларлар, дунсянлар, баоанлар*.

Бу ерда шунингдек, қадимдан уйғур, қозок, қирғиз, ўзбек, тожик ва татар миллатига мансуб мусулмонлар ҳам яшаганлар.

Расмий хитой статистик маълумотлари бўйича хуэй, салар, дунсян ҳамда баоан мусулмонларининг аксарияти Гансу ва мамлакатнинг шимоли-ғарбидаги Цинхай, Шанси провинциялари ҳамда Нинсяхуэй автоном туманида жойлашганлар. Уйғур, қозок, қирғиз, ўзбек ва тожиклар эса Синцзянда истиқомат қилганлар.

Хитойда исломнинг тарқалиши тарихига доир мавзуни давом эттиришда Шарқий Туркистон худудида фаолият кўрсатган хонликларнинг ижтимоий-сиёсий ва қисман ҳарбий фаолияти ҳақидаги айрим нашрларга муурожаат қиламиз.

Хусусан, проф. А.Хўжаевнинг «XVIII асрда Цин империяси ва Шарқий Туркистон» мавзуида ёзилган монографияси маълумотлари бўйича:

«Цин империясининг Шарқий Туркистондаги Ёркент хонлигини забт этиши арафасида хонлик Ўрта Осиё хонликларидан фарқли ўлароқ, ўз маъмурий-сиёсий тизимига эга эди. Давлат бошлиғи хон ҳисобланиб, унинг кўли остидаги фуқаролар иши бўйича Вазири аъзам, мудофаа вазири Амир ал-умаро, муҳрдор, девонбеги, шайх ул-ислом, парвоначи, мироб ва бошқа амир ҳамда мулозимлар бўлган. Худудий жиҳатдан давлат беш вилоятга бўлинган. Ҳар бир вилоятнинг «кичик хон»и қилиб, тахт сўҳибининг ўғли ва вориси тайинланган.

Кичик хон қарамоғида вилоятнинг асосий шаҳар ҳокими ва унда ташқари, бир неча музофотдаги шаҳарлар ҳокимлари ҳамда 30 та беклар фаолият кўрсатган. Бироқ Шарқий Туркистон Цин империяси тасарруфига ўтгунча, хонликдаги маъжуд маъмурий тизим бекор қилиниб, унинг ўрнига ҳарбийлашган маъ-

мурий ташкилотлар жорий этилди. Қисман фотиҳларга хизматга ўтган маҳаллий уйғур беклари эса ҳокимиятда қолдирилди. Лекин амалда бу тадбирлар билан бирликда бошқарувни анъанавий хитой услуби эгаллай бошлади. Яъни, Шарқий Туркистонни цинлик ҳукмдорлар янги маъмурий тўрт йирик ва миёна шаҳарлардан иборат қисмларга бўлдилар.

Масалан, Қашғар «*цан-цзандачэня*»си тўрт бўлимга бўлиниб, улар «*инфон* – девон», «*хуэй'учу* – мусулмонлар ишлари», «*цзинмучу* – чорвачилик» ва «*лянсянчу* – озик-овқат» масалалари бўйича фаолият юритган. Хонлик давридан сақланиб қолган Ёркент ва Ёқуббек хонликларидаги муқаддам жуда катта ҳуқуқ ва ваколатга эга бўлган «ҳокимбек» цинлар даврида асосан ҳукмронларнинг изн-ихтиёрини бажарувчи мулозимларга айланиб қолган эдилар...»(66:102-106).

Цин империяси давридаги мусулмон хонликлари тарихида шундай саҳифалар ҳам борки, уларда хитойларнинг ерлик эътиқоддаги фуқароларга ҳокимлик мансаб-мартабалари берилганлиги баён қилинган. Шу шарт биланки, улар албатта империя талаблари ва манфаатига хизмат қилувчи сиёсат юритсалар. Шунга кўра, «Турфон вилоятининг шарқий қисми ҳокими лавозими Аминхўжага берилган, ғарбий қисми эса Манглик тархонга. Аммо империя томонидан берилган кўрсатмаларга амал қилинмаган ҳолда ҳокимлар қаттиқ жазога тортилган, гоҳо эса унинг акси ҳам юз берган».

Айтайлик, «Империя ишончини оқламаган Манглик тархон ўз унвони ва мол-мулкани авлодига мерос қолдириш ҳуқуқидан маҳрум бўлиб, ўлим жазосига ҳукм қилинган. *Цин*ларга фидойилик кўрсатган Аминхўжа *цзюнван* - князлик унвонига муяссар этилиб, ҳатто ўз унвонини ўғилларига мерос қолишига эришган. Унинг қўл остида 2160 киши бўлиб, улардан бештаси ёрдамчи, 30 таси ҳарбий бошлик ва 90 нафари унинг

хизматини ўтаган. Айни даражага эришган Аминхўжанинг ўғли Сулаймон ўз отасидан ўтган князлик унвонига номуносиб Цинга қарши кайфияти учун мансабидан четлаштирилиб, унинг қўл остидаги аҳоли иккига бўлиб юборилган».

Юқоридаги иқтибосда берилган воқеаларнинг юз берганлигини тасдиқловчи шундай ҳужжатли матнлар ҳам борки, улар ўз тарихий қиймати билан ҳамон илмий моҳиятини йўқотгани йўқ. Шу нуқтаи назардан император Цянлуннинг мусулмон ҳокимлари тўғрисидаги фармойишини таъкидлаш мумкин:

«Ёркентнинг мусулмонлари кўнда бўйсунмайдилар. Уларни бошқариш учун ҳокимбекни тайинлаш вазифаси ўта муҳим вазифа. Мен Ёркентни Аминхўжа бошқаришини мақсадга мувофиқ биламан, Юсуф эса – Қашгарни.

Бизга кўндан маълум бўлган шахсларга вазифани ишониб топшириш мумкин. Асосий катта иш бажарилгандан кейин (яъни Шарқий Туркистон буткул забт этилганидан сўнг – А.Х.) шундай қилиш керак» (66:114-116).

Ҳозирда Хитойдаги мусулмонлар сони қарийб 18 миллиондан зиёд бўлиб, улар яшайдиган ҳудудларда 30 мингга яқин масжидлар фаолият кўрсатади. 1953 йили Пекинда тузилган «Хитой ислом ассоциацияси» мамлакатдаги мусулмонларнинг олий ташкилотидир. Ва ҳар тўрт йилда ассоциацияда умумхитой исломий конференцияси ўтказиб турилади. Бу ташкилот шунингдек, мусулмон давлатларидаги турли идоралар, институтлар, илм-фан ва диний ташкилотлар билан дўстона алоқалар ўрнатганлиги боис халқаро миқёсдаги исломий анжуманларда фаол иштирок этади. Ассоциация ислом тарихи, теологияси ва маданий мероси мавзуларидаги илмий тадқиқот ишларига ҳомийлик қилади.

Ёш имомлар ва диний ходимларни тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш мақсадида «Ислом теологик институти» таъсис этилган.

Хитойда исломий адабиётлар юзасидан амалга оширилган нашрлар ичида Куръони каримнинг араб тилидаги нусхалари ва унинг хитой ҳамда уйғур тилларидаги таржимаси чоп этилган.

Вақтли матбуот хусусида «Хитойда мусулмончилик» ҳамда бошқа ойномаларни мисол келтириш мумкин. Мамлакатда мусулмонларга ҳар йили диний байрамларни нишонлаш ҳамда Маккага зиёрат қилиш ҳукуқи берилган.

Ҳозирда Хитойдаги мусулмонлар аксариятини уйғурлар ташкил қилади. Ҳолбуки, уларнинг миллат мақомида шаклланиши қадим ўтмишга бориб тақалади.

“Япон ва француз олимлари фикрича, уйғур атамаси милоддан аввалги III–II асрлардан маълум. Хитой муаррихлари тадқиқотида кўра, милоддан аввалги III ва милодий III асрлар давомида уйғурлар шарқий ва ғарбий қисмларга бўлинган. Ғарбий уйғурлар «*уху, ухэ*», шарқий уйғурлар эса «*вайхэ, юанхэ*» деб аталган.

Бундан ташқари, хитой манбаларида «*жюшинг уху-тўққиз ўғиз ва жюшинг хузэйха* – тўққиз уйғур» каби этнонимлар кўп учрайди.

Буларнинг таркибини солиштирганимизда, икки хил аталган бу уйғурлар шарқий уйғурлар бўлиб, улар доирасида *уйғур, буку, хун, байирку, тунгро, изгил, чибни, басмил, қарлуқ* каби 9 қабила бўлганлиги маълум.

Демак, айтиш мумкинки, уйғур ва ўғиз икки қисмга бўлиниб кетган бир халқнинг икки хил номи бўлган (10:45-46).

Шулардан яна бири – милоддан аввалги 2591–2491 йиллари «сарик император» номи билан машхур *Хуан Ди* сарой хизматчиси *Цан Цзег*а хитой алифбосини яратишни буюрган. У турли қушлар ва ҳайвонлар изларини чуқур ўрганиб биринчи хитой иероглифларини кашф этган.

Афсона ва ривоятлардан фарқли ўларок, «илк хитой жамоалари орасида табиатда кўзга кўринган нарсалар ва содир бўлган ҳодисаларнинг расмини чизишга интиланган одамлар бўлган. Жамоат бундай одамларни қобилиятини илоҳий деб билган ва уларни «*Ши*» деб атаган». Милоддан аввалги XVI-XII асрларга келиб, Хитойда рамлар асосида чизилга иероглифлар шаклланди. Шундай сўнг «*Ши*» сўзи воқеаларни хотирлаб қолувчиларга берилган лавозим сифатида ишлатилган ва бу лавозимга эга кишилар катта сбрў ва эътиборга сазовор бўлган (9:4).

Дастлабки ҳарфлардаги фол матнлари тошбақа қосаси, хўкиз ёки оху куракларига ўйиб ёзилган. Кейинчалик ушбу ёзув услуби диний маросимларда ишлатиладиган мис ва сопол идишларда қўлланган. Агар археологик изланишлар вақтида топилган дастлабки ёзма матнлар масаласига келсак, уларнинг асосий қисмида ибодатхоналарга тегишли турли ашё ҳамда ҳужжатлар ва шунингдек, айрим жамоа ёки шаҳарлар ҳақидаги маълумотлар ўз аксини топган. Шу жумладан, *Анян* тумани *Сяотун* қишлоғидаги археологик қазилмаларда топилган ёзма битиклардан қадимги *Шан* шаҳри тўғрисида тушунчага эга бўлиш мумкин. Лекин улар архаик услубидаги ёзув бўлганлиги учун ўқилиши жуда қийин (59:146).

Мавзу қадимги Хитой иероглиф ёзувлари хусусида экан, шу соҳага тегишли яна бир ёзма ёдгорлик тарихини эслаб ўтиш жоиз. Бу – фол битиклари ва унга ҳукмрон доираларда бўлган жиддий муносабат ҳақида.

Чунки фол очиш Хитойда давлат мақомидаги эътиборга муяссар воқеа бўлганлиги учун махсус ёзма тўпламлар тузилган ва улар тегишли жойларда сақланган.

Одатда давлат арбоблари турли мураккаб масалаларни ечишда ушбу соҳа вакиллариغا мурожаат қилганлар. Ва фол натижаларининг *Шичун* каби тўпламларда жамланганлиги, милoddан аввалги тарихий воқеликларга доир хабар ва маълумотларда тасдиқланган (18:31).

Кейинги топилма намуналарини эса, милoddан аввалги иккинчи мингйилликка тааллуқли суяк куръалари, тошбақа косаси, диний маросимларда тутиладиган бронза идишлар, тош ноғоралардаги ёзувлар ҳамда XVIII-VIII асрлардаги «Оракула – Валиуллоҳ»га қарата берилган саволлар матни ташкил қилган (3:686-687).

Хитой хаттотлигининг ривожланишига қоғоз, сиёхтуш ҳамда қилқаламнинг кашф этилиши асосий туртки бўлган. Ва шундан бошлаб «хуэй»- сиёх, «сю-ан» - қоғоз, «ху»- қилқалам ва «дуан» - сиёхдон Хитойда «Тўрт хазина» унсурлари сифатида ардоқланган. *Шан Индан* бошлаб *Тан* сулоласи ҳукмронлиги даврида хаттотлик соҳаси тараққиёт поғоналаридан кўтарилиб, санъат даргоҳига кириб келган.

Шу маънода ўтган асрнинг 50-йилларида *Синян* музофотидаги император қабридан топилган бамбук таёқчаларидаги иероглиф битиклар икки жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга. Биринчиси шуки, *Синян* мазорини тарихчилар анча қадимий ҳисоблаб, уни милoddан аввалги V асрларга тааллуқли эканлигини тахмин қилганлар, иккинчиси шуки, бамбук тахтачаларидаги битикларни ахлоқий ва сиёсий руҳдаги конфуцийлик матнлари деган хулосага келганлар. Шунингдек, *Шан* асрига доир археологик топилма битиклар хитой тадқиқотчилари фикрича, бирор содир бўлган муҳим воқеанинг тарихий ҳужжати сифатида ўз даври архиви

манбалари ҳисобланган (18:22-23).

Демак, император саройида бу каби девон ишлари учун махсус масъул мулозим ва котиблар гуруҳи фаолият кўрсатган. Балки шу сабабдан бўлса керак, Милоддан аввалги биринчи мингйиллик давомида «*ши*» - лар, яъни ҳодиса ва воқеаларни баён этишга масъул бўлган амалдорларнинг сони кўпая борган. Шунинг ҳисобидан ёзилган хотиралар мажмуи ва ҳажми ортиб, уларнинг сифати ҳам яхшилашган.

Милоддан аввалги VII асрда «*ши*» деб номланган лавозим «чап қўл тарих битувчиси» – «*зуо-ши*» ва «ўнг қўл тарих битувчиси» – “*юши*” каби икки даражали лавозимга бўлинган. Биринчи даражалилар ҳукмдорлар сўзларини, иккинчи даражалилар эса ҳаётда содир бўлаётган воқеаларни ёзиб борганлар (9:5).

Иероглиф ёзуви ёдгорликлари ўз тарихий қиймати, ижтимоий ва илмий аҳамияти ҳамда қолаверса, ўзаро икки бир-бирига зид «салбий ва ижобий» хусусиятлари билан фарқланади. Яъни, улардан бири – «қадимий доноликлар»ни билиш фақат роҳиб ва аристократларга мумкин бўлганлиги учун уларнинг узоқ вақтларгача оддий авомга маълум эмаслиги бўлса, иккинчиси, иероглифлардаги тарихий маълумотлар, дуою афсунлар ва ижтимоий битиклар Хитойнинг узоқ ўтмишини ўрганишда ниҳоятда фан учун ишончли манба. Ёзув обидаларининг бу икки хусусияти Жанубий ва Шарқий Осиё мамлакатлари учун «анъанавий қонун»лиги бизга ҳиндлардаги ведаларни ўқиб-ўрганиш тамойилларидан маълум. Яъни, ҳиндларда бу «илоҳий калом»нинг қуйи табақа вакилларида сир тутилиши махсус кўрсатмаларда уқтирилиб, уларнинг сўзсиз бажарилиши қатъиян талаб этилган.

Хитой ёзма обидалари одатда ўз мазмунига кўра уч гурдаги гуруҳга бўлинади: тарихий, фалсафий ва подшо буйрук ҳамда фармонларининг матни. Матнларнинг

ёзилишидан асосий мақсад, аждодлар ҳаётига доир воқеаларни келажак авлодларга етказиш бўлган. Айни шу анъана шарофати билан хитой тарихнавислиги ва унинг адабиёти вужудга келган. Бу соҳада *Сима Цян*-нинг «Тарихий хотиралар» асари маҳаллий тарихнависликнинг бетакрор намунаси сифатида «сулолалар тарихи жанри»га асос солган. Ва мазкур тарихий ҳужжат мақомидаги асарлардан қадим Хитой ҳаётининг турли жабҳаларига тегишли хабарлар, кўрсатмалар, буйруқлар, анъаналар, маданий-маънавий маросимлар ва урф-одатлар билан танишиш мумкин бўлган.

Шу тарзда бошланган тарихнавислик ривожланиб, ҳатто *Чанан* шаҳридаги саройда махсус тарихнавислик маҳкамаси ҳам очилган. *Сима Цян*дан кейинги энг машҳур хитой муаррихларидан бири бўлган *Лю Чжи-ци* ўзининг «Тарихга кириш» номли асарида муқаддам китобат этилган тарихий манбаларни таҳлил қилиб, уларни таркибан тартибга солган (31:78).

Хитой тилининг ёзма шаклга ўтиши асосан уч босқичда амалга ошган: аввал энсиз бамбук тахтачаларга ёзилган, кейин шойи матоларга ва охири туш кашф этилгач, қоғозга ёзишга ўтилган. Одатда битик сўзларига маъно беришда аниқ объект – ер, ой, куёш, ўрмон, эркак ё хотин киши, маросимлар ва қурбонликлар тасвиридан фойдаланилган. Гарчи хитой ёзма тилининг фол очиш мавзуидаги намуналари энг қадимий матнлар сирасига кирса ҳам, аммо фанда бадиий ёзув хатининг келиб чиқиш даври янада муқаддам эканлиги тахмин қилинади.

Агар барча археологик топилма ва сақланиб қолган матнларни инобатга олганда, улар асосан қуйидаги манбаларни ташкил қилади. Масалан, қадимги манбалар сирасидан бўлган «*Шу-цзин*» – Ҳужжатлар китоби турли тарихий матнлар мажмуидан иборат. Ундаги маълумотлар Хитой тарихининг ибтидосидан то

милоддан аввалги VIII асргача ўтган муддатни ўз ичига олган. Хужжатлар матни аксарияти Конфуцийга қадар тузилган бўлиб, унинг кейинги маълум қисмлари, айтилишича, Конфуций яшаган йиллари ҳам қоғозга туширилган, сабаби улар «*Лун юй*»да қайд қилинган.

Шу-цзин нусхалари матни ўзаро таркибан фарқланган бўлиб, унинг файласуфлар эътиборини ўзига тортган «*Хун фан* - Буюк режа» аталган қисмида давлатни бошқариш тамойиллари шаклланган.

«*И цзин* - Ўзгаришлар китоби»да дастлаб фолбинликка тааллуқли матнлар бўлган, аммо вақт ўтиши билан улар фалсафий маъно касб этган. Манбанинг биринчи қисми асосий мазмунни ўзида жамлаган бўлса, иккинчи қисми турли комментариялардан иборат бўлган (48:248-249). Ёки *Лу* подшолигининг милоддан аввалги 722–481 йилларга тегишли об-ҳаво хроникаси бўлмиш «*Чун-цю*» асари ҳамда кейинчалик унга илова қилинган «*Цзо-чжуан*» шарҳи мажмуини Хитой тарихига доир биринчи рисоаларнинг расмий ёзма нусхалари рўйхатига киритиш мумкин (3:688-689). Ва баъзи фикрларга қараганда, «бу манбани Конфуций қадимий қадриятлар сирасидан саналган асар сифатида қайта таҳрир қилган. Шу сирага кирувчи сўнги «*Си шу* - Тўрт китоб» Конфуций доктринасини ўрганишда асосий манба сифатида муҳим аҳамиятга эга.

Тараққиёт поғоналарининг ибтидоси ҳисобланган «*ин*лар империясида, илмий хулосалар бўйича, тахминан 3500 га яқин иероглифлардан фойдаланилган ва улар мингга яқини насл-насаб, қабила, турар жойлар ва номлар маъносида ишлатилган». Агар *чжоу*лар ва *Чжанго* - жангари подшоликлар даврида хаттотликнинг оддийлашиши ҳисобига турли ёзма услублар тарқалган бўлса, «милоддан аввалги III асрда *Цин* Бош вазири *Ли Си* мис идишлардаги калиграфия асосида мамлакат бўйича ягона ёзув услубини тавсия қилган.

Шунингдек, «*Хан* сулоласи ҳукмронлигининг иккинчи ярмида ҳам нисбатан истифода учун қулай ҳолатга келтирилган янги калиграфия оммалашган».

Шу йўсунда ёзма баён масаласида ўзлаштирилган усуллар тарихий ва бадий асарларнинг яратилиши ва улар ададининг кўпайишига йўл очиб берган.

Хаттотлик ўзининг сиёсий, ижтимоий ҳамда маърифий ҳаётда ўйнаган муҳим ролдан ташқари, Хитой маданиятининг ажралмас қисми бўлиб қолган. Ибтидода, биз танишган ёғоч, бамбук, мато ва мис идишлардаги битиклардан бошланган калиграфия ўтган асрлар жараёнида ўз ёзилиш услублари бўйича турли мактаблар юзага келиши билан юксалган. «*Чжуан, цао, кай, син, ли*» деб аталган харфларнинг чизиш усуллари узоқ ўтмишдан шаклланиб келган Хитой калиграфия санъатининг тимсоллари эди. Санъат асари мавқеида ёзилган битиклар ва турли мазмундаги матнлар милод бошида яшаган хаттот *Цай Юна* таҳлили ва таърифида, кишига эстетик ва маънавий дид бахш этувчи манбалар сирасига киритилган.

Шу маънодаги талқинга қуйидаги матн парчаси ойдинлик китиши мумкин, яъни:

«Иероглиф таркиби, унинг ташқи кўриниши жуда турли-туман таассурот қолдириши мумкин – худди иероглиф қотиб тургандек, юраётгандек ёки учайтгандек; гоҳ ҳаракатланади, гоҳ кўздан узоқлашади ёки аксинча кўзга яқинлашади; у гўё уйқуда осуда ётгандек ёки уйзониб тураётгандек.

У баҳор, ёз, куз ва қиш руҳиятини бераётгандек; баъзан эса қурт-қумурсқа босган дарахтга ўхшаса, баъзан пичоқ ёки найзанинг тигини эслатади; иероглифлар оқиб келаётган сув жилғаси ёхуд оловнинг тиллари каби ҳаракатланиб, булутлар ва ту-

тунлар кўринишида аксланади ва ниҳоят, қуёш нури ва ой жилвалари янглиз жилоланади...»¹

Хитой хаттотлиги тарихи ва муваффақиятлари ҳақида сўз юритганда албатта биринчи навбатда унинг фидойи ижодкорлари ҳаёти ва фаолияти хусусида тўхталмай иложи йўқ. Чунки дастлаб ҳаётий заруриятлар маъносида кашф қилиниб истифода этилган иероглифларнинг чизилиши иқтидорли хаттотларнинг тинимсиз изланишлари ҳисобига санъат мақомига эришди. Асрлар оша муттасил «устоз-шоғирд» асосида мураккаблашиб, нафис чизгиларнинг эса «жонланиб», юқорида таърифланган хусусиятларни эгаллаб бориши турли йўналишлардаги Хитой каллиграфия мактаблари яратилишига замин ҳозирлади.

Афсуски, ушбу соҳадаги машҳур кашшоф хаттотларнинг ижодий фаолияти хусусида бир лавҳа қамровида муфассал маълумот беришнинг имкони йўқ. Шунинг учун *Лу Лянчжи, Оуян Сюнем, Чу Суйлян, Ли Бо, Хэ Чжичжан, Ян Чжэнцин, Ван Сичжи* сингари ўнлаб устоз хаттотлар орасидан сўнги интернет сайтларида жой олган Хитой ва Россия нашрлари бўйича *Чжан Сюй* ижоди билан қисқача танишамиз.

Цзянсу вилоятининг *Сучжоу* шаҳрида туғилган *Чжан Сюй* гарчи ўз фаолиятини ҳарбий ташкилот муаррихи сифатида бошлаган бўлса-да, кейинчалик унинг хаттотлик соҳасига қизиқиши бежиз эмасди. Сабаби, унинг тоғаси ўз даврининг рассомчилик ва каллиграфия санъатлари мавзусидаги трактатларнинг муаллифи сифатида танилган зот эди. *Чжан Сюй* айрим сабабларга кўра ўз вазифасидан бўшаб, *Тан* империясининг *Чанан* шаҳрида яшай бошлаганда, у пойтахтнинг шоир ва хаттотлари *Ли Бо* ва *Хэ Чжичжан* билан муло-

¹«Янги эрнинг бошланиши» асари матнини Соколова-Ремизова С.Н. таржима қилган.

қотда бўлиб, уларнинг таъсирида бўлса керак, хаттотликда ўз иқтидорини синаб кўришга жазм қилган.


Тўғри, бу машҳур ва табиатан ажабтовур хаттотнинг ижодий фаолияти тўғрисидаги маълумотлар жуда кам. Лекин унинг хаттот *Сю Хао* билан қилган суҳбати матнининг айрим сатрлари сақланиб қолган.

Биз ҳам хитой хаттотлик сир-асрори санъатидан пича бохабар бўлиш мақсадида икки машҳур хаттотнинг тарихий суҳбатидан бир лавҳа иқтибос қилдик:

«Цэ – нуқта тенглик ва хотиржамликдан кўрқмайди; Лэ – ясси чизик буткул ётиб қолиши керак эмас; агар Ну – вертикал чизик жуда тик бўлса унда куч йўқолади; Ти – қисқача чап ва ўнг томонга тортилган чизик жонли бўлиши керак, чунки у ўзида қувват сақлайди; Цэ – чандан юқорига йўналган эгри чизик ўзининг юксакликка интилган ҳаракатини тугаллаб, юқорига «учиши» керак.

Люе – ўнгдан настга қараган эгри чизик, уни қилқаламнинг учи билан чапга чиқариш керак; Чжо – қисқа эгри ва ўнгдан настга қараган чизик тезлик билан чизилиши керак, тўхталиш унга зарар etkазиши мумкин; Чжэ – чандан настга қараган эгри чизик, аввалда зудлик билан ҳаракатланган бўлса, кейин жуда текис йўналиб чўзилиши керак».

Мазкур таърифдан келиб чиқиб, куйидаги тасвирда хитой хаттотлик санъатининг қай тарзда ибтидо олиши хусусида, яъни, ҳарфларнинг дастлабки нуқтасидан то сўнгисига қадар ёзилиш услубига бир мисол келтирдик:



**1-нукта, 2-горизонтал чизик, 3-синик чизик,
4 -вертикал чизик, 5-илгак, 6-юқорига тортилган
чизик, 7-чапга тортилган чизик, 8-ўнга тортилган
чизик**

Чжан Сюй фақатгина хаттот эмас, балки шоир сифатида ҳам қалам сурган. Унинг ашъоридан бизгача олти мисра етиб келган бўлса ҳам, аммо қуйидаги мисраларга йўғрилган бадийят хаттот адабий иқтидорининг бир намунаси, холос:

*Мен табассум-ла кучаман кўкдаги ойни,
Мусаффо дарёда оқар позика сувдан.
Чунки покиза ёгдуни бағримга кучиб,
Бахрланиб ҳеч тўймайман, ишиқ оғусидан.*

Хитой иероглифларининг яна бир оламшумул хусусияти, уларнинг қадимдан мавжудотнинг турфалигини ўзида акс эттириши эди: табиат гўзаллиги, хатти-ҳаракат йўналишлари ҳамда умуман борлиқ ва коинот инъикослари. Шу нуктаи назардан қадимги хитойликлар ўз ҳарфлари хат-ёзувида шунингдек, нафақат мавжудликни, балки унинг сояси тасвирин ҳам кўрганлар. Мантиқан, бундай тасаввур кишининг борлиқ билан уйғун руҳияти, ҳис-туйғуси ва дунёқарашларидан далолат эди.

Бу борада Хитой хаттотлик санътида икки ўзаро шаклан қарама-қарши ранглар – оқ ва қоранинг қиёсий турфаликдаги бирлиги билан алоҳида аҳамиятли. Зеро, иероглифлар тасвири тушунчаларига биноан агар «қора ранг борлиқнинг энг чуқур хазинаси сирларининг шаклдаги адо бўлмас потенциясини ўзида мужассам этса, оқ ранг ибтидоий поклик, мавжудлик ҳақиқати ва унинг интиҳоси билан боғлиқ. Ана шу ҳолатдаги қора ва оқ рангларнинг мазмунан ўзаро бир-бирига йўглиши хаттотлик эстетикаси»дир.

Илмий тадқиқотлар тахминига кўра, *Хэнан* вилоятидаги *Яншао* қишлоғидан топилган қарийб етти минг йиллик тарихга эга сопол идишлардаги битиклар қадимги хитой ёзувларининг пировард намуналари бўлиши керак. Шундан бери иероглифлар шарофати билан сақланган узоқ ўтмиш воқеа ва ҳодисалари Хитой тарихи учун қанчалик муҳим бўлса, диний ва дунёвий мавзудаги илмий асарларнинг қоғозга туширилиши эса маърифий тараққиётнинг мантиқий давоми эди. Бинобарин, Конфуций таълимоти асосида таркиб топган «*Лун юй*» ва бошқа асарлар ҳамда Лао-цзи таълимоти манбаи «*Дао дэ-цзин*» матнларининг ёзма нусхалари, уларнинг умуминсоний диний қадриятлар қаторидан жой олишига замин яратди. Худди шунингдек, хитой тафаккурининг дунёвий илмлар борасидаги муваффақиятларининг халқаро миқёсдаги эътирофи ҳам иероглифлар хати шарофатидан эди, яъни:

1. Ер ўлчаш билан шуғулланувчилар ва астрономлар учун «Тўққиз китобда мужассам математика» манбаи; геометрияда гипотенуза квадратининг катетлар квадрати йиғиндисига тенглиги теоремаси; астрономияда сайёра ва юлдузларнинг ҳаракати ёки қуёш ва ойнинг тутилиш вақти; кимёда турли дори-дармонларнинг беморга таъсири ва шифосининг амалиёти; жуғрофияда маҳаллий давлатлар харитасининг тузилиши; агроно-

мияда жўяк қилб экиш, алмашлаб экиш, суғориш ва ўғитлардан қачон ҳамда қандай фойдаланиш усуллари ва ҳоказо (3:749).

2.Ижтимоий ва тиббий фанлар юзасидан тарих, фалсафа, маънавият, мафкура ва табобат соҳаларида ўнлаб асарлар ва кашфиётлар яратилди. Улар: хитойлик мутафаккир *Мо-Цзи* ва *Ян Чжунинг* диний-фалсафий таълимотлари. Шунингдек, Хитой файласуфлари ичида Конфуций ва Лао дунёқарашларидан мутлақо фарқ қилувчи ғояларни тарғиб қилган файласуфлар ҳам бўлган. Жумладан, *Ян Чжунинг* фалсафаси ўзига замондош бўлган талқинлардан ўзининг материалистик хулосалари билан ажралиб турган. Унинг таълимоти тасавурида «ҳеч бир ғайриоддий куч мавжуд бўлмаб, барча борлиқ табиий зарурият қонунига бўйсунди ва дунё доим ўзгаришда».

3.Инсон ҳам моддий дунёнинг бир қисми, шунинг учун унинг умри абадий эмас. Унинг ҳам таркибида моддий дунёдаги беш унсур мавжуд ва у бошқа жонзотлардан фақат акли билан ажралади (32:455). Бу каби талқинларнинг мантикий давоми сифатида *Сюн-цизи* фикрини ҳам келтириш мумкин:

«Қоғоний парастлар илоҳийлаштирган осмон табиатнинг ажралмас қисми бўлиб, унда онг йўқ. Ва ҳамма табиат ходисалари табиий ҳамда улар ҳеч бир ғайб иродасига боғлиқ эмас».

4.Тиббиётда эса беморларни диетология, неврология, игнатерапия, махсус гимнастика, жарроҳлик ва дуою афсун асосида даволаш йўллари кашф этилди. Ўт-ўландан шифобахш дори-дармонлар тайёрлаш, расман даосизм зиммасига тушганди. Мангу барҳаётлик элексирилари, турфа жисмоний машқлар ёки медитация билан рухий хотиржамликка эришиш ва бошқалар ҳам муолажа воситалари сирасидан ҳисобланган. Рухий барҳаётликнинг яна иккинчи бир фалсафий талқини,

бу – қазодан кейин руҳнинг *Даога* кўшилиб кетиш эди.

5. Адабиёт соҳасида халқ оғзаки ижодида бемисл бадиият ва кўшиқ намуналари яратилди: бронза идишларида сақланган шеърӣ битиклар, хитой мумтоз адабиётининг машҳур намояндаси *Цюй Юан* қаламига мансуб шеърлар тўплами ҳамда тўрт қисмдан иборат «*Ши цзин* - кўшиқлар китоби» (29:427).

Илм-билим соҳасидаги хитойларнинг эришган муваффақиятлари асрлар оша ислом дунёсида ҳам ўз муҳим мавқеига эга бўлганлигини Ҳадиси шариф марҳаматидан англаш қийин эмас:

“Чин-Мочинга борсанг ҳам илм ўрган”.

Ҳадисдаги жуғрофий номларлардан албатта аксарият Хитойни тушунади. Қолаверса, Ал-Хоразмий, Маҳмуд Қошғарий, Ал-Марвазий ва Абу Райҳон Беруний каби буюк алломалар таҳлили ва тадқиқида «*Чин-Мочин*» атамасининг том маънодаги жуғрофий таркиби ҳақида жуда қамровли ва қимматли маълумотлар келтирилган. Хусусан, Маҳмуд Қошғарийнинг «Девони луғотит турк» асарида ёзилишича «Чин Хитойда туркий халқлар яшаган жойнинг номи бўлган» ва хоказо.

Шу соҳада изланишлар олиб бораётган хитойшунос Абдухолиқ Абдурасул ўғли рисоласидаги хулосага биноан «манбаларда Чин ва Мочин ҳудуди ғарбда Помир, Тангари тоғдан бошлаб шарқда то Хитой денгизигача бўлган ҳудудни ўз ичига олган»⁽⁵⁾. Демак, шу нуқтаи назардан Ҳадис даъвати, мазкур ҳудудларда яшаган халқларнинг ўз даври илмий кашфиётлари ижодкорлари эканлигига яна бир тасдиқ.

Умуман, башарий маънода Жанубий ва Шарқий Осиё минтақаларидаги маданият ўчоқлари ҳақида гапирганда уларни қадимги Миср, Ироқ ва Юнонистон цивилизациянинг тенгдошлари дейиш мумкин. «Аммо, - пандит Жавоҳирла Нехру таъкидлагандек, - Хитой

ва Ҳиндистондаги каби ҳеч бир ерда цивилизация ўзининг ҳақиқий бардавомлик жараёнига муяссар бўла олмади. Яъни, бу мамлакатларда ҳам худди бошқалардек бир империя ўрнини бошқаси эгаллади – жанглар ва босқинлар туфайли ўлжалар олиниб, талон-тарож қилинишига қарамай, ҳар икки мамлакатда ҳам маданият ўз ибтидоий риштасидан узилмади» (25:44).

Хитой адабиёти

Аёнки, адабиёт қаерда ва қайси шароитда шаклланган бўлмасин, унинг ибтидоси доим халқ мифологиясига асосланади. «Аммо хитой мифологиясида ҳинд ва юнонларда бўлганидек Маҳабҳарата ёки Илиада каби йирик эпослар учрамайди. Шунга қарамай, унинг маросим кўшиқлари ва тароналаридаги қисқа мифологик фрагментлар тарихий, фалсафий ҳамда жуғрофий ёдгорликларнинг қадимий қатламларини тиклаш имконини беради» (47:258). Бинобарин, ўтмиш аждодлар ҳаётий тажрибаси билан суғорилган хитой халқ оғзаки ижоди ўз узоқ тарихида турли давр талаб-тақозолари билан юзлашиб кўшиқ ва ибратли ҳикоятлар жанрида ривожланди.

Шу аснодаги халқ оғзаки ижоди *Ци* ва *Хан* империяси даврига келиб «*Юэфу шеъристи*» тўпламида жамланди. Бироқ бу тўпламга мансуб асарлар тақдири турли даврлар шароитида сараланишга юз тутди: улар гоҳ оммалашган бўлса, гоҳ сиёсий нуқтаи назарда ҳокимият мафкурасига маъқул бўлмаган матнлар сифатида ёндирилиб йўқ қилиб юборилди (32:718).

Башарият тарихидан маълумки, халқ бамисоли бир оқар бир дарё, демак, қандай шароит бўлмасин, унинг адабий мероси доим ўзи билан бирга бўлган, жумладан хитой халқ оғзаки ижоди замирида яратилган назм ва насрий намуналар ҳам.

*Ёввойи далаларда
Шабнам тез қуриса ҳам,
Лек эртаси у шунда,
Гўё ўтмасдан бир дам.*

*Агар инсон ўлсачи?
Демак, келар қайзу гам.
Айтинг, қачон ёр қайтар,
Сафари топиб бирҳам?*

*Эй улузлар улуғи Осмон,
Билдикки биз бу – мен ва Сендир!
Қачонки тоғ чўққисиз қолса,
Қачон дарё суви қуриса,*

*Қачон қишда чақса чақмоқлар,
Қачон ёмғир қорга айланса,
Қачон Еру Осмон бирлашса,
Фақат шунда айрилғум Сендан!*

*Эй, гамгин кўшигим оҳи, сен мисли йиғи,
Сен-ла узокларга боқсам, уйим кўринар.
Гўё уйим ҳақидаги бор фикри-зикрим,
Хаёлимни чулғаб доим ёнимда юрар.*

*Охир ортга қайтай десам, қардошим йўқ,
Сувда сузиб борай десам, йўқдир қайиғим.
Қалбдаги бор қайғумни баён этишга,
Йўқдир бир муносиб менда айтарга сўзим.*

Хитой манбаларида кўрсатилишича, кўшиқлар мат-ни то ёзув пайдо бўлгунича халқ орасида оғзаки тарзда авлоддан авлодга ўтиб келган, кейинчалик улар **Ши-цзин**да қуйидаги қисмларда коғозга битилган. Яъни: «Кўшиқлар китоби»нинг «Подшоликлар табъ-табиати»

деб номланган биринчи қисмида кўнгилни ром этувчи машхур халқ лирик кўшиқлари жой олган. Иккинчи қисм «Кичик қасидалар» деб аталган кўшиқлар тўпламидан иборат бўлган. Учинчи қисм «Улуғ қасида» деб аталиб, унда асосан ҳукмдорларга хулуси дилдан хизмат қилиш, ҳарбий юришлар, зиёфатлар ва қурбонликлар таърифи тавсиф этилган. Тўртинчи қисм «Тароналар мажмуи» бўлиб, улар ибодатхона ва ўтмиш аждодлар ҳамда ҳукмдорлар шарафига бағишланган (32:401).

Биз мухтасар таърифлаган хитой адабиётида миллоддан аввалги VII-III асрларда пайдо бўлган турли янги жанрлар ичида энг кенг тарқалгани «*чунцю*» эди. Бу ҳикоявий қайдларда жангари подшолар давридан муқаддам ўтган ва сўнги йилларда Хитойда ҳукмронлик қилган тахт соҳиблари фаолиятининг ижобий ва салбий жиҳатлари баён қилинган. Шу жумладан *Сима Цян* ўз китобида қайд этган *чжоу*лар сулоласи мулозимии *Юй Цин* яратган саккиз ҳикоятда ҳам турли подшолар қилмишлари танқиди ва тавсифи берилган.

Ушбу ҳикояларда шунингдек, Хитой ҳаётининг маънавий хусусиятлари ҳам қаламга олиниб, уларда айрим фуқароларнинг Осмон ўғлига қўл кўтаргани ёки ўғилнинг ўз отаси жонига қасд қилгани каби миллат ва жамият қонунарига терс келувчи ҳодисотлардан ҳам мисоллар келтирилган.

Чунцю жанрида Конфуций ҳам қалам сурган бўлиб, унинг ҳикоялари турли ҳукмдорлар сарой котиблари қайдларида баён этилган. Ҳолбуки, бу жанрдаги ҳикоялар, мутахассислар таъкидича, мазмунан жуда мухтасар бўлиб, уларнинг бадиий баёнларида доим ҳам керакли аниқлик бўлмаган (18:38). Шунда ҳам, этика ва сиёсий тафаккур рамзи саналган бу асарларини расман ўз замони руҳиятидан келиб чиқиб баҳолаганда, уларни хитой менталитети ботиний қатламларига тааллуқли бир адабий назар, дейиш мумкин.

«Чунцю» маълумотларидан

намуна

«Ўн олтинчи йил, баҳор, цинлик Дао-гун дафини. Учтинчи ой – цинлик хоу, сунлик гун, вейлик хоу, чженлик бо, цзюйлик ва чжулик цзи билан учрашди ва «моун кун»да мулозимлар қасам ичдилар. Цинликлар цзюйлик ва чжулик ҳукмдорларни қўлга олиб, кейин яна қўйиб юбордилар. Цинлик хоу бизнинг чегарадаги вилоятга ҳужум қилди.

Ёзда луслик Гун ҳукмдорлар йигинидан қайтиб келди. Бешинчи ой, цзи кун ер қимирлади. Шу Лао чжэнлик Бо, цзинлик Сюн Ян, вейлик Нин Чжи сунлар билан бирга Сюйга ҳужум қилдилар».

Саналар тавсифи тўғрисида шуни ҳам инобатга олиш керакки, Хитойда «чунцю» жорий бўлган вақтда, унга параллел равишда муфассал маълумотларни ўзида жамлаган «цзочжуан» солномаси ҳам истифода этилган (18:40).

«Цзочжуан» маълумотларидан

намуна

«Ўн олтинчи йил, баҳор, цинлик Дао-гун дафн этилди. Пин-гун тахтга чиқиб, Сюлянда бошқа подшоликлар ҳукмдорлари билан мулоқат уюштирди ва уларга муқаддам босиб олинган экин майдонларини қайтариб беришга буйруқ берди.

Чжулик Сюан-гун ва цзюлик Айби-гунлар Ци ва Чу билан муносабатда бўлганликларида айбланди. Цзинлик хоу Вэнда бошқа ҳукмдорлар учун зиёфат уюштирди. У мулозимларга рақсга тушишни буюриб, деди:

- Қўшиқлар ва улар билан бирга рақслар ҳам воқеага монанд-мос бўлиши керак.

Цинлик Гаохонинг қўшиқ куйлаши ёқмагач, Сюн Ян газабланиб деди:

- *Хукмдорларнинг мақсадлари бизнинг мақсадга нисбатан қарама-қарши.*

Шундан сўнг яна дедики:

- *Мулозимлар Гаохоу билан бирга Цзинга содиқликка қасам ичсинлар!..»*

Хитой адабиётида – у диний, тарихий ёки фалсафий бўлсин, шундай бир асар борки, у – «*И цзин - ўзгаришлар қонуни китоби*» хитойлар тушунчасида уч ярим минг йилдан бери ўз моҳиятини йўқотмаган. Манбанинг номидан шуни англаш мумкинки, унинг ғояси борлиқдаги мавжуд ўзгарувчанлик жараёнига асосланган. Бу ғоя хали Хитойда ёзув пайдо бўлишидан олдин, дунёдаги ёруғлик ва қоронғуликнинг ўзгаришини кузатган кишилар томонидан таъкидланган ва унинг замирида инсон фаолиятига доир фол назарияси яратилган эди. Шу маънодаки, инсон аъмоли дунёдаги юз бераётган воқеликлар билан мутаносиб кечадами ёки унга зиддий тарздами ёхуд бу фаолият «*Ўзгаришлар китоби*» тилида таърифлаганда, бахт келтирадами ёки бахтсизликми? (72:259).

Асарнинг қадимийлик муддатидан унинг матни мазмунини англаб етиш ва таржима қилиш мураккабликлари ҳеч қолишмайди. Худди шу маънода китобда ёритилган маънавий бойликлар миқёси ҳам ўз кўлами билан жуда қамровли, яъни фалсафа, математика, сиёсат, стратегия, мусиқа ва қадимги қилқалам санъати назариясидан тортиб то сеҳри жоду битикларигача. «*Ўзгаришлар қонуни китоби*» узоқ йиллар жараёнидаги ўрганиш ва таҳлил қилишга бўлган интилишларга қарамай, ҳамон унинг матни ва атамаларни тушунишда жуда кўп қийинчиликлар учрайди.

«*И цзин*» назарияси бўйича, бутун борлиқда мавжуд ҳолатларининг ўзаро бирлиқдаги ҳаракати ёруғлик ва қоронғуликнинг муттасил ўзгаришидан иборат бўлиб,

ҳар бир шундай ўзгаришлар рамзий тарзда китобдаги 64 белгининг бирида ифода этилган. Бу белгилар рамзи агар хитой тилида «*гуа*» деб аталса, Европа хитой-шунослигида эса «гексаграмма» дейилган (72:7-8). Агар асарнинг мазмунига мантиқан ёндашсак, уни борлиқнинг пайдо бўлиши, фаолияти ва емирилиши мисолига таққослаш мумкин.

Айтиш жоизки, «*И цзин*» таржималарига муносабат рус синологи Ю.К. Шуцкий фикри бўйича турлича. Масалан, европаликлар наздида «*И цзин*» сийқаси чиққан ё бирор маънодан далолат беришга қодир бўлмаган манба. Ёхуд бу асар мазмунан мутлақо фантастик фикр-мулоҳазалардан бўлак гап эмас. Қолбуки, то ҳозирга қадар дунё синологиясида бу ёдгорлик тўғрисида етарлича ҳақиқий хулосага олиб келувчи тадқиқотлар ўз ниҳоясига етганича йўқ. Қолаверса, бу жабҳада «Ўзгаришлар қонуни китоби» муаллифи ёки муаллифлари ҳақидаги маълумотлар ҳам турлича – аниқ эмас.

«*И цзин*»нинг хитойлар ҳаётидаги амалий ва назарий истифодаси ҳақида қисман тасаввур ҳосил қилиш учун қуйида ундан икки мисол келтирамиз:

1.«Ҳеч шубҳа йўқки, - дея таъкидлайди Ю.К.Шуцкий, - кўча-кўйлардаги фолбинлар учун «*И цзин*» бу – бўлинмас бирлик. Улар ўз олдида турган бу ёдгорлик ўтмишда турли муаллифлар томонидан яратилган яхлит матнми ёки афоризмлар мажмуими, деб ўйлаб ҳам ўтирмайди. Фолбинларнинг бу манбага нисбатан муносабати фақат унинг амалий самарасида».

2.Айтиш мумкинки, деярли барча қадимги хитойлик ёзувчилар бевосита ёки билвосита мумтоз матнларнинг энг нуфузлиси бўлган «Ўзгаришлар қонуни китоби»дан бохабар бўлганлар (72:194). Қиссадан ҳисса шуки, «*И цзин*» Конфуций томонида ҳам жуда чуқур ўрганиб ўзлаштирилган. Унинг ўз шоғирдларига айтган сўзларидан бунга тўла ишонч ҳосил қилиш мум-

кин:

«Мен қадимий китоблар тўғрисида гапираман ва тушунтираман, лекин янгиларини яратмайман. Қадимда ўтганларга ишонаман ва уларни севаман».

Асрлар давомида Шарқий Осиё халқларининг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, ҳарбий, маданий ва маърифий муаммолари ечимига калит бўлиб хизмат қилган бу машҳур манба европаликларга маълум бўлгач, дунёнинг турли тилларига таржима қилинган.

“И Цзин” китоби ҳақида мушоҳада

Су Сюн (1009-1066 йиллар)

«Аввалда – илк бор одамлар пайдо бўлганда, улар орасида на нуфузли ва на пасткашлар, на катталар ва на кичиклар бўлган. Улар ер ҳайдамаганлар, лекин оч ҳам қолмаганлар, улар ипакдан мато тўқимасалар-да, совуқ қотмаганлар. Шунинг учун ўша одамлар эмин-эркин яшаганлар.

Одамлар меҳнат-машаққатдан ташибди тортидилар, эркинликдан шодланадилар, бамисоли сув пастликка қараб оққанидек. Ва фақат мутлақ ақлли зотгина улар муносабатини шундай муқим қиладики, токи аслзодаларга Осмон остидаги пасткашлар қарам бўлсинлар. У улар орасида оталар ва ўғилларни шундай масъул этдики, оталар Осмон остида ўғилларини ўзларига бўйсундирсинлар. У акалар ва укалар орасида вожиб қилдики, катталар Осмон остида укаларини ўзларига қарм қилсинлар.

Улар фақат ипакдан мато тўқилгандан сўнг кийим-кечак кия бошладилар, фақат ер ҳайдаб унга ишлов берилгандан кейин озиқ-овқат истеъмол қила бошладилар. Шунинг учун мутлақ ақл соҳиби Осмон остини бошқариб, унга меҳнат берди.

Аммо биргина мутлоқ ақлли зотнинг Осмон остидаги барча одамларни бошқаришга кучи етмас-

ди... Шунда у урф-одатлар жорий этиб, уларнинг мо-
ҳиятини тушунтириб, дедики:

*“Агар Осмон остида асл зотлар ва пасткашлар,
юқори ва қуйи, катта ва кичиклар бўлмаганида,
одамлар тинмай бир-бирларини ўлдирган бўларди-
лар; агар улар ер ҳайдаб унга ишлов бермаганларида
ҳайвонлар ва қушлар гўштини еб тугатардилар ва
ипакдан мато тўқимаганларида ҳайвон ва қушлар
терисидан кийим қиярдилар.*

*Хуллас, нимагаки осонлик билан эришилса, у оёқ-
ости қилинади, ва нимаки оёқости қилинса, у охири
инкор этилади.*

*Мутақ ақлли зот ҳам таълимоти инкорликка
дучор бўлиш оқибатида Осмон остининг қоронгуликка
юз тутишидан қўрқди. Ана шунда у ўзининг « И Цзин -
ўзгаришлар қонуни китоби»ни яратди».*

«И Цзин» хусусида XII аср шоири Цю Чан фикри

*«Ўзгаришлар қонуни» дир ифодада
маънан муҷассам,
Бироқ ҳеч зот кашф этолмас
уни аниқ чизги-ла бирор.
Чизги нималигин билмас киши учун
талқин беҳуда,
Зеро, чизар у кўринмас қуюнни ҳам
ранг-ла бемалол.*

«И Цзин» асл матни таржимасидан намуналар

Бойликда доим «дум» хавфда бўлади.

Қийинчилик вақтида матонат ёқимлидир.

Шернинг думини бос, агар у сени тишламаса.

Шаҳарни ўзгартирадилар, лекин қудуқни эмас.

Ҳеч нарса йўқотмасанг, ҳеч нарса топмайсан ҳам.

Бошлаш измингда бўлмаса ҳам, тугатиш қўлингда.

Сўқир ҳам кўриши, чўлоқ ҳам қадам босиши мумкин.

Кимки ноҳақ бўлса, унга ўзи чақирган бало-қазо етади.

Қийинчилик ва иккиланиш вақтида “отлар тўрт-лиги” ваҳима аравасини ҳар томонга тортқилайди.

Сувга етай деганингда қудуқ остигача арқон етишмайди ва агар бунинг устига устак шунда ўз ёғоч нақирингни ҳам синдириб қўйсанг, бу – бахтсизлик.

Момақалдироқ келганида, бу – ваҳима, кетганида эса қаҳқаҳа отиб кулгин. Зеро, момақалдироқ узоқ масофадан кўрқитиб келади, лекин келгач, у ҳатто қурбонлик шароби қошигини ҳам қалқита олмайди.

* * *

Хитой мумтоз адабиётида Конфуций ва унинг таълимотига бағишланган фалсафий мисралар жуда кўп учрайди. Масалан, Су-цзининг шеърий мисралари шулар жумласидан:

*Ҳа, Осмон беҳисоб одам яратди,
Ҳар бирига бериб огиз ва бурун.
Токи ширинликни татий олсинлар,
Ва муаттар исини хидлай қолсинлар.
Лек ширин бор ерда, бемаза ҳам бор,
Яхши хидга доим бадбўй бўлур «ёр».*

Х асрда ижод қилган конфуцийпараст шоир *Сюй Ин* ижодида эса итоат масъулиятидаги садоқат туйғуси шундай тараннум этилган:

*Ўн минглаб давлатларнинг фуқаролари,
Бу даргоҳга¹ билдириб ўз садоқатин,
Улар бамисоли дарёлар каби,
Зангори денгиз томон оқизар сувин.*

Ёки кейинги шоирлар салафи ижодида ранго-ранг ички кечинмалар тавсифи жуда кенг ўрин олган. Бинобарин, *Ван Цаннинг* (177-217) «*Дэн ло фу - Минорага кўтариламан*» номли поэмасида шоир юксакликка кўтарилиш иштиёқи билан ўз ботиний кечинмаларига таскин беришни ният қилган. Бундай интилиш орқали мақсад манзилига етиб, ундан борлиқни янада равшанроқ кўриш истаги мавзуи *Тан* сулоласи даврида жуда кенг тарқалган эди.

Мазкур интилишнинг яна энг яхши мисолларидан бири шоир *Ван Чжи-хуан* ашъори десак, хато бўлмас. Ижодкор куйидаги мисраларда юксакликка ошиққан қалбини табиат унсурлари орқали ифодалаган ва ўзининг минора мажозисидаги баландлик билангина чекланган имкониятидан надомат қилган:

*Куёш чўққилар ортига – зарб томон чўкди,
Хуанхэ-чи, сокин оқар шарққа – денгизга.
Қани энди шу кўз билан қамралса борлиқ,
Афсус, сўнги қават бўлди – минора бизга.*

«Ашъор даражалари» қиссаси муаллифи *Сикун Ту* барча рухий ҳолатлар ҳамда кечинмалар ифодасини ўз шеърларида ёрқин акс эттиришга эришган шоирлар сирасидан бўлган. Унинг мисралари инсоний туйғу-

¹*Вэн-ван* ибодатхонаси назарда тутилган.

ларнинг табиат ходисотларига уйғун кечиши билан марокли:

*Кучли шамол тўлқинларни сувга қайтарди,
Ва у яна ўрмонларда синдирди дарахт.
Хаёллар ҳам, жуда аччиқ, мисли бир ўлим,
Беҳаловат қалб тўлғоқда, кўнгил-чи, карахт.*

Қадимдан Хитойда маълумот олишнинг энг муҳим жиҳати бу – ўқилган манбани чуқур ўзлаштириш жараёнидан иборат бўлган. Буддизмда эса ўқиш-ўрнишдан кўра оғзаки тарғибот кўпроқ кучли бўлган, шунинг учун буддизм ҳақидаги ёзилган асарларнинг барчаси халқ оғзаки ижоди сифатида қабул қилинган (48:230).

Агар бу жиҳатга кенгроқ таъриф берадиган бўлсак, қадимги хитой халқ оғзаки ва ёзма адабиётига буддизм таълимотининг кириб келиши янги бир нафас бахш этди. Бу янги нафаснинг ўзига хос қиймати шунда эдики, асрлар ўтиши билан кўхна ҳинд сўз санъати хитой адабий жараёнига мослашиб, у наинки руҳан, ҳатто шакл-шамойилда ҳам диндаги каби маҳаллий тафаккур тарзига йўғрилишга улгурди. Натижада «III–VI асрларда хитой тарихий, фалсафий адабиётидан кичик насрий асарлар мажмуи ажралиб чиқди» ва улар ичида «*Ся-ошо*» жанридаги буддизмга оид қисқа ҳикоялар бадииятда ўзига яраша муносиб ўрин эгаллади.

Тез орада омма ичида тарқалган қисқа ҳикоялар икки томонлама аҳамият касб этди: бири – прозада янги буддизм руҳидаги хитой ҳаётийлиги билан уйғун асарларнинг яратилиши бўлса, иккинчиси, Будда динининг аҳоли ўртасидаги ташвиқотига ҳам хизмат қилди.

Ҳикоя қаҳрамонларининг хитойча исм, феъл-атвор ҳамда ўз миллий дунёқарашлари остида ҳинд тафаккур тарзига доир воқеалардаги иштироки ва фаолияти жаҳон адабиётидаги байналмилал руҳият номойиши-

нинг навбатдаги кўриниши эди. Бу руҳият мисоли учун куйидаги қисқа ҳикоялар намунаси энг ишончли далил десак, муболаға бўлмас.

Усиндаги мўъжиза

«Улуз шодлик» шиори остида ҳукмронлик қилган Сун сулоласи даврида Усин вилоятида ўт чиқдию юзлаб хонадонлар кул бўлди. Шу ерда буддавий сутра-матнлар ўқиладиган бир похол хужра бор эди. Ўша хужра ўтда ёнмай қолганини кўрган одамлар бу воқеани мўъжиза дедилар.

Будданинг раҳм-шафқати

Шимол сафарига чиққан Из Муни қароқчилар кўлга тушириб, уни ўзлари яшайдиган ерга қамаб кўйдилар. Унинг онаси Буддага сизиниш мақсадида еттита шам ёқди. У туну кун Гуанишино-Авалокигешварадан ўглини қутқаришни тилаб ибодат қилди. Бир йил ўтгач, ўгли қароқчилардан қутилиб уйга қайтиб келди. Айтишича, у етти куну етти тун ёлғиз жанубга қараб юрган.

Бирдан осмонни булут босганда у қай томонга юришни билмай қолган. Шунда у дафъатан етти шам ёруғини кўриб, ўша томонга равона бўлган. У энди шамларга етай деганда, улар унинг кўзидан узоқлашаверган. Мана шу тарзда етти тун ўтгач, у қандай қилиб уйига келиб қолганини билмаган. Ва қарасаки, онаси Будда пойида ёқилган етти шам ёнида ётибди. Ана шунда унга ҳамма нарса ойдин бўлган.

Она-бола бўлган воқеани мушоҳада қилиб уларга Будданинг илоҳий марҳамати нозил бўлганини билибдилар. Шу-шу умри бўйи она-бола Буддадан раҳм-шафқат тилаб яшаган экан.

Хайкал бўйнидаги уч чандик

Шэн Шэн вилоятида яшовчи Уцзюн қўлга олиниб ўлим жазосига ҳукм қилинган эди. Уни жазо бериладиган жойга олиб келганларида у ҳеч тинмай Гуанишиино-Авалокигешварадан ўлимдан сақлаб қолишини илтижо қилган. Шу тобда унинг боши устида кўтарилган қилич синиб кетган.

Яна айтадиларки, Уцзюн вилоятида яшовчи Лу Хуэй ҳам қамоққа олиниб ўлим жазосига тортилган эди. Шунда у қариндошларига Гуанишиино-Авалокигешварага хайкал ўрнатишларини сўраган. Ўлим жазосининг вақти келганда унинг боши устида уч мартаба кўтарилган қилич синиб кетган.

Мулозим гуноҳкордан бу воқеанинг сабабини сўраганда Лу Хуэй ўзига илоҳий шафқат нозил бўлганини айтган. Шунда хайкалнинг ёнига бориб қарасалар унинг бўйнида пайдо бўлган уч чандикни кўрганлар.

Будданинг олимни ақлга киритиши

Ши Сэ олим эди. У Даога сизинар, лекин Буддани тан олмай дерди:

- Будда – бу арзимас илоҳ, шунинг учун унга ибодат қилиш ҳам керак эмас!

Ҳар сафар у Будда маъбудини кўрганида, уни масхара қилиб ўтиб кетарди.

Кунларнинг бирида дафъатан унинг оёқ-қўли шол бўлиб қолди. Сэ қандай дуолар ўқиб ибодат қилмасин, ҳеч шифо топмади. Шунда унинг дўсти маслаҳат тарзида деди:

- Будда берадиган марҳаматдан бўлак шифо йўқ. Сен унинг шаънига хайкал ясаттирмайсанми?

Се дарди оғирлашганда, дўстининг маслаҳати бўйича Буддага хайкал ясаттирди. Орадан бир неча кун ўтар-ўтмас тунда туш кўрганида уни йўқлаб Гуанишининг ўзи келгач, у тез орада дардидан ха-

лос бўлиб тузалиб кетди.

Кул бўлган сигир

Ҳиндистонда бир коҳин яшарди. Унинг бир кунда уч «шэна» сут берадиган сигири бор эди. Қандайдир бир киши келиб ундан сут беришини сўраганда, сигир шундай жавоб берган:

- Аввалги тузилишимда мен қул эдим, ўшанда мен ўзгиринча таом ердим. Шунинг учун сигир бўлиб дунёга келганимда билдимки, сутимда ҳам ўша ўзгиринча таом сақланиб қолган экан. Шу сабабдан сут беришимнинг чегараси бор, демак, бутун бор сутимни беришим мумкин эмас¹.

* * *

Дарвоқе, Хитой адабиёти дегандан Шарқий Туркистон ҳудудида яшаган ижод аҳли ҳиссасини ҳам унутмаслик керак. Чунки бу ерда яратилган адабий асарлар ибтидоси жуда узоқ тарихга эга. «Аммо ушбу ўлка кўп маротаба уруш алангасида ёнганлиги туфайли ёзма адабий меросларнинг аксарият қисми йўқолиб кетган. Мазкур ҳудудда 24 хил ёзув ва 17 тилда битилган қўлёзмаларнинг топилиши, бу ердаги адабий жараённинг турли маданиятлар таъсирида бўлганлигини кўрсатади». Шу нуқтаи назардан қараганда, юқорида берилган наср ва назмдаги айрим лавҳалар, мажозан, Хитойдаги денгиз янглиғ улкан адабий жараёндан бамисоли бир томчи, холос.

Хитой мусиқаси

Хитойда қадимдан мусиқа ва қўшиқ жанрига катта аҳамият берилган. Ерлик чолғуни илгари фақат уч тур-

¹Ҳикояда сигирнинг «ҳаром лукма» оқибатидан сут сўраб келган одамни огоҳ қилмоқчи эканлиги назарда тутилган.


даги созлар ташкил этган: чертиб чалинувчи, пуфлаб чалинувчи ва турли ноғоралар.

Бу санъат турига Конфуций назари билан қараганда, унинг инсон ҳаётида жуда муҳим маънавий-ижтимоий аҳамияти борлигини кўрамиз. Ҳолбуки, аллома-нинг шахсан ўзига мусиқа санъатининг таъсири ҳақидаги фикри бизга юқоридан маълум.

«Сўзлар кишини алдаши, одамлар эса айёрлик қилишлари мумкин, фақат мусиқагина ҳеч қачон ёлгон сўйламайди».

Мусиқа ўша даврларда маросимларнинг ажралмас бир қисми бўлиб, доимо бу санъат тури аристократлар назарида бўлган. Ҳар қандай қабул маросимига таклиф этилган юксак нуфузли меҳмон мезбон томонидан мусиқа садолари остида кутиб олинishi билан иззатланарди.

Конфуцийнинг издошларидан бири *Сюн цзи* ўз асарида мазкур жараённинг барча тафсилоти билан шундай таърифлаган:



Конфуций соз чалмоқда

«Уйига меҳмон таклиф қилган мезбон унга уч мартаба таъзим қилади ва улар шу тариқа уй остонасига келишади. Уч мартаба уйга киришга таклиф этилганидан сўнг, биринчи бўлиб уйга меҳмон киради».

Мезбон унга таъзим билан келгани учун ташаккур билдириб, кўлига май тутқзади ва уни меҳмон мезбон саломатлиги учун ичади».

Шундан кейин муסיқачилар раҳбари ҳофизлар билан уйга кириб учта кўшиқ ижро этишади. Мезбон уларга ҳам май беради.

Ташқаридан яна созандалар келиб най ва карнайлар чалиб уч бор куй ижро этадилар. Мезбон уларга ҳам май ичиради. Сўнг, чолғучи ва ҳофизлар ўрин алмашиб яна учта кўшиқ айтишади. Ва меҳмондорчилик охирида ҳам созанда ва хофизлар биргаликда меҳмон ва мезбонга яна учта кўшиқ ҳадя этадилар. Муסיқий раҳбар дастур тугаганини эълон қилгач, хонанда ва созандалар уйдан чиқиб кетадилар. Икки хизматкор яна меҳмонга қадаҳда май келтириб беради ва фақат шундан кейин қабул мезбони кўнгли таскин топади. Мана шу тарздаги қабул илқ ва, шодиёна руҳида ўтади».

Муסיқа шунингдек, давлатларора муносабат ва мулоқотларда ҳам ниҳоятда муҳим роль ўйнаган. Чунки муסיқа ҳамда кўшиқларнинг оҳангу матни мазмунидан уни ташкил қилганларнинг мақсади аёнлашарди. Подшолик томонидан юборилган дипломатнинг мутахассислик даражаси ҳамда унинг мақсади унинг муסיқа санъатидан бохабарлиги билан белгиланарди (53:86).

Муסיқага нисбатан бундай муносабат бевосита маънавиятга ҳам тааллуқли бўлганлиги учунми, *У-ди* салтанатида «*Юэфу* - Муסיқа палатаси»нинг тузилиши халқ кўшиқлари асосида диний тароналар яратиш йўлидаги интилишнинг бир кўриниши бўлган (58:532). Бу жараёнда муҳими, милоддан аввалги XII-VII асрлар мобайнида Хитойнинг турли вилоятлари бўйлаб йиғилган кўшиқлар матнида ҳозиргача тарих учун бебаҳо жуда кўп воқеалар баёни сақланиб қолган.

Масалан, «*Ши-цзин* – Кўшиқлар китоби» қадимий мавзулардаги манба бўлиб, унда асосан халқ ва маросим кўшиқлари ўрин олган. Сон жиҳатдан 360 кўшиқдан иборат бу асар уч қисмга бўлинади: биринчиси 20

фэн – подшоликлар феъл-атвори, бунда *чжоу*лар даври, яъни м.а. IX-X асрлар қамралган; иккинчи қисм «*я*» – қасидалар, уни шеърят ташкил қилган; учинчиси «*суи*» – икки сулола ва бир подшолик тароналаридан иборат бўлган (48:248).

Фандаги маълумотларга кўра, Хитой ва Ўрта Осиё халқлари ўртасида санъат соҳасида ҳам алоқалар бўлди ва «Муסיқа палатаси»га мансуб асарларнинг аксарияти Ўрта Осиёдан келтирилган кўшиқларнинг оҳанги ва матнлари таржимасидан иборат эканлиги тахмин қилинади (60:532-533). Шунингдек, баъзи хабарларда Ўрта Осиёдан айрим чолғу созлари ҳам келтирилганлиги эслатилган.

Ва ниҳоят, расман илмий манбаларда таъкидланишича, «Ўрта Осиё, айниқса суғдлар ва бактрияликлар Хитой муסיқа санъатида янги чолғу ҳамда бўлак муסיқий унсурларнинг жорий этилишига катта хисса қўшганлар, хусусан, арфа ва турли найлар борасида».

Бу соҳада айниқса *Тан* сулоласи даврида ўрта осиелик муסיқачи ва раққосалар ном чиқарганлар. Уларнинг орасида Бухоро, Самарқанд, Чоч, Кабудана, Кумед, Маймура, Хутталадан келган санъаткорлар бўлган.

Кабуданалик муסיқачилар Хитойдаги бошқа мамлакатлардан келганлар ичида кўпчиликини ташкил қилган. Шунингдек, Самарқанд муסיқаси ҳам расман сарой дастурига киритилган. Хитойларда айниқса Чочдан чиққан йигит-қизларнинг «ғарбий чопқирлар рақси» жуда катта таассурот қолдирган.

*Аллақачон меҳмонларга жойлар солиниб,
Улар остига тўшалди ипак гиламлар.
Уч усулда тинмай садо берган ногора,
Шоширади, ганимат деб ўтгувчи дамлар.*

*Мана қаранг, кўтарилди шафтоли барги,
Келтирилган шам таратган нурида шоша.
Аслида бу файз таратган Чоч ҳофизаси
Кўйлагини хилпиратди мисли бинафша¹.*



Хитойлик созандалар

Хитой мусиқаси мавзуи юзасидан қайд этилган маълумотларни унинг ажралмас қисми бўлган Шарқий Туркистон қадимий мусиқа санъатисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Хитойда чоп этилган манбаларга кўра, «Ғарбий Хан сулоласи ҳукмдори Гаозу даврида Хўтан мусиқаси Хитой пойтахти Чанъанда янграган».

«Милоддан аввалги II – I асрларда бу ерда ўтказилган маросимларда «28 нағма» «Сариқ лайлак куши садоси», «Синган толалар», «Йўловчилар илтижоси» ка-

¹Мисралар Эдвард Шефернинг «Самарқанднинг олтин шафтолилари» китобидан олинди.

би Шаркий Туркистон муסיқалари ижро этилган ва улар маҳаллий халқ орасида катта қизиқиш уйғотган»

Турфондан топилган тош битикларда ҳам қадим замонда ушбу минтақада юксак савияга эга бўлган муסיқий санъат мавжудлиги қайд этилган.

Хитой миниатюра санъати¹

Манбалар маълумотиға кўра, Хитойда жонли ва жонсиз объектлар тасвири милоддан аввалга VI-V асрлардан бошланганлиги тахмин қилинади. Дастлаб ёғоч, сопол, бронзага чизилган тасвирлар *Шан Ин*, *Чжоу* ва *Чжанго* - жангари подшоликлар даврида шаклланиб, *Цин* ва *Хан* сулолалари давлатларида марказий фрескалар – деворлардаги тасвирий асарлар кўринишида ривожланди.

Маҳаллий миниатюра санъати таркибини асосан уч мавзу ифодаси ташкил қилган:

Биринчиси, теварак-атрофдаги мислсиз табиат гўзаллиги тасвири.

Иккинчиси, ижодкорнинг ички дунёсига доир тасавури инъикоси.

Учинчиси, унинг ҳаётга бўлган фалсафий назарининг рамзий самараси.

Мана шу ҳар уч мавзу бўйича юритилган мўйқаламнинг асосий вазифаси, қадимдан ёғочда, қоғозда ёки шойи матода ифодаланган тасвирнинг томошобин қалбига кириб бориб, унинг эътиборини тортишдан иборат бўлган.

Ёки, юқорида баён этилган фикрларда яширинган мўъжизавий хусусиятларни, табиат манзараларида ифодалашда шуҳрат қозонган *Го Си* таърифида умумлаштириб айтганда, биз ўзимизни гўё миниатюра соҳаси билан шеъринг мисралар орқали тиллашгандек ҳис қиламиз:

¹ Айрим интернет маълумотларидан фойдаланилди

«Агар шеърят шакл-шамойилсиз тасвирий санъат бўлса, тасвирий санъат эса шакл-шамойилга эга бўлган шеърятдир».

Шеърят ва миниатюра ўртасидаги қиёсий муштаракликнинг пайдо бўлишида яна бир манба муҳим ҳисса кўшган, бу – ўз ибтидосидан тасвирий дунёга руҳан ва шаклан уйғунлашган хаттотлик санъати. Чунки хитой каллиграфиясининг азалий «тўрт хазинаси» тасвирий асарларнинг яратилишида ҳам ўз моҳиятида қоим қолди: улар – юқоридаги хитой каллиграфияси баёнида зикр этилган мўйқалам, туш, сиёҳдон ва қоғоз. Хитойда шакланган тасвирий санъат ўз фаолиятини беш асосий сюжетдан иборат мавзу тасвирига бағишлаган: табиат манзараси – *Шан Шуй*, жонзотлар, қушлар ва қурт-қумурскалар тасвири – *Квин Шу*, инсон ва унинг атрофидаги унсурлар тасвири – *Рен Ву*, гуллар ва ўсимликлар тасвири – *Хуа Ху*, қушлар ва гуллар мажмуи тасвири – *Хуа Няо*.

Биз хитой тасвирий санъати ҳақида сўз юритганда, миниатюра мутахассисларининг асосий иш қуролини икки номда атадик: бири мўйқалам, иккинчиси қилқалам. Бу номларда назарда тутилган “қаламлар”нинг ишлатилишида хитой тасвирий санъатига хос «уч асосий услуб» ўз ифодасини топган: *гомби* услуби, *ксиай* услуби ва *полуксиай* услуби. Шулардан биринчи *гомби* услубида бевосита қилқалам ишлатилиб, ундаги манзара чизиқлари туш сиёҳида шу қадар ингичка – нозик тортиладики, ҳатто тасвирланган барг ёки гул япроғининг энг кичиклари ҳам бемалол кўзга ташланади. *Ксиай* услубида *гомбидан* фарқли ўлароқ, тортилган ранго-ранг чизиқлардан ташқари, тасвирда ижодкорнинг манзарани ўз шахсий тасаввури таъсирида яратганлиги сезилиб туради. *Полуксиай* услубида эса, дастлабки ҳар икки услуб тасвири ўзаро муштарак равишда жамланади.

Қадим хитой тасвирий санъатида *У-Син* тизими ўзининг фалсафий ва кези келганда ноанъанавий тафаккур тарзи билан аҳамиятга молик. Бу тасвирий тизим асосини хитой фалсафасининг беш унсури ташкил қилади. «*У-Син* мактаби ижодий асарлари, мутахассислар фикрича, кишига ўзининг психологиясини англаш ва ўз эмоционал руҳиятини бошқариш имконини беради».

Замона зайли билан илк ўрта асрларда Хитой маданияти тараққиётининг янги поғонага кўтарилиши натижасида аниқ ва ижтимоий фанлар каби мўйқалам санъатида ҳам сезиларли ўзгаришлар юз берган.

Хусусан, милоднинг III-IV асрларида *Лу Кай-чжи* ҳамда *Се Хэ* каби ижодкорлар шарофати билан шойи ва қоғозда портрет чизиш жанри такомиллашди.

Буддизмнинг Хитойда кенг тарқалиши билан ибодатхоналарга ҳинд мусаввирлик анъаналари кириб келди. Шунингдек, хитой мусаввирларининг *тун-цао чжи*, *гуанцай* ва *сюхуа* сингари услубдаги асарлари дунёнинг турли гўшаларида, айниқса, Европа мамлакатларида катта муваффақият қозонди. Ва бу муваффақият бевосита европалик миниатюра санъати мутахассислари тадқиқотларида жуда юқори баҳога муяссар бўлди. Жумладан, С.Л. Кроссманнинг китобида 1844 йили Хитойга ташриф буюрган О.Тиффанининг *тунцао чжи* мактаби асарлари ҳақидаги айтган фикри хитой миниатюрасининг европалик мухлисларда қолдирган чуқур таассуротига жонли бир мисол эди:

«Хитойдаги ижтимоий, диний маросимлар ва касбухона анъаналарини ўзида акс эттиришда истифода қилинган ранглар жилосини баён этиш асло мумкин эмас. Бунда нафақат гўзал ранглар жилоси, балки аниқ-тиниқ ифодаланган шакл-шамойиллар ҳам мақтовга лойик. Асарлар орасида шундай турли-туман манзаралар, ҳайвонлар, кемалар, қушлар, мевалар ва гуллар

тасвири борки, улар сўзсиз бемисл!»(79).

Нихоят, хитой миниатюрасида, муқаддам зикр қилинганидек, миллий хаттотликнинг ҳиссаси бўлгани каби бу санъат турининг меъморчилик соҳасида ҳам ўз муносиб улуши борлигини унутмаслик керак.

Чунончи, меъморий обидалар ва сарой деворларида акс этган афсонавий қаҳрамонлар, сўлим табиат манзаралари, диний маросим ҳамда миллий байрамлар чизгилари биз урғуламоқчи бўлган ижодий муштаракликнинг амалий намунаси эди.



Хитойлик мусаввирлар иш устида

Хитой меъморчилиги

Агар дунё бўйлаб турли мамлакатларда мавжуд тарихий меъморчилик обидаларига зийракроқ назар билан қаралса, уларда биринчи бўлиб кўзга ташланадиган нарса – бу мавжуд ибодатхона, сарой қасрлари ёки бошқа тарихий иморатларнинг барпо этилишидаги қўлланган турфа унсурлар мажмуи. Бу унсурлар – аввало, уларнинг сиз ва биз учун ноанъанавий тўюлиши мумкин бўлган шакл-шамойили, истифода этилган қурилиш материаллари ҳамда уларнинг бошқа хорижий меъморчиликда кузатилмаган имкониятлари ва ҳоказо.

Баён қилинган турфалик омилига алоҳида урғу берилишининг бойси шуки, меъморчилик ҳам бошқа

санъат турлари сингари маҳаллий муҳитга хос хусусиятлар шароитида шаклланган миллий иқтидор ижоди ҳосиласи. Яна бундан ташқари, турли-туман кўринишларидаги меъморий мажмуалар ифодаси диний ва жуғрофий жиҳатлар таъсиридан ҳам холи эмас

Биз аввалги фаслларнинг бирида мухтасар танишган хитой меъморчилик мактаби шон-шуҳратини дунёга танитган «Буюк Хитой девори»нинг ташқи душмандан ҳимоя мақсадида қурилганлиги илгаридан аён ҳақиқат. Аммо Хитой деворининг барпо этилиши сабабларига, борди-ю, сўнги интернет маълумотлари назарида қаралса, бу иншоот асосида асли хитойларни шимолий шамоллар билан тўғридан келадиган иблислар руҳидан ҳимоялаш кўзда тутилган экан. Чунки ҳар бир ерга тўғридан кириб келувчи иблис руҳи агар ўз қаршида ғовга учраса, уни ошиб ўтолмаслиги қадим хитойлар акидасидан маълум.

Демак, Хитой деворидаги эгилишлар, бурилишлар, пастдан баландга кўтарилишлар шундай тасаввурий эътимод негизида шаклланган бўлиб, улар гўё аҳолини иблислардан ҳимоялаган. Ушбу диний тушунчалар оқибатида юзага келган меъморчиликдаги ҳимоя услубига хос – иблис руҳларни тўсувчи восита сифатида хонадон, ибодатхона, саройлар, ҳатто йўллар ва каналлар қурилишидиги бурилишлар қадим-қадимдан тўғри чизик бўйлаб иш юритишга йўл бермаган. Шу мақсадда гоҳ тўртбурчак ёки гоҳ олти бурчак шаклидаги пойдевордан кўтарилган иморатлар томларининг баланд-пастлиги ва улар четини бурма қилиб ёпилиши ҳам, зикр қилинган хитой меъморчилик қонун-қоидаларининг амалий ажралмас қисми эди.

Турган гапки, шаклан бундай турфалик андозасига амал қилиниши бежиз бўлмай, бу шунингдек, ёмғир-яшин ва намгарчилигидан деворларни сақлашдаги синовдан ўтган тажриба натижаси бўлиши керак. Диний

масканлар, ижтимоий маҳкамалар ва уй-жой қурилишида асосан ёғоч, бамбуқ ва бошқа шунга ўхшаш материалларнинг дастлаб ерга қозик қилиб қоқилиши, иморатларнинг ер кимирлаши вақтида мустаҳкам туришини таъминлаган. Бироқ ушбу йўсинда қурилган ибодатхона, маҳкама идоралари ва уйлар учун энг хавфли жихат бу – уларни ёнғин чиққанда сақлаб қолишнинг мураккаб ва мушкуллиги эди. Ҳатто император саройларининг аксарияти ҳам ёғочдан қурилган бўлиб, улар ҳам оби-оташ балосидан мустасно эмасди.

Сопол мосламада ёпилган томлардан оқиб тушадиган ёмғир сувини махсус узатгичлар орқали деворлардан ташқарига йўналтирилар ва шу билан ёғоч деворларнинг нам тортишига йўл кўйилмасди. Мисол учун, «*Шанси* вилоятида қарийб минг йил муқаддам фақат ёғоч деворлардан ясалган муаззам ибодатхона неча бор ўтган юзийилликлар мобайнидаги ер силкинишларида ўзидаги сейсмологик захираси шарофати билан мутлақо зарар кўрмай, ҳатто бизнинг қунларгача сақланиб қолди. Бу ёғоч устқурмали ибодатхоналар сирасига яна *Сиан*, *Кайфэн* ва *Цзинсян* мажмуасини ҳам киритиш мумкин». Аммо шуни ҳам айтиш керакки, ўтган асрлар силсиласида на одам кучи ва на маблағни аямай бунёд қилинган ибодатхоналар ичида ёнғин ёки бошқа сабаблар билан кули кўкка созурилиб вайрон бўлганлари оз эмас. Лекин улар қаторида барча табиий синоатлардан ўтиб, асрлар оша ҳамон ўз хуснтароватини сақлаб қелаётган саройлар ҳам борки, улар бус-бутун қолган. Шундай обидаларнинг энг салобатли ва маҳобатли намунаси Пекин марказидаги *Гу-гун* саройидир.

Конфуцийлик ва даосизм руҳиятида барпо этилган меъморий обидалар ичида Хитойдаги буддизмнинг ўзлашуви ҳаётнинг бошқа жабҳалари сингари меъморчиликда ҳам бесамар ўтмади. Яъни, Хитойда хинд

меъморий унсурлари ўзлашган шундай ибодатхоналар қад кўтардики, уларда ҳайкалтарошлик соҳаси кенг истифода этилди. *Дунхуан* шаҳридаги «Минг Буддалар ғори» масканида мужассам Будда ҳайкаллари ва буддизм руҳидаги табиат манзаралари ҳамда портретлар фикримизни тасдиқлаши мумкин.

Хитой ҳайкалтарошлик санъати ўзининг бетакрор миллий хусусиятларидан ташқари, узоқ ўтмиш ҳужжатларини ўзида акс эттирган тарихий манба ҳамдир. Ер остидан топилган турли шакл-шамоилдаги ҳайкалчалар ва *Тан* сулоласи давридаги бошқа ашёларнинг турли қабилалар аҳолиси ҳамда империянинг ташқи давлатлар билан муносабатларидан дарак берувчи ўзига хос тарихий ҳужжат эканлиги шубҳасиз (31:79).

Яна бир хитой меъморчилигига хос жиҳат – бу иморатларнинг яққа-ёлғиз эмас, балки марказий объектларнинг доим ўз атрофидаги ёрдамчи қурилмалари билан бирликда муайян композицияни ташкил қилиши.

Шу жиҳатдан «Миллий меъморий кадриятлар сирасидан бўлган *«Осмон саройи»*, *«Ихэюан ибодатхонаси»* ёки қадимги *«Лицзян шаҳри»* намуналари чиндан ҳам хитой халқининг гурури ҳисобланади». Мутахассислар таърифлашича, қадим замонлардан Хитойда уйлар ва ҳатто сарой қасрлари ҳам нисбатан жуда тез қуриб битказилган. Чунки иморат асоси чўпкори-синчлардан иборат бўлган. Шунинг учун иморат пойдевори алоҳида тайёрланиб йиғилган, ораликдаги девор бўшлиғи пишитилган лой билан тўлдирилган ёки ғишт терилган, баъзан девор ҳатто бомбуклар ҳисобига тикланган. Балки шу боисдан Хитойда «девор ағанаса ҳам уй бузилмайди» дейилган бўлса керак¹.

Девор ва ундаги безаклар масаласида яна шуни таъкидлаш керакки, Хитойда муқаддам ишлатилган пи-

¹ «China Radio International» матни маълумотларидан фойдаланилди.

шпитилган лой ўрнини милоддан аввалги II-I асрлардан бошлаб турли шаклдаги ғиштлар эгаллаган. Бинобарин, *Хан* даври шаҳарсозлиги намунаси бўлган. *Чанан* ўз замонаси меъморчилигига мансуб барча жиҳатларни ўзида мужассам этган эди. Марказга ўн икки дарвоза орқали кирилиши билан биринчи бўлиб, у ердаги энг баланд кошона ҳамда шаҳарнинг турли ерларида қад кўтарган рангдор саройлар мажмуаси жилоланарди. Маъмурий идоралар ва бошқа маҳкамаларнинг кираверишдаги олд деворига безак сифатида қўлланган иероглиф битикларида бахт, саодат ва бойлик ҳақидаги тилаклар ёзиларди (29:428).

Цин-Хан сулолалари даври меъморчилиги учун яна бир характерли хусус, бу иморатларини икки-уч, яъни кўп қаватли қилиб қурилиши ва уларга ёндошган миноралар ясси томларини ярим цилиндрик шаклдаги черепицалар билан ёпилиши эди. Яна шуни ҳам айтиш жоизки, бу давр архитектураси Хитой оша кўшни – Узок Шарқ мамлакатлари халқлари меъморчилик санъатида ҳам из қолдиришга муваффақ бўлган (58:532).

Ҳар бир халқ меъморчилик санъатининг, маълумки, ўзига хос миллий ранглар жилоси бўлади. Хитой меъморчилиги учун эса, асосан сариқ, оч қизил, кўк-яшил ва осмон рамзидаги ҳаворанг бўёқлар анъанавий. Ҳолбуки, буддизмга хос меъморчилик ўзгача икки жиҳати билан диққатга сазовор:

Бири, «янги ер»да барпо этилган ибодатхоналар, ҳар қалай, қисман кўхна ҳинд архитектурасига хос жуғрофий хусусиятни сақлаб қолган. Яъни, Будда ибодатхоналари асосан музофот ва тоғлар бағрига қурилган.

Иккинчиси, бу ибодат масканлари худди эътиқоддаги каби маҳаллий хитой меъморчилиги анъаналари билан шаклан ва мазмунан уйғунлик руҳида барпо этилган. Яъни, девор ўртасига ўрнатилган марказий дарвоза ва унинг икки тарафидаги кўнғироқхоналар маҳал-

лий ранг бўёқлари билан омихта тарзда безатилган. Бундан ташқари, Хитойда ҳинд ва эроний архитектура унсурлари ўзлашиши билан янги меъморий услублар жорий этилган ва улар *Шанси, Шэнси* ва *Гансудаги* ибодатхоналар ва *Хэбэе* ҳамда *Шандундаги* тош кўприклар қурилишида ўз аксини топган (31:79).

Яна, эндиликда қадимги Хитой тарихини ўрганишда унинг бетакрор меъморчилик соҳасидаги мероси қўл келиши турган гап. Чунки у ёки бу даврдан сақланиб қолган сарой қасрларию ибодатхоналари турли императорларнинг инсоний табиати, ижтимоий-сиёсий дунёқарашлари ва диний эътиқодига хос маънавияти асосидаги фаолиятининг ашёвий рамзидир. Агар бир император табиатан шону-шуҳрат дабдабасига мойилликда ҳукмронлик қилган бўлса, иккинчиси оддий халқ манфаатлари юзасидан сиёсат юритган.

Бундан чиқди, уларнинг ҳар бири яшаган саройи ва иш юритган маҳкамаларида ҳам ҳукмдор раъйи ва дидига мансуб руҳият ҳукм сурган. Шу жумладан, айтайлик, биринчи Хитой императори *Цин Ши-хуангдининг* агар тахтга чиқиши билан унинг бўлажак қабр-саройи қурилишида 38 йил давомида 700 минг одам ишлаган бўлса, *Сима Цян* эслашича, иккинчи бир император *Сяо-вэн*, фуқаролар манфаати учун имкони борича ортиқча сарф-харажатларни камайтириш йўлини ўйлаган. Ва у ўзининг бу қарорида келгуси ҳашаматли қурилиш режаларига ҳам барҳам берган:

«Император Сяо-вэн Дай тахтга ўтирганидан бери йигирма уч йил ўтди. Лекин ўтган вақт ичида саройлар ва қасрлар, оромгоҳлар, отлар ва итлар, либослар ва жангари аравалар сони ортмади. Агар бирор нарса фуқарога ноқулайчилик туғдирса, император зудлик билан бундай ҳолатга чек қўярди.

У кунларнинг бирида очиқ айвон солишни ўйлаб, усталарни ҳузурига чақиртириб бўлгуси сарф-хара-

жатлар ҳисобини қилишни буюрди. Шунда ҳисобдан сўнг режалаштирилган қурилишнинг юз олтин қизинейга тушиши маълум бўлгач император деди:

- Юз олтин қизиней – бу ўртача маош оладиган ўн оиланинг мол-мулкига тенг дегани. Аввалги императорларнинг саройи ва қасрлари қўл остига олинди, лекин мен уларни расво қилиб қўймасам, деб кўрқаман. Шундай экан, мен бу қимматбаҳо очиқ айвонни қурдириб нима қиламан?...» (43:241-242).



Путошан ибодатхонаси

Қиёсан икки император фаолиятидаги меъморчиликка доир маълумотлардан кўрдикки, уларнинг ҳар иккиси ҳам мазкур соҳа равнақига ўз хиссасини кўшган. Аммо уларнинг бири – майли, шахсий манфаат маъносида бўлсин, ўзидан муаззам кошоналар намунасини қолдирган бўлса, иккинчиси, мерос қолган меъморий обидаларни ўз ҳолида сақлаб қолишни ўйлаган.

Қисқаси, машҳур ва манзур хитой миллий меъморчилиги тарихи саҳифаларининг мухтасар тавсифи шундан иборат.

Хитойда хунармандчилик

Хитойда азалдан хунармандчилик ривожланган бўлиб, айниқса кулолчилик юксак даражада тараққий эт-

ган. Сопол идишлар яшаш учун лойнинг жуда кўп навлари синаб кўрилган ва улардан фақат юқори сифатли оқ каолин лойи ишлатилган. Тайёр хом ашёга кулолчилик чархида шакл берилган. Шундан кейин улар тегишли иссиқликда пиширилиб, сўнг сирланган.

Аняндаги қабристон ичидан топилган нақшинкор идишлар диний маросимларда ишлатилган. Идишларнинг тур-тоифаси ва шакл-шамойили ўша даврларда кулолчилик борасида эришилган муваффақиятларни тасдиқлаши мумкин.

Агар деҳқончилик ривожидан дастлаб Хитойда неолит давридан қолган ерга ишлов бериш асбоб-ускуналарини мукаммаллаштиришга зарурият яратган бўлса, бора-бора уларни темир ва бошқа металллардан ишлаб чиқаришга ўтилишига ҳам сабаб бўлган. Чунки улар нафақат узоқ вақтларгача фойдаланишга қулай, балки ҳосилдорлик ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сифатини оширишда ҳам ер эгалари ҳамда ижарадорларга баробар қўл келган. Металлнинг турли турларидан ҳарбий қурол-аслаҳа ясалиши асносида устачилик ва уй-рўзғор асбоб-анжомларини ишлаб чиқариш ҳам ривожланган. «Тош ва суяқдан ясалган буюмлар суриб чиқарилиб, уларнинг ўрнини металдан қуйилган бигиз, арра, искана, ошпичок, қозон-тавоқ, қўл болта ва бошқа унсурлар эгаллаган».

Археологик изланишларда подшо саройи худудидан топилган темир ва бронзадан ишланган қурол-яроғлар ҳам махсус мутахассислашган устахоналарда ясалган. Бу ердаги кул, кўмир, шлак ва темир парчалари шулардан далолат (3:705).

Хитой ҳунармандчилиги соҳасида дурадгорлик касб-кори ўзининг кўп томонлама аҳамияти билан алоҳида эътиборга молик. Чунки ёғоч материаллардан аввало ҳарбий мақсадда фойдаланилган, яъни жанг аравалари, найзалар, қилич ва ханжар дасталарини ясашда.

Уй-рўзгорга керакли ёғоч буюмлардан ташқари, ҳар қандай об-ҳавода чиримайдиган дарахтлардан тайёрланган устун ва ходалар дастлаб саройлар, ибодатхоналар ва умуман уй-жой деворлари қурилиши ва томларни ёпишда асосий меъморий ашё ҳисобланган.

Маълумки, хитой чинниси ва ипак шойиси қадимдан дунёда машҳур. Гарчи бу нодир кашфиётлар расман VIII асрга тааллуқли саналса-да, унинг ибтидоси баъзи маҳаллий манбаларда *Хан* империясининг иккинчи бўғини давридан бошланганлиги зикр қилинган.



Чунки *Ин* даврида тўқувчилик ҳунарининг мавжуд бўлганлиги «тут дарахти», «ипак курти», «ипак тақими», «либос», «рўмол» ва «шойи» сўзлари ифодаланган иероглифларда сақниб қолган (3:706).

Шоидан тўқилган мато парчаси.

Ўз ўрнида ҳунармандчилик маҳсулотларининг сон ва сифат жиҳатидан ортиб бориши Хитойнинг ички ва ташқи дунё бозорларидаги савдоси ривожига қўшган катта ҳиссаси билан тарихда қолган.

Мустақиллик йилларида хитойшунослик

Мустақиллик йилларида қадимдан ўзбек ва хитой халқлари ўртасида мавжуд бўлган муносабатлар тарихини ўрганиш бошқа ижтимоий фанлар қатори хитойшунослик соҳасида ҳам жуда самарали кечди. Бу жараённинг янада изчил ривожланишига, айниқса, ҳар икки давлат раҳбарлари ўртасидаги дўстона учрашувлар рағбат бахш этди.

Диёримизда хитойшунослик бўйича олиб борилаётган илмий-тадқиқий изланишларнинг амалий жиҳатлари том маънода эътиборга сазовор. Масалан, олий ўқув юртларида Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари, хусусан, Хитойнинг қадимги тарихи, диний эътиқоди ва маданияти мавзуйидаги махсус курслар фаолияти фикримизнинг жонли далили.

Шу нуктаи назардан сўнги йилларда хитойшунослик юзасидан нашр этилган илмий рисола ва ўқув қўлланмаларнинг мухтастар мажмуи илк бор қуйидаги рўйхатда эътиборга ҳавола қилинди:

1. Абдухолик Абдурасул ўғли. Чин ва Мочин. Т.: «Фан» 2006.

2. Бекмуродов И.Н. Хитой тили диалектологияси. ТошДШИ, 2010.

3. Зиямухамедова Ж.Т. Хитой тили ўқитиш методикаси ва замонавий технологияси. ТошДШИ, 2012.

4. Каримов А.А. Хитой тилида суҳбат кураминиз. Т.: «Фан ва технология» 2011.

5. Каримов А.А. Учимся говорить по китайски. Т.: «Фан ва технология» 2011.

6. Мавлянова У.Х. Хитой филологиясига кириш. ТошДШИ, 2013.

7. Носирова С.А. Хитой тили ижтимоий-сиёсий дипломатик терминологияси. ТошДШИ, 2011.

8. Носирова С.А. Хитой тилида иерархик разеологизмлар. ТошДШИ, 2010.

9. Низомиддинов Н.Ф. Шарқий Осиё диний-фалсафий таълимотлари ва ислом. Т.: «Fan va texnologiyalar markazining bosmsxonasi» 2006.

10. Низомиддинов Н.Ф. Жанубий, Жануби-Шарқий ва Шарқий Осиё халқлари қадимги тарихи, диний эътиқоди ва маданияти. Т.: «Fan va texnologiyalar markazining bosmsxonasi» 2010.

11. Султонова Л. А. Хитой тили. (3-4 курслар учун) ТошДШИ, 2010, 20013.

12. Хўжаев А. Буюк ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар. Ташкент, 2007.

13. Хўжаев А. Фарғона тарихига оид маълумотлар. «Фарғона» нашриёти. 2013.

14. Ходжаев А. Цинская империя и Восточный Туркестан в XVIII в. (Из истории международных отношений в Центральной Азии). Ташкент, «Фан» 1991.

15. Ходжаев А. Из истории международных отношений Центральной Азии в XVIII веке. Т.: «Фан» 2003.

16. Ходжаев А. Китайский фактор в Центральной Азии. Ташкент, 2004.

17. Ходжаев А. Китайский фактор в Центральной Азии. Второе дополненное издание. Ташкент, 2007.

18. Ходжаев А. Из истории древних тюрков (на основе китайских источников). Т.: 2010.

19.Ходжаев А. Международные отношения в Центральной Азии XVII –XVIII вв. Документы и материалы. В 2-х томах. М.: «Наука», 1989. (хаммуалифликда).

20.Ходжаев А. Китайские документы и материалы по истории Восточного Туркестана, Средней Азии и Казахстана XIV– XIX вв. Алматы, «Гылым» 1994. (хаммуалифликда).

21.Хашимова С. А. Хитой ва рус тиллари қиёсий грамматикаси. ТошДШИ, 2012.

22.Шазаманов Ш.И. Хитой матбуоти тарихи ва тили. ТошДШИ, 2012.

23.Шазаманов Ш.И. Политика КНР в сфере образования в период реформ. ТошДШИ, 2012.

Сўнги сўз ўрнида

Азалдан узоқ ва яқин қўшни халқлар билан бўлган дўстона ришталар доирасини кенгайтиришда илм-фан, хусусан, тарих ва диншуносликнинг муҳим роли бўлган. Чунки ҳар бир давлатнинг ички ва ташқи сиёсатидан тортиб, то унинг чет эллар билан бўлган дипломатияси аввало, ўз диний-маънавий муҳити ва анъаналарида шакллланган фалсафий дунёқарашларига асосланади.

Демак, ташқи дунё вакиллари билан қайси бир йўналишда бўлишидан қатъи назар, ўзаро алоқаларда ҳаммиша уларнинг тарихи, диний эътиқоди ва маданияти мағз-мантиғидан боҳабар ҳолда иш тутиш жоиз. Фақат шундай – тегишли билим ва бағрикенглик билангина бўлгуси муносабатларнинг муваффақиятига умид қилиш мумкин.

Айни шу нуқтаи назардан илк бор илмий муомалага киритилган «Қадимги Хитой тарихи, диний эътиқоди ва маданияти» мавзуидаги монография ҳам XXI асрнинг энг тараккийпарвар мамлакатларидан бири бўлган Хитой Халқ Республикаси билан мавжуд муносабатларимизни мозий маълумотлари замирида бойитишга қаратилган. Зеро, ўзаро ҳамкор халқлар миллий-маънавий озиқалари асосини илмий жиҳатдан ўрганилиши, уларнинг келгуси сиёсий, иқтисодий ва маданий-маърифий алоқаларига янада жадал руҳият бахш этиши билан муҳим.

Сир эмаски, ҳар қандай ишдаги каби илмда ҳам дастлабки қадам доим айрим хато ва камчиликлардан холи бўлмайди. Шу боис имонимиз комилки, биз истиқлол шарофати билан қаламга олган мавзу келажакда хитойшуносларимиз томонидан янада юқори савияда тадқиқ этилади. Чунки бу илмий жараён – шубҳасиз эртанги кун талаби!

The History, Religions and Culture of Ancient China

It is not secret that in spite of scientific, social and even economic achievements, people live with the desire to reach spiritual and physical perfection, the highest level their ancestors managed to attain. There are too many examples when it comes to ancestor's spirit, lifestyle and experience that rose under religious condition. In this regard, Chinese Confucianism, Taoism or Korean mythology can be a clear evidence to all the above-mentioned.

However, religious feelings start to change their relation to the world of soul both in form and sense. In other words, for example in China, the acceptance of the Dao teachings as a religion was the proof of awaking of transcendental imagination of the Creator. Moreover, Buddhism discovered for the Chinese believers new spiritual space like "Nirvana" and the life after death. In spite of this Confucianism did not last its traditional ideas thanks to the power of transformation of every other competent because of its principles.

The same process could also be observed in the history and activity of Buddhism with "Bon-po" in Tibet. As for the history of Islam, in this part of the globe, it is necessary to note that a new religion was initially established mostly by Muslim merchants and partly by local tribes.

It is known that in most scientific works, religious philosophy of the South and East has been investigated on the basis of moral, social and even administrative responsibilities of believers in society. It means that in order to study the philosophic outlook of religious people, one should firstly study their spiritual, social and political life in the ancient periods. Only in this case, there will be possibilities to define how these factors obtained religious importance. With this aim, we decided to set the focus on the following points:

1. To study the geography, history, religious mythology, culture of the ancient China.

2. To study Confucianism, Taoism, and Buddhism as religious and ethic sources of East Asian peoples.

3. To study the similarities of Buddhism with local philosophical teachings in the countries of Eastern Asia.

4. To study the specification of Chan Buddhism and Lamaism.

5. To study certain similarities of Chinese religious doctrines with Islam in the context of spiritual values of mankind.

Shortly speaking, the main purpose of this presented monography is to bring the immortal truth to the light in which the beauty of God's will and might reflects, as variety of races and nations established in their history, religion and culture.

Тарихий, диний-фалсафий ва ижтимоий-сиёсий атамаларнинг изоҳли тавсифи

Ба – қадимги хитой подшоларининг унвони.

Байсин – «юз насл» - халқ, барча **чжоу**ликлар.

Байту – ҳарбийлар, подшо ерларининг тўла ҳуқуққа эга бўлмаган мутасаддилари.

Бан – «мамлакат», «салтанат», **чжоу**ликлар яшайдиган туман.

Би – музофотдаги вилоят, мамлакатнинг четки қисмида яшайдиган **го** – забт этилган аҳоли.

Бо – **чжоу**лар даври мулозимлари унвонларидан бири.

Бо – «юзбоши» – иш бошқарувчи.

Бо – ҳарбий мулозим.

Бо – **Чжанго** даври масъул ходими.

Бугэн – **Цин** ҳарбий саркардаси унвони.

Байши – давлат ҳужжатларига масъул мулозим.

Ванг – подшоҳ, ҳукмдорнинг энг юксак унвони.

Ванжэн – фол суякларидаги битик бўйича «подшоҳ дамлари».

Ванчжун – подшоҳ хонадони билан боғлиқ ер ва ҳарбий уюшмалар.

Ванчэн – ижтимоий ва ҳуқуқий категорияларга тааллуқли подшоҳ мулозимлари.

Го – «мамлакат», **чжоу**ларнинг ерлари ёки забт этилган ерлардаги таянч пунктлари.

Го – марказий шаҳар.

Гожэн – мамлакатнинг озод фуқаролари, асосан ерга ишлов берувчилар.

Гожэн – марказда яшовчилар - шаҳар аҳолиси.

Гу – бирор идиш тури.

Гу – оғирлик ўлчови.

Гуй – вафот этганлар руҳи.

Гуйсин – **Чжанго** даврида кимнингдир қўл остидаги хизматчилар.

Гун – хукмдор унвонлари.

Гунхэ – «умумий келишув».

Гунцзу – **Цзин** подшолиги давлат кўшини.

Гэнжанчжи ши – ер ишлари ва урушларда қатнашувчи хизматчилар.

Дан – оғирлик бирлиги.

Даншу – расмий хужжат.

Дао – ўсимлик номи.

Дафу – жойлардаги подшоҳ хукмдори.

Даши – маслаҳатчи.

Ди – илоҳият.

Доу – бирор идиш тури.

Доцзицзу – **Шан** кўшинидаги ёшлар гуруҳи.

Дян – қонунлар.

Дэ – Осмон фаолиятининг энг муҳим жихати – «эзгулик кучи».

Жэнли – «**Ли**» туркумига тегишли кишилар.

Жэннуце – одамларга тегишли қуллар ва қул аёллар.

И – аҳоли.

Ижэн – яшаш жойларидаги озод кишилар.

Ин – «совуқ ибтидо» – фазовий куч.

Ину – тенг ҳуқуқли кишилар тоифаси.

Иян – сеҳрли ҳайвон.

Лаочэн – хос назоратчилар унвони.

Ли – кенг қамровли ижтимоий атама.

Ли – узунлик ўлчови бирлиги.

Личэн – ижтимоий-ҳуқуқий атама.

Лэйси – икки тишли ёғоч омоч.

Ман – кимгадир тобе бўлган ерга ишлов берувчилар.

Му – ўзлаштирилмаган ерлар, жўялар.

Му – ер майдонининг бирлиги.

Мэнфу – сарой архиви.

Мян – ҳар қандай мустабидлик шаклидан озод этилиш.

Нан – **Чжухоу** нуфузли унвоннинг бири.

Ну – кул - ижтимоий атама.

Нэйши – мулозимлар жамоаси намояндаси.

Пан – бирор идиш тури.

Пу – ҳуқуқсиз хизматкорлар тури.

Син – ёқилғи.

Сигун – жамоат ишларининг нозири.

Сикоу – жинойтчилар иши бўйича нозир.

Сикун – қурилиш бинолари нозири.

Сима – отлар нозири.

Ситу – ерлар нозири.

Сян – ҳукмдорнинг биринчи маслаҳатчиси.

Сяоскоу – халқнинг подшо билан алоқаларига мутасадди ходим.

Сяоцзечэн – подшо ерларидаги ишлар бўйича масъул мулозим.

Сяочжунжэнчэн – **Ин** подшоҳи маъмуриятининг намояндаси.

Сяочэн – мулозим, мансабдор кишилар.

Тайбао – давлатда юқори ҳарбий-маъмурий ишларга масъул кишилар.

Таоу – афсонавий ҳайвон.

Те – темир.

Тян – ер қисми.

Тян – ерлик **чжухоу**лардан бирининг унвони.

Тянбу – ер майдонлари ташкилоти.

Тянмин – **ванг** ҳукмронлигига эга бўлиш ҳақидаги фазовий фармон.

Тянмин – Осмон буйруғи.

Тянци – «Осмон ўғли» – **Чжоу** подшоҳининг унвони.

Тянчжай – солиққа тортиладиган дала ва кўрғон.

Фан – ерлар, дунё мамлакатлари.

Фан – борликнинг тўрт асосий тарафлари илоҳияти.

Фу – табиий солиқ.

Фулао – шаҳар аҳолисининг нуфузли намояндалари – оталар ва оқсоқоллар.

Фэн – оғирлик ўлчови.

Хоу – **чжухоу** эгаларининг маҳаллий мақомдаги юқори унвони.

Ху – **Чжанго** даврида солиққа тортиладиган «уй» – хўжалик ва ишлов бериладиган ерлар.

Хучэн – подшонинг тан кўриқчилари – **ванг** хизматкорлари.

Хэцун – **цин**ларга қарши бўлган ҳарбий округнинг номи.

Цзай – фол битиклари бўйича қул.

Цзай – «бошқарувчи» - подшонинг энг юқори даражадаги мулозими.

Цзе – подшога қарашли ерлардаги далалар.

Цзи – қайдлар, тарихий битиклар.

Цзинвэньци – «янги матнлар мактаби».

Цзу – ҳарбий бирлашма.

Цзу – уй хўжалиги маъмурий бирлашмаси.

Цзу – қабила, жамоа.

Цзу – бўйсунуш, тобелик.

Цзи – маҳаллий **чжухоу** эгаларининг унвони.

Цзюн – маъмурий вилоят.

Цзючэн – марҳум подшоҳларнинг алоҳида тоифаси.

Цзюз – бирор идиш тури.

Цзяо – баҳорги қурбонликлар.

Ци – қадимги хитой филологиясининг муайян бир тури.

Цинши – **чжоу**лар саройидаги мансабдор мулозим.

Цю – катта жамоа.

Цянму – подшо ерларидаги майдонлар тури.

Цяо – жазога буюрилган мулозимлар тоифаси.

Чжанго – «жангари подшолар» – милоддан аввалги V - III асрлардаги сиёсий-жуғрофий атама.

Чжи – тарихий асар.

Чжоу – маъмурий ходимлардан бири.

Чжун – оғирлик ўлчови бирлиги.

Чжун – ер билан шуғулланувчилар уюшмаси.

Чжунжэн – «**чжун**» тоифасига тааллуқли кишилар.

Чжухоу – **чжоу**лик подшоҳ томонидан хадя қилинган худудларнинг нуфузли эгалари.

Чжуцзян – ғарбий **Чжоу** девонхонасининг нозир мулозимлари.

Чжэнфу – «нозирлар» - қабилавий мансабдор шахслар.

Чжэнху – бой-бадавлат жамоатчиларнинг ижтимоий тоифаси.

Чэндан – шаҳар девори ва муҳофазасига тааллуқли қурилишларда ишлаш жазосига тортилган кишилар.

Чэн – «катта очилган кўзлар чизмаси» – **Шан** даври эпиграфикасига доир қуйидаги маънони англатувчи атамалар: хизматкор, нозир, ҳарбий асирлар, подшоҳ маъмурияти раиси, тўла ҳақ-ҳуқуққа эга бўлмаган ишчилар.

Чэнце – эркак ва аёл хизматкорлар.

Шандафу – «юқори бошқарувчи» – мансабдор мулозимлари номи.

Шанфу – подшоҳга яқин бўлган мансабдорнинг унвони.

Шаочэн – «нозирлар» – **Ин** подшоҳи маъмурияти мансабдорлари номи.

Ша – хронист ёки давлат хужжатларини сақловчи.

Ши – «мураббий» – подшоҳ ҳарбий лагерларининг бошлиғи.

Ши – «уй» – **Чжанго** даври уй ва хўжалиқни солиққа тортувчи тизим.

Ши – қабила.

Шицзи – хроникал характердаги асар.

Шоу- ноиб.

Шу – «оддий кишилар» – ерга ишлов берувчи ки-

шиллар тоифаси бўлиб, улар ўз ери ва хизматкорларига эга бўлганлар.

Шуй – табиий солиқ.

Шушэ – «маҳаллий илоҳ меҳробига ёзилган ерлар» – мазкур илоҳ ҳимоясидаги ер эгалари жамоаси.

Шэ – «маҳаллий ер илоҳи меҳроби».

Юй – «аравакаш» – аҳолининг эксплуатация қилинадиган қисми.

Юйши – дипломатик хизмат мулозими.

Юн – «хизматкор» – подшо хўжалигида ишлашга мажбур аҳоли тоифасининг бир тури.

Я – подшоҳ аждодлари хизматини бажарувчи профессионал бошқарувчилар тоифаси.

Ян – «иссиқ ибтидо» – мифологик қаҳрамонларни тартибга солувчи фазовий куч (18:274-282).

Ўлчов ва оғирлик бирлиги¹

Узунлик ўлчови:

Ли – 376 м.

Ин – 32 м.

Чжан – 3,2 м.

Бу – 1,6 м

Чи – ў,32 м.

Цун – 3,2 см.

Фэн – 3,2 мм.

Хао – 0,032 мм.

Майдон ўлчови:

Фанли – 33,177 га.

Ции – 6,144 м.га

Му – 6,144 м.а

Фэн – 61,44 кв.м

Фан – чжан- 10,24 кв.м

¹Ошанин И.М. Китайско-русский словарь. М.: 1952г. Б –888-890.

Ли – 6,144 кв.м
Фанбу – 2,56 кв.м
Хао – 0,0144 кв.м
Фанчи – 0,1024 кв.м

Ҳажм ўлчови:

Ин – 207,09376 л.
Дан – 103,54888 л.
Ху – 31,77344 л.
Доу – 10,354688 л.
Шэн – 1,0354688 л.
Гэ – 0,10354688 л.
Шао – 0,0103547 л

Оғирлик ўлчови:

Ин – 119,3632 кг.
Дан – 59,6816 кг.
Цзин – 596,816 г.
Лян – 37,301 г.
Цян – 3,7303 г.
Фэн – 0,37301 г.
Ли – 37,301 мг.
Хао – 3,7301 мг.
Си – 0,37301 мг.

Мазкур ўлчов ва оғирлик бирликлари ХХ асрнинг сўнги чорагида нашр этилган адабиётдан келтирилган бўлиб, уларда кейинги вақтларда айрим ўзгаришлар бўлган бўлиши мумкин.

Хитой Халқ Республикаси ҳақида мухтасар маълумот

Хитой Халқ Республикаси Марказий ва Шарқий Осиёда жойлашган бўлиб, аҳоли сони ва майдони жиҳатидан дунёнинг энг йирик давлатларидан бири. Шарқда Хитой Тинч океанининг Сарик, унинг шарқий ва жанубий қисми Хитой денгизлари билан ўралган. Майдони 9,6 млн. кв. км. Қирғоқ бўйлаб жойлашган оролларнинг энг каттаси Тайван ва Хайнандир.

Хитой аҳолиси сони 2003 йилги статистик маълумот бўйича 1 млрд. 292 млн. 750 минг киши, пойтахти – энг муҳим иқтисодий, маданий-маърифий ва йирик транспорт маркази бўлган Пекин шаҳри.

Мамлакат маъмурий жиҳатдан 23 провинция, 5та миллий автоном ноҳия ва марказга бўйсунувчи шаҳарларга бўлинган: Шанхай, Тяньцзин, Чун-цзин. Бундан ташқари, Хитойда йирик туризм маркази бўлган Шенчжэн, мамлакатнинг ривожланган шаҳарларидан бири бўлган Гуанчжоу ва халқаро туризм тизимида юқори ўринлардан бирини эгаллаган қадимий Сиан шаҳарлари бор.

Давлат тузуми – Хитой Халқ Республикаси. Амалдаги конституция 1988 йилда қабул қилинган ва кейинги йилларда айрим тузатишлар киритилган. Конституцияга кўра Халқ вакиллари Умумхитой Мажлиси давлат ҳокимиятининг олий органи.

Хитой кўп миллатли давлат. Жами аҳолининг 95 фоизи хитойлар, қолган қисмини эса, турли гуруҳ ва оилаларга мансуб бўлган 56 халқ ва элатлар ташкил қилади. Хитойнинг шимоли-ғарбидаги аҳолиси туркий тиллар гуруҳидаги халқлар – уйғурлар, қозоқлар, қирғизлар, саларлар.

Шимолий ва шимоли-шарқдаги дашт ва чала чўлларда мўғуллар, дунсянлар, тулар; шимоли-шарқда тун-

гуслар, манжурлар; ғарб ва жануби-ғарбда Тибет-Бирма халқлари яшайди. Хитойдаги диндорлар конфуцийлик, даосизм, буддизм ва исломга эътиқод қиладилар. Улардан тибетлик ва мўғулларнинг диний эътиқоди буддизм-ламаизм. Хуэйлар ва туркий гуруҳга кировчи халқларнинг аксарияти исломнинг сунний мазҳабидаги мусулмонлар¹



Хитой Халқ Республикасининг харитаси.

¹Ўзбек миллий энциклопедияси. Т.: «Ўзбек миллий энциклопедияси» давлат миллий нашриёти. 2005. Б-227.

Адабиётлар рўйхати

Ўзбек тилида

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.: «Ўзбекистон», 1996.

2. Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. Т.: «Маънавият» нашриёти. 2008.

3. Авдиев В.И. Қадимги шарқ тарихи. Т.: Ўқув-педагогик нашриёти. 1956.

4. Абдуҳаким Шаръий Жузжоний. Тасаввуф ва инсон. Т.: «Адолат», 2001.

5. Абдуҳолик Абдурасул ўғли. Чин ва Мочин. Т.: «Фан», 2006.

6. Комилов Н. Тасаввуф (Иккинчи китоб. Тавҳид асрори). Т.: Гофур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат ҳамда «Ўзбекистон» нашриётлари. 1999.

7. Низомиддинов Н.Ф. Жанубий, Жануби-Шарқий ва Шарқий Осиё халқлари қадимги тарихи, диний эътиқоди, маданияти. Т.: 2010.

8. Низомиддинов Н.Ф. Шарқий Осиё диний-фалсафий таълимотлари ва ислом. Т.: 2006.

9. Хўжаев А. Фарғона тарихига оид маълумотлар. «Фарғона» нашриёти. 2001.

10. Хўжаев А. Буюк ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар. Т.: «Ўзбек миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти. 2007.

Уйғур тилида

11. Қазакстан язғучилар иттипавкинин органи. «Арзу» № 1. 1991.

Рус тилида

12. Алексеев В.М. Китайская поэма о поэте Стансы Сьжун Ту. М.: 1916.

13. Александр Мень. История религии: в поисках пути, истины и жизни. М.: 2001.

14.Бхагавад-гита (как она есть) Изд-во «Бхакти-веданта Бук Траст». Бомбей.1984.

15.Бичурин Н.Я. Собрание сведений по исторической географии Средной и Восточной Азии. Чебоксары. I т. 1960.

16.Бутромеев В. Мудрость Конфуций. М.: Доно Мэдиа Групп. 2010.

17.Буддийский культовый центр Кара-Тепе в старом Термезе. М.: «Наука», 1972.

18.Васильев Л.С. Истоки китайской цивилизации. М.: Изд-во «Восточная литература». РАН 1998.

19.Васильев Л.С. История религии востока. М.: 2000.

20.Восточный альманах (первый выпуск) М.: Гос изд-во худ. лит. 1954.

21.Введение в Буддизм. Санкт-Петербург.1999.

22.Вафа А.К. Джавахарлал Неру о происхождении и сущности кастовой системы в Индии. (Касты Индии) М.: Гл. ред. вост. лит. 1965.

23.Гумилев Л.Н. Древние тюрки. М.: «Наука». Гл. ред. вост.лит. 1967.

24.Дамьен Кеоун. Буддизм. М.: изд-во «Весь мир», 2001.

25.Дж.Неру. Взгляд на всемирную историю. (первая книга) М.: 1977.

26.Делсин Л.П. Китай: модернизация и традиции. Политика. Таллин. N2.1990.

27.Ева Вонг. Даосизм. М.: Изд-во «Гранд», 2001.

28.Жуковский Н.Л. Ламаизм и ранние формы религии. М.: «Наука», 1977.

29.История древнего Востока. М.: «Высшая школа», 1972.

30.История древнего мира. Ранняя древность. Гл.

изд. вост. лит. М.:1983.

31.История стран зарубежной Азии в средние века. М.: «Наука», 1970.

32.Древняя история мира. Древний Восток. «Харвест».Минск. 1999.

33.Кобзев А.И. Проблемы природы человека в конфуцианстве М.: 1983.

34.Кучера С. Древнейшая и древняя история Китая. М.: Вост. Лит. РАН 1966.

35.Карапетьяц А.М. Первоначальный смысл основных конфуцианских категорий. М.: 1982.

36.Конрад Н. И. Избранные труды. Синология. М.: 1977.

37.Кривцов В.А. Древнекитайская философия. 1т. М.: 1972г..

38.Кочетков А.Н. Буддизм. М.: «Наука», 1976.

39.Кудрявцев М.К. Мусульманские касты (Касты Индии) М.: «Наука», 1965.

40.Корея. Корейская служба информации для зарубежных стран. Самхва Принтинг Ко. Лтд. Сеул. 2000.

41.Клайв Эррикер. Буддизм. М.: 2001.

42.Конрад Н.И. Избранные труды. Синология. М.: 1977.

43.Кривелев И.А. История религии. II том. М.: Изд-во «Мысль», 1975.

44.Лисевич И.С. Литературная мысль Китая. М.:1979.

45.Лукьянов А.Е. Дао Лао-цзи и Дао Конфуций. М.: 1977.

46.Ли Инг Сонг. Россия и модель развития Восточной Азии. (Мировая экономика и международные отношения No 8). М.: 1997.

47.Литература древнего востока. М. Изд-во Московского университета. 1971.

48. Мартынов А.С. Конфуцианство: классический период. Санкт-Петербург. Изд. «Азбука классика» 2000.

49. Маслов А.А. Китай: колокольца в пыли. Странствия мага и интеллектуала. М.: «Алетейя», 2003.
50. Морозов Г.В., Ромасенко В.Ф. Нервные и психические болезни. М.: 1979.
51. Низамов А. Суфизм в контексте музыкальной культуры народов Средней Азии. Душанбе. Ирфон. 2002.
52. Очерки истории древнего Востока. Ленинград, 1956.
53. Переломов Л.С. Конфуций. «Лунь юй». М.: «Восточная литература» РАН. 1998.
54. Религии Китая. (хрестоматия). Санкт-Петербург. 2001.
55. Ртвеладзе Э. Великий шёлковый путь. Гос. науч. изд. «Узбекистон миллий энциклопедияси». Т.: 1999.
56. Степугина Т.В. Китай в первой половине первого тысячелетия до н.э. (История древнего мира: расцвет древних обществ) М.: «Наука». Гл. ред. вост. лит. 1986.
57. Степугина Т.В. Первые государства в Китае (История древнего мира: расцвет древних обществ) М.: «Наука». Гл. ред. вост. лит. 1983.
58. Степугина Т.В. Идеология и культура Китая периода расцвета рабовладения (История древнего мира: расцвет древних обществ) М.: «Наука». Глав. ред. вост. лит. 1983.
59. Степугина. Возникновение государства и период Шан. История древнего мира (ранняя древность) М.: 1983.
60. Степугина Т.В. Расцвет рабовладельческого общества в Китае (История древнего мира: расцвет древних обществ) М.: «Наука». Гл. ред. вост. лит. 1983.
61. Степугина Т.В. Империя старейших династий

Хан (История древнего мира). М.: «Наука», 1983.

62.Сыма Цянь. Исторические записки.(Перевод с китайского и комментарий Р.В.Вяткина и С. Таскина) М.: 1975.

63.Синьцзян, китайская земля: прошлое и настоящее. Синьцзянское народное изд. КНР, Урумчи, 2006.

64.Торчинов Е.А. Даосизм. Санкт-Петербург. 1998.

65.Торчинов Е.Б. Религии мира. Санкт-Петербург. 2002.

66.Ходжаев А. Циньская империя и Восточный Туркестан в XIIIв Т.: Изд-во «Фан», 1991.

67.Ходжаев А. О самой ранней китайской транскрипции этнонима тюрк (Актуальные проблемы китаеведения: вопросы филологии, политики, экономики и философии).Т.: 2006.

68.Хан В.С. Корейская философия. Ташкентский государственный институт востоковедения. 2004.

69.Хрестоматия по истории древнего востока. М.: Изд. «Высшая школа».1980.

70.Ходжаев А. Китайский фактор в Центральной Азии. Т.: «Фан», 2007.

71.Яблоков И.Н. Религиоведение. М.: «Гидрарики», 2000.

72.Щуцкий Ю.К. И Цзин - Китайская классическая книга перемен. Феникс. Ростов на Дону, 1998.

73.100 великих богов М.: «Вече», 2003.

74.100 великих пророков и вероучителей. М.: «Вече», 2003.

Инглиз тилида

75.Ch'en E.M. Tao as the Great Mother and Influence of Motherly Love in the Shaping of Chinese Philosophy (History of religions. Vol 14. No1) 1974.

76.Khan J.M. Preliminary Report on Kot-Diji. Karachi 1958.

77.Crossman C.L. Decorativ Arts of the China Trade. Suffolk, Antique Collector's Club. 1991.

78.History: Korea, its history and culture. Published by Korean Oversease Information Service. Seoul.1994.

79.Swami Prajanananda. A historical study of Indian Music. Printed by Print India. New Delhi 1981.

Диний-фалсафий манбалар

80. Куръони карим.
81. Шицзи.
82. Лун юй.
83. Дао дэ-цзин.
84. Цзин син.
85. Го юй.
86. Ицзин.
87. Шу-цзин.
88. Шицзин.
89. Чуньцю.
90. Сутта-нипата.
91. Бхагавад-гита.
92. The Rig Veda.
93. Цзочжуан
94. Сан Ши Эр Сян Цзин.
95. Си Чжоу Цзин.
96. Чжуан Лун Ван Цзин.
97. Гуан Ин-цзи.
98. Менцзи.
99. Цуй Ши. «Халқнинг тўрт синфи учун ойлик Қонуни» трактати.
100. Сюн-цзи.
111. Чжуан цзи.

Мундарижа

1. Кириш.....	3-5
2. Қадимги Хитой тарихи.....	5-13
3. Хитой давлатчилиги тарихи	13-18
4. Шан-Ин сулоласи.....	19-28
5. Чжоу сулоласи.....	28-46
6. Чжанго – жангари подшоликлар даври.....	46-53
7. Цин сулоласи.....	53-67
8. Буюк Хитой девори.....	67-72
9. Хан сулоласи.....	72-90
10. Уч подшолик даври.....	90-92
11. Суй сулоласи.....	92-101
12. Тибетнинг мухтасар тарихи.....	101-105
13. Буюк ипак йўли	105-111
14. Қадимги Хитой ижтимоий-сиёсий тизими.....	112-136
15. Хитой диний мифологияси.....	137-145
16. Конфуций таълимоти.....	145-200
17. «Лун юй» матнидан айрим парчалар.....	201-215
18. Конфуций ҳаёти ва фаолияти хронологияси.....	215-217
19. Кореяда конфуцийлик.....	219-224
20. Даосизм.....	224-271
21. «Дао-дэ цзин» матнидан айрим парчалар.....	271-283
22. Хитой буддизми.....	283-307
23. Ламаизм -Тибет буддизми.....	307-313
24. Хитойда ислом.....	317-319
25. Қадимги хитой маданияти.....	319-332
26. Хитой адабиёти.....	332-345
27. Хитой музикаси.....	345-350
28. Хитой миниатюра санъати.....	350-353
29. Хитой меъморчилиги.....	353-360
30. Хитой хунарамандчилиги.....	360-361
31. Мустақиллик йилларида хитойшунослик.....	362-364

32. Сўнги сўз ўрнида.....	365
33. Монографиянинг инглиз тилидаги мухтасар мазмуни.....	366-367
34. Тарихий, диний-фалсафий, ижтимоий-сиёсий атамаларнинг изоҳли тавсифи.....	368-374
35. Хитой Халқ Республикаси ҳақида қисқача маълумот.....	375-378
36. Адабиётлар рўйхати.....	377-382

Мухтарам ўқувчи!


Мазкур монографияни нашрга тайёрлашда ўз кўмак ва маслаҳатларини дариғ тутмаган устозлар – тарих фанлари доктори, профессор А. Ҳасанов, тарих фанлари доктори, профессор А.Хўжаев ҳамда Тошкент ислом университети ва Ўз.Р ФА қошидаги Алишер Навоий номли Давлат Адабиёт музейи илмий кенгаши аъзоларига чин дилдан миннатдорчилик билдирамиз.

Н.Ф. Низомиддинов

**ҚАДИМГИ ХИТОЙ ТАРИХИ,
ДИНИЙ ЭЪТИҚОДИ
ВА МАДАНИЯТИ**


Тошкент – «Fan va texnologiya» – 2014

Мухаррир: М.Миркомилов
Тех. муҳаррир: М.Холмухамедов
Мусаввир: Д.Азизов
Мусахҳиҳа: Н.Ҳасанова
Компьютерда
саҳифаловчи: Ш.Миркосимова



E-mail: tipografiyacent@mail.ru Тел: 245-57-63, 245-61-61.
Нашр.лиц. АЛ№149, 14.08.09. Босишга рухсат этилди 19.11.2014.
Бичими 60x84 1/8. «Times Uz» гарнитураси. Офсет усулида босилди.
Шартли босма табоғи 47,75. Шартли нашр босма табоғи 48,0.
Тиражи 300. Буюртма № 201.

«Fan va texnologiyalar Markazining bosmaxonasi» да чоп этилди.
100066, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 171-уй.



Муаллиф ҳақида мухтасар маълумот

Н.Ф.Низомиддинов 1947 йили Тошкент шаҳрида туғилган. 1965-1970 йиллари Тошкент Давлат университетининг шарқ факультети ҳамда Ҳиндистоннинг Лаҳнау университетиде ўқиган. 1971-1991 йиллари Ҳиндистон ва Покистонда ҳинд, урду ва инглиз тиллари таржимони бўлиб ишлаган даврида «Brahma Kumaris World Spiritual University» — «Брахма кумарийларнинг дунё руҳий университети» филиалида Ража йога таълимоти ва амалиёти бўйича таҳсил кўрган. 1996 йили эса, Италияда «Ташқи савдо институти»нинг махсус «маркетинг ва менежемент» курсини тамомлаган.

Н.Ф.Низомиддинов 1994 йили номзодлик ва 2001 йили докторлик диссертациясини ёқлаган. У «XV-XIX аср Ҳиндистон туркий тили ва адабиёти», «Жануби-Шарқий Осиё диний-фалсафий таълимотлари ва ислом»; «Шарқий Осиё диний-фалсафий таълимотлари ва ислом», «Ҳиндистонда ислом: тарих, ижтимоий-сиёсий ҳаёт ва ҳинд-муслмон маданияти, Ҳинд мумтоз мусиқаси ва чолгу созлари», «Жанубий, Жануби-Шарқий ва Шарқий Осиё халқлари қадимги тарихи, диний эътиқоди, маданияти», «Буёқ бобурийлар тарихи» (XVI-XIX аср), «Инфаркт бўлмайдесангиз ё инфарктдан сўнг — яшангиз» номли тўртта монография, ҳамда бобурийлар тарихи, шарқ тиббиёти, ҳинд кино санъати, мусиқаси мавзуларида Тошкент ва шунингдек Бешкек, Ашхабод, Деҳли, Калькуттада чоп этилган ўттиздан зиёд илмий-оммабоп мақолаларнинг муаллифи.

Н.Ф.Низомиддинов 1991 йилдан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейида етакчи илмий ходим бўлиб ишлайди.

Алоқа телефони: 608-91-27, 240-60-45

E-mail: a_navoi@uzsci.net

FAN VA
TEKNOLOGIYALAR

ISBN 978-9943-975-50-7



9 789943 975507